

Иброҳим АЗИМ

84 (59)6

A 18

ОМАДСИЗ ОШИК



**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

Иброҳим АЗИМ

ОМАДСИЗ ОШИҚ

Роман



Тошкент
“IJOD-PRESS”
2017



УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

Қ 88

Тақризчи:

Набижон ҲОШИМОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Азим, Иброҳим.

Омадсиз ошиқ: роман / И. Азим. – Т.: IJOD-PRESS, 2017. – 288 б.

ISBN: 978-9943-994-69-0

Ушбу қиссада ўтган асрнинг олтмишинчи-етмишинчи йилларида юртимизга хос ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаёт бир қишлоқ йигити – Баҳромнинг соддагина, беғубор севгиси кечинмаларига уйғунлаштириб берилган. Асар қаҳрамонининг оддий, тортинчоқ ўқувчиликдан ўқимишли, зукко, гапга чечан, маънавий етук, жисмонан чиниққан журналист даражасига етишиши ва асар сўнгида ўз мақсадига машаққатлар билан эришиши акс эттирилган.

Қиссада қаҳрамоннинг муҳаббати кутилмаган тўсиқларга дуч келиб, севиклисидан жудо бўлиши саргузашт-детектив воқеликлар билан боғлаб баён этилган.

Асардаги воқеалар қисман реал воқеаларга асосланган. Китобхон улар билан танишаркан, тарбиявий, маънавий кўникмаларга эга бўлади, деб умид қиламиз.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

ISBN: 978-9943-994-69-0

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2017

*Ушбу романимни онам — Тожи ая Аб-
димаҳмад қизининг ёрқин хотирасига
бағишлайман!*

Биринчи қисм ОМАДСИЗ ОШИҚ

Ўрта мактабни битириш арафасида синфимизнинг деярли ҳамма ўғил болалари ёппасига севги касалига чалиндилар. Балоғат ёши пиллапоясига қадам қўйган биз — йигитчаларнинг навқирон қалбларига аллақандай ҳислар бирваракай ёпирилиб киргандек. Ҳадемай, давлат имтиҳонлари топширадиган синф бўлишимизга қарамасдан, дарслар қулоғимизга кирмас, хаёлимизни аллақандай туйғулар эпкини турли томонларга тортқилар, вужудимизни қамраган ҳислардан сармаст эдик. Бу ҳисларни айрим болалар ҳеч кимдан яширмай қайси қиз билан, “юраётганлиги-ю”, нима совға қилганлигини ҳаммага дастурхон қилиш билан баён этса, бошқа йигитчалар шапалоқдеккина қоғозга мактуб битиб севиклисининг дугонасидан бериб юборганлигини дўстига шипширди. Менинг ўша синфдошларимга ҳавасим келса-да, тортинчоқлигимми ёки журъатим етмасмиди, кўнглимга мос қизларга сўз қотмоққа ботинолмасдим. Ваҳоланки, ёшлигимдан китоб ўқишга иштиёқим баланд, анча-мунча севги-муҳаббат ҳақидаги асарларни ҳам туширганман, ақлим ета бошлагач, аллақандай ҳислар уйғониб, ўзимда бир оз дадиллик пайдо бўлганди. Энди синфдошларимнинг кўз ўнгимдаги хатти-ҳаракатлари, ўзимнинг вужудимдан шиддат билан отилиб чиқишга уринаётган вулқонсимон ҳислар зўравонлиги ўз таъсирини ўтказмай қўймади. Мен ҳам тенгдошларим каби нафақат синфимизнинг, балки бир-икки синф қуйи синфларнинг кўз-

га кўриниб қолган қизларига ҳар хил илмоқли гаплар ташлайдиган, сочларидан, кийимларидан тортиб тега-жоғлик қиладиган, баъзан йўлларини тўсиб, қўлларини орқасига қайирадиган, тегажоғликлар қиладиган бўлдим. Ёлғиз бундай “ботирлик” қаёқда! Ўртоқ бўлиб қолган болалар билан бирга бўлсам журъат этардим, албатта.

Синфимизда қизлар сони жуда кам, шу боис улар ўртоғимиздек бўлиб қолишган, ошиқ ўғил болалар учун маслаҳатгўй, сирдош, қолаверса, почтальон эдилар.

Кечқурун тўрт нафар синфдош ўртоқлар бирортаминикига имтиҳонларга тайёргарлик кўриш учун йиғиламиз. Дарс тайёрлаш қаёқда, қизлар ҳақидаги суҳбатимиз бошланиб кетарди.

Иккитамиз “юрадиган”, мен билан Улуғбек ўртоғимиз “бўш” бўлганимиз учун суҳбатимиз мавзуси бизларга қаратилади, баҳс қизийди.

— Аслида, ўзинг латтасан, — деб Улуғбекни яний бошлайди икки йиллик “стаж”га эга Собир. — Ўзингдан икки ёш кичкина қиздан ҳам уяладими йигит деган.

— Хатимни олмаса нима қилай? — дейди Улуғбек ўзини оқлашга уриниб.

— Сен хат берма, совға бер! — ўргатади Собир. — Қизлар совғани яхши кўришади.

— Топган қизинг ҳозирдан совғага ўч бўлса, уйланганимда болаларини боқаманми, совғага етказаманми?

— Сен олдин Матлубани ром этиб олгин, боқишу совға қилишлар бир гап бўлар...

— Худди шу ром этиш боқиш-у, совғалардан кўра қийинга ўхшаяпти.

— Ҳа энди, “жон куйдирмасанг, жонона қайда” деганлар, — кулади Собир. — Ишқ йўлида керак бўлса Фарҳод бўлиб тоғни ағдарасан, Мажнундан баттар кўйга тушасан.

— Лекин ҳозирги қизларга жасорату Мажнунликдан кўра, совға-салом ёқади, деб ўзинг айтдинг-ку!

— Ҳа энди, дўстим совға олмоққа қийналмай қўя қол-син, жасорат кўрсатса бирорта эътибордан қолган, элов-сиз қизнинг қалбини забт этар, девдим-да, — кесатди Собир.

— Нега ўзинг ичмайдиган ошни бировнинг олдига қўймоқчи бўласан-а? — хуноб бўлади Улуғбек ўртоғимиз-нинг ҳазилини тўғри қабул қилиб.

— Меҳнат қилиб, жасорат кўрсатувчилар овқат тан-лаб ўтирмайдилар, қанақаси дуч келса, паққос тушириб кетаверадилар, — дейди Собир яна Улуғбекнинг жиғига тегиб.

Умуман, Собирга гапда бас келолмайсан. Ичи тўла гап билан туғилганми, дейсан.

Бу борада мен билан Улуғбекнинг унга жуда ҳаваси-миз келади.

Яқинда синфимизга ва орамизга қўшилган Усмон бир-бир ярим ёш катталигига бориб қизлар билан “юриш” борасида биздан “бир-иккита кўйлак ортиқ йиртган”. Ҳозир эса тўққизинчи синфда ўқийдиган Гулруҳ билан хат ёзишиб туради. Усмоннинг мамнунлигига қараганда қиз унга юрагини батамом топшириб қўйган кўринади.

— Сен бу юришингда уйланомай, хотинсиз ўтиб кетасан-ов, — Собир энди менга ҳужум бошлади. — Сен-да юрак борми, у ҳеч жизиллайдими, йўқми? Бунақада бошқаларда сен ҳақингда ёмон фикрлар пайдо бўлиши мумкин.

— Менга аталгани ҳали қулоғи тешилмаган, қўғирчоқ ўйнаб ўтирибди, — дедим ҳазил қалқони билан Собир-нинг ҳужумидан муҳофазаланиш учун.

— Ҳали туғилмаган, деб қўяқол! Демак, жисмингда ростдан ҳам нуқсон бор шекилли. Йўқ, дўстим, шун-дай бўлган тақдирда ҳам эл-юрт, тенгдошларимиз кўзига ўзингнинг йигит эканлигингни, ноқис эмаслигингни кўр-сатишинг керак. Бўлмаса, сен уялмасанг, мен уяламан.

— Тўғрисини айтсам, қизларга дуч келганимда, нафақат гапимни, шунингдек, ўзимни ҳам йўқотиб қўяман.

— Бўлмаса, эртадан бошлаб соямдек ортимдан қолмай юрасан, мен гап отган қизга сен ҳам гап ташлайсан.

— Бировга қўшилиб юрганда гапириш осон, лекин ёлғиз ўзим довдираб, гапиролмай дудуқланиб қоламан-да.

— Гапиролмасанг, ана, Усмонга ўхшаб сен ҳам хат ёз.

— Кимга?

— Ким кўнглингга ёқса, ўшанга.

— Менинг кўнглимга ёқса-ю дўстларимга, уйдагиларга ёқмаса-чи?

— Уйдагиларни, дўстларингни қўявер, ўзингни хурсанд қилиб юравермайсанми? Нима, унга уйланармидинг?

— Ие, танлаб-танлаб, кўнглимга ёққан қизни топганимда унга уйланмайманми ҳали?

— Уйлансанг уйланаверасан. Лекин бизнинг ёшимизда чинакам севги қаёқда, ҳаммамизники ҳавас, енгил-елпи, беқарор муҳаббатдан бошқа нарса эмас. Агар биз уйланадиган давргача бу севги турли синовларга, айрилиқларга бардош бериб, барқарор қолсагина чинакам муҳаббатга айланиб, бахтли бўлишимиз мумкин. Ҳозирги “севдим, ёндим-куйдимлар” бизнинг йўлимиздаги ўткинчи ҳавас, холос.

— Нима, бир қизнинг кўнглини чил-чил синдириб ташлаб кетаверамизми?

— Сенга айтсам, бизларнинг севгимиз каби қизларники ҳам ҳою ҳавасдан бошқа нарса эмас. Агар йиллар синовидан ўтсанг, уйлансанг уйланаверасан, лекин камдан-кам одамлар ёшликда берган кўнгли бўйича турмуш қурадилар.

— Қанақа синовлар бўлиши мумкин?

— Бундай синовлар кўп. Айтайлик, вақт ўтган са-

йин севган қизингнинг гўзал чеҳраси ортига яширинган чинакам қиёфаси — ички дунёсини кўра бошлайсан. Ички дунёси — феъл-атвори қайсар эшакнинг тўқим табиатига ўхшаган, бефаросат, ибо-андишадан йироқ, ўзидан бошқани хуш кўрмайдиган, тақинчоқлару пардоз-андозга муккасидан кетган-у, аммо уй тутишда эпсиз, шалтоқ, рўзгорнинг баракасини учирадиган ўғритомоқ, ҳозир сенга билдирмаган тили ҳам киши билмас бир қарич — қарғишлару ғийбатдан бошқасига айланмаса, турмушингда сенга дилбарлик қилиш ўрнига бошингга чиқиб ўтириб олса, қаерга қочасан, а? Вақт ўтгандан кейин афсус фойдасиз, ажрашадиган бўлсанг дунёга келган фарзандларингни тирик етим қилиб, уларнинг беғубор кўнглини чил-парчин синдирасан, сенга шу маъқулми? Ота-оналаринг, қавму қариндошларинг сизларнинг турмуш қуришларингни маъқуллайдиларми, йўқми, буниси ҳам ҳали номаълум.

— Вой-бў, қизлар ҳақидаги билиминг профессорларникидек-ку! — дедим Собирнинг асосли гапларига ҳайратланиб. — Қаердан биласан шунча нарсани?

— Сен кўп китоб ўқийсан-у, ундаги воқеаларни ҳаётий деб ўйлайсан. Мен чойхонада отамга қарашиб, одамлардан ҳақиқий ҳаётий гапларни эшитаман.

Шу пайт Собирнинг бошига ёстиқ учиб келиб тегди.

— Ухласанглар-чи, — деган Усмоннинг овози келди солинган ўринлар чеккасидан. — Насихатинг жуда чўзилиб кетди сен — кекса-қарининг. Баҳромга бундан кўп гапирсанг ҳам фойдаси йўқ. Барибир қизларнинг олдида борганда гапи тугул ўзиниям йўқотиб қўяди.

— Шунинг учун унга ёрдам бериб кўзини очайлик, дейпман-да, — бўш келмади Собир. — Моладан чиқарилган ҳўкиздедек ётавермай, келинлар, Баҳромнинг кўнглига қайси қиз ёқишини билайлик, агар кўз остига олгани бўлмаса, излайлик.

Собирнинг таклифи маъқул тушдими дейман, аллақачон ётиб олган уйқучи Улуғбек ҳам Усмоннинг ортидан туриб келиб ёнимдан жой олди.

— Энди гапир, қайси қиз кўнглингга ёқади? — Собир терговчилардек сўроқни бошлади.

— ...

— Агар чинданам ҳеч кимга кўнглинг кетмаган бўлса, унда сенга ўзимиз топамиз, — қўшилди Усмон. — Кел, божа бўламиз, Назокатнинг опаси — ўзимизнинг синфдош Гулруҳ ҳеч ким билан юрмайди. Ўзиям аълочи, чиройли.

— Ва ўлгудек тўнг, — гапни илиб кетдим ўзим. — Йўқ, бўлмайди. У билан шу пайтгача ҳеч ким ош-қатиқ бўлмаганлигини ўзинг яхши биласан.

— Унда Ҳикоят билан гаплашақол, — қўшилди Собир. — Бемалол синфимизда гаплашавериш имкони бор.

Бир зумда Ҳикоят билан ўзимни таққослаб, кулиб юбордим:

— Жиблажибон билан каптар жуфтлашганини кўрганмисан? Ўнинчи синфни тугатаётганимда аттестат ўрнига жиннилик маълумотномасини тутқазиб қўйишар, дейман.

— Менда таклиф бор, — баҳсимизга қўшилди Улуғбек. — Ҳамонки синфимизда номзод топилмадими, энди тўққизинчи синф қизлари орасидан қидириш керак. Бу ишда уларнинг синфбошиси Латифа ёрдам бериши мумкин. У аммамнинг қизи, йўқ демайди.

— Латифанинг ўзи-чи? — кулди Собир.

Юрагим дукиллаб, тез-тез уриб кетди. Чунки Собир аниқ нишонга урганди. Латифа мактабнинг кўзга кўринган қизларидан бўлиб, менга жуда ёқарди.

— Уни илинтириш осон эмас, — деди Усмон. — Ошиқлари кўп. Бизнинг, ўзининг синф болаларидан беш-олтитасти Латифанинг шайдолари эканлигини биламан.

— Нима бўпти? — Собир яна суҳбат сардорлигини олиб.
— Гап ошиқларнинг кўплигида эмас, қизнинг кўнглига йўл топишда. Агар ошиқлари мингта бўлса ҳам улар орасидан кўнглига ёққанини дейди. Ажабмас, Баҳромнинг юзи иссиқ кўриниб қолса.

— Қизлар ўзининг ошиқлари кўп бўлишини ёқтиришади, — Усмон бўш келмай ўз фикрини давом эттирди. — Чунки улар орасидан бойваччароғиними, чиройлироғиними танлаб олади ёки сўзамолроққами, уддабуронгами лаққа тушади-қолади. Баҳром у томондан ҳам, бу томондан ҳам сиқилган, танловда тушиб қолар-ов.

Тўғриси, Усмон ҳақ гапни айтган бўлса-да, кўнглим бир оз озор чекди. Наҳотки, мен шундай имконияту бахтлардан бенасиб бўлсам?!

— Сен ўзингнинг ҳар қандай париваш қиз муҳаббатига лойиқ, қалби пок йигит эканлигингни фақат хат ёзибгина баён этишинг мумкин.

Собирнинг ичимдагини ўқигандек билдирган фикрлари менда умид уйғотди. Шу умиднинг ҳаётбахш нурлари юрагим тўрини ёрита бошлади. Латифани ўйлаганим сайин ҳаяжон босиб, пешонамни, баданларимни тер босди.

— Таклифимиз маъқул бўлдимиз, дейман, ич-ичингдан жилмайяпсан, кўзларингдан мисоли ўт чақнаётгандек, — деди Собир. — Энди кўнглимиз тўқ, ухласак ҳам бўлади. Хатни эртага ёзасан. Унгача ўзинг яхшилаб ўйлаб кўрарсан, Латифа тўғри келиш-келмаслигини.

Эртасига кечгача Латифа хаёлимни бир зум ҳам тарк этмади. Дарс чоғида доскадан, китоб, дафтар саҳифаларидан жилмайиб турган Латифа сиймоси кўринаверди. Ўқишдан қайтганимда уйда ҳам хаёлчанлик таъқибида эдим. Кунда бажарадиган ишларим ҳам ажабланарли бўлди. Молларнинг олдига сувсиз челақни қўйиб кетибман, томорқага сувни тараб қўйиш ўрнига битта

жўякка ҳайдабман. Ойим ҳатто: “Ҳой бола, сени нима жин урди, ҳатти-ҳаракатларинг пойинтир-сойинтир бўлаяпти”, деб танбеҳ бериб қўйдилар.

Бугун Улуғбекларникидамиз. Ҳар кунгидек наридан-бери дарс қилган бўлдигу, кейин телевизорда футбол кўриб, шахмат ўйнаётганимизда Улуғбек ўйин бузуқлик қилди — ўйинимиз энг қизиқ жойига келганида тахта устига сочиқ ташлади. Жиғибийрон бўлиб унга қарата ёстиқни физиллатик. Ёстиқ қайта ўзимизга қараб учди. Кўпинча ёстиқ отишмаси курашга айланиб кетади. Бу ўйинимиз чарчагунимизча давом этади. Кўрпа-ёстиқлар увадага айланиб кетса-да, оналаримиз бизнинг иноқлигимиздан мамнунликларидан индамай қўяверишади.

— Баҳром, кеча Латифага хат ёзмоқчийдинг ўзингча, — деб Собир менга гап ташлаб қолди обдон ухлашга ётганимизда. — Кеча нақ унинг ишқида Фарҳоду Мажнун бўлаётгандинг, бугун тутантириқдек тутаб қолибсанми, дейман.

— Йўғ-е, — дейман хат ёзмоқ мавридини кута-кута охири ёдимдан кўтарилганидан хижолат тортиб, — ҳозир ёзиб ташлайман.

Мен қайта кийиниб қоғоз-ручка билан хонтахта чеккасига чўкдим. “Ҳозир ёзиб ташлайман” деб катта кетворибман шекилли. Лоақал қандай бошлашни билмайман, денг. Ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят “Қадрли Латифахон” деб бошлашга қарор қилдим. Қайта-қайта ёзиб-ўчириб, ниҳоят тонгга яқин хатни ёзиб тугатдим.

“Қадрли Латифахон! Сенинг хулқу фазилатларинг, камтарлигинг менга жуда ёқади. Шунинг учун сендек дўстим бўлишини жуда-жуда истардим. Сендан илтимос, менинг дўст бўлиш ҳақидаги ушбу таклифимни рад этманг”, деган ярим қатъий, ярим йиғлоқи мактубим мазмуни шундай эди.

Эрталаб мактабга жўнаш олдидан хатни ўртоқларим бир-бир ўқиб чиқишди.

— Қисқа эмасмикин? — фикрини билдирди Усмон.
— Маҳоратингни ишга солиб ўзини бўйнингга ташлаб йиғлаб юборадиган қилиб ёзсанг бўлармиди?

— Қисқаси яхши, — деди Собир. — Бу Латифанинг эътиборини тортадиган қармоқ бўлиши керак. Агар бу хўракка илиниб қолса, унда Усмон айтганидай қилиб ёзасан.

Мени ҳозир хатнинг натижасидан кўра уни Латифага қандай қилиб бериш кўпроқ ташвишга солаётганди. Унга дуч келиб мақсадимни айтмоқни тасаввур қиларканман, мени маржон-маржон тер босарди.

Бу ҳолат дарслар тугагунча тарк этмади.

— Хўш, хатни бердингми? — шивирлади Собир охирги дарс тугаб, кетишга чоғланаётганимизда.

— Йўқ, — дея бошимни тебратдим.

— Шунақаям одам бўладими? — жеркиди Собир хуноб бўлиб. — Шу битта хатни ўзингдан кичик қизга беролмасанг.

— Хатимни олмаса-чи, ерга кириб кетаман-ку! — дедим бўшашиб.

— Менда бир таклиф бор, — гапга қўшилди Улуғбек, — хатни китоб ичига солиб бер. Аълочи қизлар бадий китобларни яхши кўришади.

Шу кунийёқ кўпчилик севиб ўқийдиган китоб орасига хатни жойлаб сумкамга тикдим.

Эртасига дарс соатларини амаллаб ўтказдим. Мақсадим, кетишга кўнғироқ чалиниши билан дарсдан чиқиб, боқ Латифанинг йўлига чиқиш. Негаки, у уйи томонга ёлғиз кетади. Китобни қўйнимга солволганман.

Лекин ҳолатимни таърифлашга ожизман. Юрагим қинидан чиққудек бўлиб икки баробар қаттиқроқ урарди. Вужудимни енгил титроқ банди этган.

Наҳотки, битта хатни бериш шунчалик мушкул бўл-

са?! Барча севишганлар илк танишувларида менчалик ҳаяжонланганмиканлар?!

Ниҳоят, кўнғироқ чалиниб, мен биринчилар қаторида ўзимни эшикка урдим. Қадамимни тезлатиб мактаб боғининг энг чекка жойига бориб турдим. Чунки Латифанинг йўли шу боғнинг чеккасидан ўтади, одамлар қатнови сийрак. Бирортаси кўриб қолишидан хавотирланмаса ҳам бўлади.

Латифа кўринди. Қанчалик ўзимни тутишга уринмайин, вужудимдаги титроқни қуволмадим. Гўё айбдор ўқувчидек қизариб кетганимни юзларимнинг қизиганидан ҳис қилиб турардим. Шу ҳолатимга қарамай кўйнимдаги китобни чиқариб олдим.

— Латифа, — деган ярим қалтираган товушим аранг чиқди у яқин қолганда. Назаримда овозим қалтираб чиққанидан “Латифа” деган сўз ўзимга “Латипа опа” бўлиб эшитилди, — мана шу китобни сенга олувдим.

Ҳар доимгидек ерга термулганича келаётган қиз ялт этиб менга қаради. Кўзларидан бамисоли олов шуъласи таралгандек бўлди. Қизнинг нигоҳларида ҳайрат билан ҳайронлик маъноларини ўқиш мумкин эди. Менинг ҳолатим ўзиникидан ҳам баттарлигини зийраклик билан фаҳмлаб олди шекилли, хижолатга ўрин қолдирмайдиган такаллуф ила китобга қўл чўзди.

— Раҳмат, — деди ним табассум билан ортиқ ҳеч сўз айтмай йўлида давом этди.

Латифанинг бу лутфу эҳтироми бир муддат мени сеҳрлаб қўйди. Хаёлимни йиғиб, ўзимнинг ҳануз мактаб боғининг бурчагида турганлигимга ақлим етгач, келган йўлимга томон шахдамгина, елкамдан тоғ қулагандек қайтдим.

Менинг қувончим чексиз, баҳор фасли эркалаб чамандек гуллар билан безаган мактаб боғидаги дов-дахтлару атиргуллар тароватига уйғун эди гўё.

Уйга келиб ҳар кунги юмушлардан ташқари, онам айтган-айтмаган ишларни ҳам бажариб ташладим. Мақсадим, тезроқ вақт ўтказиш ва Собирларникига учиб бориб бугунги кулган бахтимни айтиб бериш эди.

— Овқатингни еб кетмайсанми? — деганларича қолавердилар онам орқамдан.

— Собирларникида бўламиз, — деб ортимга қичқирдим оёғимни дарвоза ичкарасидан узарканман.

Дўстимникига келсам Усмон билан Улуғбек ҳам шу ерда экан.

— Сенинг қандай хабар билан келишингга қизиқиб, қачон эди келганимиз, — илжайди Улуғбек. — Қани бўлақол, ёрил тезроқ.

— Собир қани, ҳамма йиғилсин.

— Мен шу ердаман, — деб Собир бир лаган ош кўтариб кириб келди.

Ош устида бугунги унутилмас воқеани янаям таъсирланиб гапириб бердим.

— Зўр бўлибди-ку! — деди Усмон. — Мен ҳеч нарса қилолмай, шўппайиб қайтсанг керак, деб ўйлагандим.

— Китобнинг ичидаги хатни албатта кўради ва ўқийди. Ҳамма гап унинг қандай муносабат билдиришида, — фикрини айтди Улуғбек.

— Менимча, Латифа Баҳромга бефарқ эмас, — хулоса чиқарди Собир, — акс ҳолда китобни олмай, йўлига кетаверарди.

— Агар шу қиз бугун-эрта хатингга жавоб қайтарса, у енгил-елпи ўйлайдиган, ҳавас севги домига тушган бўлиб чиқади, — Усмон фол очишга киришди. — Лекин ойлар ўтиб, ўзининг ижобий муносабатини билдирса, унда сен энг бахтли йигит бўласан.

— Бундан чиқди, жавобини кутиб юравер қанча вақт ўтса ҳам, демоқчимисан? — қизишди Собир. — Балки, у умуман жавоб ёзмас.

— Кутиш керак, негаки ақлли қизлар ўз келажакла-

рини жиддий ўйлаб кўрадилар, хулоса чиқаришга шошилмайдилар, — Усмон кўлидаги қошиқни ликиллашиб ўйнарган, сўзининг давомини айтишга шошилмади. — Жавоб бермаслиги ҳам мумкин. Чунки мулоҳазали, доно қизлар хат ёзган киши ёқмаган тақдирда уни хафа қилмаслик учун жавоб ёзмай кўя қоладилар.

— Нега сен масаланинг нуқул ёмон томонини ўйлайсан-а, Усмон? — гапга аралашди Улуғбек. — Сен қизларнинг ўйидаги фикрини қаердан билиб ўтирибсан?

— Озгина каллангни ишлатиб кўрсанг, масаланинг моҳиятини билиб олиш қийинмас, — жавоб қайтарди Усмон.

— Ундай бўлса, Матлуба нега менинг хатимни дарҳол рад этганлигини ҳам айтиб берарсан?

— Юқорида шундай саволга жавоб бўладиган фикримни айтдим, — деди Усмон Улуғбекнинг саволига совуққон оҳангда. — Сен у қизга ёқмаслигинини силлиқ қилиб эмас, кўполдан кўпол билдириб кўя қолибди. Демак, ақли ҳам шунга яраша калтароқ шекилли. Вақтида қутулганингга шукур қил.

— Ҳа, феъл-атвори кўполгина ўша Матлубанинг, — Усмоннинг фикрига мурасасозлик қилди Улуғбек.

— Тўғри-да, — гапга қўшилди Собир, — армияга бориб келмагунча қизларга ишониб бўлмайди, кўпинча бевафолик қилиб эрга тегиб кетишади. Шунинг учун ҳозирги бу ўлдим-куйдимлар ўткинчи ҳислардан бошқа нарсаси эмас.

— Лекин Латифани бундай енгил-елпи, ўлдим-куйдимлар тоифасидан, деб ўйлама. У ҳақиқий муҳаббат, вафодорлик, садоқат йўлини танлайди.

* * *

Айни баҳорнинг ўтган ҳар бир гўзал дамлари хатга жавоб кутишдек энтиктирувчи умидларимни йўққа чиқар-

ганча мендан узоқлашиб борарди. Бу орада бизнинг ва Латифаларнинг синфи биргаликда тоққа саёҳатга чиқдик. Тоғда унга қанча яқинроқ бўлишга уринмайин, ҳаракатларим зое кетди, у синфдош қизлардан бир қарич узилмасди. Бунинг устига Латифанинг атрофидан менинг бошқа рақибларим ҳам соядек узоқлашмасдилар. Хуллас, тоққа саёҳат мен учун мазмунсиз сафар бўлиб қолди.

Менинг умидим биз мактаб билан хайрлашадиган кунгача рўёбга ошмади. Чорёр ўртоқларим нозик ҳиссиётли, ўта таъсирчанлигимни билишгани боис чекаётган изтиробларим биргина хатимга жавоб келмаётганлиги туфайли эмас, балки Латифани астойдил севиб қолганим сабабли эканлигини англаб етишган ва хавотир ола бошлагандилар.

— Хатингга жавоб бермаётганлигига сабаб — уялаётган бўлса керак, — тасалли беришга уриниб дейди Собир. — Ҳарҳолда иболи, андишали қиз.

— Сукут — ризолик аломати, деганларидек, балки бу муносабатларни давом эттиришга бир ишорадир, — фикрини билдирди Усмон.

— Ҳар иккингиизнинг гапингизда жон бор, — гапга қўшилди Улуғбек. — Бу қиз арқонни узун ташлаяпти. Ақлли қиз эмасми, бирданига муносабатларни авж олдириб юбормоқчимас, шу билан бир қаторда бутунлай умидсизлантириб қўймоқчимас. Агар рад жавобини айтадиган бўлса, аллақачон айтарди. Яна билмадим, балки эсингда бўлса Собир бошда айтганди: “Баъзи қизлар ошиқлари кўп бўлишини истайдилар, чунки улар орасидан ўзига муносибинини танлаб олиши осон бўлади” деб. Балки Латифа ҳали ёшлиги учун танлаш имкониятидан фойдаланмоқчидир.

— Нима қилишим керак? — ўртоқларимга илтижоли боқдим.

— Яна бир марта хат ёзиб кўр-чи, — маслаҳат берди Собир.

— Ҳа, масалага ойдинлик киритиш пайти келди. Латифанинг фикрини сўраб кўриш керак, — таклиф қилди Улуғбек.

— Хатингга жавоб бермаса ҳам қайғурма, дўстим, ҳали ёшмиз, олдимизда ҳарбий хизматга бориб келиш турибди, — гапни илиб кетди Усмон, — хизматдан қайтганда гуруринг ҳозиргидан кўра баландроқ бўлади, айрилиқ масаласи бўлмайди, энг муҳими, уйланиш ёшига етиб қоламиз.

Хуллас, ўртоқларимнинг далдаси-ю, Латифанинг фикрини ойдинлаштириб олиш мақсади менинг иккинчи мактубни ёзишимга туртки бўлди.

“Қадрли Латифахон! Менинг дўст бўлиш ҳақидаги таклифимга негадир ўз муносабатингни билдирмаяпсан. Буни қандай изоҳлашга бошим қотди. Дўстлашишингга нима тўсқинлик қилаяпти? Билишни истайман. Чунки сен билан муносабатлар боғлашга умид қилиш-қилмаслик берадиган жавобингга боғлиқ. Ижобий жавобингга умид қилиб қолувчи Баҳром”.

Латифага ёзган бу хатим ўртоқларимга ҳам маъқул келди шекилли, ортиқча фикр билдиришмади.

Айни мактабни битирув кечаси ўтадиган куни тантана бошланишидан анча барвақтроқ келиб аввалги хатимни берган жойимга бориб турдим. Чунки Латифа сувга ёки бошқа юмуш билан кўчага чиққудек бўлса, албатта, шу ердан ўтади.

Қарангки, ниятим ижобат бўлиб, челақ кўтарган Латифа кўринди. Яна аввалгидек вужудимни титроқ босди. “Ҳали лаб-даҳаним ёпишиб қолмасайди” деган кўркувни энгиб ўзимни кўлга олишга куч топдим.

— Латифа, сенга атаб битта шеър ёзгандим, ўқиб кўрасанми? — дедим у рўпарама-рўпара бўлганда бир оз ҳазиломуз.

— Вой ростданми, қани, ўқиб кўрай-чи, — деди у кў-

лини чўзаркан, оловдек ёнувчи зангори кўзларидан шуъла сочилди, гўё.

- Шеърни яхши кўрасанми?
- Жону дилим.
- Хатларни-чи?
- Бу ҳақида кейин.
- Жавобингни кутаяпман.
- Сабр таги — сариқ олтин.
- Менга ҳозир олтин эмас, аниқ жавоб керак.
- Илтимос, кетақолинг, акам кўриб қолади.


Латифанинг акасидан ҳадиги эмас, мени кетишга ўта самимий даъвати оғзимни юмишга мажбур этди.

Хатни берарканман, икки оғиз гаплашиб, унинг нафақат латофатли, балки теран ақл соҳибаси ҳам эканлигини пайқадим. Қизнинг хатимга жавоб қайтаришига аллақандай мулоҳазалар сабаб бўлаётганлигини тушундим.

Хурсанд қайтдим. Битирув кечаси бошланмаган, ўртоқларим бир чеккада тўдалашиб, гаплашиб туришарди. Собир мени кўриб, “Қалай бўлди?” дегандек им қоқди. Мен унга бош бармоғимни кўрсатиб кўйдим.

Битириш кечамиз тантанаси тугаб, ҳамма синфдошлар шодон тарқалишди. Назаримда, шу битирув оқшомидан кейин ҳаммалари анча ёшга улғайиб қолгандек эди. Чунки шунча вақт бирга ўқиб тўполонлар, ўзаро оғир-енгил ҳазиллар, бўлар-бўлмас уришиш-сўкишишлар билан кечган давр абадий ортда қолаётганини ҳис қилиб турган ўғил-қиз синфдошларим кўзёшлар-ла бир-бири билан хайрлашишар, баъзилари ўтган турли воқеаларни эслашиб, катталардек соғинч ҳисси билан муносабат билдиришарди. Бу ҳолатни кўриб, таъсирчан эмасманми, менинг кўзларимда ҳам ёш жилғачалари пайдо бўлди.

Таъсирланганлигимни пайқаган Собир ~~секкин~~ ^{давра}дан сирғалиб чиқди-да, тирсагимдан ~~чутиб~~ ^{сирғалиб} “Четга ўтай-



лик, гапим бор” деб кўчага етаклади ва Усмон билан Улуғбекка “юринглар” дегандек имо қилди.

Уйда онам ҳар доимгидек очик чеҳра ва эркаловчи сўзлар билан қарши олиб, дарҳол дастурхон ёздилар. Шу жойда онам ҳақида қисқароқ бўлса ҳам гапириб ўтмасам бўлмайди. Аслида, онам ҳақида бир китоб ёзса арзийдиган ибратли хотира бор. Чунки биз — ўн фарзандни ёруғ дунёга келтириб, тарбиялаб ўстирганларининг ўзи бир жасорат. Қолаверса, отам барвақт — кенжа укам туғилгандаёқ вафот этиб, оилани тебратишнинг бутун ташвишлари онамнинг зиммасида қолиб кетганди. Оила тўнғичи — опамиз эса педагогика институтига эндигина киргандилар ўшанда, акаларим Аҳад билан Элмурод ҳам касб-хунар билим юртида ўқишаётганди. Оиланинг беш фарзанди, жумладан, мен мактабдамиз. Қаранг, шундай харажатталаб шароитда бутун оилани тебратиш оддий уй бекаси бўлган онамизнинг зиммасида эди. Биз онамиз бошчилигида бир парча ерда помидор етиштирардик. Пишганда онам помидорни катта тоғораларга, яшикларга жойлаб қўярдилар. Эрталаб барвақт биз юкларни автобусга жойлаштириб, онамизни бозорга жўнатамиз. Уларни автобусдан қандай тушириб, ярим чақирим наридаги шаҳар бозоригача қандай етказиб боришларини ўйлаб кўрмас эканмиз. Лекин ёрдамлашишга ҳеч биримизни олмасдилар, “ўқишларингдан қолиб кетасизлар”, дердилар. Ўзлари эса тинка-мадори қуриган ҳолда бозордан кеч қайтардилар. “Ўлсин, бозор бутун жуда сушт, аранг сотдим-а, уч-тўрт килочаси қолиб кетдиам”, дея ҳорғин жавоб берардилар астагина. Камдан-кам ҳолатда эрта келардилар. Қайтишларида рўзғорга керакли озиқ-овқат билан бирор-та тансиқроқ егулик олиб келиб, бизларга улашадилар. Эртасига тонгда яна отланадилар.

Йиллар ўтиб акаларим Тошкентга ўқишга кетишгач, юкларни автобусга чиқариб жойлаштириш менинг

зиммамда қолди. Тонг-саҳарда “Тур, болам, автобус келадиган вақт бўлиб қолди” дейдилар онам бояқиш мулойимлик билан. Гоҳида онам бу гапни икки-уч марта қайтаришларига тўғри келиб қолади. Чунки мен “Хўп, ҳозир” дердим уйқу зўрлик қилиб кўзларим юмилиб кетади. Баъзан эса онам уйғотадиган пайтга яқинроқ уйғониб қолсам онамнинг ёнимда менга термулиб ўтирганларини кўриб қоламан. Онамнинг кўзлари шунчалик маъсум, меҳрли боқадики, беихтиёр ўрнимдан ирғиб туриб кетаман.

Қиш келиб бозорга олиб борадиган ҳеч вақо қолмаганда, онам тўй қилувчиларнинг кўрпа-кўрпачаларини қавишга ўтирадилар. Ишқилиб, ризқу насибамизни бутлаб, ҳеч кимга муҳтож қилмадилар. Ҳатто, опамиз ва акаларимиз учун йўлқиралар ҳозирлаб қўядилар. Кийим-кечагимизни-ку, қўяверинг — бир сидра ўқишга тушишимизга янги кийинтириб қўйганларидан сўнг доимо тоза ва бутун бўлишининг ташвишини қиладилар.

Келадиган меҳмонларни, жумладан, ўртоқларимни очиқ чехра билан кутиб олишларини юқорида айтиб ўтгандим.

— Ҳаммаларинг яхши юрибсанларми? — Онам ёппасига ҳол-аҳвол сўраб қўя қолдилар.

— Раҳмат, хола! — жавоб берди Собир ҳамма учун. — Ўзингиз соғ-саломатмисиз? Армиядаги иккала акамдан хат-хабар келиб турибдими?

Собир онамнинг нозик томонларини яхши билади — бирига бир ярим йил, иккинчисига ярим йил бўлган армиядаги дилбандлари — акаларим ҳақида гапириб онамга таскин бериб қўяди. Онам эса ўз болаларидек бўлиб қолган ўртоқларимга оналик меҳрларини содда, самимий сўзларига ўраб сочадилар.

— Мана, бугун битирув кечамиз ҳам ўтди, — сўзида давом этди Собир. — Баҳром ишга кирса, менимча, акалари келмаёқ буниям армияга олиб кетар-ов.

— Ишга эмас, ўзи танлаган институтга боради, — жиддийлашди онам. — Ўзинглар яхши биласизлар, Баҳром мактабни аъло баҳоларга битирди. Иккинчи синфдан бери китоб ўқийди. Шу ўқиганлари институтга киришга етса керак.

— Э-э, дўстимнинг ўқиганлари нафақат институтга киришга, балки битиргунчаям етади, — Собир гапни ҳазилга бурди. — Бизлар институтга эмас, шофёрчиликка кирсак ҳам катта гап.

— Йўқ, болам, ҳаммаларингни худо бир-бирингдан кам қилмай, катта-катта ўқишларга киришларингга оқ йўл берсин, омин! — деб онам яхши тилаклар билдирдилар.

— Илоҳим, айтганингиз келсин, — бараварига чуғурлашди ўртоқларим. — Бизга сиз — оналарнинг дуоси бўлса бўлди, ниятимизга етиш ҳеч гапмас.

— Баҳром ишлайман, деяпти-ку, — гапни илиб кетди Усмон. — У ўқишга кирса қийналиб қолмайсизми?

— Шунча пайт буларни муҳтож қилмадим, Баҳром институтга кирса бир амаллаб ўқитиб оларман.

Онамнинг сўзлари шунчалик қатъий эдики, мен “Йўқ, ишга кираман” дейишимга ўрин қолмади.

— Қаерни мўлжал қиялпсанлар? — сўрадилар онам Собирга нигоҳларини қадаб.

— Мен боя айтганимдек, шофёр бўлмоқчиман. Тошкентга боришга билимим саёзлик қилади. Улуғбек билан Усмон пединститутга боришмоқчи. Баҳромни билмадим.

— Баҳром ҳам пединститутга борақолсин, ўқишда ҳам бир-бирингга эш бўлиб юрасизлар.

Шундан кейин онам ниятларимизга кушойиш тилаб фотиҳа қилгач, бизларни холи қолдирдилар. Кўп ўтмай бир лаган ош қўйиб кетдилар. Ҳаммамиз ошга ташландик. Чунки битирув кечасида ўйин-кулги билан бўлиб яхши тамадди қилолмагандик.

— Бугун орамизда энг бахтиёримиз Баҳром бўлса керак, — деди Собир қошиқларнинг шақир-шуқурига гап қўшиб. — Битирув кечасида роса мириқиб ўйнади-я! Мана, институтга киришига холамиздан рухсат ҳам тегди, яна боя севгилисидан яхши гап эшитганга ўхшайди. Балки, ўпишишгандир. Шуни эштамиз, деб келиб ўтирибмиз-да.

— Сен ҳозир бу ерда “Баҳром ўпишишибди” деб гапиряпсан, эртага бутун қишлоқда “юришармиш” деган дув-дув гап тарқалса ажабмас, — дедим Собирнинг қочиримидан капалагим учиб. — Билишимча, у акасидан қаттиқ кўрқади. Хатимни олди. Бир-икки оғиз гаплашдик, холос.

— Нимани гаплашдиларинг? — Астойдил қизиқиб сўради Улуғбек. — Умид қилсанг бўларканми?

— Гапиришга арзимайдиган гаплар. Лекин майли борлигини фаҳмласа бўлади.

— Хатингга нега жавоб ёзмабди? — Бу сафар Усмоннинг ичи қизиқиб сўради. — Бугунги хатингга қачон жавоб ёзармиш?

— Билмадим.

— Демак, яна жавоб кутиб хаёлинг бўлинаркан-да. Бунақада институтга қандай тайёргарлик кўрасан?

— Билмадим.

— Бундай дудмал жавобларинг институт талабалигидан эмас, бирор корхонанинг ишчилигидан дарак беряпти.

— Балки.

— Билганингни қил-е, — ноаниқ жавобларимдан безор бўлган Усмон кўлини силкиб қўя қолди.

* * *

Орадан уч-тўрт кун ўтиб аттестатларимизни олдик. Аввал келишганимиздек мен, Усмон ва Улуғбек керакли ҳужжатларни тўплаб, Тошкентга йўл олдик.

— Ростдан пединститутга борамизми? — йўлда сўраб қолди Улуғбек. Савол Усмон иккимизга тегишли эди.

— Институтми, университетми барибир, менга тарих факультети бўлса бўлди, — қарорини билдирди Усмон

— Менга филология факультети ёқади, — дедим мен.

— Ундай бўлса ҳаммамиз ҳам пединститутга борарканмиз-да, — хулоса чиқарди Улуғбек.

Сўраб-суриштириб педагогика институтини топиб бордик. Институт ҳовлисига кириб бошимиздан ҳушимиз учди. Чунки бунча одамни сира кўрмагандик. Негаки, ота-онаси ёки бирор яқин кишиси билан ёхуд бизга ўхшаб икки-учтадан бўлиб келган тенгдош ўғил-қизларга институт ҳовлиси тўлиб кетганди.

— Сизлар сўраётган факультетларга керагидан ортиқ аризалар қабул қилдик, — деди қабул ҳайъати ходимларидан бири бизнинг мурожаатимизга жавобан.

— Қабул бошланганига энди ўн кунча бўлди-ку, қандай қилиб дарров тўлиб қоларкан, — эътироз билдирди Усмон.

— Бошқа ўқишлар куриб қолгандай ҳамма битирувчилар шу ерга келишаётган бўлса, ҳаммани сиғдириб бўладими, — тўнғиллади ходим.— Бошқа жойларга бориб кўринглар.

Тарвузимиз кўлтиғимиздан тушиб ташқарига чиқдик.

— Энди университетга бориб кўришга тўғри келади, сен нима қилмоқчисан? — деди Усмон Улуғбекка қараб.
— Ёки сен ҳам бирга борасанми?

— Йўқ, мен чет тиллар институтига бориб кўрмоқчиман. У ерга талабгорларни камроқ деб эшитдим ҳозир.

Университетда ҳам абитуриентлару ариза топширувчилар ва уларнинг яқинлари кам эмас экан. Қабул ҳайъатининг упа-сурма билан обдон бўянган ходими бизнинг ҳужжатларимизни бирма-бир кўздан кечираркан, қишлоқ поликлиникасидан олиб келган тиббий кўрик маълумотномасини қайтариб берди.

— Бўлмайди! Ўзимиздаги тиббий комиссиядан ўтасизлар.

У кўлимизга варақа тутқазиб, кейинги ариза топширувчига юз бурди.

Тиббий комиссия жойлашган бино олдига борсак, бу ерда аввалги кўрганларимиздан ҳам кўп одамлар ўз ташвиши билан юришарди. Ўзимизга ўхшаган бир йигитчадан вазиятни сўрадик.

— Рентген, кўз, қулоқ-бурун ва терапевт врачлар кўригидан алоҳида-алоҳида ўтиларкан. Ҳар бирига алоҳида навбатга ёзилиш лозим. Навбат икки-уч кунда келиб қолади, дейишди олдин ўтганлар, — батафсил тушунтирди у. Биз ҳам ноилож навбатга ёзилдигу, бироқ бугун киришга кўзимиз етмай уйга қайтдик.

— Бугун дам олайлик. Эртага барвақт бориб навбатга ёзиламиз, — деди Усмон.

Чарчоқдан қотиб ухлаб қолган эканман, бир пайт кичик укам Акром эшикни қия очиб:

— Ака, сизни Мактуба опам сўраяптилар, — деб қолди.

Мен ҳайрон бўлдим. Мактуба қўшни қиз. Лекин орамиздан гап ўтиб у билан гаплашмасдим. Нечук йўқлаб қолибди.

Мактуба қўлида китоб билан ҳовлида турарди. Қўлидаги китоб танишдек кўринди.

— Латифа сиздан китоб олган экан. Истамасам ҳам “элтиб бергин” деб илтимос қилди. Қачон берақолувдингиз? — кулиб деди Мактуба.

— Э-э, бу китобними? — дедим хайрату ҳайронлигимни яширишга уриниб. — Бозордан сотволиб келаётганимда автобусда кўриб, “Мен ҳам ўқиб чиқай”, деб сўраб олганди.

— Сиз ундан “Меҳробдан чаён”ни сўраган экансиз, уни ҳам бериб юборди, — деб Мактуба мени янаям ҳайрон қолдирди. Бўлмаса-чи, ахир мен Латифадан ҳеч қандай китоб сўрамаганман. Шундай бўлса ҳам:

— Ҳа, унияи бевордими? Яхши бўпти, — дедим сир бой бермай.

— Энди менга ҳам китоблар бериб тулинг, — яна кулди Мактуба. — Йўқ, яхшиси, ўнинчи синфда ёзган математика, иншо дафтарларингизни берсангиз, фойдаланардим.

— Бўпти, фақат ўқишга кириб олганимдан кейин бераман.

Гарчанд мен Мактуба билан ярашиб олганимдан ҳозир хурсанд бўлсам-да, бироқ шу тобда унинг тезроқ кетақолишини истаётгандим. Чунки Латифа бериб юборган китоблар менинг ичимни қиздираётганди. Аксига Мактуба ҳам кетақолай демасди.

— Макту, сен ўтириб тур, мен юз-қўлларимни ювиб келай, кейин бирга ўтириб чой ичамиз, — дедим қўшни қизнинг тезроқ кетишини кўзлаб. — Шаҳардан келиб ҳали чой ичмагандим.

— Йўқ, мен кета қоламан, кеч бўлиб қолди, кўча супуришим керак. Демак, ҳужжатларингизни институтга топширибсиз-да.

— Йўқ, ҳали топширмадик, одам кўп, тиббий кўрикдан ҳам ўтишимиз керак экан.

— Омад тилайман.

— Раҳмат, чиқиб тур.

Уни беш-олти қадам кузатган бўлдим у ортга бурилиб, боя ўзим ухлаган холи хонага кирдим-да, китобларни титкилашга тушдим. Китобнинг биридан бир парчагина қоғоз тушди. Унга шундай сатрлар битилганди:

“Ҳурматли Баҳром ака! Китобингизни ўқиб чиқдим. Жудаям қизиқарли экан. Бир дунё маъно олдим ундан. Сизга “Меҳробдан чаён”ни бериб юбораяпман. Яхшилаб ўқинг, ундан қўш маъно олгайсиз!”

Ўйланиб қолдим. Демак, китобда қандайдир сир бор.

Уни бир неча марта титкилаб чиқсам-да, ҳеч нарса тополмадим. “Китобни яхшилаб ўқинг, унинг қўш маъноси бор” деган изоҳни ўйлаб кетдим. Китобни ўқиганман. Шунинг учун унинг маъносини хаёлимдан ўтказа бошладим. Романда Раънонинг ёзган мактубини Анварга етказиш усули баён этилган жой негадир хотирамда муҳрланиб қолганди. Демак, Латифа ҳам шунга ишора қиляпти. Китобни силкитиб-силкитиб кўрдим. Кейин эса муқоваларини пайпаслай бошладим. Қарасам, орқа муқова олд муқовага нисбатан бир оз қалинроқ. Муқовага ёпиштирилган ички қоғозни пичоқда эҳтиётлик билан кўчира бошладим. Унчалик қаттиқ ёпиштирилмаган экан. Орасидан бир варақ қоғозга ёзилган хат чиқди. Латифанинг эҳтиёткорлигига, фаросатига қойил қолдим.

“Салом, Баҳром ака!

Жавобни кечиктирганим учун аввалдан узр сўрайман. Бунга сабаб, бир қарорга келишим учун ҳам муддат, ҳам иккинчи мактубингиз керак эди. Ахир, биттагина тўрт қатор хатга асосланиб, ўз қисматимни бегона инсонга топшира олмайман-ку! Бир тўхтамга келишим учун вақт зарур бўлди. Чунки сизни мактабимизнинг энг одобли, аълочи, намунали ўқувчиси сифатида билсам-да, бу камлик қилади, мени ички дунёингиз, феъл-атворингиз, қизиқишларингиз, оиладаги ўрнингиз, қўйинг-чи, ҳамма қирраларингиз, ҳатто қандай овқатларни яхши кўришингиз қизиқтирарди. Буларни нафақат ўзингизу ўртоқларингиз, балки ҳаммага билдирмай аниқлашим керак эди. Ўзингиз биласиз, қиз бола ҳеч қачон эркак кишини очикча сўраб-суриштирмайди, керагидан ортиқ гийбату ифволарга, шов-шувларга сабаб бўлиши мумкин. Қолаверса, ортиқча қадам босишим ўзимни жазога ҳукм қилмоқ, демакдир. Чунки акам шундай жоҳилки, ҳатто ўзимга озгина ортиқча оро берсам тириклай еб юборгудек бўлади. Ўз одамларига ортимдан кузатиб юришни

ҳам тайинлаб қўйган. Мана шундай тўсиқларни пинҳона четга суриб, сиз ҳақингизда маълумотлар тўпладим. Улар ичида ижобийлари ҳам, салбийлари ҳам бор. Ўзимча уларни иккига бўлдим:

Ижобий томонларингиз: ахлоқ-одобли, меҳнатсевар, тўғри сўз, адолатли, кучли, билимдон, хушмуомала, меҳрибон, салбий одатлари йўқ, камгап, самимий, бадахлоқ эмас, таъсирчан, сабр-тоқатли, истарали, камтар, олижаноб, қувноқ, кўп китоб ўқийди.

Салбий қусурларингиз: ўта содда, мустақил фикрлаши саёз, беқарорроқ, яъни фикри тез ўзгаради, дунёқараши фақат бир томонлама ривожланган, тортинчоқ, унча келишган эмас, беғамроқ.

Уларни таҳлил қиларканман, салбий феъл-атворингиз кўп эмас, борини ҳам аста-секин бартараф этиш мумкин. Менга сизнинг кўп китоб ўқишингиз, айниқса, ёқади. Чунки китоб ўқийдиганларнинг фикр-мушоҳадалари теран, ўзлари самимий ва камтар бўладилар. Бу сифатлар инсоннинг ички дунёси гўзал эканлигидан, ташқи сифатлар ички фазилатлар соясида қолиб кетишидан далолат беради. Тўплаган ва билган маълумотларимни мушоҳада қилиб юрганимда иккинчи мактубингизни бердингиз. Қизиқ, унда менинг нима қилиб юрганимни, нимага эътибор бераётганимни билгандай ёзгансиз. Шунда сиздан зиёда муносиб дўст топа олмаслигимни, таклифингизни қабул қилмаслик ақлсизликдан бошқа нарса эмаслигини англадим. Сизнинг таклифингизни қабул қилиш мен учун бахт. Чунки сиздайин инсонлар бир умрлик содиқ дўст, ишончли ҳимоячи, ибратли ҳаммаслак ёр бўла олади.

Шуларни бирма-бир таҳлил қиларканман, тилга олинган камчиликларингиз жудаям жиддий ва кўп эмаслигини, мавжудларини ҳам аста-секин тузатса бўлиши, хулоса чиқаришимга кифоя қилди. Аммо бу розилик ҳамма мақсад-

ларга йўл очик, деган маънони билдирмайди. Бу борада бир қатор шартларимга амал қиласиз, деб умид қиламан. Биринчи шартим шуки, биз ҳали ёшмиз — ҳозирдан ўпишиб-қучишиб юришга мутлақо қаршиман. Турмуш қурадиган фурсатгача ҳозир қандай юрган бўлсак, шундай қолаверамиз. Кейинги шартим, ўртамиздаги муносабатни ҳеч кимга, ҳатто ўртоқларингизга ҳам билдирмайсиз. Чунки биз ҳақимизда озгина бўлсин гийбат-у, миш-мишнинг тарқалиши ёмон оқибатлар, ҳатто, бир-биримиздан жудо бўлиш кафолатини беради. Қолаверса, сизнинг олдингизда олий билим даргоҳида таҳсил олишдек масъулият турибди. Ортиқча ҳиссиётларга берилиб ўзингизни чалғитманг. Салбий таъсири бўлиши мумкин. Жудаям зарур гапингиз бўлсагина, мен шу хатни жўнатгандек тарзда Мактубадан бериб юборинг. У менинг яқин дугонам ва синфдошим. Лекин муносабатларимизни унга ҳам билдирманг. Ҳар қандай ҳолатда ҳам менга ишонинг ва бошқа ўткинчи ҳисларга берилманг!

Сизга сабр ва садоқат тилаб, СИЗга ишонч билдирувчи ва бир умрлик муҳаббатини тақдим этувчи Л.”

Мен танг қотиб қолгандим. Латифани ақлли-хушли, ахлоқли-одобли, чиройли қиз деб ўйлаб юрсам, ўйлаганимдан ўн чандон зукко, ҳар бир гапини етти марта эмас, ўттиз етти марта ўйлаб, кейин сиртига чиқарувчи, теран тафаккурли, ботиний гўзаллиги зоҳирий гўзаллигига мутаносиб, шаънига гард қўнишидан ўзини астойдил муҳофазалай биладиган, номусли, уятли-андишали, эпли-шудли фариштами, дейман.

Мен Латифанинг ҳайратомуз мактубидан ҳалиям лол, карахт, ниҳоятда таъсирланган ҳолатда, ҳаяжон асирлигида ўтирардим. Айни чоқда, энг бахтиёрлигимдан етти қават осмонда бўлсам-да, бу бахтимга кўз тегишидан хавотирлик ҳозирдан онгимни исканжага ола бошлаганди. “Астағифуриллоҳ” деб, уч марта такрорлаб, кўкрагимга туфлаб қўйдим.

Ҳеч ким безовта қилмаётганидан вақтни ғанимат билиб, каравотга чўзилдим-да, Латифанинг шартлари ҳақида ўйлай бошладим. Бугунги мислсиз қувончимни ўртоқларимдан сир сақлай олармиканман? Лекин Латифанинг эҳтиёткорлик ҳақидаги талаби унга тегишли ҳар қандай сир сирлигича қолмоғини тақозо этади. Зеро узоқни кўра оладиган бу қиз муносабатларимизга барҳам бериши мумкин бўлган хатарлар борлигидан бекорга огоҳ этаётгани йўқ. Бу хатар, биринчи навбатда, шубҳали бе-гоналардан иборат тўда сардори бўлмиш акаси Маҳмуд-га бориб тақалмоқда. Демак, мен куртаклай бошлаган муҳаббатимни, бебаҳо севгилимни асрашим учун қатъи-ятли бўлишим лозим.

Ўз навбатида у эҳтиросларга берилмаслик, ҳеч қандай муносабатларни олиб бормаслик, университетга кириш учун тайёргарлик кафолати эканлигини таъкидлабди. Энг қизиғи, менинг феъл-атворимни жуда ўрганибди. Ўйлаб қарасам, кўп жиҳатларимни ўзим яхши билмас эканман. Салбий томонларимни ҳам аниқлаганини қаранг! Қандай аниқладийкин-а? Шуни айтадилар “етти ўлчаб, бир кесиш” деб. Агар ҳамма вояга етган қизлар Латифадек фикрлаганда эди, уларнинг ораларида айрим енгилтабиат қизлар пайдо бўлмасди, баъзилари бошқа вилоятлардан ўқишга деб келиб, уни уддалай олмагач, Тошкентда қолиб кетмас, алдов, фириб, зебу зийнат, мўмай пул тузоғига тушмасди ёки насл-насабсиз фарзандларни дунёга келтирмасдилар, келтирган тақдирда шармандаликдан қутулиш учун уларни етимхоналарга, ахлатхоналарга, ҳожатхоналарга ташлаб кетишдек қабиҳликка бориб, гуноҳларга йўл қўйишмаган бўларди.

Газетада ўқигандим. Ўзини фаҳш ишлардан тия олмаган бир қиз ҳомиладор бўлиб қолибди. Шунда у уйига ҳам бормай қўйибди, ўзи ишлайдиган корхона ётоғида яшириниб, ой-кунини кута бошлабди. Ниҳоят, бир

куни тунда тўлғоқ бошланибди. Шунда у эрта тонгда туриб кўчага йўл олибди. Яқинроқдаги шаҳар бозорига етиб борибдию ҳожатхонага кирибди. Шу ерда бир болани дунёга келтирибди. Бироқ унинг афтига ҳам қарамабди, жинсини ҳам аниқламабди, киндигини узибди-ю, эски латта-путталарга ўраб, ҳожатхона тешигидан ташлаб юборибди-да, зинғиллаб жўнаб қолибди. Лекин чақалоқ йиғисини бозор супурувчиси эшитиб қолиб милицияга хабар берибди. Орган ходимлари болани амаллаб ҳожатхонадан чиқариб олишиб, болалар уйига топширишибди. Сўнг қидирув ишлари олиб борилиб, разилликка қўл урган жиноятчи она ушланибди. Тирик жонга қасд қилган жиноятчи сифатида жавобгарликка тортилибди.

Мана сизга калтабинлик оқибати — турли тубан қабоҳатлик.

Шуларни ўйларканман, Латифадек қизлар бор эканки, аёллар номи фаришта янглиғ дунёда мунаввар нур таратиб тураверишига амин бўлдим.

Хаёл сура-сура уйқу домига илинган эканман, онамнинг овозидан кўзларимнинг бевақт меҳмони ўрнидан кўзгалди.

— Намозшомда ухлама, оғирлик босади, чиқ, овқат пишди.

Овқатга таклифни эшитгач, кўзларим меҳмони ноилж нари кетди. Ҳовлига чиқсам, мендан бошқа ҳамма укаларим супага ёзилган дастурхон атрофида. Қуёш аллақачон намозшомга ўз сепларини ёйишга изн берибди. Қалин сепилган сув иссиқдан қизиган ҳовлининг ҳовурини аста пасайтирмоқда. Сув сачраб тебратган райҳонлардан мутаттар ҳид таралади. Мен ҳам юз-қўлимни ювиб келиб укаларим қаторидан жой олдим-да, овқатга қўл чўздим.

— Ҳужжатларингни топширдингми? — сўрадилар онам фахрланиш оҳангида. — Мен кўшнилarga айтиб мақтаниб қўйдим.

— Нима қилардингиз айтиб? — ёзғирдим онамни. — Аввал ҳужжат, кейин имтиҳон топширай, кирай, ин-найкейин айтсангиз ярашади. Ҳозир ҳужжат топши-ришнинг ўзи муаммо бўлиб турибди. Бир неча кунга чўзилади шекилли. Йўлкира ҳам анча пулингизнинг бошини ейди.

— Сен йўлкиранинг ташвишини қилма. Ўқишга кир-санг бўлди, қанча йўлкира бўлсаям топиб бераман. Қўш-ниларим олдида юзимни ёруғ қилиб берсанг бўлди. Шунинг учун ҳеч нарсага чалғима. Бундан буён ўртоқла-рингникига ҳам камроқ югур. Ўқишга киргандан кейин қанча чопсанг ҳам майли.

— Хўп, она, ҳаракат қиламан. Ҳозир эса ётишим ке-рак. Эрталаб барвақт уйғотарсиз.

— Жуда яхши-да, — дедилар онам хурсанд бўлиб. Ўзим ҳам қайси бирингни уйғотаман юк ортишга деб ўйлаб тургандим. Бирга кетсак мен ҳам бозорда қийналмайман. Жойлаштиришиб кетасанми ахир?

— Майли. Нима десангиз шу.

Эрталаб соат бешда туриб ҳар доимгидек икки тоғора помидорни бирин-кетин кўчага олиб чиқдим. Сал ўтмай автобус ҳам келди. Таниш бўлиб қолган ҳайдовчи доим юкимизни уй олдидан олиб кетади. Бунинг учун онам алқашларини аямайдилар. Тоғораларни юкхонага жой-лаб, ўзимиз ўриндиққа ўтирдик. Автобус йўлга тушди. Ҳадемай у лик тўлди. Мен жойимни Ваҳоб ота деган бо-зорчи амакига бўшатдим. У яхши ниятларим бароридан келиши учун дуо қилди.

— Ҳужжат топширмоқчимисан? — сўради Ваҳоб ота қўлимдаги ҳужжатлар солинган жилдга ишора қилиб. Дарҳақиқат, шу кунларда мен каби жилд кўтарганлар кўплигидан уларнинг кимлигини-ю, мақсадини билиб олиш қийинмас.

— Сен Азимбойнинг боласисан-а? — деди Ваҳоб ота гапга тушиб. — Ҳа, баракалла, баракалла. Отанг ҳам ўқимишли, оқ-қорани таниган, мартабали ишларда ишлаган одам эди, раҳматли. Анча-мунча одамларнинг ёзув-чизувли ишларини тўғрилаб бериб, балолардан сақлаб қолганлигини биламиз. Ҳа, қатағон йилларида кўпчилик саводсиз бўлган. Раису бригадирлар “мана-вига қўл қўйиб юбор” деб ваҳшат қилиб турганларида, ҳар қанақа ҳужжатга қўл қўйиб, балога учраганлар кўп бўлган-да. Отанг ўша жабрдийдаларнинг тегишли жойларга мурожаат қилишларига йўл кўрсатиб, ариза ёзиб берарди, раҳматли. Саводли ёзилган шундай аризалар ҳамма жойда инобатга ўтарди. Акс ҳолда, жабрдийдалар ё қамаларди, ёки сургун бўлиб кетарди. Отанг билан тенгқур эдик, раҳматли жуда дангалчи, ҳақиқатгўй ва самимий инсон эди. Сен ким бўлмоқчисан?

— Университетга, филология факультетига кирмоқчиман.

— Пул оладиган факультетга дедингми? Яхши жой экан, кириб олишингга пирлар мададкор бўлсин. Баракалла, болам. Отанг кўрмаганлари сенларга насиб этсин.

Ваҳоб ота яна бир карра дуо қилиб қўйди.

Биз бозор бекатига етгач, тоғораларни онам ҳар куни пештахтагача етказадиган тарзда элтиб боргунча, тўғриси, қийналиб кетдим. Ҳали помидорни сотиш керак. Помидор бозори эса бир кун чаққон бўлса, бир кун суст. Бечора онам шундай қийналиб чарчаганлари учун ҳар куни уйга қайтганларида пешонасини боғлаб, бирпас ётарканлар-да. Онамнинг неча йиллардан бери шу тирикчилиқни қилиб келишини ўйлаб эзилиб кетдим.

Бошқа автобусга ўтириб, Тошкентга кетиб борарканман, онам берган чўнтагимдаги йўлкира пулни ушласам қўлимни, ушламасам турган жойида вужудимни куйдираётгандек бўларди.

* * *

Ҳужжат топшириш ёзнинг қоқ ўртасига, иссиқ кунларга тўғри келганлигини айтмайсизми? Қишлоқда соясалқинларга ўзингни уриб, қуёш тигидан сақланасан. Аммо шаҳарда қийин экан. Университет ҳовлисидаги дарахтлар ҳаммани ўз бағрига сиғдиролмаганидан очиқдагилар сувдан чиқиб қолган балиқдек азобланадилар, дам-бадам газли сувга югурадилар. Сув сотувчининг қўли-қўлига тегмайди. Менимча, улар қабул даври тугагунча бир йиллик даромадини ишлаб олса кераг-ов. Майли, қандини урсин!

Усмон иккимиз неча кун урина-урина мана бугун тиббий кўрикни бир ёқли қилиб, ҳужжат топшириш учун навбатда турибмиз. Ўн кун ичида қанча-қанча жойларга қайта-қайта навбатга турдик. Чунки кўпинча навбатимиз етай деганда кимдир ичкаридан чиқиб: “Бўлди, бугунга қабул тугади” деб эълон қилади. Овози бирам хунук эшитиладик! Итдек чарчаб, шалвираб уйга қайтамиз-у, барибир, эртасига янаям вақтлироқ келамиз. Барибир аҳвол ўзгармайди. Ўн кун деганда мана, ниҳоят... ҳужжат топширишга бир қадам!

— Бўлди, бугун ҳужжат қабул қилиш тугади!

Тутунимиз осмонга кўтарилди.

— Ҳали барвақт-ку! — дейман қаҳр билан ҳужжат қабул қилувчи олифта аёлга. — Неча кундан бери оворамиз.

— Нима қилайлик, кунлик ҳужжат қабул қилиш режамиз бор, — бепарво қош-кўзига оро бера бошлади аёл. — Эртага келинг, сизникини биринчи қабул қиламан.

Усмоннинг олдига борсам, у ҳужжатларини топшириб бўлибди. Бирга ташқарига чиқдик. Қарасам, ҳалиги ҳужжат қабул қилувчи аёл тепакал, кўзойнакли бир одам билан олдимизда кетишяпти. Кўзойнакли олифта аёлга ялинчоқ овозда зўр бериб ниманидир тушунтирарди:

— Айтяпман-ку сизга, хўжайиндан жавоб олишим қийин бўлди, деб.

— Э-э, латталиқ қилмай шартта чиқиб жўнавормай-сизми? Ахир, акам ҳар куни зиёфат бераётгани йўқ-ку! — деб дашном берарди аёл орқасидан кетма-кет келаётганимизга эътибор бермай. — Номи улуғ — супраси қуруқ ишингизни қўйсангиз-чи, деб неча бор айтаман-а?! Акам бозордан паттачиликни ваъда қилиб юрибдилар-ку қачондан бери.

— Ие, қизиқчилик қилаяпсизми? Фан доктори бўлатуриб қандай паттачилик қиламан?

— Одам қилган ишни одам қилолмайдими? Институтда илмий ходимлик қилганингиз билан бирор каромат кўрсатолмаётган бўлсангиз, имтиҳон олиш даврида бошқа институтларга ёрдамга чақиришса честний одамга айланиб, сўппайиб бориб, қуруқ қайтаверсангиз, тирикчилик бўладими?

— Ахир, маошимни кўлингизга олиб келиб беряпман-ку! Ҳазилакам пул эмас — уч нафар оддий ўқитувчи ололмайди шунча маблағни.

— Мендек насл-насабли, лозимандали аёлга бу маошингиз урвоқ бўлмаслигини яхши биласиз. Бўпти, ҳали банкетдан қайтайлик — акамнинг таклифини ўйлаб кўрамиз.

Бу пайтда тепакал эркак билан олифта аёл хиёбонни кесиб ўтиб, бир чеккада турган яп-янги 06 “Жигули” олдида тўхтадилар. Эркак чўнтагини кавлаб афтидан калитни қидира бошлади.

Олифта аёлнинг қанчадан-қанча ўғил-қизларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ўрнига қанақадир зиёфатга кетаётгани фиғонимни ошириб турганди, басавлат эрини ер билан баравар қилиб камситиб тергаши ғазабимни кўзғатди. Илгариги тортинчоқлигим қаёққа кетди, билмайман! Ўзимни тута олмай олифта аёлнинг рўпарасига шахд билан чиқдим:

— Сиз боя бизни алдабсиз. Ҳозир ҳужжатларни қабул қилиш ўрнига қанақадир зиёфатга кетаётган экансиз.

Аёлнинг ранги гезарди. Упа-сурмали юз буришса жудаям хунук бўлиб кетаркан.

— Ҳой бола, нима деб валдираяпсан? — илондек вишиллади аёл. — Бир ёққа борсам, сен чурвақадан сўрайманми? Сенларнинг дастингдан ёлғиз акамнинг хурсандчилик кунига бормаслигим керакми? Қаранг-а, хўжайинликларини! Қоч йўлимдан, чувринди! “Жигули” эшигини очаётган тепакал киши ҳам, Усмон ҳам ҳайрон қараб туришарди. Аёлнинг мени назар-писанд қилмаётганлигини кўриб, баттар қайсарлигим тутди:

— Агар ҳозир қайтиб, ҳужжатларимни олмасангиз ректорга кираман!

— Вой-вой-вой! Жуда кўрқитиб юбординг-ку! Ректорнинг ҳам сени эшитишдан бошқа иши йўқ экан-да?! Бор, боравер, хоҳлаган жойингга, истаган одамингга шикоят қилавер!

— Кўй, ўчакишма, Баҳром! — тирсагимдан тортди Усмон. — Ўз оёғингга болта урма.

— Машинага ўтиринг! — кўзойнакли тепакалнинг овози бу сафар амирона чиқди. Афтидан муштдек йигитчанинг қатъияти анакондасифат хотинидан тап тортмай дашном бергани уни руҳлантирган эди. Олифта аёл унга бир олайиб қаради-ю, бироқ қатъиятли кўзларга дуч келиб шашти пасайди ва индамайгина машинага ўтирди.

— Оббо Баҳром-ей, бунақа эмасдинг-ку! — деди ҳануз ҳайратланиш исканжасидаги Усмон. — Ҳайрон қолдинг!

— Э-э, Тошкентга қатнаб қийналаверсанг кўп нарсани ўрганаркансан. Шунча дадиллик қаердан келди — ўзим ҳам билмайман.

* * *

Эртасига Усмон билан барвақт Тошкентга етиб келдик. У ёлғиз ўзимнинг келишимни истамади — қайтаришга уринишимга қарамай бирга жўнади.

Ҳужжатларни қабул қилиш бошланганда мен навбатнинг биринчиси бўлиб турардим.

— Вой, Баҳромжон, келдингизми? — деди олифта аёл тилёғламалик билан, ҳеч нарса бўлмагандек жойига ўтираркан. — Кеча ўзимам айтувдим-а, биринчи сизнинг ҳужжатингизни қабул қиламан, деб. Жилдни менга беринг-чи. Ўзингиз яхши етиб келдингизми? Уйдагилар ҳаммаси соғ-саломатми? Холапошшо бардамми?

Мен лол турардим. Назаримда ҳужжат қабул қилувчи аёл қиёфасида шайтон мени авраб, кечаги кўнгилсизликни миямдан ситиб чиқармоқда эди. Унинг сўровларига икки марта аранг “раҳмат” дея олдим.

— Шунча кундан бери шу ерда эканлигингизни билмабман-да, бўлмаса, аллақачон ишингизни битириб берарканман. Кеча амакингиз сизни таништирмаса, бегонадек юраверарканмиз.

Менинг яна ҳайронлигим ошди. Қанақа амаким-у, ким у? Аёлнинг бирданига тилёғлама бўлиб қолишига менинг кутилмаган исёним сабабмикин ёки ўша тепакал ростдан ҳам бирор қариндошиммикин? Шундай бўлса, нега биз танимаймиз.

— Мана, Баҳромжон, ҳужжатларингиз қабул қилинганлиги ҳақидаги тилхат! — деган овозни эшитиб хаёлимни йиғдим. — Мана бу қоғозда бизнинг манзил ёзилган, амакингиз олдига ўтиб келинг. Гаплари бор экан. Кутамиз-а?! Имтиҳонларингизга ҳам баҳоли қудрат ёрдам берамиз.

— Раҳмат, — дея олдим мен аввалги тортинчоқлигимга қайтиб.

— Қачон бизникига борасиз? Ахир, амакингиз кутадилар-а.

— Бирор кун. Бугун уйга қайтишимиз керак.

— Яхши боринг. Ойингизга салом айтинг.

Усмон билан ташқарига чиққач, неча кунлик азоблар билан ҳужжатларимни топшириб олганим учун енгил тортиб: “Уфф, худога шукур-ей!” — деб қўйдим.

— Бояги олифта аёл жа бошқача муомала қилдими?

— Қизиқиб сўраб қолди Усмон. — Кечаги қилигинг учун қувиб солса керак, деб ўйловдим.

— Қариндош чиқиб қолдик, — дедим ҳануз ҳайронлик исканжасида.

— Шу ялмоғиз билан-а? — деди Усмон ҳам ажабланиб.

— Қанақасига?

— Бу билан эмас, тепакал кўзойнак билан. Амаким эмиш.

— Йўғ-е, зўр-ку!

— Нимаси зўр?! Хотинининг хизматкорига ўхшаб ялиниб юрибди-ку!

— Барибир ўқишга киришингта бир нафи тегиб қолар.

— Қайдам. Ойимдан сўраб кўрай-чи, шунақа қариндошимиз бормикан.

— Бўлмаса, уйга кетдикми?

— Кетдик.

* * *

Кечки овқатни еб бўлгач, чой ичиб ўтирарканмиз, мен аста гап бошладим:

— Ойи, отамизнинг битта укаси ва битта опаларидан бошқа кимлари бор, билмаймиз. Отамнинг ўзлари ҳеч нарса айтмаганлар, сиз ҳам улар ҳақида мундоқ гапириб бермайсиз, — гиналагандай дедим мен. — Ҳатто, отамнинг ўзлари ҳақида кўп нарса билмаймиз.

— Нима десамикин? — кулимсирадилар онам ўйчан.

— Отанг ҳақида ўзим ҳам батафсил билмасам керак. Чунки отангнинг асли туғилган юрти Фарғонанинг Қўқон шаҳри бўлгани сабаб, Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йиллардаги қийинчиликлар туфайли у томонларга боришнинг иложи бўлмади. Энди рўшнолик кўра бошлаганимизда отанг касалликдан ўтиб кетдилар.

— Билганларингизни айтиб беринг, бўлмаса, — қистадим мен.

— Отанг ёшлигидан тиришқоқ, ғайратли, ўқишга қизиққани боис, қайсидир техникумни тугатган, билимдон, зукко инсон бўлган. Шу туфайли жуда тез мартабаси ошиб борган. Чунки ўша пайтларда саводли кадрлар ниҳоятда кам бўлган-да. 1935—1936 йилларда Фарғона вилояти хом ашё маҳсулотлар тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи лавозимига тайинланади. Ўз вазифасини сидқидилдан, фақат қонун доирасида бажаргани учун республика раҳбарларининг эътиборига тушади ва кўп ўтмай шу соҳа вазирлигининг тайёрлов бош бошқармасига бошлиқ этиб тайинланади. Бу даврда Сталин шахсига сиғиниш авж олган, одам кетига одам тушиб, арзимаган камчиликни туядек кўрсатиш балосига учраган ўша даврнинг энг илғор одамлари қамалиб, дом-дараксиз йўқ бўлиб кетишаётган экан. Албатта, ёш бўлатуриб салкам вазир ўринбосаридек лавозимни эгаллаб турган ҳалол, ишлаб чарчамайдиган йигит ҳам ғаламислар эътиборини тортмай қўймайди. Бу ғаламислар шу бошқармада кўп йиллар ишлаб бўлим бошлиғилигидан ўтолмаган қандайдир Кенжаев деган бир нусха ва унинг ўзи каби фараз ниятли ҳамтовоқлари эди. Бу пайтда отанг республика НКВДси раҳбарларидан бирининг қизи билан аҳду паймон қилишиб, турмуш қуришган ва бир фарзанд кўришган экан. Ғаламисларнинг юмалоқ хати ана шу қайнота қўлига тушади. Албатта, у ғаламисларни топиб йўқ қилишга муваффақ бўлади. Лекин отангдек

келажаги порлоқ одамнинг дўстлари билан бир қаторда душманлари ҳам кўп бўлишини ва улар шундай қалтис пайтда ўз мақсадларига албатта етишларини биларди. Шунинг учун қизи “халқ душманининг хотини” деган балога қолиб кетмаслиги, бу балонинг бир учи ўзига ҳам келиб тегмаслиги чорасини излаб топади. Натижада, ёш оила ўзлари истамаган ҳолда пароканда бўлади. Ҳам севимли хотинидан, ҳам мурғак икки фарзандидан айрилган отанг тушкунлик домида қолади ва ичкиликка берилади. Айнан шу пайтларда немис фашистлари ҳужум қилиб, шиддат билан бостириб келаётган бўлган. Ҳужумда қолган шаҳарлардан заводлар Ўзбекистонга шошилинич кўчириб келтирила бошланган. Уларни ўрнатиб ишга туширишга малакали мутахассислар етишмасди. Отангда техникага иқтидор, одамлар билан ишлашга лаёқат бор эди. Шунинг учун ҳукумат раҳбарлари уни фронтга жўнатмай, брон бериб, Ростовдан кўчириб келиниб, Чирчиқ шаҳрида қайта тикланаётган қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводига цех бошлиғи қилиб жўнатадилар.

Завод тезда ишга туширилиб, фронтга тўп снарядлари етказиб бера бошлайди. Бироқ уруш туфайли кўп эркаklar фронтга кетган, заводда кекса ишчилар-у, аёллар ва ўсмир болалар ишлашарди. Гарчи заводда иш оғир бўлса-да, бироқ ишчиларга нон учун мунтазам талон бериларди. Бизнинг қишлоқ яқин бўлгани туфайли кўпчилик хотин-қизлар заводга ишлашга бордик. Чунки қишлоқда нон топиш ниҳоятда оғир бўлиб кетган, етиштириладиган ғалла эса охирги донасигача қолдирилмай қаттиқ қўриқлов остида фронтга жўнатиладди. Ҳатто буғдойзорда машоқ қилдирилмасди. Кимки машоқ қилаётганда қўлга тушса, қаттиқ қамчиланиб, қамаб қўйиларди. Одамлар очлик азобини чека бошлагандилар. Худди ана шу кезларда отанг қишлоққа ке-

либ, кучи етадиган эркагу аёлларни заводда ишлашга таклиф этди ва нон, тухум порошоги ва бошқа баъзи озиқ-овқатларга талон бериб турилишини маълум қилди. Шу тарзда отанг кўплаб оилаларни очликдан ўлиб кетиш хавфидан сақлаб қолди. Мен Муниса холанг иккимиз заводда ишлай бошладик. Отанг бўш вақтларида атрофимизда кўп айланишар, қўлидан келгунча ёрдам кўрсатар, ҳатто қўшимча нон талонлари бериб турарди. Билсак, у киши менга ошиқ бўлиб қолган эканлар. Заводда ишлаётган ёши улуғ Абдуқодир поччамиздан мен ҳақимда хўп сўраб-суриштиргач, шу кишидан уйимизга совчи бўлиб боришни илтимос қилибдилар. Тафсилотни эшитган отам аввал қаттиқ аччиқланиб, мендан ранжидилар, ҳатто, мени заводда ишлатмайдиган бўлиб кўрдилар. Аммо Абдуқодир аканинг ўртага тушиши, урушнинг аччиқ зарби ва заводдан келиб турган нонлар отамни анча юмшатди.

— Ўша йигитга ишонса бўладими, Абдуқодир? — сўрабдилар отам. — Уруш тугаса юртига кетиб қолмас эканми?

— Одамларга кўп яхшилик қилаётган одамдан қандай ёмонлик кутиш мумкин, почча! — дебди Абдуқодир ака дангал. — Кўп ўқимишли, ҳалол йигит. Бизнинг ҳаққимиз учун завод раҳбарлари билан кўп талашиб-тортишади. Ўрисчаниям боплайди. Ўрис начайъликлардан сира қолишмайди-я, азамат.

— Ишқилиб, оғзимиз куймасин, дейман-да.

Хуллас, кўп ўтмай отанг билан тўйимиз бўлиб ўтди. Отангга завод ёнидан уй берилган экан, шу ерда корхона директори-ю, цех бошлиқлари хотинлари билан қатнашган катта зиёфат бўлди. Ҳамма топган-тутганини опкелган шекилли. Бунақа аралаш-қуралаш ўтган тўйни биринчи кўришим. Ўрису ўзбеклар худди қариндош-уруғдек ёнма-ён ичишиб-қучишиб ўтиришди. Лекин кейинчалик ҳам кўп йиллар яъни 1954-йилгача

шундай зиёфатлар кўп бўлиб, мен уларнинг иштирокчиларидан бири эдим.

Аммо отанг ўша пайтларда ичкиликка ўрганиб қолган экан шекилли, ичкиликбозликка кўпроқ берила бошлади. Чунки оилада бирин-кетин опа-акаларинг, ука-сингилларинг дунёга келиб, бунинг хурсандчилиги кўпгина зиёфатларга уланарди-да. Ичкилик охир-оқибат отангни соғлиғига таъсир кўрсатиб, тез-тез ётиб қолишига олиб келди. Қишлоққа кўчиб келишга мажбур бўлдик. Отанг сизларни боқиш учун ҳар қандай қора ишларни қилишдан ҳазар қилмасди, бироқ ҳаром-ҳаришга қўл урмасди, текинтомоқликни ёқтирмасди, қинғир ишлардан ўзини тортарди, сизларга ҳам доим шуни уқдирди, ростгўйликка, ҳалолликка, ҳақиқатга тик қарашга ўргатди. Ҳаммаларинг учун отангнинг юриш-туриши ёрқин ибрат бўлиб қолди. Касаллик олиб кетмаганда, ҳамманг қишлоқнинг илмли-ҳавасли йигит-қизлари бўлардинглар.

— Худо хоҳласа, отам кўрмаган орзу-ҳавасларни сиз кўрасиз, — ойимга далда бердим.

— Шунинг учун сенга ўқигин деяпман-да! — армонли хўрсиндилар онам. — Илмли одам ҳеч вақт хор бўлмайди.

— Айтмоқчи, отамнинг қариндошларини биласизми, деб сўровдим-а? Ўшалардан гапиринг.

— Ҳа-я, отанг бир-икки марта укаси Раҳим амакиларинг ҳақида гапиргандилар. Айтишларича, ўша укалари Қўқоннинг энг безори йигитларидан бири бўлган экан. Лекин отанг ўша ёлғиз укасининг бекорга жувонмарг бўлиб кетмаслиги учун астойдил куйиб-пишиб йўлга солишни уддалабди. Қирқинчи йилларда саноқли мансабдорлар машинада олиб юриларкан. Отанг укасининг ҳайдовчиликка қизиқишини илғаб қолибди-ю, уни ҳайдовчи тайёрлайдиган устозга берибди. Чунки ўша пайтларда ҳозиргидек шўпирликка ўқитадиган ўқув даргоҳлари йўқ экан-да. Бундай устоз Қўқонда ягона

экан. Шу орада отанг Тошкентга ишга ўтибдию “назоратимда бўлади” деб, амакингни ҳам ўзи билан бирга олиб келибди. Бу ерда ҳукумат раҳбарларини олиб юрадиган машиналар гаражига ишга жойлаштирибди. Амакинг катта мансабдорнинг хизматидаги машинани ҳайдай бошлабди. Лекин отангнинг пайига тушган ғаламислар одами гаражда ҳам бор экан, амакингга ҳам душманлик қилиб бир куни катта йиғилишда машинанинг ғилдираги гайкаларини ечиб қўйишади. Кабинада ухлаб қолган амакинг буни сезмайди. Йиғилишдан чиққан бошлиқ: “Ҳайда, энди йиғилиш фалон комиссарликда экан”, деб шоширади. Амакинг машинани ўт олдириб, бир неча ўн метр ҳам юрмайдики, ғилдирак чиқиб кетади, молия комиссари қийшайиб, бошини эшик тепасидаги темирга уриб ёради.

Амакинг “халқ комиссарига суиқасд қилиш” айблови билан йигирма йилга қамалиб кетади. Қолган воқеалардан ўзинг хабардорсан, 1958 йилда амакинг қамоқдан қутулиб келгач, уйланган бўлса ҳам, мана ўн йилки фарзанд кўргани йўқ. Ўша отанг ишлаган заводда ишлаб, топганини ёлғиз хотинию унинг қавм-қариндошларига сочиб юрибди. Отангнинг опаси Ойпопук андижонлик бир деҳқонга турмушга чиққандан кейин 3-4 фарзанд кўрганидан хабарим бор. Сўнгги бор келиб-кетганига йигирма йилдан ошди-ёв. Биз ўзимиздан ортилиб боролмадик ҳам. Отанг тиригида акаларингни олиб бирикки бориб-келишган. Нимага тўсатдан сўраб қолдинг ўзи?

Мен кечаги бўлган воқеани ва бугунги бўлиб ўтган гапларни сўзлаб бердим.

— Сен сўзлаётган одам балки аммангнинг катта ўғли Иноғомжондир! — деди ойимнинг ҳам ҳайронлиги ошиб.

— Ўша одам бўлса, мен тоғасининг ўғли эканлигимни қаердан билдийкин? — дедим мен ҳам ўзимни қийнаётган саволимга ойимдан жавоб топиш умидида.

— Қайдам! — хомушланди ойим. — Балки бориб биларсан. Лекин ёлғиз бора кўрма, бу тузоқ бўлиши мумкин. Олифта аёл балки шундай йўл тутиб сендан аламини олмоқчидир.

— Билмадим, лекин у аёл “амакингиз кутяпти” деб тезроқ боришга ундади. Эртага Усмон билан бориб келайми?

— Майли, болам, фақат эҳтиёт бўл.

* * *

— Оббо укаларим-ей, уйимизни топиб келибсизларда! — дея тепакал домла бизни самимий чеҳра билан қарши оларкан, ичкари хонага бошлади. Ундаги самимийлик йўл-йўлакай бизга ҳамроҳлик қилиб келган хавотирликни йўққа чиқариб юборди. Шубҳаларимиз саробдек йўқолиб унга эргашдик. Тахминимча, уйнинг саккизтача хонаси бор эди. Биз кенгроқ, бир томонини бошдан-оёқ турли китоблар пастдан шифтга қадар тартиб билан териб қўйилган стеллаж, бир томонини эса диван билан иккита кресло ҳамда пастак стол эгаллаган хонага кирдик.

— Қани укалар, жойлашиб ўтириб олинглар, — таклиф қиларкан, кўзойнакли акамиз диван ва креслоларга ишора қилди. — Мен ҳозир чой олиб келаман. Уйда ҳеч ким йўқ. Келинойингиз ишда, болалар боғчада ва лагерда. Шундай экан, ўзимиз чой ичиб, мириқиб гаплашиб ўтирамыз.

— Ҳеч нарсанинг кераги йўқ, — эътироз билдирдим мен. — Шунчаки таклифингиз учун келгандик.

— Жуда аъло иш қилдингизлар келиб, мен чой қўйиб қўйгандим. Фақат дамланса бўлди.

У чиқиб кетгач, биз хонани кўздан кечира бошладик. Китоблар ҳушимни олиб бўлганди. Э-ҳе, домла ҳаммасини ўқиб чиққанмикин-а?!

— Шу ерда қанча китоб борийкин? — Усмондан сўрадим. — Беш мингта чиқиб қолармикин?

— Қайдам, унча чиқмас-ов.

— Лекин шунча китобни ўқиган бўлса домла жуда ақлли, билимли бўлиб кетгандир?

— Бўлиши мумкин, — Усмон менинг гапимни хушламайгина қувватларкан. — Баъзи одамлар мақтаниш учун, обрў учун манманлик қилиб китоб тўпларкан.

Шу пайт эшик очилиб, кўзойнакли домла чойнак-пиёла, иккита патир нон, қаймоқли вазача, кесилган колбаса-пишлоқли ликопчалар қўйилган патнис кўтариб кирди. Ўзи ҳам битта креслога жойлашгач, пиёлаларга чой қуйиб узатгач, патирни синдириб қўйди.

— Қани укалар, олинглар! — жилмайди домла. — Энди танишсак ҳам бўлади. Менинг исми-шарифим Элмурод Бекмуродов. Кимё фанлари докториман. Минераллар кимёси илмий-текшириш институтида катта илмий ходим бўлиб ишлайман. Сизларни ким деб атай?

— Меники Баҳром! — дедим оддийгина қилиб.

— Менинг исмим Усмон! — деб ўзини таништирди ўртоғим.

— Яхши, хурсандман. Сизларни чақиришимдан мақсад, яқиндан танишиш эди, — гап бошлади Элмурод домла. — Чунки ўша куни сиз менинг ҳаётимда бурилиш рўй беришида туртки бўлдингиз. Сизнинг тап тортмай, дадил келинойингизга ўз норозилигингизни билдиришингиз менинг кўзимни очиб, қачонлардир юрагим тубига чўкиб кетган журъатимни, гуруримни уйғотди. Бу хонадонда эркимни йўқотганимга кўп бўлди.

Сирдарёда оддий деҳқон оиласида туғилиб ўсдим, мактабни битириб, ўз кучим билан институтга кирдим, ўқидим. Битириб аспирантурада ўқишни давом эттириш учун Тошкентга келдим. Минераллар кимёси илмий-текшириш институтида аспирантлик ўрни бор

экан, танловдан муваффақиятли ўтдим. Баҳриддинов деган профессор илмий раҳбарлигида мавзу танлаб, тадқиқотларимни бошлаб юбордим. Илмий изланишларни игна билан қудуқ қазишдек машаққатга қиёслашади. Бу гап мен учун бошқа кўчма маънога эга бўлиб чиқди. Чунки илмий раҳбарим ана шу кўчма маънони кашф этди. У айти шу даврда Қибрай томонда бир хашаматли уй қурдираётган экан. Домлам мени олдиларига чақириб: “Элмуроджон, илмий ишингизни менга беринг, уни шундай режалаштириб бераманки, бир ҳафтадаёқ тайёрлаб оппонентга топшириб юборасиз. Лекин икки йиллик аспирантурани битирмай туриб диссертациянгни ҳимоялай олмайсиз. Яхшиси, унгача уйим қурилишида ишлаётганларга бош бўлиб, дам олиб туринг”, деб Қибрайга жўнатиб юборди. Хонада димиқиб, илмий ишлар билан бошимни қотиргандан кўра унга дам бериш таклифи ўзимга ҳам маъқул тушиб, қурилиш кетаётган жойга йўл олдим. Домланинг ишончли одамидек қурилишга бош бўламан, деб келсам, профессор Баҳриддиновнинг қўл остидаги жамики аспирантлар-у, бошқа илмий тадқиқотчилар шу ерда қора терга тушиб пойдеворга бетон қуйишмоқда экан. Икки нафар бўлим бошлиғи бўлиб ишлайдиган фан номзодлари бу ердаги раҳбарликни қўлларига олишволган экан. Ишбоши фан номзоди менинг келишим боисини билиб олгач, қора терга ботган нозикроқ бичимдаги йигитни чақириб, унинг қўлидаги катта лапаткани менга тутқазди.

— Ҳайитов домланинг қўлида тўрт йилдан бери шогирд эди, энди унинг учирма бўлиш навбати келди.

Қисқаси, домла Баҳриддиновнинг қўлида мен ҳам уч йил — этим унга, суягим ўзимга қолгунча ишладим. Устознинг ўн икки хонали уйи ҳам битиб бўлди. Мен билан тўрт нафар шогирддан ташқари ҳамма димиққан хоналарига қайтишди.

Бизнинг муддатимиз тугамаган эмиш. Бу орада, домлага катта маош етмас экан шекилли, янги уйига яқин жойдан бир гектар ерни ижарага олди-да, қулупнай эктирди. Энди биз — тўрт нафар шогирд деҳқонларнинг болалари эмасмизми, бир йўла даланинг бошига қапа тикиб чиқиб олдик. Эрта баҳордан гўнг соламиз, чопиқ қиламиз, ўтини юламиз, дори сочамиз, суғорамиз. Бу ишларимиз кам кўринди шекилли, домла иккита новвосча олиб берган, навбатма-навбат унга қараймиз. Қулупнай пишганда ҳар куни тўққиз букилиб, уни терамиз. Албатта, бир гектар қулупнайни теришнинг ўзи бўлмайди — домла қўл остидаги ходимларни, яна ўзи маъруза ўқийдиган институтнинг беш-ўнта талаба қизларини юборади. Биз терилган қулупнайларни идишларга жойлаб, домланинг қайниси ҳайдайдиган “УАЗ” машинасига ортиб берамиз, қолгани билан ишимиз йўқ. Машина пешиндан кейин терилган қулупнайни эрталаб, эрталабдан тушгача терилганларини эса пешиндан кейин бозорга олиб кетади.

Домланинг қизи Барно кўпинча ўзининг “Жигули”сида далада ишнинг боришини кўргани келиб туради. Уни аввалдан танийдиган шерикларим қизга пойи патак бўлиб қолишади. Мен тортинчоқлигим боис унга яқин бормайман.

Кейин билишимча, Барно менинг яқинлашмаслигимни кўриб, ўзим кутган шогирд, деб ўйларкан. Худди шу фикр уни менга яқинлаштирди. Қизнинг мақсади менинг ғуруримни синдириб, ўзига бўйсундириб олиш эди. Албатта, вақти келиб бунга эришди ҳам.

Ота-онасининг тантиқ қизи бўлган Барно отасининг сояси остида университетнинг филология факультетиде ўқирди. Ўқирди, десак жудаям тўғри бўлмас, кўпроқ ўзини, ҳар куни ўзгартирадиган либос-у зеб-зийнатларини кўз-кўзлагани борарди. Шунда домлам Баҳриддинов-

нинг пулга ружу қўйганлик сабабини тушунгандек бўлдим. Барно бир кийган қўйлагини қайта киймас, устки кийимларнинг сара-сарасини икки-уч мартадан ортиқ устида кўрмасдик.

— Мана шунақа сатанглиги учун аввалги йили турмуш қурган иккинчи эри унинг кетига хода уриб ҳайдаганди, — деб таъриф берганди бизга бошчи бўлиб қолган ёши каттароқ Нусрат деган йигит.

— Ҳали бу қиз турмуш қурганми? — ҳайратланиб сўрадим. — Мен уни ёш талаба деб ўйловдим.

— Агар шу туриши бўлса бешинчи курсни битиргунча шунча эрга тегади. Буни қаттиққўл, жоҳил бирорта зўр чиқиб тўхтатмаса, бу кетишда йўлида учраганни янчиб ўтиб кетади. Тез-тез қулупнайзорга келиб туришига қараганда сизни кўз тагига олганга ўхшайди.

— Йўғ-е, сизлардек ёши улуғроқ, домланинг шогирдлари турганда, камбағалдан чиққан биздақаларга йўл бўлсин, — дейман ярим ҳазил, ярим чин кулиб.

Лекин Нусрат ҳақ бўлиб чиқди. Эртасига пайкал бошига келган Барно қўлини сермаб мени чақирди.

— Ассалому алайкум! — қўнғироқдек овозда салом берди Барно мени довдиратиб. — Уйдагилар қулупнайдан мураббо қилишмабди. Мен бўлсам қулупнай мураббосини ўлгудек яхши кўраман. Қолган-қутганидан бўлсаям бир челақ териб, уйга бериб юборсангиз...

— Бир челақ чиқармикин-а, қайдам, — дедим Барнонинг нозли сўзларидан, жодули кўз сузишларидан ўзимни йўқотгудек, терга ботиб.

— Мен учун амаллайсиз-да. Баъзиларга бир имо қилсам Кўҳи Қофдан бўлса ҳам топиб келишади. Лекин улар ичида ёшроғи сиз экансиз-да, уларга айтиш ноқулай.

— Майли, ҳаракат қиламан, — дедим Барнонинг илтимосини рад этишга ботина олмай.

У машинасига ўтираркан, “Кутаман-а” деб қўйди.

— Табриклайман! — деди Нусрат самимий ҳамдард оҳангда. — Профессорга куёв бўлдингиз ҳисоб. Шунини айтарканлар-да “Тешик мунчоқ ерда қолмас” деб.

— Қўйсангиз-чи, — дейман қўл силкиб. — Ҳамма бир челақ қулупнай олиб бориб профессорга куёв бўлаверса, қизи бор профессор етказиб бўладими?

— Ҳаммани билмадим-у, аммо сиз куёв танловидан ўтдингиз, бу ёғи тўй-да, ошна. Фақат Барнони Сирдарёга эмас, сизни Сирдарёдан ёр-ёр билан узатиб келишадиган бўлса, ажабланиб, рад этиб ўтирманг. Шунда бахтингиз очилиб, ишларингиз юришиб кетади, мақсадингизга етасиз.

— Жудаям ошириб юбордингиз, Нусрат ака! Барнога уйланган тақдиримда ҳам у Оловиддиннинг чироғи бўлолмаса керак.

— Келинг, бўлмаса баҳс бойлашайлик. Агар айтганларим рўёбга ошмаса бўлимимизга битта зиёфат қилиб бераман, акс ҳолда бу харажат сиздан бўлади. Ана Ризо билан Ҳамид баҳсимизга гувоҳ.

— Бўпти, мен рози.

— Бўлмаса, анави челақни олиб Олой бозорига жўнай қолинг. Барибир пайкалдан қулупнай чиқмайди.

Ҳартугул бозорда кечроқ пишадиган қулупнайлар бор экан. Энг сарасидан олиб, домланикига жўнадим.

Барно айтиб қўйган эканми, профессор ҳам, хотини ҳам очик чехра-ю тавозе билан кутиб олишди.

— Бу қизи тушмагур сизни овора қилибди-да, Элмуроджон! — деди домла Баҳриддинов сохта меҳрибонлик оҳангида эркатойини койигандек. — Начора, бу эрка қизимизнинг кўнглига қараймиз-да.

— Ҳа-я, Барно қулупнай мураббосини жуда яхши кўради, — гапни илиб кетди янга. — Шунча қулупнай сотилганда эсимизга келмаганини қаранг.

— Шунча вақт далада ишлаб чарчагандирсиз, энди бир

оз дамингизни олинг, — сохтами, чинми, меҳрибонлик билан деди Баҳриддинов. — Уйга киринг, чой ичамиз.

— Мен борақолай, — тараддудландим мен. — Кеч қолсам, автобуслар ётиб қолади.

— Йў-ў-ў-қ, — янга икки қўлини елкамга қўйди, — ош тайёр, устозингиз билан ўтиринг, меҳмонимиз бўласиз.

Назаримда, Нусратнинг башорати ҳосил бера бошлаганди. Энди домла қўлтиғимдан олиб меҳмонхонаси томон сургади. Менинг у билан баробар қадам ташлашдан ўзга чорам қолмади. Даладаги терлар баданимда қотиб қолган, ҳозир хижолат тортишимдан яна терлар чиқиб, эскиларига қўшилиб атрофга ёқимсиз ҳид таратмоқда эди. Баҳриддинов буни илғаб, бир пиёла ичганимиздан сўнг :

— Элмуроджон, далада ишлар кўплигидан ювинишга вақтингиз бўлмаётганлигини биламан. Начора, шароит йўқ. Лекин ҳозир бунга имкон бор. Ҳаммом иситиб қўйилган. Кириб чиқинг. Сўнг бафуржа ўтираверамиз, — деди. Хижолатомузликдан баданимдаги терлар қуюқлашиб, устозимнинг таклифини қабул қилишдан ўзга илож қолмади.

Ҳаммомдан тозаланиб, қизариб чиқиб келсам, ўзимнинг бирорта кийимим йўқ. Ўрнида дазмоллаб қўйилган янги, қимматбаҳо костюм-шим, оқ кўйлак, туфли, кўйингчи, пайпоғу ички кийимларгача турибди. Ҳайрон бўлиб кийимларимни келтириб беришар, деган хаёлда бир оз ўтирдим. Шу пайт эшикни кимдир оҳиста чертиб: “Элмуроджон, шу ердამисиз?” — деган аёл кишининг овози келди.

— Ҳа, — дедим сочиқ билан шоша-пиша танамни беркитарканман, — кийимларимни ким олди?

— Илиғлик кийимларни кийиб чиқаркансиз.

Ўзимдан ўзим ийманиб кийинарканман, ҳамма ли-

бослар ўзимга лойиқлиги ҳайрон қолдирарди. Кийиниб бўлгач, ойнага қарасам ўзимни таниёлмай қолдим. Гўёки, менга кўркамгина нотаниш шаҳзода қараб турарди.

— Ия, Элмуроджон, ўзингизми? — кулди қарши олган устозим. — “Одам кўрки — либосда” деганлари бежиз эмас экан, жа очилиб кетибсиз.

— Ўзимникига алмаштирволай.

Домла кулди:

— Хизматчи аёл билмасдан ёқворибди. Кийимларингизни уйда ишлаган усталарники деб ўйлабди-да. Кўяверинг, бу либослар сизга ярашиб турибди.

— Иш ҳақимдан олиб қоларсиз, бўлмаса!

Баҳриддинов яна кулди:

— Икки-уч ойлик маошингиздан ажраркансиз-да.

Дамим ичимга тушиб кетди.

— Майли, — дея олдим, холос.

— Сиз бизга жуда маъқул келиб қолдингиз. Алоҳида бўлиб чиқиб кетган ўғлим Насриддиннинг ўрнига ўғил бўлиб яшайверасиз, маъқулми?

— Билмасам... Сизнинг оилангиз қандай қараркин?

— Бу хонадонда менинг гапим гап. Янгангиз эса жон дейди. Аслида шу ерда яшашингизни янгангизнинг ўзи таклиф қилди.

— Нима иш қиламан бу ерда?

— Деярли ҳеч нарса. Баъзи-баъзида бозор қилиб келасиз. Қолган вақт институтга бориб илмий ишингизни қилаверасиз. Лекин бунга ҳам ҳожат йўқ десам ҳам бўлади, чунки диссертациянгиз ҳадемай ҳимояга тайёр бўлиб қолади. Сиз фақат қорангизни кўрсатиб турсангиз бас.

— Менга жудаям марҳамат кўрсатиб, хижолат қиляпсиз. Бу эҳтиром кўрсатишингиз сабабини билсам бўладими?

— Агар эҳтиром кўрсатишга сабаб бўлмаса бу уйнинг остонасини ҳам кўролмасдингиз.

— Ўша сабабнинг нима эканлигини билсам бўладими? Шунча эҳтиромга яраша хизмат кўрсата оламанми?

Баҳриддинов домла бир муддат сукутга чўмди. Унинг бу ҳолатидан асосий гапни ҳозир айтиш-айтмаслик фикри иккилантириб турганини илғаб олса бўларди.

Домла темирни қизиғида босадиганлар тоифасидан эди, кўнглида тўлғоқ дардидай турган гапни ёрилиб қўя қолди:

— Элмуроджон, боя айтгандим — сиз бизга, тўғрироғи, қизимиз Барнога ёқиб қолдингиз. Бу шунчаки диссертацияга ўхшаган кўча иши эмас, кўнгил иши. Биз учун қизимизнинг кўнглидан юқори турадиган олий нарсанинг ўзи йўқ. Ана шу олий маёққа интилган одам учун чексиз саодатлар эшиги очилади. Акс ҳолда, ҳамма имкониятлар эшиги тақа-тақ ёпилади. Ҳамма нарсасидан айрилган одамнинг аро йўлда қолиб кетишини яхши биласиз. Сизнинг олдингизда худди ана шу икки йўл турибди. Танланг.

Аввал бошданоқ гапнинг даромадини билсам ҳам барибир домла бу йўсинда шарт қўяди, деб ўйламагандим.

— Қизингиз аввал турмуш қурган экан-ку, — деб минғилладим. Устоз Баҳриддиновнинг қошлари кўтарилди.

— Хўш, турмуш кўрган бўлса нима бўлибди? Бўлмагур оила экан, қизимнинг дидига тўғри келмай уч ойдаёқ у ёқ билан яшашни рад этди.

— Қизлик иффати...

Домла ортиқ гапиришимга имкон бермади:

— Э-э, жудаям қолоқ фикрли бўлманг. Муҳими, кўнгилда. Агар эр-хотин бир-бирига чин юракдан кўнгил қўйса, айниқса, аёл киши, ўша оила бахтли бўлади. Билсангиз, айрим халқларда турмуш қурган эр хотинининг биринчи кечасини пир ҳисобланмиш йўлбошчиларга тақдим этишни шараф иши деб биларкан.

Ўзингиз ҳам билсангиз керак, турли сабабларга кўра ўзга эрга турмушга берилган қизлар маълум вақт, ҳатто йиллар ўтгандан кейин ажрашиб, севганига тегеди. Ҳаёт шунақа, кўнгил бўлса турмушинг тотли, бўлмаса заҳар. Ҳамонки, қизимизнинг сизга кўнгли бор экан, бахтингиз кулгани шу. Хўш, розимисиз?

— Ўйлаб кўрсам бўладими?

— Эрталабгача ўйлаб кўришингиз мумкин.

Домла менга ўрин-кўрпа тўшалган диванни кўрсатиб, “Яхши дам олинг” дея меҳмонхонани тарк этди. Шу тобда боя еган палов ичимни заҳар каби қиздириб, тобора ҳолдан тойдираётгандек, устимдаги либослар эса танамни сиқиб, ўзимни бўғаетгандек эди. Ҳаммасини ечиб ташлаб, кўрпага кирдим. Домла Баҳриддиновнинг андишасиз таклифини мушоҳада эта бошладим. У киши айтгандек, олдимда иккита йўл турарди. Бири бахту саодатга, мақсадга етказувчи равон, аммо йигитлик шаънимга номуносиб, эрксиз йўл, иккинчиси эса ҳамма нарсадан бирваракай айрилиб, икки бармоқни бурунга тиқиб Сирдарё шаҳрига яқин Бўстонобод қишлоғига қайтиб кетишдек дардли, бироқ ғурурни асраб қоладиган йўл эди.

Ғуруримга қулоқ солмай биринчи йўлни танлаш, мен учун мақсадга мувофиқроқ кўринди. Чунки ақлимни таниганимдан буён ўз олдимга олим бўлиб, фанга, халқ манфаатларига хизмат қилишни мақсад қилиб қўйгандим. Шунинг учун ғуруримни қурбон қилиб бўлса-да, мақсадга эришиш тўғри йўлдек туюлди.

* * *

Эрталаб ювиниб-тараниб ҳовлига чиққанимда Баҳриддинов домла, янга ва Барно чақчақлашиб чой ичишарди. Мени кўришгач, ўрниларидан кўзғалишиб, столга таклиф қилишди. Барно уялган бўлиб хонасига кириб кетди.

— Яхши дам олдингизми, Элмуроджон? — очик чехра билан сўради домла мен жойлашиб олгач. — Қани, дастурхонга марҳамат.

— Болам, ётган жойингиз қаттиқлик қилмадими? — кўнгил сўради янга чой қуйиб узатаркан. — Ҳеч тортинмай қорнингизни тўйғазиб олинг.

Шу пайт хизматчи аёл қовурилган гўшт ва тухум, сомса, яна алланарсалар қўйиб кетди. Устоз ва янганинг қистови билан у-булардан еган бўлдим. Менинг қўлимни артиб, чой ичаётганимни кўрган домла томоғини қириб қўйганди, янга ўрнидан туриб уйга кириб кетди.

— Элмуроджон! — гап бошлади домла. — Кечаги таклифимни ўйлаб кўргандирсиз? Энг меҳрибон ота-оналар ҳам сизга шунчалик саодат эшигини очиб беролмайдилар. Нима дедингиз?

— Тўғри айтасиз, устоз! — дея олдим аранг.

— Демак, таклифимга розисиз, деб тушунсам бўладими?

— Ҳа.

— Мана бу ўғил бола гап. Ҳой онаси! — овозини кўтарди домла хотини кириб кетган уй томон.

— Ҳозир, кетяпман. — Янганинг товуши келди ичкаридан ва зум ўтмай эшикда ўзи кўринди.

— Суюнчи беравер, онаси! — ҳазиллашди домла. — Тўрт мучаси тўкис, келишгангина ўғиллик бўлдинг.

— Вой, ростданми, дадаси? — Янганинг оғзидаги тилла тишлар тўла кўринди. — Қандоқ яхши. Ўзи кеча ҳаммомдан чиққанларидаёқ Элмуроджон кўзимга оловдек кўриниб, меҳрим товланганди-я. Ўзингизга ўғил муборак, дадаси! Ҳой Зубайдахон, исириқ тутатиб келинг, “алас-алас” қилиб юборайлик.

Кўп ўтмай хизматчи аёл хокандозда исириқни тутатиб келиб, бошим устида уч бора айлантириб, бошқаларга ҳам исми-расмини қилиб кетди.

— Энди, Элмуроджон, — салмоқланиб гап бошлади домла Баҳриддинов, — ҳамонки таклифимизни қабул қилган экансиз, бўладиган ишнинг эртаси яхши деганларидек, сиз эртага ота-онангиз олдига бориб вазиятни тушунтиринг, иложи бўлса шу ҳафтанинг охирига эл кўзига совчидек бўлиб келиб кетишсин. Шу баҳонада танишиб оламиз. Ундан кейинги ҳафтага тўйни ўтказиб юборамиз. Сиз бир автобусда ошна-оғайниларингиз, яқинларингиз билан келиб шу ерда базмни ўтказгандан кейин келинни олиб кетаверасизлар. У ёқда тўй қиласизларми, зиёфатдек ўтказиб юборасизларми, ўзларингиз биласизлар. Лекин уч кундан сўнг Барно иккинги қайтиб келасизлар. Бор гап шу.

Домланинг тўйни уч-тўрт кишилик зиёфатдек ўтказиб юбориш режаси менинг кўнглимда беҳад гулгула уйғотди. Ахир, бу гапларни дабдурустдан ота-онамга қандай билдираман, деган ташвиш ич-этимни кемирарди. Ҳай, бир мавриди келиб қолар, деб ўзимга таскин бердим.

Бир-биримизга кўникиш учун Барно шу кеча мен билан қолди. Ундан таралаётган ифорлардан бошим айланиб, вужудим жунбушга келди. Турмуш кўравериш тажрибаси ошиб кетган экан, ҳеч тортинишсиз ечиниш, ички либосларда қолганда мен анграйиб қолдим. Мен шу давргача қизларнинг баданини кўриш у ёқда турсин, кўлини ҳам ушламагандим. Ахир биласизлар, қишлоқ болалари ҳам қизлар каби уят, ор-номус, катталардан ҳайиқиш каби андиша кўчасидан чиқмайдилар. Шунинг учунми, Барнонинг ҳатти-ҳаракати мен учун ғоят нотабиий эди. У эмас, мен уятдан қизариб, икки кўлим билан юзимни беркитиб олибман. Бир вақт Барнонинг қиқир-қиқир кулгиси эшитилди.

— Ҳой шаҳзодам, нима бало, жинсимиз алмашиб қолдимми? — деди у киноя билан. — Ёки бирон жин-алвасти-

ни кўриб, кўрқиб кетдингизми? Қани, келинг, мени оғушингизга олинг. Ёки бу вазифани ҳам мен бажарайми?

Барнонинг гапи менга далда бўлди. Аста уни кучдим.

— Вой, жоним, сиз ечинмай ухлайсизми, нима бало? Ёки ўзим ечинтириб қўяйми? — деб Барнонинг ўзи тугмаларимни бўшата бошлади.

Бутун тун унинг ташаббускорлигида фараҳбахш кечди. Тонгга яқингина бўлажак рафиқам билан суҳбатимиз бошланди.

— Сизни ўзимники қилгунимча ойимни қанча авраб дадамни кўндиртирганимни биласизми? Сиз учун энди барча бахт эшиклари очилишини тасаввур қиляпсизми? Агар сиз менинг кўнглимни чоғ этиб юрсангиз ҳақиқий шаҳзодага айланасиз, билдингизми?

— Кўнглингиз қандай эрни тусайди?

— Энг аввало кўнглимни овлай оладиган эр бўлинг. Оилада эса ҳамма рўзгорни эплаб-бутлаб турадиган эркакка айланинг. Фақат менинг майлимга қарши бора кўрманг, бунинг оқибати яхшиликка олиб бормайди. Шуларни бажаришга ваъда берсангиз мен ҳам, мана шу тўшак ҳам доим сизники. Бекаму кўст яшаб, даврон сурасиз, мартабаларга эришасиз. Хўш?

Фараҳбахш тундан сармаст эдим. Кутилмаганда бахтим чеки бўлмай турганда мен юзта, мингта ваъда беришга тайёр эдим.

— Айтганингиздек бўлади, маликам, — дедим булбулдек сайраб. — Сиз менинг бахт юлдузимсиз. Буюринг, истагингизни муҳайё этгувчи қулингиз бўлай.

— Йўқ, шаҳзодам, сиз айтилган нарсани муҳайё этувчи қул бўлолмайсиз, — кулди Барно. — Уни мен, дадам муҳайё этамиз. Сиз фақат боя айтганимдек кўнглимга зид бормасангиз бўлди.

Хуллас, домлам Баҳриддинов тузган режаси бўйича тўй ҳам бўлиб ўтди, ота-онам ноилож уч кундан сўнг

бизни шаҳарга кузатишди. Қайнотам шаҳардаги аввалги саккиз хонали уйини бизга совға қилди. У давлат томонидан текширув бўлиб қолиши мумкинлигидан хавотирланиб, уйни менинг номимга хатлатиб қўйди. Лекин бу уй ҳар доим миннатли бўлиб келгани туфайли ҳозиргача менга қамоқхонадек туюлади. Шунингдек, қайнотамнинг саъй-ҳаракати туфайли фан доктори унвонига эришганимга кўниколмайман. Чунки мен ҳеч қандай хизмат кўрсатмай, жон куйдирмай докторлик унвонига эга бўлишимни фан учун хиёнат қилгандек ҳис этаман ўзимни. Бу дардларимни ўзим биламан, руҳан азоб чекаман, лекин ҳеч кимга айтолмайман. Сизларни учратган кунгача мен шундай азобда юрган гунг қул эдим. Лекин сизнинг Барнога қатъиятли талабингиздан шундай таъсирланиб кетдимки, гўё қалбим кўзи очилгандек бўлди. Йўлда кетаётганимизда Барно қанчалик шошираётганига қарамай машинани тўхтатдим.

— Нега тўхтатдингиз, ахир кеч қолаяпмиз-ку! — вишиллади Барно гезариб.

— Кеч қоласанми, қолиб кетасанми, менга қизиғи йўқ, менга аввал шунчалик тубан, худбин, молу дунё ва маишатдан бошқасини тан олмайдиган олчоқлигингни тушунтириб бер.

Барнонинг ранги аввалгидан-да гезариб, турқи хунуклашиб кетди. Чиройли чехранинг хунуклашганидан кўра даҳшатли нарса йўқдек туюлди ўша онда.

— Ие, тезакдан олов чиқиб қолдими? — деди ҳайрон ва ғазабдаги Барно чақчайиб. — Менинг ишларимга аралашмасликка ваъда бергансиз! Энди жир битиб, эгасини қопадиган кўппак бўлиб қолдингизми? Кўрнамак экансиз.

— Менинг кўрнамак бўлишимга сабаб сизнинг чега-радан чиқиб кетаётганингиз. Нима, бегона эркаклар билан дон олишиб, маишат қилиб юрганингизни билмай-

ди, деб ўйлайсизми? Ҳар куни маст келиб уйқунгизда кимларнингдир номини чақириб, қучоғингизга чорлаб эркаланишларингизни эшитмайди, деб ўйлайсизми? Қандайдир кимсалар билан алоқа боғлаб, бошқа шаҳарлардан тилла буюмлар келтиришингизни ва уни ўзингизга ўхшаган зеб-зийнатга ўч аёлларга икки-уч ҳисса нархда пуллаб, чайқовчилик қилишингиздан хабардорлигимни айтиб қўяй. Болаларни туққандан кейин тарбияси билан шуғулланмай, оналик шаънига зид иш тутаётганлигингизни айтмай қўя қолай.

Тинимсиз айбловларимдан Барнонинг тили айланмай каловланиб қолди. Оғзимдан бошқа гуноҳларини санаш чиқишидан кўрқиб:

— Нима истайсиз мендан? Ахир, умрингиз охиригача етадиган давлату уй-жой кафолатланиб қўйилган-ку! — деди.

— Бошимни кўтариб юришни хоҳлайман. Қулга эмас, ҳақиқий одамга, эрга қарагандек қарашингизни истайман. Лоақал ҳалиги боладек ўз фикрларимни дадил айтишни, миннатсиз яшашни истайман, билдингизми?

— Э-э, қўйинг ўша чувринди қишлоқини, асабимни бузди.

— Йўқ, қўймайман. Ўша бола кўзимни очди. Бугундан бошлаб ҳаёт тарзингизни, феъл-атворингизни ўзгартирасиз. Эртага ўша болани уйга таклиф қиласиз, фақат бугунги важоҳатда эмас, самимий тарзда.

— Буни қилмасам-чи? Қўлингиздан нимаям келарди?

— Энди кўп нарса қўлимдан келади. Агар айтганларимни бажармайдиган бўлсангиз ҳозироқ машинани бирор нарсага уриб иккимизнинг ҳаётимизга нуқта қўяман. Бу менинг охирги сўзим.

Барно менга боқиб сўзларим қатъий эканлигини фаҳмлади.

— Вой дадаси, бунақа жаҳлингиз борлигини биринчи

кўришим. Мендан ўтган бўлса кечиринг, — деди у ювош тортган кўйи. — Энди ҳайдай қолинг.

Унинг сўзлари самимий эдими, сохта, киноя билан айтдими, англолмадим.

— Айтганларимни бажаришга ваъда берасизми ёки... — сўрадим машинани ўт олдиришга ҳозирлаб.

— Хотиржам бўлинг, айтганингиздек бўлади. — Барно менга қўрқиброқ боқди.

Барно акасининг зиёфатида ҳар доимгига нисбатан ўзини босиқ тутди, ўйчан ўтирди. Афтидан у ўртамизда бўлиб ўтган можарони ўйлаб, мушоҳада этаётганди. Балки, ҳаёти менинг қўлимда гаровда эканлигидан хавотирда бўлгандир. Мана, орадан уч кун ўтдики, Барно мени ҳайрон қолдириб рисоладагидек умр йўлдоши вазифасини амаллаб ёки чиндан-да астойдил бажариб келяпти. Кеч бўлса-да, кўзимни очганингиз учун раҳмат айтмоқчиман. Сизда одамни гипноз қиладиган сеҳрми, меҳрми бор, у кишиларда ухлаб ётган учинчи — қалб кўзини очиб юбора олади. Қаранг, ўн йилдан буён қалбим қаърида кўмилиб ётган дардларимни ҳам ҳеч кимга айтмагандим, анча ёш бўлсангиз-да сизга тўкилдим-а. Энди сиз билан ака-ука бўлиб қолдик. Бирор ёрдам зарур бўлса бемалол менга суянаверинг. Энди сиз ҳам ўзингиз ҳақингизда гапириб беринг, токи яқинроқ билиб олай.

Мен ўзим, оиламиз ҳақида қисқача гапириб бердим. Ўз олдимга филолог бўлишни мақсад қилиб қўйганимни айтдим.

— Филолог ниҳоятда эзгу касб. Чунки у миллийлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Лекин тушунишимча, оилангиз қийинчилик билан кун кечиради. Акаларингиз армия хизматида экан. Агар сиз ўқишга кириб кетсангиз бутун оғирлик яна онангизга тушиб қолмайдими? Шунинг учун сизга маслаҳатим — университетнинг кечки бўлимига кириб ўқинг. Шунда

бир ўқ билан икки қуённи урган бўласиз. Биринчидан, кечкида ўқиб ҳам яхши филолог бўлиш мумкин, бу ёғи ўзингизга боғлиқ, дангаса бўлмасангиз бўлди, иккинчидан, бирор жойга, масалан, қурилишгами кириб ишласангиз мўмайгина маош ҳам оласиз.

Кўзим ярқ этиб очилди. Э-ҳа, мени қийнаётган муаммонинг ечими ҳам бор экан-ку!

Биз Элмурод ака билан хайрлашиб қайтарканмиз, мен мақбул муаммо ечими таъсирида эдим. Ниҳоят, онамга кўмакдош бўла олиш имкони ҳам, ўзимнинг мақсадимга етиш ечими ҳам топилди.

— Топилган “амакинг” бизга ҳасратини айтиш учун чақиртирган экан-да, — ўйимни бузди Усмон. — Топган дардкашлари биздақа чурвақалар бўлибди.

— Дардга тўлган киши учун тик турган оддий кетмон ҳам дардкаш бўлиши мумкин, — дедим ўртоғимнинг пичингидан энсам қотиб. — Бу одамнинг кўнглига ким ёки нима тўғри келишига боғлиқ.

— Шу латта олим, хотини, қайнотасининг қулига айланган ҳажиқизнинг дардини эшитишга кетган вақтимга ачинаман.

— Мен эса келгуси ҳаётимда ибрат бўлиши мумкин бўлган аянчли ҳикоя эшитганимдан, бир инсоннинг ўз йўлини топиб олишига нафим текканидан, қолаверса, муҳим маслаҳат олганимдан, ниҳоятда хурсанд бўлдим.

— Сен доим менинг фикрларимнинг тескарисини айтиб қарши чиқасан-а, — ранжиган оҳангда деди Усмон.

— Чунки мен ўзимча фикрлайман.

— Шу фикрларинг тўмтоқлиги, ўзингнинг бояги домладек лапашанглигинг туфайли қизларнинг кўнглини ололмай юрибсан-да, — чақмоқчи бўлди ўртоғим.

Унинг сўзлари ниш каби юрагимга санчилса-да, кўнглига озор етказмаслик учун ортиқча гапирмай қўя қолдим:

— Бу ёғини қўявер, келажак кўрсатади.

Шу бўйи қишлоққача бир-биримизга сўз қотмай келдик.

* * *

Ёзнинг охирги ойига келиб барча олий ўқув юртлари каби университетда ҳам имтиҳонлар бошланди. Ҳар бир имтиҳон факультетларда турли кунларда ўтказилгани боис кўпинча ёлғиз Тошкентга бориб-келардим. Имтиҳон саволларига ҳар доим тўлиқ ва қониқарли жавоб берганимга қарамай негадир домлалар паст баҳо қўйишади. Нормализация билдирсам, имтиҳон олувчи домла “Ҳозир битта савол бераман, агар қониқарли жавоб берсанг баҳоинг аъло бўлади, акс ҳолда “икки” қўяман” деб қўрқитишади. Биламан, ҳеч кимнинг ақли етмайдиган савол бериши аниқ.

Кейин билишимча, ўша вақтларда барча олий ўқув юртларидаги каби университетда ҳам таниш-билишчилик авж олган бўлиб, катта амалдорларнинг, пора узатганларнинг, университетда ишлайдиганларнинг эркатойларини жойлаштириш учун домлалар зиммасига биз каби билимли бўлса-да, мирқуруқ абитуриентларни тўкиб ташлаш буюрилар экан.

Хуллас, тўртта имтиҳондан ўн беш балл жамғардим. Ҳафсалам пир бўлди. Ҳужжатларимни олиш учун борсам ўша Барно опа ўтирибди. Бошқа ҳеч ким йўқ. Мени кўриб “баттар бўл” деса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, аксинча, очиқ чеҳрада “Э-э, Баҳромжон, бормисиз, кўринмайсиз?” деди.

— Шундоқ, имтиҳонларга тайёргарликлар билан юрардим, — жавоб бердим ланж кайфиятда.

— Натижалар нима бўлди? Табрикласак бўладими?

— Қаёқда! Билимга кўпам қаралавермас экан шекилли. Ўн беш балл тўпладим.

— Ҳа, мандат комиссиясига бу бир оз камлик қилади. Аттанг, ўзим билан овора бўлиб сиз ҳақингизда унутиб қўйибман. Элмурод акангиз ҳам индагани йўқ, бунинг устига факультетга қабул қилиш чоғида бўладиган унча-мунча “олди-берди”ларга аралашишни тақиқлаб қўйдилар. Бўлмаса, тўғриласа бўларди.

— Раҳмат, кўяверинг, шу адолат бузилмай кўяқолсин, — дедим алаимни ичимга ютиб. Лекин бир томондан хурсанд бўлганим, Элмурод ака оиласида ўз адолатини ўрнатган кўринади.

— Энди нима қилмоқчисиз? — сўради Барно опа қисқа хаёлга чўмганимни бузиб.

— Ҳужжатларимни олмоқчиман, келаси йили кечки бўлимга топшираман.

— Нега энди келаси йилга? Шу тўплаган баллингиз билан кечкига ўтказса бўлади-ку!

Ҳайратдан қотиб қолдим. Ҳозир эшитганим тушимиди ёки ўнгим?

— Ростданми? — ишонқирамай қайта сўрадим.

— Ҳа. Хоҳласангиз ҳозироқ ариза ёзиб беринг, мен кечки бўлим ҳайъатига уни ҳужжатларингизга қўшиб ўтказиб қўяман.

— Катта раҳмат, бу яхшилигингизни ҳечам унутмайман.

— Арзимаиди. Сизга фойдам тегаётганидан хурсандман.

— Барно опа, ўша кунги беодоблигим учун кечирим сўрайман.

— Вой, нима деяпсиз, мен уни унутиб юбордим. Аксинча, оиламизни сақлаб қолганингиз учун сиздан қарздормиз. Сиз бўлмасангиз оёғим ердан узилганини билмас эканман. Энди бизникига келиб туринг.

— Раҳмат. Уйга бориб ойимни хурсанд қилсам бўладими?

— Бемалол менга ишонаверинг, сиз, албатта, талаба бўласиз.

Кўнглим осмон баробар кўтарилиб, уйга қайтдим. Лекин кун роса иссиқлик қилдими дейман, бекат томон хиёбон оралаб ўтиб борарканман, тўсатдан бурним қонай бошласа, денг. Қишлоқ боласи эмасмизми, аксига ёнимда рўмолча олмаган эканман. Бурнимни ушлаганча йўлка чеккасидаги ўриндиққа чўкдим. Бурнимни қўйиб юборгандим — тўлиб турган қон олдимда ҳалқобча ҳосил қилди. Қон тўхтай демасди. Одамлар менга заррача эътибор бермай, у ёқ-бу ёққа ўтишади. Мен эсам энгашганча қонимни оқизиб ўтирардим. Бир пайт қандайдир рус аёли “Ой, бедняжка” деб дастрўмолини узатди. Бошимни кўтариб қарасам, олтмиш ёшлардаги камсуқумгина кийинган бир рус аёли сигарет чекканича менга қараб турарди.

“Ну что, синочек, кровь прекратился?” деб сўради. Рўмолчани кўтаргандим, қон яна оқишда давом этди. Шунда аёл “Ты посиди, я сейчас приду” дея қаёққадир кетди. Кўп ўтмай у қаердандир бир парча муз кўтариб келиб қолди ва бурнимнинг тепаси аралаш пешонамга босди. Бир муддатдан сўнг “на, сам, поддержи на платочках, а то мои руки замерзат началос” деб музни менга узатди. Бир оздан сўнг рўмолчани кўтаргандим, қон келмади. Мен аёлга раҳмат айтиб, рўмолчасини бераман, деб бошимни кўтарсам у кетиб бўлибди. Мен ўзга миллатларда ҳам инсофли, раҳмдил инсонлар кўплигини ўшанда илк бор англаб етгандим. Тўғри, аввал ҳам шундай инсонларга дуч келганманки, уларнинг яхшиликлари хотирамда, юрагимда муҳрланиб қолган. Уларнинг яхшиликлари, кўпроқ Элмурод ака таърифлагандек, менда одамларни гипноз қиладиган, уларнинг қалбидаги учинчи — қалб кўзини очиб юборадиган сеҳрми, меҳргами ўхшаш ғайритабиий куч борлигида. Чунки мен билан бир оз суҳ-

батлашган ҳар қандай одам яна ва яна суҳбатлашгиси, бирор-бир масалада менга ёнбосгиси келаверади, ҳатто дийдаси қаттиқ, бемеҳр, ноинсоф одамлар ҳам негадир юмшаб, қандайдир яхшилиқ қилгиси, мурувват, хизмат кўрсатгиси келиб қолади. Бу хислатимни саккизинчи синфда пайқаганман.

Ўшанда мактабимизнинг юқори синф ўқувчиларини вилоятимизнинг олис туманларидан бирига пахта теримига олиб кетишди. Уларнинг орасида бизнинг синф энг кичиги. Пахтани биринчи кўришимиз, теришни-ку умуман билмаймиз. Эрталабдан кечгача йигирма-ўттиз килогина тера оламиз, холос. Биздан аввал пахта теримига келиб юрган юқори синфлар эса ўйнаб-кулиб юз килодан ошириб ташлайдилар. Синфимиз қизлари терим қийинчиликлари бир сари, уйни соғиниб бир-бир йиғлаб олишади. Ўғил болалар эса бир кунда нечта қиз йиғлаганини ҳисоблаб, баланд овозда эълон қилиш билан овора.

Биз теримга чиқадиган бригаданинг ҳисобчиси Нодир ака деган ўта бадфеъл, ноинсоф одам бўлиб, ўқувчилар териб чиққан ҳар этак пахтадан кўзини бақрайтирганича бир-бир ярим кило пахтани чегириб ташлайди, денг. Ўқувчилар норозилик билдирса “Терган пахталаринг ифлос, пахта пунктида биз олиб борадиган тележкадан кўп чиқит чиқариб олишади” деб ўзини оқлайди. Балки, у ҳақ бўлгандир, лекин ўша пайтда Нодир ака бизга ўта қаттиқ, жаҳлдор одамдек туюларди. Кейинчалик Нодир аканинг бадфеъл ва “ноинсоф”лиги сабабини тушуниб етдим. Маълум бўлишича, пахта қабул қилиш пунктида бригадалардан олиб борилган пахтадан ноинсофларча катта чиқит чиқариларкан. Шу тарзда пунктда ниҳоятда улкан қўшимча захира пахта вужудга келтирилади ва у режасини бажаролмаётган бригадаларнинг ўзига маълум нархларда сотилади. Ундан туш-

ган фойда пункт мутасаддилари, қинғирликлардан кўз юмган юқори раҳбарлар ўртасида тақсимланади. Ана шу чиқит чиқаришлар пахта топширувчи хўжалик раҳбарларининг жонини ҳалқумига келтириб, бутун аламлиларини бригадирлардан оладилар. Ҳам анча ҳосилни чиқитга бой берган, ҳам гап эшитган бригадир эса заҳрини ҳисобчига сочади. Бир ёқда уларнинг ғазабидан, бир ёқда хашарчи ўқувчиларнинг таъналаридан тўйган ҳисобчилар табиийки, бадфеъл, ноинсоф кимсага айланадилар.

Бир куни пахта теравериб ҳаммадан кейин қолиб кетганлигимни пайқамабман. Хирмон олдида фақат Нодир акагина қолиб, кетишга ҳозирланаётган экан.

— Қаёқда юрибсан, ҳой бола, ҳамма кетиб бўлди-ку! — деди ҳар кунги машмашалардан чарчагани кўриниб турган ҳисобчи пахтамини тортиб оларкан.

— Терган пахта овқат пулига етмаяпти, шунга бир оз терай деб, кеч бўлганини сезмай қолибман, — деб дангалини айтиб қўяқолдим.

Нодир аканинг кўнгли юмшаб, кўзларида меҳр товлангандек бўлди.

— Қанийди ҳамма ўқувчилар ҳам сендақа бўлсайди.

— Нима, улар бугун ҳам чарчатдими? — дедим унинг меҳрли сўзларига ҳамдардлик билан.

— Э-э, нимасини гапирасан, кошкийди, болалар чарчатса хурсанд бўлардим, афсуски, пахтанинг ғалваси тугамагунча, “чарчадим” дея олмаймиз, — Нодир ака маъюс жилмайди.

— Ишингиз оғир экан.

— Иш эмас, одамлар билан ишлаш оғир, ука.

— Унда бошқа иш қила қолмайсизми?

— Бошқа иш қилсак пахтани ким теради? Ахир, кимдир пахта экиши керак-ку! Пахтакорлик бизга она сути билан кирган, унинг орасида катта бўлдик, унинг ус-

тида ўлсак керак. Лекин Кремлдагилар пахта талаб қилиб ўлишга ҳам қўймайдилар. Ахир, пахта эктиришдан кўпроқ давлат эмас, балки уни бошқараётганлар фойда кўргач, талаб қилмайдиларми? Уларнинг зуғуми пахта етиштириш машаққатидан ҳам оғир. Қани, бир оғиз қарши гапириб кўр-чи, қамалиш тугул, йўқ бўлиб кетишинг ҳеч гапмас.

— Нега бу гапларни кўрқмай менга гапираяпсиз?

— Ичим дардга тўлиб кетган, ука, уни эшитадиган дардкаш йўқ. Сенда одамларнинг дардини илғай оладиган нимадир борки, ичимни бир оз бўшатгим келди. Айтмоқчи, исминг нима?

— Баҳром.

— Баҳром ука, гапларим шу ерда қолсин, хўпми? Мана, турар жойларингга ҳам етиб келдик. Яхши дам ол. Мен уйга бориб келаман.

Нодир аканинг ҳозирги кўриниши ҳар кунги феълига асло ўхшамасди. Чехрасида самимийлик, меҳрли боқиш зуҳурланганди.

Орадан бир соат ўтдими-йўқми турар жойимизда Нодир ака пайдо бўлди. У ўқитувчилар яшайдиган хонага кириб кетди. У ерда нималарни гаплашди, билмайман, аммо бир фурсатдан сўнг ўқитувчимиз Тўхта ака ташқарига чиқиб, мени имлаб чақирди.

— Баҳром, — деди директоримиз Ортиқ ака, — ўз хулқатворинг билан Нодир аканга маъқул бўлиб қолибсан. У киши олинадиган чиқит ҳисобидан сенга эллик килограмм пахта тақдим этипти. Баракалла, доим шундай ибратли ўқувчи бўл.

— Раҳмат! — дея олдим бир талай ўқитувчилар нигоҳидан уялиб.

— Энди боравер.

Шу кундан бошлаб Нодир ака менга ҳар куни ўттиз-қирқ килодан пахтани ҳисобимга ёзиб қўядиган бўлди.

Бу ҳимматини ҳеч бир миннатсиз, бирор манфаатсиз қилиши унинг кўнгли тоза инсонлар тоифасидан эканлигини англатарди.

Рус аёлининг бугунги меҳрибонлиги менга беихтиёр Нодир акани ёдимга солиб юборганди. Яхшилар ёди мангу хотираларда қолиши бежиз эмас экан.

* * *

Уйга етиб келганимда онам ҳам эндигина бозордан қайтган эканлар. Биргалашиб чой ичарканмиз, онамга баллим етарли бўлмагани боис кечки бўлимда ўқишга қарор қилганимни айтдим ва Барно опа ҳақида гапириб бердим. Онамнинг чехрасига мамнунлик жилваси югурди.

— Қара-я, битта туртки билан оила бузилиши ҳам, яхши томонга ўзгариши ҳам мумкин экан-а, — дедилар онам Элмурод ака ҳақида гапириб берганимни эслаб. — Умринг ўхшамасин-у, одамларга савоб иш қилиш борасида кўп жиҳатларинг адангга ўхшаб кетяпти.

— Ростданми? — дедим мен одамлар кўп мақтаб эслайдиган отамга жиндай бўлса-да ўхшашимни эшитганимдан севиниб. — Қанийди, адамдек бўлолсам.

— Худо хоҳласа, ниятингга етасан, болам. Ўқишингни битириб олсанг кўп улуг ишларни қилиш имкони бўлади. Лекин савоб ишларга берилиб кетиб, уйингни эсдан чиқариб қўймасанг бўлди. Отанг шунақа эдилар, раҳматли. Отангни бугун кўп эслаяпмиз, афтидан сени қўллагани руҳи келган кўринади. Акс ҳолда, ўша Барно опанг кўнглига озор етказганинг учун сенга яхшилик қилиш бу ёқда турсин, ўша заҳотиёқ паттангни қўлингга тутқазиб, қишлоққа йўлингни кўрсатиб қўярди. Қолаверса, ўрис аёлни айтмайсанми, барака топкур, инсофидан айрилмасин. Лекин сенинг кечки бўлимда ўқиб, кундузи ишлайман, дейишинг маъқул иш бўлиб-

ди. Менга қўл қоқишиб турасан. Аммо ўзинг қийналиб қолмасмикинсан? Яна мусофир жойда иссиқ-совуғинг, ош-овқатинг бор. Уларни ким қилиб беради?

— Амалларман, она. Сиз хавотир олманг, ахир одам қилган ишни одам қилолмайдими?

— Ишқилиб, бошинг тошдан бўлсин, яхши-ёмоннинг кўзидан, қуруқ туҳматидан асрасин. Бир қадам олис жойда касал бўлиб қолсанг-а, мен нима қиламан?

— Ташвиш қилаверманг, она, ахир Тошкент узоқ эмас-ку! Ҳар ҳафта келиб тураман! Яхшиси, энди сиз ўзингизни кўп уринтираверманг, сизнинг топган пулингизни мен ишлаб топаман.

— Оҳ болам-а, қанийди сенинг ойлигингга қараб ўтиролсам. Рўзғор деган аждарҳо ғорига ҳар қанча ташласанг ҳам ютиб юборади-ку! Бунинг устига акаларингни уйлантириш, сингилларингни узатиш керак. Бунинг ўзи бўладими? Шуларни била туриб хотиржам ўтира олармидим.

— Ҳаммаёқни тиндирганингизда ҳам тинч ўтирмасангиз керак.

Онам куладилар,

— Ундан кейин навбат невараларга келади. Ахир, уларнинг ҳам тўйини кўрай дейман-да .

— Шунақасиз-да, она, ўзингизни ўйламай уринаверасиз, бунақада чарчаб касал бўлиб қолишингиз мумкин.

— О, болам-а, ўзимни ўйлаганимда сизлар очликдан ўлиб кетишингиз мумкин эди. Ўзимни ўйламаслик эса мен учун ҳар қандай дам олишдан ҳам афзалроқ. Чунки ҳар бир она, ҳатто у ҳайвон ёки парранда бўлсин, жигарбандини оёққа турғазиш учун ғамхўрлик кўрсатишни бурчи деб билади.

Бу онамнинг фалсафаси эди. То ҳаётдан кўз юмгунларига қадар шу фалсафаларига содиқ қолдилар.

* * *

Куз келди. Кундуз кунлари иссиқ, оқшомдан эса салқин тушади. Ариқлардаги сувнинг таги кўриниб қолди. Кўчаларда учиб юрган мезонлар танага илашади. Баҳорда эрта барг чиқарган дарахтлар барвақтроқ олтинранг либосларини кийишни бошлаган. Ажойиб манзара. Айниқса, ўрик, олча баргларини айтмайсизми?! Табиат гўё улар учун энг чиройли рангларни танлагандек. Қишлоққа келсам, шу манзарани ўзгача завқ билан кузатаман.

Тошкентда эса чор-атрофимиз қурилаётган кўп қаватли бинолар билан қуршалган. Чунки 1966 йилги зилзила туфайли вайрон бўлган Тошкент маҳаллаларида икки йилдирки қурилишлар авжида. Айниқса, Чилонзор мавзесида қурилиш кўлами ниҳоятда катта. Мен ишлаётган бригадага Турғун ака бош. Уч-тўрт нафар менга ўхшаган талабаларни ҳисобга олмаганда аксарият қурувчилар “қардошлик бурчи”ни бажаришга Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа қардош республикалардан келган, турфа ҳунарли, турфа феъл-атворли кишилар. Баъзилари хушчақчақ, ғайратли, самимий, баъзилари эса бадахлоқ, пиёниста, энг хунуги — шаҳватпарастлар. Бригадада икки-уч нафар ўша томонлардан келган ўттиз-қирқ ёшлардаги аёллар ҳам борки, юқорида келтирилган иккинчи тоифадагилар билан имкон топди дегунча ароқвино ичишиб, маишатни бошлайдилар. Кейин билсак, бошқа бригадалар, қурилиш бошқармаларида ҳам шу аҳвол экан.

— Эҳтиёт бўлинглар, — Турғун ака тез-тез биз талабаларни огоҳлантириб туради мавридини топиб, — ёшлик сурурига бориб тагин бу қурувчи аёлларга илакишиб юрманглар. Уларнинг ҳаммасида захм, сўзак каби таносил касалликлари бор. Бир умр бошингиз маломатлардан чиқмайди кейин.

Дарҳақиқат, кўп ўтмай Тошкентда захм касаллиги авж олиб, шаҳарда карантин тартиби ўрнатилди. Сирғалида қўшимча равишда тери-таносил касалликлари диспансери ташкил этилди. Бу диспансер ҳам, аввалги мавжудлари ҳам касалланганларга тўлган эди.

Кейинчалик газетада мухбир бўлиб ишлаб юрганимда бир матбуот ахборотида шундай маълумотни ўқиб қолгандим. Унда таъкидланишича, собиқ Шўролар Иттифоқи давлат раҳбарлари Тошкентдаги зилзила туфайли “қардошлик ёрдами” баҳонасида Россия шаҳарларидаги турли қаланғи-қасанғилару пиёнисталар, уйсиз дайдилар ва жиноятчию касалланган фоҳишаларни уларга уй-жой ваъда қилиб, қурувчи сифатида юртимизга йўллашган экан. Ана шу “оталарча ғамхўрлик” республикамизнинг ва унинг халқининг маънавий-маърифий илдизига, азалий қадриятларига, урф-одатларига, иқтисодиётига қанчалик зарар етказганлигини таърифлаш қийин. Бу зарар, энг аввало “қардош қурувчилар” ўзлари билан олиб келган ахлоқсизлик ва енгилтабиатлилик иллатларининг илдиз отиб оғриқ бераётганлигидир.

“Шонли қардош бунёдкорлар”дан қолган яна бир оғриқли мерос ичкиликбозлик ва жиноятчилик халқимизга кейинчалик қанчалар мусибатлар олиб келмади, дейсиз. “Қардошлик ёрдами”га келган “бунёдкорлар” ўз “бурчларини” бажариб бўлганларидан сўнг келган жойларига қайтиб кетмадилар, балки дастлабки қуриб битказилган уйларга кириб олишди. Зилзиладан жабр кўриб чодирларда яшаётган тошкентликлар эса яна узоқ вақт мазкур бошпаналарида қолаверишди. Гап ҳамюртларимиз кўрган қийинчиликларида эмас, балки улар яшаши керак бўлган уйларга кириб олган “қурувчилар”нинг нопок қилмишлари ҳақидадир.

Криминал тоифага мансуб келгинди қурувчилар жойлашган мавзеларда, айниқса, Чилонзорда ичкилик-

бозлик, жиноятчилик, фоҳишабозлик авж олди. Бу иллатлар албатта маҳаллий ёшларга ҳам юқмай қолмади, улар жиноятчилар ва фоҳишалар сонини кўпайтириш билан юртимиз осойишта ҳаётига, қадриятларига, урф-одатларига болта урди.

Албатта, ҳамма русийзабон фуқароларни ёмон деб бўлмайди. Уларнинг ораларида меҳнатсевар, самимий, виждонли, инсофлилари кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, илгаридан яшаб келганлари ўзбеклар билан ака-укадек, опа-сингилдек бўлиб кетишган, улар миллатимизга ҳурмат билан қарайдилар, маҳаллаларда яшайдиганлари ўзбекчада равон сўзлашади, урф-одатларимизга риоя қиладилар, тўю маъракаларимизда фаол иштирок этадилар, инсофу диёнатни юқори қўядилар. Менга ёрдам кўрсатган рус аёли ҳам шулардан бири эканлиги шубҳасиз.

Қурилишда бирмунча вақт ишлаганимдан сўнг бу тафовутни ажрата бошладим.

Қурилишда ҳали бетон қораман, ҳали ғишт терувчию дурадгорга ёрдамчи бўламан, бир қарасангиз ағдарма машиналарда келган қоришмаларни бадьяларга тушириб оламан, бир қарасангиз нотўғри қуйилган бетонни компрессорда кўчираман. Хуллас, бригадир айтган ҳар қандай ишни бўйин товламасдан, сидқидилдан бажараман. Кечқурун эса бир пиёла чой ичар-ичмас, бир оз ҳорғин университетга жўнайман. Баъзан дарс давомида домлаларнинг маърузасидан мудроқ бошланади. Домлалар бунини кўрсалар ҳам ўзларини кўрмаганга соладилар. Чунки улар аксарият талабаларнинг қурилишларда ишлашларини биладилар. Гуруҳимиздагилар билан танишиб улгурганман. Айтмоқчи, мен журналистика факультетининг кечки бўлимида таҳсил оляпман. Барно опанинг айтишига қараганда, филологияда танлов юқори бўлгани учун улар ҳужжатларимни журналистика факультетига ўтказибди.

Менинг журналистика факультетига ўқишга киришим қишлоқда шов-шувга сабаб бўлди. Чунки қишлоқда биринчи бўлиб мен журналистикага киргандим-да. Журналистларга ҳамма жойдаги каби бизнинг қишлоқда ҳам ўзгача ҳурмату ҳайрат билан қарашади. Ҳатто туман газетасида унча-мунча хабарлари чиқиб турадиган ўқитувчи Рўзиқул акага одамларнинг баъзилари ҳурмат билан, баъзилари ҳайиқиб қарашарди. Бизларнинг эса ҳавасимиз келарди. Энди қишлоқда мен ҳақимда миш-миш болалаганди. Кимдир “Индамай юргани билан бу боланинг ичи тўла билим экан” деб ҳайратланса, бошқа бирови “Айтишларича, бу болага ҳам Тошкентда министр бўлиб ишлайдиган ўғай онаси ёрдам берган. Олдинроқ опаси ҳам унинг кўмагида пединститутни битириб олганди”, деб ҳасадланиб валдирарди. Хайрихоҳларим кўп экан, самимий табриклашди. Айниқса, онам кўп хурсанд эдилар. “Қўшнилари олдида юзимни ёруғ қилдинг, толеинг доим шунақа баланд бўлсин” дедилар дуога қўл очиб.

Ўша хурсандчилик кунларимда юрагимни севинчга тўлдирган яна бир воқеа рўй берди. Оқшомга яқин қўшни қиз Мактуба китоб кўтариб чиқиб қолди.

— Китобда ҳикмат кўп экан шекилли, — гапини бошлади Мактуба, — китоб ўқиб-ўқиб, энди китоб ёзадиган ўқишга кирибсиз. Табриклайман. Бизларга ҳам институтларда ўқиш насиб этсин. Ёрдам бериб турасиз-а.

— Албатта, — дедим кўзимни унинг қўлидаги китобдан узмай. Юрагим эса ташқарига отилиб чиққудек урарди. — Энди сенга иншо дафтарларимни берсам бўлади. Имтиҳонда шу иншолардан бири тушганди, ёзиб “тўрт” баҳо олдим. Сен фойдалансанг унданам юқори баҳо олишинг мумкин.

— Қайдам, сиздан ўтказиб ёзолмасам керак, — ерга маҳзун тикилди қўшним. — Сизга синфимиздагиларнинг жуда ҳаваслари келаётганлигини билсангиз. Менга ҳам.

— Нега сенга ҳаваслари келаркан?

— Сизга қўшни бўлганим учун. Сиз ёрдам бериб турсангиз, албатта, ўқишга кириб кетармишман.

Ўзимдан гурурланиб кетдим. Ҳа, қишлоқда биринчи журналист бўлиш ҳазил гап эмас. Энди муҳими, яхши ўқиб, ҳақиқий журналист бўлиш лозим.

— Худо хоҳласа, сен ҳам албатта ўқишга кирасан.

— Айтганингиз келсин. Эсим қурсин, сизга Латифа китоб бериб юборганди, гап билан бўлиб нақ унутаёзибман.

— Раҳмат, — дедим Мактубадан китобни оларканман, қўлларим қизиб кетгандек туюлди. — Эртага унга бошқа китоб бериб юбораман, обориб берасанми?

— Ҳозир бераверинг.

— Йўқ, ўзим ўқиётувдим, озгина қолди. Сенга иншо дафтарларимни олиб чиқиб бераман.

— Майли, раҳмат, ҳозирданоқ тайёргарликни бошлайман.

Иншо дафтарларим қўлига текканидан хурсанд Мактуба дарҳол жўнаб қолди.

Мен ҳам дарров ўзимни ичкари уйга урдим. Шоша-пиша китоб муқовасини аввалгидек кўчириб хатни олдим.

“Ассалому алайкум, Баҳром ака! — деб ёзарди Латифа. — Университетга кириб, ўқишларни яхши бошлаб юбордингизми? Ушбу муваффақиятингиз билан самимий табриклайман. Қурилишда ишлаётганингизни ҳам эшитдим. Жудаям аъло иш қилибсиз. Шуларни эшитиб шунақаям севиниб кетдимки... агар олдимда бўлганингизда, худо ҳаққи, ўпиб олган бўлардим (Суюлиб бошқа хаёлларга борманг). Ўша кунги хурсандлигимнинг чеки йўқ эди. Севинчимни ким билан бўлашишни билмайман денг. Телба каби тунда ҳовлига чиқиб ойдан, юлдузлардан сизни кўрган-кўрмаганликларини сўрадим. Соғинибман, шекилли. Охирги кўришганимизга (30 июнда) тўрт ою саккиз кун бўлибди. Севганда айрилиқ

шундай оғир кечишини билмасаканман. Сиз-чи? Балки ўқиш ва иш билан андармон бўлиб, мени эсламаётгандирсиз ҳам. Шуниси маъқул, чалғимайсиз. Энди сизни “севиклим” десам бўлади. Чунки сиз биринчи шартимни бажариб, ишончимни оқладингиз. Сизга ишониб, адашмабман. Шуларни ҳисобга олиб, юрагимда булоқдай қайнаб тошаётган қувончларимни бўлишмоқ ниятида сизга висол тақдим этмоққа қарор қилдим. Агар фавқулодда сабаблар чиқиб қолмаса келаси шанба Тошкентга бормоқчиман (ўзимга либос олиш баҳонасида онамдан ижозат олдим). Агар вақтингиз бўлса ўша куни соат ўнда Навоий театри олдида кутинг.

Камоли эҳтиром билан Латифа”

Мен лол эдим. Қарангки, бу сафар Латифа ҳиссиётларини яширмабди. Лекин ёзганлари енгилтак қизларнинг гапига ўхшамайди, сўзлари самимий.

Латифа билан учрашажагимни ўйлаб энтикиб кетдим. Уни мен ҳам соғингандим. Лекин Латифанинг ўзи айтганидек, ўқишу иш соғинч изтироблари дардини эмлаб турарди. Ўқишга кирганимни билдириб хат ёзишни эп кўрмагандим, чунки бу мақтанишдек туюлди. Мақтанишни эса ёқтирмайман.

* * *

Бир ҳафта бир йилдек имиллаб ўтди. Учрашувга айни даврда русум бўлган оқ нейлон кўйлагимни, ётоқхонадаги ҳамхонам Жавлонбекнинг тимқора шимини кийгандим, “шаҳзодалардек очилиб кетдинг”, деди Шуҳрат. Улар омад тилаб қолишди. Айтилган жойга келсам, Латифа кўринмайди. Билагимдаги Шуҳратнинг соатига қарасам, ўн дақиқаси кам ўн бўлибди. Салмоқланиб у ёқдан бу ёққа юра бошладим. Бир пайт орқа томонимдан “театр майдонини қадамлаб ўлчаб чиқмоқчимисиз?” деган таниш, майин овоз эшитилди.

Ўгирилиб қарасам — Латифа. Бир зумга довдираб қолдим.

— Қаердан келиб қолдинг? Йўқ эдинг-ку!

— Мен эмас, сиз келиб, яхшилаб қарамай майдонни қадамлаб ўлчашни бошладингиз. Мен тўққиз яримдан бери анави бутанинг орқасида турибман. Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом, яхши етиб келдингми?

— Раҳмат. Яхши юрибсизми? Ўқишлар, ишлар чарчатиб қўймаяптими?

— Йўғ-е, осмонда юлдуз сўнмай туриб ишга отланаман, янги ой ўроғини уфққа қадаганда университетга етиб бораман. Қайтишимда яна юлдузлар кузатиб қўяди.

Латифа кулиб юборди:

— Демак, мен аниқ гувоҳлардан сўраган эканман-да!

Қизнинг самимий зангори кўзлари шуъла сочиб кулиши мендаги довдираш аломатларини таслим этиб, диллик бахш этди.

— Хўш, ўша ою юлдузлардан сўраганингда нима дейишди?

— Севинчларингни бўлашиш учун Баҳром акангнинг олдига бор. Фақат театр майдонида тик туравермай, бирор жойда ўтириб гаплашинглар, дейишди.

Энди мен кулиб юбордим:

— Демак, улар менинг ичимдаги истагимни эшитишган кўринади! Юр, анави ерда яхши қаҳвахона бор.

— Сиз — талаба, мен — ўқувчига оддий музқаймоқхона ҳам бўлаверади.

— Ундай жойлар орзиқиб кутилган бу учрашувни, қолаверса ўқишни ювишимга торлик қилади.

— Ие, ҳалитдан ичишни ҳам ўрганволдингизми?

— Йўғ-е, овқатланиб, шарбат, лимонад дегандай.

— Ундай бўлса, майли.

Кун эрта бўлгани учун биз кирган қаҳвахонада хўран-

далар деярли йўқ эди. Ликопчаларда музқаймоқ олиб, ойнали девор ёнидаги столга ўтирдик. Қошиқчаларда аста музқаймоқни яларканмиз, мен ташқарини томоша қилаётган Латифага зимдан боқиб, кўзларимга ишонмайман. Наҳотки, орзуимдаги малак сиймо, қизларнинг хонзодаси деса арзийдиган, бир мени эмас, кўпларни мафтун этган Латифа рўпарамда ўтирган бўлса?! Наҳотки бахт ва толе қуши бошимга кўнди?!

— Биринчи марта қаҳвахонага киришим, — жилмайиб деди. Латифа. — Қишлоқда хиёбону сайргоҳлар у ёқда турсин, оддий қаҳвахона, ёшларнинг кўнгилочар масканлари ҳам йўқ.

— Ҳа, Тошкентда ҳамма нарса бор, лекин менинг истаганим йўқ-да!

— Нима экан сиз муштоқ бўлган нарса? — қизиқсинди Латифа.

— Нима эмас, ким дегин! Бу — сен. Сенсиз Тошкент бекам эмас.

— Сизсиз менга ҳам қишлоқ хувиллаб қолгандек туюлаяпти. Қувончу ғамларимни бўлишадиган яқин кишим йўқ.

— Мактуба-чи? Бошқа синфдош қизлар ҳам бор-ку!

— Уларга ҳам айтолмайдиган сизнинг соғинчингиз, сиз ҳақингиздаги ўйларим борки, ўзимни ўзим дардкаш қилишдан ўзга чора қолмайди. Лекин сўнгги пайтларда рўй берган воқеалар измимга бўйсунмай, охири Тошкентга келишдан ўзга чорам қолмади.

— Қандай воқеалар экан-а, сени беором қилган?

— Қалбимга кириб келганингизда сизни зимдан кузатиб ўрганганимни аввалги хатимда айтгандим ва сизнинг таклифингизни қабул қилганимни билдириб, шартларимни маълум этгандим. Ўз иродангиз ва ақлу заковатингиз билан нафақат шартимни бажардингиз, балки нимага қодирлигингизни намойиш этиб, мени мамнун

этдингиз. Мен кўнглимдагидек инсонни танлаб адашмаганимни англадим. Ана шу хурсандчилик туйғулари, қолаверса, сизнинг муваффақиятларингиз менинг оромимни ўғирлаб, севинчларимни тоширди, ичимга сиймай сиз томон шоширди. Аввало, сизни ютуқларингиз билан табриклайман.

— Раҳмат. Лекин хатда табрикдан ташқари яна нимадир ваъда қилинган эди шекилли.

— Э-ҳа, дарров суюлманг-да. Енгилтак ёшларга ўхшаб кўча-кўйда ялашиб-юлқашиб юришни ёқтирмайман. Яхшиси, морожнийни яланг, ўша ширинроқ. Ундан кўра гапиринг. Ахир, шу пайтгача сираям бунчалик ўтириб гаплашмагандик.

— Ҳа-я, биринчи марта энди бемалол ўтириб гаплашаётганимизга ҳатто ишонгим келмай турибди. Билсанг, охирги кўришганимизга тўрт ою ўн беш кун бўлган бўлса, бўлиб ўтган ҳамма гапларни гапириб беришга шунча вақт керак бўлади. Ундан кўра сен гапиргин. Бирам жозибали сўзлайсанки... Хатларингни ҳам ҳар куни мазза қилиб ўқийман, десам ёлғон бўлмайди.

— Биласизми, сизни охирги марта тўрт ярим ой аввал кўрганимдан буён ўтган фурсат орасида тўрт ярим ёшга улғайгандексиз. Ёшингизни назарда тутаётганим йўқ, маънан ўсганингизни айтаяпман. Оғир-вазмин, гапингизни ўйлаб сўзлайдиган, ҳар бир жумлангиз тагдор, мазмунли. Кийинишингиз ҳам талабаларга хос, қадам ташлашингиз ўзини босиб олган одамларники сингари, қисқасини айтганимда, ҳақиқий маданиятли, рисоладгидек йигитга айланибсизки, бу дунёқарашингиз ўсганидан далолат. Англашимча, аввалги хатимда келтирган салбий сифатларингиз деярли қолмабди. Хўш, ўзингиз мен ҳақимда қандай фикрдасиз? Мабодо менга ўхшаб сифатларим рўйхатини тузмаганмисиз?

— Ижобий сифатларинг дастидан салбийларига ўрин

қолмабди. Қанийди ҳамма қизларимиз ҳам сен каби бўлишса...

— Ие, сиз ҳали ҳамма қизлар билан юрмоқчимисиз?

— Йўғ-е, мен худбин эмасман. Битта мен бекаму кўст қизнинг ошиғи бўлмай. Бошқа йигитларга ҳам ҳар томонлама тўқис қизлар учрасин. Шунда ҳаётда хиёнат у бевафоликлар, оилавий қўйди-чиқдилар бўлмасди. Афсуски, сендек қизларни оммавий тарзда ишлаб чиқариб бўлмайди. Ишлаб чиқарилган тақдирда ҳам сен мен учун ягона хилқат бўлиб қолаверасан.

— Сиз ҳозирданоқ журналист каби мушоҳада юритадиган бўлиб қолибсиз. Балки келгусида шу ҳақида мақолалар, китоблар ёзсангиз, келгуси авлод йигит-қизлари бундан тўғри хулоса чиқариб, ўзларининг ёмон хулқ-атворларини ташлаб ёки яхшилаб, ёмонликка ўрин қолдирмаслар. Ахир, одамзод каби қўлидан ҳар иш келадиган жонзод дунёда йўқ. Одамзоднинг ўзи феъл-атворини яхши томонга ўзгартириши мумкин-ку, ахир.

— Яхши, бу ҳақда ҳамфикр курсдошларим билан маслаҳатлашиб кўраман. Бу масалани шу ерда тўхтатайликда, ўзинг ҳақингда гапир, мана, келаси йили мактабни битирасан. Қайси ўқишга кирмоқчисан?

— Мени бўлажак оиламнинг иқтисоди, рўзғори ўйлантиради. Чунки иқтисодни яхшиламай туриб оиланинг истиқболини белгилаш беҳуда. Шунинг учун шу соҳа бўйича бирор ўқув юртини мўлжаллаб, кейинроқ сиз билан маслаҳатлашмоқчийдим.

— Мўлжалнинг чакки эмас. Кўпчилик битирувчилар аввалдан ким бўлишни, қаерга боришни пухта ўйлаб кўришмайди. Мактабни битириб, аттестат қўлига тек-кач, қаерга боришни билмай довдираб юришади. Обдон фурсат ўтганда бирорта яқин кишининг маслаҳати билан дуч келган ўқишга ўзларини урадилар. Аввалроқ танласа яхши, шунга яраша тайёргарлик кўриб юради,

лекин тўсатдан қилинадиган иш қоронғиликка тош
отишдек гап — мўлжалга тегишидан кўра, тегмаслиги
аниқроқ. Шунга ўхшаб, пешонасини дуч келган жой-
га урган бояги бола ғурра бўлиб, яъни ўқишга кирол-
май, ҳужжатини қўлтиқлаб ортига қайтиб келаверади.
Қишлоқда эса бекорчилар сонини кўпайтиради, холос.
Бекорчиликдан эса турли кўнгилсиз воқеалар, ҳатто,
жиноятлар келиб чиқади. “Бекорчидан ҳамма безор”
деган мақол ҳам бежиз айтилмаган. Яқинда бир туман-
да мактабни шу йил битирган бекорчи ўсмирлар тех-
никумга кирган ўз синфдошларини аввал тўйда ароқ
ичишга мажбурлашган, кейин бирга қайтаётганларида
йўлда бир-бирларига итаришиб калака қилишган, сўнг
эса ўлгудек калтаклашиб тепишган. Калтакланган бола
аранг уйига етиб келгану аммо эртасига аҳволи оғирла-
шиб, миясига қон қуйилишидан касалхонада ҳаётдан
кўз юмган. Шунга ўхшаш воқеалар бошқа жойларда
бўлмайди, деб ким айта олади.

— Баҳром ака, сиз ўзингизни эҳтиёт қилинг. Шаҳарда
кечқурун юрасиз, ахир бу ерда ҳам бекорчи такасалтанг-
лар қишлоқлардагидан-да кўп бўлса керак.

— Гапинг тўғри, яқинда сен айтгандек воқеа содир
бўлди. Кечқурун биз — тўрт нафар ҳамкурслар ўқишдан
қайтаётгандик, автобус бузилиб бошқа йўл орқали ман-
зилимизга пиёда жўнадик. Ўша маҳалланинг бир тўда
бекорчилари кўчада ўтиришган экан. Бизни олисдан
кўриб, олдимиздан тўсиб чиқишди. Олти-етти нафар
ўзимиз тенги йигитчалар.

— Манзилимизга етиб олай десанглар, талаба экан-
сизлар, битта ароққа етарли соққа йиғиб беринглар-да
кетаверинглар, — деди ораларидан бирови. Бошқаси эса
Шухрат деган курсдошимизни чеккага сургаб соатини
еча бошлади. Мен унга ёрдам бериш учун бир-икки қа-
дам ташлаганимда кимдир ансамга мушт туширди. Бу

мушт бизларнинг ҳаммамиз бирваракай жангга киришимизга туртки бўлди. Мен бир-иккитасини яхшилаб дўппослаб, аламимдан чиқдим. Биздан бундай қаршилиқни кутмаган рақибларимиз тумтарақай қочишга тушишди. Биз ўз ғалабамиздан хурсанд — беш-олти қадам юргандикки, боягилар икки-уч ҳисса кўпайишиб югуриб келишаётганини кўрдик. Яхшиямки, кейинги бекатга яқинлашиб қолган эканмиз, қандайдир автобус тўхтади. Тезда ўшанга чиқиб олдик-да, таъқибчилардан қутулдик. Ҳозирча шундай саргузаштларни кечирдик. Курсдошларимиз билан эслашиб-кулишиб турамиз.

— Эслашиб-кулишиш камлик қилади, — деди Латифа менга хавотирли зангори кузларини тикиб. — Энди тўғрак топиб бирор спорт тури билан шуғулланинг, шунда ўзингизни ҳимоялай оласиз.

— Тўғрисини айтсам, унга вақтим етишмайди. Фақат чоршанба куни дарсимиз йўқ. У ҳам семинарга тайёргарлик билан ўтади. Лекин бригадамизда бир гишт терувчи бор, ўз-ўзини ҳимоя қилиш спорт турини биларкан. Тушлик пайтларида ярим соатдан Шухрат иккимизга сабоқ бериб турибди.

— Ундай бўлса яхши, — хотиржам тортди Латифа, — акс ҳолда сиздан бир хавотирим икки бўларди.

— Биринчи хавотиринг нимади?

— Сизнинг Тошкентдалигингиз. Сизнинг бу ерда босқинчиларга, офатижон қизларга, фирибгарларга учраб қолишингиздан хавотирланаман-да.

— Ҳа, Тошкентда қизлар кўп, лекин сендақаси йўқ. Учраганда ҳам, кўнглинг тўқ бўлсин, вафони, ваъдани бузиш йўқ. Фирибгарларга эса ҳозирча дуч келмадим. Мабодо дуч келсам, дарҳол сенинг ўгитларингни эслаб, эҳтиёт бўламан.

Латифанинг юзига чиройли табассум югурди:

— Мен ўйлагандан-да ҳозиржавоб ва хушчақчақроқ экансиз.

— Айтишларича, чин юракдан бир марта кулган одамнинг умри узоқ бўлиб, битта тухум егандек бўларкан. Мен эса ҳар куни шу тарзда иккита-учта тухум еб турман. Талабаликда кун кўришнинг энг яхши йўлларида бири бу.

— Синфимизда сизнинг журналистикага кирганингизни эшитиб ўғил болалар ҳасадларини яширмаяптилар, қизлар эса ҳавасларини. Сизга дил изҳорини билдирмоқчи бўлаётган қизлар ҳам йўқ эмас. Бундан гоҳ кўнглимга гулгула тушади, гоҳ ўзимдан фахрланиб кетаман. Қизларга эса атай “Энди Баҳром акага умид қилмасанглар ҳам бўлади. Нақ казо-казоларнинг ўн тўрт кунлик ойдек қизлари ўқишади у ерда, уларнинг бирортаси илиб кетади. Сенларнинг кўнглинг сингани қолади” дейман. Баъзан бу гапга ўзим ҳам ишониб кетаман. Лекин сизнинг қатъиятли йигитлигингизга шубҳам йўқ. Ишончимни синдирмайсиз.

— Мен учун сен қиёси йўқ, бебаҳо сиймосан. Ҳар қандай париваш сендан ўтолмайди, ўрнингни босолмайди ҳам. Бу менинг йигитлик сўзим.

Менинг сўзларимдан таъсирланиб кетган Латифанинг кўзларида икки дона дур жилваланди.

— Қатъий сўзларингизни эшитиб хотиржам бўлдим, кўнглим ҳам тоғдек кўтарилди. Ваъдаларим ҳам, шартим ҳам аввалгидек ўз кучида қолишини яна бир бор таъкидламоқчиман. Сиз билан суҳбатлашиш мен учун қанчалик мароқли, оромбахш, дилкаш бўлишини таърифлаб беролмайман. Энди менга ижозат, мана бу ЦУМдан бирор нарса олиб уйга қайтаман. Икки-уч кун ичида пахта термига кетсак керак. Шунга иш кийимлари олмоқчийдим.

— Мен ҳам сен билан харид қилишиб, бирга кетаман. Ахир, бугун шанба, уйга қайтадиган куним.

— Вой, мени деб тушлик вақтигача ушланиб қолибсиз-ку!

— Қанийди, сен билан умрбод ушланиб қолсам!

— О-о-о, бу орзуингиз яқин йиллар ичида рўёбга ошажак! Фақат Азроил айрилиқ солмаса бас.

Лекин унинг илтижосини Азроил эмас, тубан кимсалар бир йилдан кейиноқ барбод қилишини на ўзи, на мен билардик.

* * *

Мен қишлоққа кечга яқин, Латифанинг илтимосига кўра ундан кейинги автобусда етиб келдим. Онам икки кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтирган эканлар.

— Ўқишинг ҳам бор бўлсин! Кечикиб хавотирга солиб қўйдинг-ку, болам, — дедилар мени бағриларига босиб.

— Кечиринг хавотирга солганим учун. Семинарга тайёрланиш учун кутубхонага боргандим. Ахир, унга тайёрланиш учун вақт йўқ-да, — жавоб бердим ёлғон важ айтишга қийнала-қийнала.

Онам семинар нималигини тушунмасалар-да, бекор юрмаганимни англадилар.

— Улуғбек ўртоғинг икки бор келиб-кетди. Оқшомга уларникига йиғилармишсизлар.

— Ҳа, айтганича бугун унинг туғилган куни эди-ку! Хаёлимдан кўтарилибди. Бўлмаса, Тошкентдан бирорта совға олиб келардим-а, аттанг.

— Сен чойингни ичиб ол. Унгача мен сандиқни титиб бирор нарса топиб берарман.

Онам шунақа, ҳар биримизнинг муаммоларимизга балогардону гиргиттон бўлиб, ҳозир у нозир қиладилар, топмагунча қўймайдилар.

Кўп ўтмай тахи бузилмаган, ўзимнинг ҳам ҳавасимни келтирадиган чиройли кўйлак топиб келдилар.

— Қалай, маъқул бўлдимизми? — сўрадилар онам.

— Жудаям зўр экан, аввал кўрганимда ўзим кийиб олардим.

— Сенга бундан ҳам чиройлисини олиб келиб қўйганман бозордан. Кийиб бор ўртоқларингнинг олдига. Талабалигинг билиниб турсин.

Кўп ўтмай онам менга аталганини олиб чиқдилар. “Фекон” русумли қўйлак. Ёшларнинг, айниқса, талабаларнинг кўзини куйдирадиган, дўконларда топилмайдиган матоҳ. Дўконда ўн икки сўму чайқовда йигирма беш сўмдан эллик сўмгача. Оддий колхозчи ўттиз-эллик сўм ойлик олиши билан таққослайдиган бўлсак, қўйлакнинг қанчалик арзанда эканлигини билаверинг. Кўзларим ёнди.

— Вой-бў, жудаям зўр совға олибсиз-ку! Ўзиям бир кунлик помидор сотган пулга олгандирсиз?

— У ёғини қўявер, болам, сен хурсанд бўлсанг бўлди.

— Сизнинг қийналишингиз ҳисобига шундай қўйлак кийишим татирмиди?

— Эҳ болам-а, фарзандининг мамнун, хурсанд бўлишини кўришдан ортиқ бахт борми она учун?!

— Бахтимиз учун доим соғ-омон бўлинг, она! Невараларингизнинг ҳам бахтини кўриб юринг.

— Илоҳим, айтганинг келсин. Омон-эсон ўқишларни битириб олгин-у, унинг нонини ҳалоллаб егин, шунда отангнинг ҳам руҳи шод бўлади.

Улуғбекларникига етиб келганимда жамоат жам эди. Дўстларим даврасига Улуғбекнинг амакиваччаси Ислон қўшилибди. Яхши бола, ҳозир ўнинчи синфда ўқиётган бўлса-да ёши тенг. Математиканинг билимдони. Ҳатто ўтган йили уч-тўрт марта даврамизда бўлиб, биз ечолмаган қийин мисол ва масалаларни ишлаб берган.

— Мана, тошкентлик ҳам келиб қолди, энди Улуғбекнинг туғилган куни айёмини бошлайверсак ҳам бўлади, — эълон қилди Собир ҳар доимгидек жўрабошилиқни қўлга олиб. — Биринчи табрик сўзи Усмонга!

Ўртоғимиз узоқдан, рад бошлаб, Улуғбекка яхшигина тилаклар билдирди. Набратадаги қутлов менга тегди.

— Улуғбекка ҳар доим яхши ниятлар ҳамроҳ бўлиб келган. Бу йил ҳам шундай ниятлар туфайли чет тиллар институтининг сиртқи бўлим талабаси бўлди. Бугунги таваллуд айёмига тилагим шуки, энди унга меҳрибон, ақлли, камтар, толмас, уят-андишали, билимдон ва ниҳоят асалдек ширин сўз қиз учрасин.

Табригим замирига яширинган сўзни тушунмаган Улуғбекдан бошқа ўртоқларим чиройли гаплар тузилмасига қарсак чалишди, Улуғбекнинг ўзи эса менинг жумбоғимни ечган кўринади — мамнун қараб қўйди.

Биринчи дўстлигим Улуғбек билан бошланган, бир-биримизнинг феъл-атворимизни яхши биламиз, аҳволимизни, авзоимизнинг қандайлигини бир қарашдаёқ билиб оламиз, гапларимиз тагидаги иккинчи маънони ҳам фақат иккимиз пайқаймиз.

Туғилган кун табриклар ва дўстларнинг ўйин-кулгуларю ҳазил-мутоибалари билан жуда ажойиб ўтди.

— Сен қолақол, — меҳмонлар билан хайр-хўшлашаркан, Улуғбек мендан илтимос қилди. — Гаплашиб ётамиз. Бошқа ўртоқлар билан кунига, кунора кўришиб турамиз, аввалгидек бир-биримизникида қолиб кетамиз. Сен билан анчадан бери гаплашиб ётганимиз йўқ.

Улуғбекнинг синглиси бизга қадрдон бўлиб қолган хонага жой солиб берди. Ўринга чўзиларканмиз, фикрларимни жамлаш учун бир оз сукутга чўмдим. Афтидан, Улуғбек ҳам гап бошлашга тараддудланаётганди.

— Билишимча, боя табрик сўзимдаги мувашшаҳни англаб олганга ўхшайсан, тўғрими? — сўрадим биринчи гап очиб.

— Ҳа, тўғриси айтсам Мактуба ҳақида анчадан бери ўзим сўрамоқчи бўлиб юргандим, қаердан била қолдинг?

— Шабдалар шивирлаб кетди, десам ишонасанми? Бир кунда икки бор йўқлаб қолганингдан сездим. У ҳақида гапирганимни сен қаёқдан била қолдинг?

— Биринчидан, бирорта қиз кўнглингга ёқиб қолса ўша ҳақида ўйлашни бошлайсан, қарасам таърифларинг унга жуда мос, иккинчидан, у кўшнинг — қандайдир гап-сўзлар қанот чиқариб қолган бўлса хабардор чиқарсан.

— Унга яқинлаштирадиган бирор гап бўлдимиди ораларингда?

— Ўтган ой амакиваччам Ҳамдам акам мени картошка кавлашга ҳашарга чақирди. Биласан, у Мактубанинг аммасига уйланган. Уни ҳам ҳашарга айтишган экан. Кўпчилик бўлдик. Билсанг, Мактуба менга шерик бўлиб қолди. Мен кетмонда кавлаб кетяпман, у териб челака солиб турибди. Илгари негадир унча эътибор бермаган эканманми ёки энди очила бошлабдимиди, бирам кўркам қиз бўлибдики! Тагин унинг камтарлигини, тортинчоқлигини, бекорга ҳиринглаб кулавермайдиган андишали, босиқ қизлигини айтмайсанми? Наҳотки, шунча пайт эътиборимдан четда қолибди, дейман ўзимга ўзим. Аввалига анчагача индамай ишладик. Илгари сира гаплашмагандик, нимадан гап очишни билмайман. Бир пайт яқинимга келиб қолганини сезмабман, кетмондан чиққан картошкани олиб ташлайман, деб энгашсам, у ҳам энгашган экан, бошларимиз сўқишиб “вой” деб юборса бўладими? Кўрқиб кетдим.

— Кечир, билмай қолдим, — дедим айбни ўзимга олиб.

— Йўқ, эҳтиётсизлигим учун сиз мени кечиринг. Орқолдимга қарамабман, — узрини сўрарди Мактуба.

— Ие, орқани ҳам кўроласанми? — ҳайратлангандек сўз қотдим

— Йўғ-е, — қиз жон алпозда жавоб қилди ҳазилимни тўғри маънода тушуниб. Кейин ўзи хато гапирганини англаб, кулиб юборди. — Қизиқчи экансиз-ку! Шунақа экансиз, гапириб-гапириб ишланг-да! Зерикмаймиз.

Шу бўйи гапимиз-гапимизга уланиб кетди. Мактуба

содда бўлса-да, хушчақчақларни ёқтираркан. Сенга ўхшаб хушчақчақ бўлишга унчалик уқувим бўлмаса-да, Мактубада яхши таассурот қолдиришга уринганим рост. Чунки у менга ёқа бошлаганди.

— Бу йил мактабни битирасан, қаерга бормоқчисан? — сўрадим кўшнингдан.

— Сизга ўхшаб чет тили институтига бормоқчиман. Уйдагиларга ҳам маъқул кўринди. Ўзиям чет тилини ўрганган яхши-да. Чет элга, масалан, Францияга бориб у ернинг халқи билан бемалол гаплашаверасан. Турмуш ўртоғинг хафа қилса французчалаб аламдан чиққунча гапираверасан, у тушунмайди...

— Агар турмуш ўртоғинг ҳам французчани билса-чи?

У менинг саволим остидаги нимкосани тушуниб, қизаринди.

— У ҳолда иттифоқ тузиб, иноқликда яшашга тўғри келади. Икки ёртидан кўра бир бутуннинг фойдаси кўпроқ.

Хуллас, гапимиз чувалангандан чуваланиб кеч кирганини сезмай қолибмиз. Унинг самимийлиги, ўзини тутиши, кулиб сўзлаши ўртамиздаги бегоналик деворини йиқитиб, кўнгилларимизни яқинлаштирди. Мен унга институтга киришга тайёргарлик кўришда ёрдам берадиган, бунинг учун сизларникида учрашиб турадиган бўлдик. Назаримда, иккимизнинг юрагимизга ўзгача ҳислар шабадаси кириб келгандек.

— Мактуба нуқсон-камчиликлардан холи яхши қиз. Ўзим ҳам сенга бу ҳақда айтмоқчи бўлиб юргандим. Тақдирингни боғласанг бўлади.

— Яхши қиз бўлса нега ўзинг аввалроқ отни қамчиламадинг? Бекорга ўртоқлардан таъна-дошном эшитиб юрибсан,

— Мактуба билан бирга ака-сингилдек, ўртоқдек вояга етганимиз туфайлими, бошқа туйғуларга ўрин қолмаган. Бу томондан хотиржам бўлиш мумкин, бироқ бошқа ошиқлар ялиб кетишидан эҳтиёт қилишнинг керак бўлади.

— Айтмоқчи, у бир-икки марта Латифадан китоб олиб келиб берибди. У билан муносабатлар борми, дейман?

— Фақат китоб айирбошлашдан нарига ўтилгани йўқ.

— Балки, бу муносабатлардан фойдаланиб кўрарсан?

— Қайдам. Бу қийин масала. Ахир мен Тошкентда, у бу ерда.

— Муҳаббат масофа билмас, дейдилар. Уни чиндан яхши кўрсанг ҳар қандай мушуқликларнинг иложини топасан. Тагин Латифадан айрилиб қолма.

— Ўқишнинг пайдан бўлай-чи. Қолганини вақт кўрсатади. Балки Латифанинг муносабатларида биз ис-таётган томонга ўзгариш бўлиб қолар.

Бу гапларимга Улуғбек хуррак билан жавоб қайтарди.

Менинг кўз олдимда эса Латифанинг шамойили гавдаланиб, қулоғимда унинг “Энди сизни севиклим дейман” деган сўзлари такрор ва такрор жарангларди.

* * *

Жўшқин талабалик ҳаёти шиддатли кечади. Вақт эса ўзининг шафқатсиз ҳукмини ўтказганича олға одимлай-веради.

Ҳамкурслар билан бир оила фарзандларидек бўлиб кетдик. Машғулотлар қизгин, домлалар билганларини борица бизга етказишга интилиб, турли амалий машғулотлар ўтказишга шошиладилар. Ҳали семинар ўтказадилар, бир қарасанг журналистика жанрлари бўйича талабаларнинг маҳоратларини синаб кўрадилар. Бошқа фанлар ҳам ўргатилиб, уни олиб борувчи домлалар йиғирма-ўттизталаб китоблар рўйхатини ёздирган. Уларни ўқишимиз шарт, эмиш. Ёзиш, маҳоратимизни оши-рармиш.

Талабалар орасида эса ҳафта орадаб, чоршанба — машғулот йўқ кунни чойхонада ош қилиб ўтиришда ташаббускорлик

қилиб қоладиганлари ҳам йўқ эмас. Уларнинг фикрича, бу ошхўрлик ҳам аҳиллигимизни оширармиш.

Кундузи эса қурилишда бригадир ҳали у ишга, ҳали бу ишга югуртириб бекор қўймайди. Ёзнинг биринчи кунига объект топширилиши керакмиш. Ҳадемай факультетда сессия бошланади. У иш ҳам, имтиҳонлар ҳам бир пайтга тўғри келаётганини қаранг.

Шундай тигиз кунларда фақат якшанбадагина уйга бориб келаман. Шунда ҳам Латифадан хат олиш умидида бораман. У икки-уч ойда бир ёзиб қўяди. Мактуба китоб ташийвериб чарчамасин дейдими, нима бало. Ёки китоб муқовасини кўчириб-ёпиштиришдан эринармикин?! Ҳарҳолда қоғоз, ручкани қизганмаса керак! Кўришишни-ку хаёлдан чиқариб юборди-ёв. Ишқилиб мендан айниб қолмаган бўлсин. Ахир, билиб бўладими, боши очик қиз — мен “банд” қилиб қўйганим билан занжир солиб қўймаганман.

Лекин инсоф билан айтадиган бўлсам, Латифа мен ҳозир хаёлимдан кечирган айбловлардан холи, етти ўлчаб бир кесадиган қиз. У бошданоқ кутилажак кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун муносабатларимизни махфий сақлаш ҳақида мени огоҳлантирган, камина шу шартларга содиқ қолганим учун севгисини бағишлади. Демак, ундан шубҳаланиш, айб қидириш ўринсиз. Фақат сабр-бардош билангина унинг висолига етиш мумкин ва бу оқилона чора.

Албатта, Латифа менинг соғинаётганимни яхши биларди ва ўзи ҳам мендан кам ҳижронда эмас. У албатта тез орада менга қувонч бахш этади.

Дарҳақиқат, шанба кечки пайт уйга келсам, синглим кундузи Мактуба бир-икки бор мени йўқлаб чиққанини, охири бир китоб ташлаб кетганлигини етказди.

“Ассалому алайкум, азиз севиқлитим”, — деб ёзарди Латифа, — мактубимни бир оз кечиктириб, сизни мушток

қилиб қўйганим учун узр сўрайман. Бу узилишга сабаб, кейинги пайтларда имкониятларим чегараланиб қолган. Акам негадир мени кўпроқ назорат қилапти. Ҳатто китоб дафтарлариму сумкамгача титкилаб текширади. Туман марказига бориш чорасини тополмай, ўзим ҳам роса эзилиб кетдим. Чунки хатни ўша ёқдан жўнатмасам, қишлоқ почта мудирига ҳам ишонч йўқ. У, бетамиз, қизларнинг хатларини очиб ўқишни яхши кўраркан.

Ўтган куни мактаб фаоллари туман марказида ўтадиган конференцияга юборилишини эшитиб, ушбу мактубимни дарсда ёздим. Кейин икки кун кўксимда сақлаб юраман. Бу чорам энг хавфсиз ва... энг ёқимлиси. Чунки соф муҳаббатим мактубим сатрларига ҳар он сизга талпинаётган қалбим тафти билан уйғунлашиб кетади. Сиз эса, аввал таъкидлаганимдек, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳеч қандай шубҳага бормай менга ишонинг. Токи Азроил жонимни олмас экан, қалбим ҳам, жисму жоним ҳам сизники бўлиб қолаверади. Фақат сиз умидингизни сўндирмай, олдингизга қўйган мақсадга эришиш учун сабр-тоқат билан интилишдан тўхтаманг. Шунда мени мамнун этасиз. Сизни соғиниб қолувчи Латифа”.

Уни бекорга айблаганим учун хижолат тортиб ўзимни койидим. Тўғри-да, ҳамма нарсани одам ўз қаричи билан ўлчамаслиги лозим. Латифанинг акаси Маҳмуд ҳақида ўйлай бошладим. Қандай нобакор эканки, биттаю битта синглисини асалу қаймоқ бермай қўя қолсин, ширин сўзлари, меҳрибонлиги, ғамхўрлик кўрсатиши билан кўнглини кўтариб, ўкситмай юрса бўлмасмикин-а. Онам ҳар доим биз — ака-укаларга бир насиҳатларини тез-тез таъкидлаб турадилар:

— Қизлар кўнгли яримта, ҳимояга муҳтож, меҳрибонликка зор ожиза бўлишади. Айниқса, турмушга узатилиб, бировнинг энцигига борса, ёдғиз кўнгли хувиллаб,

ўзини ғарибдек ҳис этиб юради. Шунинг учун опа-сингилларингизнинг кўнглини ўкситманглар, ёрдамингизни аяманглар, агар беришга бир бурда нонингиз бўлмаса, бир оғиз ширин сўзингиз билан кўнгилларини кўтаринглар, чунки улар доим меҳрибонликка муҳтож бўлиб турадилар. Бинобарин, сизларнинг отангиз йўқ, ўз ғамхўрликларингиз билан ота бурчини ҳам бажарган бўласизлар. Бу саъй-ҳаракатларингиз ораларингиздаги оқибатни кўтармайди. Қариндош-уруғчилик ришталарини боғлаб турувчи фазилат ҳам оқибатдир. Меҳрибонлик эса меҳр улашиш демакдир, илло, она сутидан ўтган меҳр кўнгилларни юмшатади, ака-ука, опа-сингилларни бир-бирига боғлаб туради. Меҳрсиз, оқибатсиз ака-укалар бегонадан ҳам баттар, улардан фаришталар ҳам қочади.

Онамнинг бу ўғитлари айнан Маҳмудга қарата айтилгандек эди гўё. Ёлғиз синглисига кун бермаётган Маҳмуд айни чоғда Латифага бегона кимсадек туюлаётганди менга. Назаримда қачондир у билан тўқнаш келадигандекман. Лекин у қанчалик аблаҳ, бераҳм, ёвуз ва жоҳил бўлмасин, Латифа иккимизнинг ўртамизга девор бўлишига йўл қўймайман.

* * *

Айни шу чоғда Маҳмуд уч-тўрт дастёри билан тоғда эди. Икки тоғ оралиғи бўйлаб кетган шағалли йўлдан “УАЗ—469” русумдаги автоуловда икки соат чамаси юрган улфатлар кўримсизгина тош деворли далаҳовлига кириб бордилар. Далаҳовли ташқи кўринишидангина кўримсиз бўлгани билан аслида бу алдамчи манзара эди. Темир дарвозадан ўтилгач, манзара бутунлай ўзгаради. Тоғ ёнбағри бўйлаб бетон ариқча орқали оқизилган обизамзам мисол булоқ суви ҳовлида сайқалланган қизил гранитдан бунёд этилган ҳовузни қишин-ёзин тўлдириб туради, ортиқчаси эллик одимча наридаги жилғага оқиб

тушади. Ҳовуз ўртасига эса оқ мрамардан йигит кўлидаги сув париси тасвирли ҳайкал ўрнатилган. Ҳовуздан бир метрча баландроқда керамзит плита ётқазилган икки со-тихча ҳовли. Унинг уч томони эса оқ ғиштли етти-саккиз хонадан иборат кошинли иморат билан қуршалган. Ҳар бир хонага юмшоқ Эрон гиламлари тўшалган, хорижда ишланган мебеллар, диван — кресло, пастак стол қўйилган. Фақат биттагина хонада гиламнинг устига кўрпачалар тўша-либ, парёстиклар ташланган. Иккита хона ўртасида йўлак бўлиб, у орқа томонга — ошхона, омборхона, ўтинхона каби ёрдамчи биноларга олиб чиқади.

Унча-мунча одамнинг қадами етмайдиган бу овлоқ маскан Маҳмуднинг далаҳовлиси бўлиб, у бу ерга ёзда дам олишга, тўғрироғи, қимор ўйинини ташкил қи-либ беришга, қишда каклик ови билан кўнгил очишга чиқиб туради. Бу жойни ўрмонбегида ташқари қимор-бозлар ва фойдаси тегадиган улфатлари билади, холос.

Эртага қимор ўйналадиган кун бўлгани учун Маҳ-муд тўрт нафар шотири билан тайёргарлик кўришга чиқиб келди. Бу дастёрлар аслида тансоқчилар бўлиб, ҳаммаси чапдаст йигитлар. Агар Маҳмуд бир имо қил-са бир зумда ҳар қандай рақибнинг танасини илма-те-шик қилиб ташлаши ҳеч гапмас, жуда бўлмаса, яхшилаб пўстагини қоқиб қўядиларки, бошқа ўнганмайди. Улар ёрдамида Маҳмуд бойлик келадиган йўللарни эгаллаб ётган не-не корчалонларни ўлдириш, оиласини бадном этиш билан кўрқитиб ўз измига солиб олдики, ўшанда улар муаммоларини орган ходимларига шикоят қилиш у ёқда турсин, ҳатто, хотинларининг ёнида уйқусираб гапириб юборишдан кўрқиб бўлак ётардилар.

Хўш, Маҳмуд бу даражага қандай эришди, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Албатта, бирданига эмас. Аввал-лари бир корхонанинг юк машинасини ҳайдаб юрди. Ўша пайтларда автомашиналар кам бўлгани боис одамлар ўз-

ларининг у-бу юкларини ташиб олиш учун Маҳмудга тез-тез мурожаат этардилар. Чунки у корхонанинг иши ёниб кетса ҳам мижознинг юмушини бажариб берарди. Тушум ҳам, албатта, шунга яраша бўларди. Қишлоқда юк ташиш хизмати машиналари кўпайиб, тушумдан барака қочгач, Маҳмуд колхозда бўшаб қолган экспедиторликни эгаллади. Илгариги экспедиторлар қўл уришга ботинолмаган даромадли ишларга ёпишди. Бир марта Хоразмга бориб гуруч келтирди. У ёқда гуруч тайёрлаш идорасининг раҳбарлари билан дангалига музокара қилиб, ўзаро фойдали битим тузди. Тайёрлаш идорасида вужудга келган захира ҳисобидан килосини бир сўмдан гуручни олган Маҳмуд уни колхозга бир сўм олтмиш тийиндан ўтказди. Гуруч тайёрлаш идораси ҳисобига колхоздан ўтказилган пулдан оғзаки келишилган маблағ ажратиб олиниб, Маҳмудга юз эллик минг сўм нақд пул чиқариб берилди. У бу фойданинг эллик минг сўмини колхоз раиси ва бош ҳисобчисига ташлайди. Бундай “операциялар” кейинчалик кўп марта такрорланди. Шулардан яна бир эътиборлиси, хўжалик бригадаларида етиштирилган пиёзлардан чегирма ҳисобига вужудга келган юз эллик тонна ва режа бўйича қабул қилинганидан юз тонна маҳсулот бешта вагонга юкланиб, Омск шаҳрига жўнатилди. Маҳмуд эса бир ҳафтадан кейин самолётда етиб борди. Аслида, у аввалроқ шаҳар тайёрлов пункти раҳбарлари билан қанча маҳсулот олиб келиш ва қанчадан олди-берди қилиш ҳақида келишиб кетганди. Келишувга кўра харидорлар пиёзнинг килосини ҳеч иккиланмай икки сўмдан сотиб олишга рози бўлдилар. Лекин келишув бўйича эллик тийиндан ҳужжат қилиб бериладиган, қолган бир ярим сўм арра қилинадиган бўлди. Еб-ичиб, ўйнаб-кулиб дам олган Маҳмуд Қўшқайроғочга икки юз ўттиз минг сўм билан қайтди. У бир юз олтмиш минг сўмни ўзига олиб қолди.

Етмиш минг сўм эса раис, бош ҳисобчи, тайёрлов пункти мудирини ўртасида мавқеларига қараб тақсимланди. Хўжаликнинг йигирма икки тийинлик пиёзи хўжаликнинг ўзига йигирма саккиз тийиндан фойда ҳам келтирди. “Бўри тўқ, қўраям тинч” деганларидек, уддабурон Маҳмуд туфайли чўнтаклари жарақ-жарақ пулга тўлиб кетган раис унинг эркаликларига кўз юмарди. Бундан фойдаланган Маҳмуд ишончли бригадир билан келишиб унинг даласидан икки-уч гектар ер олиб макка-жўхори эктирарди. Майдон ўртасига эса... кўкнори уруғи сепиларди. Бу пайтлар республикада гиёҳвандлик ва гиёҳфурушлик шаклланмаганди. Лекин Европадаги мамлакатларда ва Осиёдаги Камбоджа, Лаос, Таиланд каби давлатларда гиёҳвандлик авж олганди. Маҳмуд ушбу ноқонуний касофатни ўша томонларга ташувчи курьер билан қандайдир тарзда танишиб қолган бўлиб, етиштирган кўкнориларни ўшанга пуллаш орқали катта бойлик орттираётганди. Кейин эса бу ишларини йиғиштириб қўшни туманда ташкил этилган хўжаликка олисга қатновчи “КамАЗ” ҳайдовчиси бўлиб ўтди.

Машинага ортилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Россияга, унинг Сибир шаҳарларига етказилади. У ёқда бозор нархида пуллаган Маҳмуд, қайтишда Ўзбекистонда танқис молларни олиб келади ва танишлари орқали ими-жимида пуллаб, йўқ қилади.

Очкўзлик одамни издан чиқаради. Мол-дунёси кўпайган сари Маҳмудга камдек кўринаверди. Ниятига етиш учун зўравонлик йўлига ўтди. Атрофига юқорида таърифлаганимиз каби содиқ ва абжир, лекин пул деса ўзини томдан ташлайдиган йигитларни тўплади. Улар ҳимоясида икки-уч бор хўжалик маҳсулотларини олиб кетди-ю, ўз фойдасига пуллади. Бош ҳисобчининг олдига йигирма минг сўм ташлаб, олиб кетган маҳсулотларни “совуқ урди, музлаб қолди” деб далолатнома тузишни, акс ҳолда

ими-жимида ўлдириб юборишини айтди. Маҳмуднинг зуғумидан ўлгудек қўрқиб кетган, қолаверса, бирор жойга шикоят қилишга ўзининг ҳам кети тозамаслигидан чўчиган бош ҳисобчи туман тайёрлов идораси орқали керакли ҳужжатларни тўғрилаб кетган маҳсулотларнинг ўрнини қоплади. Маҳмуд шу тарзда икки-уч бор сурбетлик қилгач, бош ҳисобчи ишдан бўшаб, бошқа корхонага ўтиб кетди.

“Ризқи” камайишини истамаган Маҳмуд туман марказида сотувчи топилмай турган аралаш моллар дўконини юрита бошлади. Уни вилоят, ҳатто республика матлубот жамияти омборларида олиб қўйилган камёб ва тез кетадиган товарлар билан тўлдириб ташлади. Албатта у бунга тансоқчиларини ишга солиб зўравонлик қилиш ёки орттирган таниш-билишлари орқали эришарди.

Бир мартагина Маҳмуднинг тоғдаги далаҳовлисида бўлган корчалонлар у билан алоқани узмаслик пайида бўлиб қолардилар. Чунки далаҳовлига таклиф этилганлар бир кун бўлса ҳам жаннатга тушгандек, ёшариб қолгандек ҳис қиладилар-да. Ёлланган моҳир массажчи гўзал қизлар уларнинг хизматида бўлиб, навқирон йигитга айлантириб қўядилар. Албатта бу мўъжизадан кейин бу жойдан кўнгил узиб бўларканми? Яна қайта ўша маскан илинжида улар Маҳмуднинг талабномаларига индамай қўл қўйиб бераверардилар.

Камёб товар хилига қараб харидорлар сони ҳам кўпаяверди. Бунинг натижасида Маҳмуд мисли кўрилмаган товар айланмаси кўрсаткичига эришди. Ўз навбатида бу натижа мевасини берди. Маҳмуд нафақат туман, балки вилоят, ҳатто республика матлубот жамияти раҳбарларининг эътиборига тушди. Маҳмуднинг сирини билмаган катталар уни ишбилармон деб билиб, моҳир ташкилотчилик қобилятини эътиборга олиб аввал қишлоқ, кейин қўшни туман матлубот жамияти раислигига тайинлайдилар.

Мен университетта кирган йилим у шу лавозимда ишлаб юрарди. Ўзининг аввалгидек ишбилармонлиги билан жамиятни қолоқликдан пешқадам корхоналар қаторига олиб чиқди, ўзини ҳам эсдан чиқармади. Ҳар ойда катта-катта дўкон мудирлари, қишлоқ матлубот жамияти раислари у белгилаган миқдордаги “чўтал”ни ташлаб кетишарди. Маҳмуд ҳам уларнинг “салом-алигига” қараб камёб ва тез кетадиган маҳсулотлар ажратишда саховат кўрсатарди.

Маҳмуднинг битта касали — қимор домига илинганлиги эди. Қимор эса шафқатсиз талончи — бой берганнинг сўнги патигача юлиб олади. Қиморда Маҳмуд камдан-кам ютса-да, ашаддий касаллиги туфайли ярим-бир йилда бўлиб турадиган катта-катта ўйинларда қатнашаверади. Ҳар ўйинда икки юз-уч юз минг сўмни ташлаб келаверади.

Ўйин қондасига кўра фирром ўйнаганларга шафқат қилинмайди, ютқазганларга қарз берилмайди, лекин бирор эътиборли мулкани тикиб ўйнаши мумкин. Ютқазилган мулк ёки аёл белгиланган муддат ичида қолиб ихтиёрига ўтиши шарт.

Қарта ўйинида ўзининг омадсизлигини билган Маҳмуд бирор мулкани тикиб қўймаслик учун ўйинга жудаям чуқур кириб кетмайди.

Маҳмуднинг далаҳовлисида ўйин ташкил этилиши унга ҳам, бошқаларга ҳам ёқади. Чунки ўйиндан кейин қолиб қиморни зўр ташкил этиб берган Маҳмудга ютуқ чўғига қараб юз-икки юз минг сўмни чўтал қилиб ташлаб кетади. Далаҳовлининг ҳар хил хавф-хатардан хоилилиги, қиморбозларга зўр хизмат кўрсатилишининг бадали эди бу. Маҳмуднинг эса бой берган пули қопланиб кетарди.

Мана, бугун ҳам эртанги ўйинга тайёргарлик бошлаб юборилди. “Дов” лақабли тансоқчилардан бири — Даврон “УАЗ”нинг орқа юкхонасидан катта-катта иккита

қўчқорни тушириб олди-да, орқага — ошхона томонга судраб кетди. Унга шу далаҳовли кўрикчиси Самад ёрдамга келиб, қўчқорларни сўйиладиган жойга сургашди. Қурбон исмли бошқа йигит ўзининг “Қашир” деган лақабига шунчалик кўникиб кетганки, асл исмини унутиб қўйган бўлса ажабмас, атроф саранжом-саришта бўлса-да, яна кўздан кечириб, бошини обдон қашиб олгач, ишга киришди. Ҳовузга хўрак ташлаганди, дарров хонбалиқлар тўпланди. Қашир тўр келтириб, икки юз-уч юз грамм келадиганларини тутиб олаверди. Ундан кичикларини қайта ҳовузга ташлаб юборарди. Тутилган хонбалиқларни тез-тез тозалаб, зираворлади. У зираворланган балиқларни пиширишнинг хўб ҳадисини олган. Бошқа ҳеч ким унчалик хонбалиқни димлаб пишириш кифтини келтиролмайди.

— Ҳой “Баковул”, анграймай машинадаги нарсаларни тез-тез тушириб, газак, салат тайёрлаб юборинглар, — фармон берди Маҳмуд Миркомил исмли шофёр-тансоқчиси. — Йўл юриб, қоринлар пиёз пўсти бўлиб кетди-ку!

— Хўп бўлади, ҳозир есть қиламиз, — жавоб берар бермас Баковул ҳам ишга киришди.

Турли-туман салату газак тайёрлашга Миркомилнинг суяги йўқ. Шунинг учун унинг зиммасига бу иш ҳам юкланган. Маҳмуднинг энг ишонган ўнг қўли ҳисобланган “Баковул” бошқа йигитларга ҳам фармонбардорлик қилади, хўжайинининг буйруқларини бажартиради. Ишга киришаркан, Миркомил “Пончик” деб чақирди. Парда исмли тўладан келган пакана йигит орқадан югуриб келди.

— Бирпасда қаёққа йўқолдинг, ҳар доимги ишингни қилмай, — жеркиб деди Миркомил.

— Ташқарига чиққандим, ўзимам зўрға етиб келдим-да, — ўзини оқлашга уриниб деди Пончик.

— Овқатни кўп еяверсанг “Пончик” эмас, “Толстяк”

бўлиб кетасан. Унда хўжайинга ҳам керагинг бўлмай қолади. Сал нафсингни тий.

— Нима қилай, овқат емасам чидолмайман.

— Бирор иш қилмай юраверсанг тўнкадан фарқинг бўлмай қолади. Бор, анави халталарни олиб кел, газак тайёрлаймиз.

— Ана кўрдингми, яна ўзинг овқат ичига бошляпсан.

— Бўлмаса, сени деб биз ҳеч нарса емай ўтирайликми? Оғзингни тикиб ол. Бўлмаса хўжайиндан кўрадиганингни кўрасан.

Кўп ўтмай хонтахта устига дастурхон ёзилиб, қазию қарта, колбаса, пишлок, турли сабзавотлардан тайёрланган газак, салатлар, писта-бодом, майиз-туршаклар, минерал сувдан тортиб шарбатлар ва ҳар хил ичимликларгача жойлаштирилди.

Маҳмуд тўрдан жой олгач, қолганлар ҳам қўл қовуштириб кириб келишди. Уларнинг ортидан далаҳовли қўриқчиси Самад кийик гўштидан пиширилган, тоғрайхон ҳиди анқиб турган шўрвали косаларни патнисга қўйиб кириб келди. Унинг ортидан эса хотини шу гўштнинг димлаб пиширилганини лаганда узатди. Таомларнинг ҳиди иштаҳаларни очиб юборди.

— Қани, Баковул, нима қилиб ўтирибсан, анавини очмайсанми? — буюрди Маҳмуд.

Хўжайинининг нима ичишини яхши билган Миркомил махсус “Столичный” ароғини тезда очиб пиёлаларга расамадлади. Чунки бошқалар коньякни хуш кўрсаларда, раҳнамоларининг олдида ундан ўтиб бу ичимликни очишга ботинмадилар.

— Қани, йигитлар, омадимиз учун олайлик, — деб Маҳмуд ароқ тўла пиёлани кўтарди. Кейин чуқур нафас ола туриб қазии тўғрамини оғзига солди. Унга қолганлар эргашди.

Кийик шўрваси жуда лаззатли эди. Улфатлар унинг

кетидан тўнғиз гўштидан кабоб келишини билсалар-да косани бўшатишдан ўзларини тия олмадилар.

Кетма-кет уч пиёла ароқ кўтарган Маҳмуд ҳам шўрвани хушнудлик билан ичар, баъзида лагандаги сур гўшtdан тайёрланган димламага қўл чўзарди.

Далаҳовли қўриқчиси Самадга меҳмонлар келадиган кунга кийик ва тўнғиз гўштидан бугунгидек таомлар пишириш юкланган. У бу топшириқни жуда маромига етказиб адо этади. Маҳмуднинг бу ошнаси кийик, тўнғиз, қишда эса какликларни ўзи овлайди. У шу маконда қишу ёз хотини билан яшайверади. Болалари қишлоқда — онасининг қўлида қолган, мактабда ўқишади. Самад ҳар замонда бориб хабар олиб келади. Болаларининг ош-овқатини, кир-чирини бултур мактабни битирган қизи эплаштириб турибди. Самад ва унинг хотини матлубот жамияти хизматига расмийлаштириб қўйилган бўлиб, шу ердан ойлик маош олиб туришади. Далаҳовлидаги даромади олдида бу маош арзимаган қўл кири.

Самад Маҳмуднинг болаликдаги ўртоғи, қўшни қишлоқда яшайди. Ўша пайтларда Самадларнинг қишлоғига тушган аммасиникига борса бирга ўйнашарди, сал каттароқ бўлишганда ёввойи каптарларнинг полапонларини олгани жарликка борадиган бўлишди. Самад ўша пайтлардаёқ овга қизиқарди. Саккизинчи синфда ўқиётганда пул йиғиб милтиқ сотиб олди. Шу-шу ёввойи каптару какликлар унинг ўлжаси бўлиб қолди.

Маҳмуд ҳар келганида Самад уни хурсандчилик билан кутиб олар, ўзининг ов чоғидаги қизиқ-қизиқ саргузаштларини гапириб берарди.

— Бир куни, чамаси, ўнинчи синфни битирганимдан уч ойлар ўтгач, тоққа жўнадим, — навбатдаги учрашганларида Самад ҳикоясини бошлади. — Ўшангача сира тоққа овга бормагандим. Етиб боргунимча кун кеч

бўлди. Қайтай десам ҳали ҳеч нарса овламаганман. Қайтмай десам ёлғиз ўзим, юракка гулгула тушаяпти. Соё яқинидаги катта толга кўзим тушди. Шундай каттаки, танасига уч кишининг қулочи етмайди. Ўшанга чиқиб олдим. Тепаси анча кенг экан, йўғон-ингичка новдаларни эгиб-букиб сўрига ўхшаш жой тайёрладим. Атрофни қуюқ қоронғилик қоплади, чунки осмонда ой йўқ, икки тарафдаги тоғлар юлдузлар нурини тўсиб қўяркан. Сафархалтамдан нон ва консерва олиб, тамадди қилдим. Бир пайт олисдан ваҳший ҳайвоннинг ўкириши эшитилди. Айиқ бўлса керак, деб тахмин қилдим. Вужудимда кўрқув, милтиғимни шайлаб, милини пастга тўғрилаганча тикилиб ўтиравердим. Қанча ўтирдим — билмайман, қарасам беш-олтита қора кўланка пастимга келиб тўхташди. Улар, чамаси, сув ичишарди. “Нима экан?” ўйлайману нималигига ақлим етмайди. Сув ичиб бўлишларини кутиб турдим. Чунки ҳар қандай жонзотни сув ичаётганда безовта қилиб бўлмайди. Жониворлар ортига қайта бошлагандики, битта қорани мўлжалга олиб тепкини босдим. Чинқирик овози бутун дарани ларзага келтирди. Ўша чинқираётган маҳлуқни оғир яралагандим. У бир неча метр узоқлашгандан кейин тинчиб қолди. Атрофга яна сукунат чўмганда бир оз дадиллашиб толдан тушдим-да, қўл фонаримни ёқиб, милтиғимни шайлаб маҳлуқ кетган томон юра бошладим. Қон излари кўринди. Яна бир оз юргандим, қорага дуч келдим. Фонар ёруғини солиб кўрсам ёшроқ қора қобон қонига беланиб ётарди. Пайпасласам, ҳали танаси совимабди. Бир муддат довдираб тургач, пўлат пичоғимни бўғзига тирадим. Қани энди тиг терини кесса. Жудаям қаттиқ экан, занғар. Куч билан калласини айиргач, атрофдан арча шохларини йиғиб келиб гулхан ёқдим. Олов ёввойи ҳайвонларни чўчитишини билардим, бунинг устига тўнғизнинг терисини шилишга ҳам ёруғлик керак бўлади. Ўтинларни мўл қилиб қўйгач, қобон-

нинг бир оёғини сони билан кесиб олдим-да узун хомага маҳкамлаб, куйдириб юбормайдиган қилиб гулханга қўйдим. Бир оз вақтдан сўнг атрофни гўштнинг ёқими ҳиди қоплаб олди. Мен эса гулхан ёруғида қобон этини терисидан ажратишга киришдим. Бу ишни қилиб бўлгунимча икки соатлар вақт ўтди-ёв. Ниҳоят тўнғизни нимталарга бўлиб, арчанинг баландроқ шохларига илиб қўйдим. Гулхандаги гўшtdан бир парча кесиб олсам, хилхил бўлиб кетибди жонивор. Халтамда доим туз бўлади. Ундан бир-бир тишлам кесиб олган гўштга сепиб оғзимга соламан. Лаззатдан кўзларим юмилиб кетади, десанг. Умримда бундай мазали луқмани емагандим”.

Ўшанда Маҳмуднинг оғзидан суви келганди. Корхона машинасини ҳайдай бошлаганда унда Самадни тоққа олиб чиқди. То қобон овлагунча уч кун қолиб кетишди. Ниҳоят, тўртинчи кун омадлари келди. Ундан Самад ўзи айтгандек қилиб кабоб пиширди. Ҳақиқатан, мазаси Маҳмуднинг оғзида қолди. Бироқ шундан кейин кўп йиллар Самад билан овга боролмади ҳам, ўшанақа кабоб ея олмади ҳам. Ниҳоят, катта бойлик орттириб, тоғда шу далаҳовлини барпо эттиргач, Самадни ҳам ўша ерда яшашга таклиф этди. Табиатга, овга ишқибоз Самадга ошнасининг таклифи ва далаҳовлиси маъқул бўлди.

Самад далаҳовлининг орқа томонидаги тошлоқ ерни кўриб уни ўраб олиш ва боғ қилиш фикрини Маҳмудга айтганда у хурсанд бўлиб кетди, ошнасига агар шу ишга бош-қош бўлиб турса керак нарсаларни етказиб беришини, ўзини эса муносиб тақдирлашини билдирди.

Тўрт-беш мардикор ёз бўйи сойдан тош ташиб, ундан девор кўтаришди, ёлланган “КамАЗ” олис бўлса ҳам қирдан тупроқ ташиб турди. Ниҳоят, кузда кўчатлар экиш учун жой тайёр бўлди.

Самад бўш пайтларда кийик, қобон овлаб, ғамлаб

қўярди. Движокда ишлайдиган совуткичларда сақлашдан ташқари гўштларни тузлаб, тоғрайхон, тоғжамбил сингари гиёҳлар сингдириб, кейин ёйиб сурлашнинг хўб ҳаддисини олганди. Сур гўштли ҳар қандай таом меҳмонларга маъқул бўлиб, танасини яйратиб юборарди.

— Дов, кўчқорларнинг биттасини сўйиб қўй, — буйруқ берди Маҳмуд овқатланиб бўлишгач. — Қашир эса ҳар доимгидек меҳмонлар келишгач, балиқларни пиширишни бошлайди. Баковул билан Пончик газак ва салатлар тайёрлаш, меҳмонларни кутиш ва дастурхонга кўз-қулоқ бўлиб туришга жавоб беришади. Таом хиллари ҳар доимгидек, биринчиси — кийик шўрваси ва гўшти, иккинчиси — балиқ, учинчиси — тўнғиз ҳамда кўчқор гўшtidан кабоб бўлади. Самаднинг вазифаси тайин, хотини эса массажчи қизларни кутиб олиш, жойлаштириш, овқатлантириш билан шуғулланади. Пончик, сен ҳадеб қорнингни ўйлайвермай, вазифангни чаққонроқ бажар. Акс ҳолда сени оздириш учун шу ердан то шаҳаргача югуртириб бораман, бу ҳам кор қилмаса охирги жазони қўллашга тўғри келади. Тушундингми? — Маҳмуд унга ғазабли кўзини тикди.

— Тушунарли! — ранги ўчган Парда аскардек ғоз қотди.

— Ундай бўлса ҳамманг жой-жойингга марш!

Хона бир зумда бўшаб қолди.

* * *

Ҳар доимгидек шоҳона ноз-неъматлар билан тўлдирилган дастурхон атрофида ўтириб обдон майшат қилган, саунада массажчи қизларнинг ёқимли уқалашлари оқибатида баданларида навқирон ёшларники каби қон гупуриб айланишидан тетиклашган етти нафар қиморбоз гилам устига кўрпачалар тўшалган хонада бир-бирларига бақамти бўлишди.

Миркомил бир халта очилмаган янги қарталарни об-

кириб берди. Кўп ўтмай бир сумка пулни хожаси ёнига қўйди-да, хона эшигини ёпиб чиқиб кетди.

Ўйин бошланди. Кўриниши, хизмат мавқеи, манзиллари, феъл-атворлари турлича бўлса ҳам ниятлари фақат рақибларининг бор-будини қоқиб олиш, ғалаба нашъидасини суриш иштиёқидаги ашаддий қиморбозлар жўрабошига тикилишди.

Жўрабоши Акром Тошкентдаги институтларнинг бирида домла бўлиб ишлайдигандек ўша атрофда юриб фирибгарлик қилгани учун “доцент” мақомини олган, доим омади чопадими ёки ўзи қарта ўйини сеҳргарими, ҳарҳолда ошиғи олчи, қуруқ қайтмайди. Ўйин чоғида қарталар гўё ўргатилгандек нуқул зотлари келади. Чийлашни-ку кўзбойлағичлардан ҳам ўтказворади.

Жўрабоши ўйинни бошлаб берди. Ўйин ҳам шу бошлангандан қизиб бораверди. Қолган ўйинчилар ҳам анойи эмаслар. Йиллар оша пишиб, қиморнинг пири бўлиб кетишган. Гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг қўли баланд келиб, пуллар уюми янги-янги хўжайинларга бориб келмоқда. Доцент уч бор пуллар уюмини қўлга киритди. “Ғишт” лақабли қурилиш моллари базасининг директори Аъзам бойвачча икки бор ғазнага эга бўлди. Самарқандлик таксопарк директори Лапас тараша олиб келган сармоясини бой бериб четга чиқди. Бирор мулк тиккиси келмади. Қозоғистонлик Жолдибой бир марта ютиб уч бор чув тушган бўлса-да ҳали ўйинни давом эттирмоқда. Уни “Бўрдоқи” дейишади. Бунга сабаб кўп овқат еявериб буқадек бўлиб кетганлигими ёки бўрдоқчилик базасининг директорлигига ишорами, барибир лақаб мос тушган. Сирдарёлик ўйинчи Шамсиддин пахта қабул қилиш пунктининг мудири, фақат куздаги ўйинларда иштирок этмайди. Лақаби “Силлиқ”. Андижон обшепити директори Саттор қи-

морбозликдан ташқари улфатчиликнинг жонини киритадиган шинаванда йигит. Шу сабаб уни “Шинаванда” дейишади. Бирор сабаб билан иштирок этолмаса, улфатчиликдан файз кетади.

Бугунги ўйинда Маҳмуднинг омади кулиб, бир неча марта доғни қўлга киритди. Охир-оқибат даврада Доцент иккиси қолишди.

— Кел, ўйинни чўзиб ўтирмайлик-да бор пулимизни тикамиз, — таклиф қилди Доцент. — Тонг ҳам отиб қолди.

— Яхши, — омади келганига ишонч ҳосил қилиб қолган Маҳмуд мийиғида кулиб, — фақат менинг ютуғимга сенинг пулинг етармикин?

У бугун омади келаётганидан жуда хурсанд, қизигида босиб қолишни ўйлар, кўз олдида турган катта пул уюмини ютиб олишдан бошқа мақсади йўқ эди шу лаҳзада.

— Ташвиш қилма, машинада турибди.

— Унда бошладик, — деди Маҳмуд янги қарта қутисини очаркан.

Қарталар сузилди. Икки қиморбоз нафас чиқармай қарталарини кўра бошладилар.

— Қани, қартангни оч-чи, — Доцентга тикилди Маҳмуд. Унинг қўлида 31 очко тургани учун ютганига ҳеч шубҳа қилмаётганди.

— Бўпти, — деди Доцент бамайлихотир, — фақат порок бўлиб қолма. — Мана.

Не ажабки, Доцентнинг олдида учта туз ётарди. Маҳмуд бошини чангаллаб қолди. Ахир, бир-бир ярим миллион сўмдан ортиқ ютуқни бой берганди-да. Унинг кўнглида қандай бўлмасин, шу ютуқни қайтариб олиш аҳди ғалаён кўтарди.

— Яна ўйнаймизми? — таклиф қилди Маҳмуд яна омади келишига умид қилиб Доцентга совуқ тикилди.

— Нима тикасан?

— Қарзга. Эртага йигитларим олиб келиб беришади.

– Йўқ. Биласан-ку, қарзга ўйнамаймиз.

Лекин Маҳмуд яна ўйнаш, бой берганларини ютиб олиш истагида тобора қизишиб, жазава отига минаёт-ганди.

Унинг ҳолатини илғаган Доцент луқма ташлади:

– Жуда ўйнагинг келаётган бўлса бирор нарса тик.

– Нимани тикай?

– Масалан, мана шу далаҳовлингни.

– Йўқ. Бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас.

– Бўлмаса...синглингни тик. Агар синглингни тиксанг ютқазсанг ҳам бугун ютиб олганларимни қайтиб бераман.

– Ҳой мараз, оғзингга қараб гапир, шу гапни бошқа жойда гапирганингда калланг кетарди. Ахир, у мактаб ўқувчиси-ку!

– Нима бўлибди? Ўнинчи синф ўқувчилари ўн олти ёшдан ўтган бўлади.

– Унинг ихтиёри ота-онамда. Мен уни зўрлаб сенга бериб юборолмайман.

– Биламан. Фақат сен рози бўлсанг бўлди.

Маҳмуд ўйланиб қолди.

– Хўп, рози ҳам бўлдим, дейлик, — деди бир муддат ўйлаб олгач. — Аммо уни қандай олиб кетмоқчисан? Ахир, у мол эмас-ку етаклаб кетаверсанг. Бунинг устига ҳали мактабда ўқиса! Бу криминал чуқурлашиб ҳаммамиз жарга қулаб тушишимиз мумкин-ку!

– Кўрқма, менда бир режа бор. Майли, синглинг мактабни тугатаверсин. Кутамиз. Битиргандан кейин унга бизнинг институтга киришни маслаҳат берасан. “Танишим бор, институтга киришингга ёрдам беради” деб мени таништирасан. Бу ёғи менинг ишим.

– Аблаҳ, илгаридан режалаштирган экансан-да!

Доцент жавоб ўрнига маккорона тиржайди:

– Хўш, таклифимга розимисан?

— Рози бўлмасам сен билан савдолашиб ўтирмасдим, шартта пешонангдан отиб ташлардим сурбетлигинг учун.

— Қўлни ташла!

Шу тарзда Латифанинг сўнги хатидан бир ой муқаддам қизнинг тақдирига ҳукм ўқилиб, унинг икки манфур ижрочиси қабиҳ ниятларини рўёбга ошириш учун қўл ташлашди. Ўшандан бери Латифа акасининг қаттиқ назоратида эди.

* * *

Ўртоқларим бирин-кетин йигитлик бурчини адо этгани армияга жўнаб кетишгач, мен учун қишлоқ ҳувиллаб қолгандек. Ўзим шанба-якшанба кунларигина уйга келсам-да, ҳеч ёққа сиғмай кетардим. Ҳасратлашиб сирлашадиганларинг бўлмаса ҳам азоб экан. Бир томонда дўстлар соғинчи, иккинчи томонда Латифадан айрилиқда юриш менга оғирлик қилаётганди. Университетда ҳам курсдан курсга кўчиш имтиҳонлари тугаб бўлган. Аламинимни фақат ишдан олиб жон-жаҳдим билан ишлардим.

Қарангки, шундай азобли кунларнинг бирида ёлғизлик дардимга даво топилди. Военкоматдан чақирув қоғози олдим. Бу ҳақиқий нажот қоғози бўлди мен учун. Икки кундан кейин жўнайдиган бўлдик.

Уйда менинг ҳарбий хизматга кетаётганимни эшитган қавм-қариндошларим ва кўни-қўшнилари келиб хайрлашишар, оқ йўл тилашарди. Менинг хаёлимда эса Латифа билан қандай кўришиш ўйи сарсон кезарди. Мавридини топиб икки энлик хат битдим: “Азиз севгилим! Сени безовта қилишим сабаби, эртадан кейин армияга кетяпман. Иложи бўлса кўришайлик. Мактубаларникига бир илож қилиб келсанг. Мактубадан энди хавотир олмасанг ҳам бўлади, чунки унинг ўзи мени сирдош қилиб олди. Агар кўришолмасам сенинг соғинчингга икки йил мобайнида қандай бардош бераман? Муштоқ кутувчи Баҳром”.

Кутганим зое кетмади. Тушдан кейин Мактуба чиқди.

— Армияга кетаётганмишсиз, деб эшитдим, шунга хайрлашай деб чиққандим.

— Жуда хурсандман. Раҳмат. Ўзим ҳам сенинг чиқишингга илҳақ эдим.

— Нечун илҳақсиз? Аксинча мен сизнинг келишингизни кутиб ётувдим.

— Илҳақлигим боиси, манави китобни Латифага элтиб берсанг, иложи бўлса ҳозироқ. Менда қарз бўлиб қолмасин. Обориб берганингга ишонч ҳосил қилай. Энди мени кутаётганинг боисини айт.

— Шу десангиз, Улуғбек акамнинг манзилини берсангиз. Улардан баъзи нарсаларни сўрамоқчийдим.

— Бу муаммони ҳозирнинг ўзида ҳал қиламиз-да. Мана. Мен унга Улуғбек юборган хат конвертини бердим. Конвертни оларкан, Мактубанинг кўзлари чақнаб кетди. Уларда соғинч ифодаси зоҳир эди.

— Хат ёзсам одамлар гап-сўз қилмасмикин? — ҳадиксираб деди Мактуба. — Одамларни биласиз-ку оёғи билан эмас, оғзи билан юради. Гап тарқалса, адамларнинг юзларига қандай қарайман?

— Қарамай қўяқоласан. Ўқишимга тааллуқли бир нарса сўрадим, дейсан. Сенинг хатинг Улуғбекка қанчалик қувончу қанот бағишлашини билсанг. Ўзиям мендан қайта-қайта сўраётганди. Мана, хатини ўқишинг мумкин, сенга саломини етказишимни сўраган.

— Саломат бўлсинлар. Мендан ҳам салом айтиб қўйинг. Ишқилиб келгунларича фикрлари ўзгариб, айниб қолмасмикинлар?

— Вей, сен нима деяпсан? Улуғбек сен ўйлагандака йигит эмас. Қолаверса, у хизмат қилаётган жойда айнитадиган қизлар умуман йўқ. Сен садоқат билан кутсанг, бас, Улуғбек албатта сўзининг устидан чиқади. Аслида қизлар кўпроқ бевафолик қилишади — армияга кетган йигитини кутмай дарров бошқага эрга тегиб кетишади.

— Ҳа тўғри, баъзи қизлар бойлик, дабдабага учиб ваъдаларини унутадилар. Уларнинг кўпчилиги кейинчалик бахтсизликларидан нолиб юрадилар. Лекин мен ундайлар тоифасидан эмасман. Мен кўнгли тоза, меҳнатсевар, ҳунарли йигитларни ёқтираман. Улуғбек акада шундай фазилатларни кўрдим. Уларни кутишга аҳд қилганман.

— Адашмайсан. Мени айтди дерсан, у билан бахтли бўласан.

— Нега ўзингиз Латифа билан китоб айирбошлашдан нарига ўтмайсиз? Уни ёқтирмайсизми?

— Ёқишга ёқади-я, бироқ у назаримда етиб бўлмас юлдуздек туюлади менга. Ошиқлари ҳам кўп.

— Лекин у жуда камтар, мулоҳазали, инсоний фазилатларни қадрлайдиган ақлли, одобли қиз. Сиз ҳам унга ёқсангиз ажабмас. Чунки сиз ҳақингизда гапирсам қизариб кетади, индамайди, бошқаларни гапирсам осмонга сакрайди. Гаплашиб кўрасизми?

— Жон дердиму армияга кетай деб турибман-да. Қандай гаплашаман?

— Уйга олиб келаман. Агар келса, билингки, унинг ҳам кўнгли бор. Сизга оқ йўл тилаш учун албатта гаплашади.

— Ундай бўлса кеч кирмасдан тезроқ борақол. Балки омадим келиб қолар.

— Бўпти, мен кетдим.

* * *

Поезд жануб томон елиб боради. Оқшом ўз ўрнини аллақачон тунга бўшатиб берганига қарамай чароғон купеларда чақчақлашиб ўтирган сочи тақир тенгдош йигитларга билинмайди. Улар бирга хизмат қилмоқ сари кетиб борарканлар, аллақачон танишиб улгуришган, энди қизиқ-қизиқ ҳангомалар, латифалар айтиб кулишмоқда. Мен эса хаёл оғушида ўтирибман. Кўз олдимдан кеча оқшомдаги Латифа билан учрашув бир лаҳза бўлсин нари кетмайди.

Мактуба уларникига боргач, Латифанинг хонасига кириб бир оз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирган бўлибдию мендан гап очибди.

— Баҳром ака билан китоб айирбошлаб юраверибману, ўзлари ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман, аввалроқ қаёқда эдинг, ўртоқ? — дебди Латифа ҳақиқатдан қочиб. — Улар сенга яқин турадилар, уларни яхшироқ биласан, қани, фикрингни айт-чи!

Мактуба дунёдаги бор яхши фазилатларни менга қўшиб, роса мақтабди.

— Ҳали ҳам кеч эмас, — дебди Мактуба, — Баҳром ака эртага армияга кетаяптилар, қарз бўлиб қолмайин, деб манави китобингни бериб юбордилар. Агар ўзинг ҳам хайрлашгани борсанг уларга нисбатан бефарқ эмаслигингга ишора қилган бўласан, улар учун энг унутилмас тўхфа ҳам шу.

— Бир дақиқа шошмай тур, мен аввал китобни жавонга қўйиб чиқай, кейин Баҳром ака ҳақида суҳбатимизни давом эттирамиз, — дея Латифа ичкарига кириб кетибди. У ерда китоб муқоваси остидан хатимни олиб ўқиб чиқибди.

— Ўртоқжон, ҳозир чой қўйиб келай, унгача таклифингни яхшилаб ўйлаб оламан.

— Яхши, кутаман. Фақат таклифимни рад этмайдиган томонини ўйла. Ахир, синфимизда Баҳром акани ўзиники қилмоққа жазм қилган қизлар камми? Биздан пастда ўқийдиган қизлар орасида ҳам шундай фикрда юрганлари қанча. Ўқишда эса курсдош қизлари орасида ҳам кўз тикканлари бордир. Шундай экан, қамчини босиб қолмоқ керак.

— Ўзинг яқинроқ эдинг-ку, олдинроқ қармоқ ташламаганмидинг? — ўсмоқчилаб сўради Латифа чой қўйиб келганидан сўнг дастурхон ёзаркан.

— Аввало биз ака-сингилдек, дўстдек бўлиб қолганмиз. Қолаверса, сенга кўнгли борлигини сездим.

— Ҳа, ўйлаб кўришга тўғри келади, — Латифа бояги жавобини такрорлади сир бой бергиси келмай.

— Ўйлайвериб Баҳром акадан айрилиб қолма, ахир бугун охирги имконият бўлиб турибди уларга яқин бўлиб қолмоққа, — куюниб қизишди Мактуба. — Икки йилдан кейин эса кеч бўлиши мумкин.

— Вой ўртоқжон-ей, бормагунимча қўймайсан шекилли, — кулди Латифа, ичида эса “Нафасингни ел учирсин” деб қўйди. — Яхшиям ҳозир акам йўқ. Ойимдан сўрай-чи.

— Иккимиз бирга сўраймиз.

Кечқурун Мактуба мени қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар даврасидан укам орқали чақиртирди.

— Совғага қарз бўлдингиз, — деди кўчада турган қўшни қиз шивирлаб. — Меҳмон олиб келдим.

— Ростданми? — сўрадим юракларим қинидан чиққудек дукурлаб. — Қани?

— Бизнинг боғ этагида кутаяпти. Ўзларингизнинг боғингиз бурчагига борсангиз кўрасиз. Бора қолинг тезроқ, кутиб қолмасин. Фақат секинроқ гаплашинг, адам эшитиб қолмасинлар.

— Раҳмат, Макту, совғага қарздорман.

— Армияга соғ-саломат бориб келсангиз, ўша катта совға. Яхши бориб келинг, — деб Мактуба қўл узатиб хайрлашди. — Бора қолинг, сизга омад.

Севгилинг билан тунда ёлғиз учрашиш қанчалик ҳаяжонли бўлишини илк бошдан кечиришим. Беқиёс ҳиссиётлар қамраб оларкан, юрагим дукурлаши ўзимга эшитиларди. Тун жуда қоронғи эмас, ярим бўлган ой атрофни заиф ёритаркан, менга далда бергандек боқади, чигирткаю бақалар овози шу сеҳрли тунда негадир ёқимли эшитилади.

— Баҳром ака! — улкан ёнғоқ остидаги қоронғиликдан Латифанинг деярли шивирлаб чақиргани эшитилди. — Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом! Яхши келдингми? Қўрқмадингми? Куттириб қўймадимми?

Унга яқинлашарканман, Латифа кўришмоқ учун қўлини чўзди. Кафтини кафтим орасига оларканман, қўлимда чўғ тутиб тургандек аъзои баданим қизиб кетди. Назаримда Латифа ҳам мендан кам ҳаяжонланмаётганди. Биз шу лаҳзаларда унсиз сўзлашардик.

“— Мен келдим, Баҳром ака, кўрдингизми, сабр қилгандингиз, висол кўришиш насиб этди.

— Ғоят бахтиёрман. Қанийди, бу лаҳзалар ҳеч тугамаса. Афсуски, ҳарбий хизмат бизни айрилиққа маҳкум этмоқда!

— Сизнинг шундай йигитлик бурчини адо этгани кетаётганингиздан фахрланаман. Демак, сиз тўрт мучаси соғлом йигитсиз. Сизни интизорлик билан кутиб қоламан!

— Ҳар лаҳза сенинг хаёлинг билан яшайман, машаққатларга чидайман, қийинчиликларни енгаман, айрилиққа бардош бераман, фақат мени кутсанг бас.

— Мен ҳам хаёлан сиз билан бирга бўламан. Тунлари эса ою юлдузлардан сизни сўраб тураман. Вужудимда жоним бор экан, сизни кутаман”.

Бу суҳбат иккимизнинг шууримизда кечдими ёки ўнгимизда бўлиб ўтдими, лекин бир-биримизни сўзсиз тушуниб турардик.

— Келиб жудаям шод этдинг-да! — дедим ҳануз унинг чўғдек қўлини кафтимда тутиб. — Кўрмай кетсам сени сиймоингни унутиб қўяманми деб қўрқдим.

— Мен ҳам агар келмасам хизматдан қайтганингизда танимасдан бошқа қизларга кўнгил бериб қўясизми, деб чўчидим.

Иккимиз бир-биримизнинг ҳазилимиздан пиқирлашиб кулдик.

— Қасрдан олдинг бу гапни? — сўрадим.

— Элчингиз Макту шундай деб кўрқитди-ку! Қаранг-а, элчи дугонам жудаям қайсар экан. Бизни таништириш учун мени жудаям кўп авради.

Яна кулишдик. Латифа Мактуба билан бўлиб ўтган мунозарасини батафсил гапириб берди.

— Таништириб, учраштираман деб мендан совға ундирди, — дедим.

— Лекин яхши хизмат қилди. У бўлмаса мен сизнинг армияга кетишингиздан беҳабар қоларканман, келолмасдим ҳам. Ахир, ўзимча келавермайман-ку!

— Мен ҳам унга хизмат кўрсатиб, ўртоғим Улуғбекнинг манзилини бердим.

— Ҳа, Улуғбек ака ҳақида кейинги пайтда кўпроқ гапирадиган бўлиб қолди. Танлови чакки эмас. Улуғбек ака рисоладагидек йигит. Лекин сиз мен учун яғонасиз. Юрсам — йўлимдасиз, ўтирсам — ўйимдасиз, мен билан биргасиз. Фақат сиз хизматингизни адо этиб, ҳақиқий йигит бўлинг ва мени бахтиёр этинг. Хаёлингиз билан айрилиқни ҳам, мушкулотларни ҳам енгаман.

— Сен ҳозирданоқ мени бахтиёр этдинг.

Мен секин Латифанинг кафтимдаги кўлидан тортиб, қучоғимга олдим. Қиз қаршилиқ қилмади, аксинча қўлларини бўйнимдан ўтказиб қаттиқ қучиб олди. Бу ҳаракати мени руҳлантириб юборди — унинг бўйниларидан, ёноғидан, лабларидан ўпдим. Ундан шундай муаттар бўйлар таралардики, мени маст қилиб, етмиш икки томиримдаги қонни кўпиртириб юборди. Бу эҳтиросли онлар иккимиз учун дунёни изласанг ҳам топилмайдиган бахтиёрлик лаҳзаларини инъом этмоқдайди. Қанийди бу лаҳзалар ҳеч тугамаса...

Ўн беш одимлар нарида пойлоқчилик қилаётган Мактубанинг оҳиста йўтали эшитилди. Бу хавфдан огоҳлантириш эди.

— Ой бориб, омон қайтинг, — шивирлади ушбу уну-

тилмас висолдан сармаст Латифа аста кучоғимдан ажралиб чиқаркан. — Сизни интизор кутаман.

— Яхши қол, севгилим, мен албатта қайтаман.

Хаёл уйқуга уланиб кетганини сезмай қолдим.

* * *

Ҳарбий хизматни бошлаганимизга бир ойдан ошиб қолди. Бу муддат дўзахдаги каби азоблари билан жуда узоқ кечгандек бўлди. Чунки Туркманистоннинг Мари шаҳрида бошланган хизматимиз сира дўзахдан қолишмайди. Кундузи иссиқ 60—70 даражадан кам бўлмайди. Бунинг устига турли ўқув-тактик машғулотлар тинкани қуритай дейди. Ҳар куни сафда турган аскарларнинг беш-олти нафари иссиқдан ҳушини йўқотиб йиқилишади. Айниқса рус, украин, белорус каби миллат аскарлари бунчалик иссиққа чидамсиз, бечораларнинг бада-ни куйиб, яғринларидан ёғи сизиб оқади, денг. Уларни кўриб ачиниб кетаман. Лекин бу ҳолат уларни ҳарбий машқлардан озод этмайди. Машқларни олиб борувчи сержантлар уларни ҳам аяб ўтирмайдилар.

Сафдошларим аксарияти Тошкентдан ва шу вилоятдан. Ҳаммамиз аҳил, бир оила фарзандларидекмиз. Бўш пайтларимизда кўпинча аскарлар севиклиларидан гап очадилар, расмларини кўрсатадилар. Мен Латифа ҳақида гапирмайман, расмини кўрсатмайман (расмни ўша учрашув тунида тақдим этганди), гўё кўз тегадигандек. Сафдошларим мени ҳурмат қилишса-да, бундай пайтда худбиндан олиб, эгоистга солишади.

Барибир бир куни сир очилиб қолди. Штабга ҳарбий билетларимизни йиғиб олишадиган бўлиб қолди. Ҳамма қатори мен ҳам билетимни бераётиб орасидаги расмни тушириб юбордим. Бўлинмамиздагилар қўлма-қўл расмни кўра бошлашди.

— Оббо пишиғ-ей, қизингнинг расми бор экан-ку,

йўқ дейсан-а! — Саъдулла таъна қилиб қолди. — Нима, кўрсатсанг еб қўярмидик. Қани, бир кўрай-чи! У расмга қараб бақа бўлиб қолди. — Эҳ-ҳе, қизганганингча бор экан, ҳақиқатан бир пиёла сув билан ичиб юборгудек парирухсор-ку! Хизматдан кейин қўлларидан чой ичарканмиз-да !

— Менга ҳам кўрсат энди, — қўл чўзди Рихсибой. Негадир у кулиб юборди. — Сен бизни аҳмоқ қилмоқчимисан? Менимча, сен ўзингни овутиб юриш учун бирор журналда чиққан суратни кўчиртириб расм қилдириб олгансан.

Расм Зиёдулланинг қўлига ўтди.

— Умримда бундай барно қизни кўрмаганман, кўрмасам ҳам керак. Бунақаси эртакларда тасвирланадиган маликалар расмини чизувчи рассомлар асари бўлиши мумкин.

— Жапирай, — деди Қуттибай исмли қозоқ йигит, — булай сулувни қайтип тастап келдинг. Ашиқлар увирлаб кетувидан қорқмадингма?

Хуллас, атрофимни қуршаган аскарлар расми бир-бир қўлларига олиб кўришаркан, нуқул менинг рашкимни келтирадиган, жаҳлимни чиқарадиган, хавотирга соладиган, мағрурлантирадиган луқмалар айтиб чиқишди. Энг охирида Андрей исмли рус йигити кўриб:

— Красивая девка! Завидую тебе и желаю быт с ней счастливым, — деб қўйди.

— Бундай қизларнинг хати ҳам бир олам қувонч бахш этиши шубҳасиз, — Нормурод исмли яқин бўлиб қолган аскарнинг фикри бошқаларнинг ҳам қизиқишларини уйғотиб юборди.

— Ҳа, ҳа, қанчалик шахсий бўлмасин, ундан олган хатингни ўқиб бер, эшитайлик, — дейишди бир-иккита аскар.

— Ундан ҳали хат олганим йўқ, келса кўрамиз.

Менинг жавобим уларни қониқтирди шекилли, тарқалишди.

Хатни “ярим дийдор” деганлари тўғри. Уйдан хат олсанг оиланг аъзолари, қишлоққа доир воқеалар ва янгиликлар бир-бир кўз олдингдан ўтади, дўстларинг ёки яқинларинг ёзса ўзларини кўргандек бўласан. Севгилингники бир олам қувонч бахш этиши шубҳасиз. Айни кунлардаги оғир машғулотларда сенга умид, куч-қувват, сабр-бардош бағишлаши турган гап. Унчалик умидвор бўлмасам-да, барибир Латифадан мактуб кутардим.

Бутун тушликдан кейинги машғулотдан қайтиб келсак, “дневальный” бўлиб турган Нормурод менга илжайиб қараганича бир конверт кўрсатди. “Қани, беринг-чи” деб қўлимни чўзсам, бермади, орқасига яшириб: “Аввал битта ўйнаб берасиз, бўлмаса хат йўқ” деди. Ноилож муסיқасиз, ўйинга тушиб бердим.

— Манг, ола қолинг, — Нормурод хатни узатди, — Аввал ўзингиз ўқинг-чи, лозим топсангиз бизга ям эшиттирарсиз.

Чеккага чиқиб мактубни очдим.

“Ассалому алайкум, севиқли қалбим соҳиби!

Эсон-омон манзилга етиб, ўз йигитлик бурчингизни адо этмоққа киришиб кетдингизми? Соғ-саломатмисиз? Қийналмаяпсизми? Қанийди ёнингизда бўлиб, сизга руҳий мададкор бўлолсам.

Ҳозир Тошкентдаман. Сизга ваъда берганимдек, халқ хўжалиги институтининг иқтисодиёт факультетига хужжат топширдим. Акам қандайдир таниши Ақром деган доцентга таништириб, “Сени шу киши имтиҳонларга тайёрлаб, танловдан ўтиб олишингга ёрдам беради” дедилар ва ўзларининг бир хонали уйларига жойлаштириб кетдилар. Ақром ака ёмон одамга ўхшамайди. Қаттиқ талаб қўйиб имтиҳонга тайёрлаптилар.

Бугун шанба, уйга келдим. Сизга хат ёзмоқ учун на-
ридан-бери чой-пой ичиб манзилингизни олиш нияти-
да Мактубаларникига бордим. Уйингиз бирам кўзимга
қадрли кўриндики, гўё сиз шу ерда юргандексиз. Айниқ-
са, ўзининг серсавлат қомати остида бизнинг хавотирсиз
учрашишимизга ғамхўрлик кўрсатган ёнғоғингизнинг
танасидан қучгим келди. Ўша висол оқшоми сизни янада
яқинлаштиргандек. Шунинг учун сизни шундай соғин-
димки, таърифга сўз ожиз. Лекин ноилож, ўзимга сабр ти-
ламоқдан ўзга чорам йўқ. Ахир, инсон ҳар қандай азобни
кўтаришга қодир-ку! Мактубингизни муштоқлик билан
кутаман. Уни Мактуба орқали юборишингизни сўрай-
ман.

Сизни соғиниб Латифа”.

Латифанинг оддий, лекин жозибали мактуби саф-
дошларимда ҳам афтидан, катта таассурот қолдирди.

— Қиз бечора соғинганини қандай тасвирлаганини
эшитдингизми? — деди Нормурод ўзининг ҳайратини
яширмай. — Эшитиб йиғлаб юборай дедим-а.

— Мана буни чинакам севги деса бўлади, — фикрини
билдирди Равшан, — жудаям севаман, ўламан-куяман
демай оддий сўзлар билан ишқ изтиробларини билдири-
шини қаранг.

— Қанийди бизнинг қизларимиз шундай севса, қўлим-
да кўтариб юрардим, — деб Рихсибой хўрсиниб қўйди.

— Тўғрисини айт, Баҳром, бундайин ҳам зукко, ҳам
соҳибжамолликда беқиёс қизнинг кўнглига қандай йўл
топгансан-а?

— Биласизларми, — дедим жавобан, — аслида у мени
танлаган. Бўлмаса, мен гапимни ҳам эплаб гапирол-
майдиган даражада тортинчоқ эдим. Ўртоқларимнинг
маслаҳати билан икки марта хат ёзгандим, бир қанча
ошиқлари орасидан мени танлаганини билдириб жавоб
ёзди. Бор гап шу, холос.

— У сизнинг келажагингиз порлоқлигини, ўзингиз рисоладагидек йигит эканлигингизни кўра билган, — деди Нормурод. — Аниқ айтаманки, сиз келажакда мукаммал инсон бўлишингизга шубҳа йўқ.

— Айтганингиз келсин, дўстим.

Ҳақиқатан ҳам холисона ният билдирган Нормурод кейинчалик бир умрлик дўстим бўлиб қолди.

* * *

Кунларни қувиб ҳафталар, уларга эргашиб ойлар ўтаверди. Хизмат машаққатларига кўникиб қолган бўлсамда, бироқ Латифадан хат келмай қўйганига чидай олмай ич-этимни ердим. Заҳримни шаҳар почтасидан хат-хабарларни келтирувчи Кабирга сочаман.

— Сен атайин менга келадиган хатларни беркитиб қўйяпсан. Сенинг ичинг қора.

— Хатларингни бошимга ураманми, каллаварам. Ундан кўра ўзинг хат келадиган қилиб ёзмайсанми?

Нима гаплигини Мактубадан билай десам, негадир ундан ҳам мактуб узилиб қолганди.

Калламга турли хуш-нохуш хаёллар кела бошлади. “Балки ўқишга кириб олган бўлса, талабалик ҳаётига кўникиши қийин кечаётгандир. Ўқиши оғир бўлса, ўзлаштиришга қийналаётгандир. Ахир, ўзи мен ўқишга кирганимда қийналмаслигим учун доим чалғимаслигимни сўрарди-ку! Ёки ўқишга киролмаган бўлса, хат ёзишга уялаётганмикин? Балки бирор тўкис курсдоши билан яқиндан танишган бўлса, менга нисбатан фикрини ўзгартирдимикин? Ёки Тошкентга қатнаб юрганда йўл ҳалокатига учраб ногирон бўлиб қолдимикин?”

Хуллас, жўяли-жўясиз ўйларимнинг чеки-чегараси йўқ эди.

Паришонлигим боисини тушунган яқин сафдошларим, айниқса, Нормурод менга кўп далда берар, хаёл-ўй-

лардан чалғитишга ҳаракат қиларди. Яхшиямки, кундузи машғулоти топшириқларни бажараётганда ўй суришга вақт бўлмайди. Акс ҳолда ич-этимни еб адо бўлармидим.

— Ҳар нарсанинг давоси — вақт! — дейди Нормурод. — Бекорчи ўй-хаёлдан нима фойда? Фурсати билан ҳамма нарса ойдинлашади. Бекорга ташвиш қилган билан нима ўзгаради? Биз ҳарбий хизматдамиз, бориб нима гаплигини билиб келишнинг иложи йўқ. Лекин вақт ўтиб хизматимиз тугайди, шунда муаммоларни ҳал этиш фурсати келади.

Нормуроднинг далдаси мантиқли эди. Дарҳақиқат, бекорга ўйлайверишдан фойда йўқ.

Инсондан кўра сабр-бардошли, иродали, ҳар нега қодир жонзот йўқ дунёда. Калламдаги ўй-хаёлларни қувиб, ўзимнинг сокин оламимга қайтдим. Почтачини ҳам ортиқ безовта қилмай қўйдим. Хизматимизнинг иккинчи йили бутунлай бошқача кеча бошлади. Бизлар “қария” ҳисобланиб, нарядлардан, турли кераксиз топшириқларни бажаришдан холи бўлиб қолдик. Илгари бизга тиним бермай азоблайдиган, бўлар-бўлмасга нарядга қуваверадиغان бераҳм сержантлар энди бошқача муомала қилиб, ўз сафдошидек сўзлашарди.

Бир куни улар билан суҳбатлашиб ўтирарканмиз:

— Бошқатдан туғилдингларми нима бало, бутунлай ўзгариб қолдинглар? — деб савол бердим.

Сержант Валерий Ситников кулди:

— Биз ҳам сизлар каби инсонмиз. Фақат сизлар пишигунча муомала тарзини ўзгартиришга мажбурмиз. Бизга ҳам шундай ўргатишган. Армияда интизом асосий мезон. У қаттиққўлликни талаб этади.

— Армияни кўрган билан кўрмаганнинг фарқи нимада?

— Ҳар бир аскар армияда энг аввал ҳаёт қадрини тушунади. Турли одамлар билан муомала қилиш санъатини

ўрганади. Мустақил инсон сифатида шаклланади. Жисмонан чиниқади, чиниққанларнинг эса иродаси ҳам мустаҳкам бўлади, маънавий дунёқараши такомиллашади. Қолаверса, ўзини, оиласини, она — Ватанини ҳимоялай оладиган жасур, довюрак, кучли инсон бўлиб етишади. Ҳарбий хизматни ўтаган йигитларга одамлар ҳам, қизлар ҳам ҳурмат билан қарайди. Масалан, Украина халқида армия кўрмаган йигитга қиз бермайдилар. Демак, аскарликда бўлган йигитнинг қадр-қиммати баланд. Армия кўрмаганларда юқорида айтилган фазилатлар бўлмайди. Ана сенга фарқи.

Сержантнинг гаплари кўнглимни тоғдек кўтариб юборди. Демак, мен ҳам пишибман, чиниқибман. Шундай экан, иродали бўлишим, ҳар қандай ғам-ғуссани ҳам, кўнгилсизликларни ҳам енгишим, қайғу-мусибатларга бардош беришим лозим.

Агар шу тушунчани дилимга жо этмаганимда, билмадим, Латифадан олган сўнгги мактуб мени қандай кўйга солган бўларди.

“Ассалому алайкум, Баҳром ака!

Сизга ушбу мактубни қандай оғир изтиробда ёзаётганимни тасаввур этолмасангиз керак, чунки менинг ўргимчак тўрига илиниб қабиҳлик қурбони бўлиб қолганимдан хабарингиз йўқ. Сиз мендан қанча нафратлансангиз, жиркансангиз ҳам майли, шунга лойиқман, чунки мен ҳаётий тажрибасизлик қилдимми, ёшлигимга бордимми, атрофимда яхши одамлар билан бир қаторда энг қабиҳ маҳлуқлардан-да тубан одамлар ҳам борлигини билмадим ва бунинг оқибатида сизнинг севгингизни асрай олмадим, тўғрироғи, тузоққа илинтириб мени хароб этдилар, бутун ор-номусимни, иффатимни, ҳис-туйғуларимни топтадилар. Нималар содир бўлганини сизга батафсил айтсам тилим, айтмасам дилим куяди. Бироқ қанчалик оғир бўлмасин, айтишга

мажбурман, негаки менга нисбатан севгингизга ўзим ис-
тамаган ҳолда бундан буён нолойиқман.

Сизга иқтисодиёт факультетига кириш учун ҳужжат
топширганимни, акамнинг таниши мени имтиҳонларга
тайёрлаётганини айтган эдим. Қарангки, эл кўзига қўй-
дай ювош, беозор кўринган бу қабиҳ, разил инсон аслида
бўридан баттар ёвуз, бераҳм, тубанлардан-да тубан, одам
қиёфасидаги ваҳший шайтон экан. Менга бир ҳафта-
ча ёрдам бериб юрди. Ўз қизидек ширин сўзлар, меҳри-
бонлик кўрсатар, жонини аямай сабоқ берарди. Акамдан
кўрмаган ғамхўрликлар туфайли кўнглимда унга ҳурма-
тим ошиб, отамга ишонгандек ишонч пайдо бўлган эди.
У разилнинг эса асл мақсади менинг ишончимни қозо-
ниш экан. Менинг ишона бошлаганимни фаҳмлаган бу
маккор беш-олти кун ўтгач (сизга хат ёзган кунимнинг
эртаси эди), олдимга бошқачароқ кўринишда келди.

— Қизим, — деди у ҳорғин овозда, — йил бўйи дарс
бериб ҳолдан тойибман шекилли. Ҳозир шифохонадан
келяпман, қон босимим кўтарилиб кетибди. Шифокор
“Ётмасангиз бўлмайди” деб туриб олди. Мен унга бу-
нинг иложи йўқлигини, зарур ишим борлигини айтдим ва
ўзимнинг далаҳовлимда дардимни енгиллатиш учун барча
шарт-шароитлар борлигига ишонтирдим. Дарҳақиқат,
ҳар йили бу пайтда мен далаҳовлимда ёки санаторий-
да қон босимимни пасайтирадиган муолажалар олар-
дим. Бу йил акангизнинг юзидан ўтолмай, илтимосига
йўқ дея олмай, ваъда берворгандим, бироқ ҳозир мисим
чиқиб қолди. Лекин ваъдани бажаришим шарт. Энди,
қизим, вазиятдан чиқиш учун бундай қилсак. Бир чо-
раси, ўзингиз бу ерда билганингизча тайёрланаверасиз.
Балки шу билимингиз билан ўтиб кетарсиз. Лекин бун-
га юз фоиз кафолат беролмайман. Иккинчи чораси, мен
билан далаҳовлига кетасиз-да, ўша ерда тайёргарликни
давом эттираверамиз. Сиз хизматчи аёл билан тураве-

расиз”, деб авради. Институтга киришни мақсад қилиб қўйган мендек содда қиз унинг маккорлик билан тузоқ тайёрлаганлигини сира хаёлимга келтирмабман-да, бир-га далаҳовлига боришни маъқул кўрибман.

Эртасига биз унинг машинасида Зомин томонларга йўл олдик. Йўл-йўлакай ҳар хил воқеалардан гапириб мени чалғитиб борди. Шунданми, қайси йўллардан юрганимизни пайқамай қолибман. Уч-тўрт соат деганда шўх тоғ дарёси оқаётган дарага кириб бордик. Унинг далаҳовлиси шу дарё бўйида экан. Атроф манзараси одам ҳушини оладиган даражада гўзал эди. Шундай жойга келганимга аввал хурсанд ҳам бўлгандим мен — бефаросат. Чунки унинг далаҳовлиси табиат гўзаллигига монанд даражада кўркам ва муҳташам эди. Лекин далаҳовли соҳиби бу гўзалликка мутлақо зид кўнгли қора, нияти бузуқ малъун экан...

Бизни кутиб олган далаҳовли қоровули Дадамат исмли қария негадир менга ҳам нафрат, ҳам ачинган қиёфада қараб, бошини чайқаб қўйганини илғадим.

“— Дадамат ака, эртадан дам олиб турсангиз бўлади, — деди Акром ака. — Ўзим шу ерда бўлиб, беш-олти кун ишлайман. Манави ўтган ва шу ойларнинг маоши”, деб бир боғлам беш сўмлик берди.

Қария назаримда пулни ижирғангандек олди. Хаёли бўлак ўйларга банд бўлган Акром ака буни пайқамади ҳам. Далаҳовли ичкарасида эса бир аёл нима биландир андармон эди. Ёши қирқ беш-элликлардаги бу аёл Акром ака айтган шу маскан хизматчиси бўлиб, исми Холида хола экан. Унинг зиммасига барча саришталаш ишлари юкланган, бундан ташқари Акром ака шу ердалигида ош-овқат тайёрлаши лозим бўларкан. Икки-уч ойдан бери ишлаётган экан. Бу гапларни кечқурун Холида хола билан тунаш олдидан эшитдим. Лекин далаҳовли соҳиби ҳақида ҳеч нарса демади. Балки уни яхши билмас.

Эртасига Акром ака мен билан икки-уч соат машғулот ўтказди. Холида хола кун бўйи ошхонада нималардир пишириш билан банд бўлди.

Кеч тушгач, у негадир уйига кетди ва шу бўйи қайта кўрмадим. Балки далаҳовли эгаси шуни тайинлагандир.

Акром ака мени кечки овқатга таклиф қилди. Мен унинг меҳмониман, овқатланиш тартибига кўра унинг таклифини қабул қилишим табиий. Кечки овқатланадиган пайт бўлгани учун ҳеч қандай шубҳага бормай емакхонага кирсам бир стол усти ясатиб қўйилибдики, ундаги турли ноз-неъматларнинг кўпини мен илгари кўрмаганман.

— Қани, Латифахон, манави курсига ўтиринг-чи, — таклиф қилди Акром ака, — бу камтаргина дастурхон ёзилиши сабабини биласизми?

— Йўқ, — бош тебратдим мен.

— Биринчидан, сизнинг пойқадамингиз шарафига, қолаверса, каминанинг таваллуд куни муносабати билан шу кичик зиёфатчани ўтказишни лозим деб билдим.

— Вой, устоз, шундайми? Табриклайман. Совғага қарздорман.

— Сиздек гўзал санам ўтиришининг ўзи катта совғадан афзал, — сохта жилмайиш қилди Акром ака.

Отам тенги кап-катта одамнинг қизи тенги бўлсам керак — менга қилаётган хушомадли мулозаматидан ўнғайсизланиб кетдим. Қандайдир ёвузликдан дарак берувчи ҳислар мени қамраб олди.

— Латифахон, сизга нима бўлди, жудаям қунишиб олибсиз, — деб Акром ака маккорона кулди. — Сиз ўзингизга айтиладиган мақтовларни эшитмаганмисиз?

— Мен... Бундай гапларга ўрганмаганман.

— Сиз бундан буён катта жамият орасида, давраларда бўласиз, кўп эшитишга тўғри келади бундай хушомадларни. Майли, бу гапларни қўя турайлик, келинг, сиз-

нинг муваффақиятингиз, менинг туғилган куним учун мана шу қадаҳларни кўтарайлик.

— Мен ичмаганман. Ичолмайман, — виноли қадаҳни жон-жаҳдим ила рад этиб.

— Ҳай, ҳай, — бундай пайтларда вино бу ёқда турсин, заҳарни ҳам ичиб юбориш лозим эмасми? Мен заҳар бераётганим йўқ. Иккимиз ҳам ёлғиз бўлганимиз учун ноиложликдан сизни шерик бўлишга чорлаяпман. Афсус, мендек устозингизнинг энг қувончли кунида унинг сўзини қайтарасиз, деб ўйламагандим.

Унинг бу замзамали сўзлари қадаҳни ноилож олишга мажбур этди. Вино ичимни қиздирди. Иштаҳамни очди. Ул-бул нарсалардан тамадди қилган бўлдим. Менинг чиройим очилаётганидан фойдаланган Акром ака яна бир марта, кейин яна қадаҳ кўтаришга мажбур эта олди. Негадир учинчи қадаҳдан кейин мени қаттиқ уйқу торта бошлади. Охири ўзимни... бошқаролмай қолдим.

Эрталаб бошимнинг оғришидан, баданларимнинг зирқирашидан базўр уйғондим. Мени бутунлай нохуш ланжлик қамраб олганди. Кўзимни очиб у ён-бу ён назар ташлар эканман, даҳшатдан қотиб қолдим. Мен бегона хонада улкан диван-каравотда ётардим, остимдаги чойшаблар алвон тусга бўялганди. Мен учун кечириб бўлмас, ортга қайтарилмас воқеа рўй берганлигини англадим. Бундан даҳшатга тушиб шундай чинқирдимки, овозим тоғларда акс садо бергандек бўлди.

Остонада бошимга шу қора кунни солган, мени булғаган, иффатимдан айирган ўша малъун — Акром тиржайиб турарди. У шундай сокин, хотиржам эдики, гўё ҳеч қандай воқеа содир бўлмагандек.

— Нега азонлаб чийиллаяпсан, қушчам? — дағал овозда сўради. Унинг ўрнида аввалги хушмуомала мулозаматли Акром эмас, бутунлай бошқа, одамбашара шайтон, йиртқич ҳайвондан-да баттарроқ дажжол тургандек эди.

— Нима қилиб қўйдинг, ифлос? Нега мени хароб қилдинг, ит? Мақсадинг шунчалик нопок бўлмаса, ҳайвон? Мениям ўзинг каби ботқоққа ботиришдан мақсадинг нима ўзи, малъун? Пешонам намунча шўр бўлмаса экан сен махлуққа рўпара бўлиб!

— Бўлдим, ичингдаги гапларингни айтиб бўлдингми?.. — деб махлуқ оғиз очган эдики, мен ҳўнграб йиғлаб юбордим. Йиғлар эканман, унинг шундай сўзларини эшитдим:

— Йиғлайвер, йиғлайвер, барибир фойдаси йўқ, энди сен менинг никоҳсиз хотиним бўлдинг. Биласанми, мен сени қиморда акангдан ютиб олганман. Бу мен учун ҳалол ютуқ. Энди сенинг жонингга ҳеч ким оро киролмайди. Хоҳласам, сени сотиб юборишим, истасам ит каби занжирга боғлаб тувакда ювинди беришим мумкин, бу ёғи сенинг менга қиладиган муомалангга боғлиқ. Ҳозирча шу ерда яшайсан. Чўрим бўлиб хизматимни қиласан, билдингми?

— Хотин бўлганимдан кўра ўлганим яхши, ўзимниям ўлдираман, сениям.

Шундай деб ёнимдаги тумбочкада турган биллур гулдонни олиб отдим. Агар у чап бериб қолмаганда калласини мажақларди. Ўрнимдан шарт туриб унга ташландим. Қаёқдан куч топдим, билмайман, томоғига чанг солиб, бўға бошладим. Лекин бу тўнғизтахлит кимса бақувват эди, қўлимни осонгина қайириб, ўзимни каравотга улоқтирди.

— Ҳой товукмия, билиб қўйки, менга қарши ҳар бир хатти-ҳаракатинг ўзингнинг зиёнингга бўлади. Айтдимку, энди менинг чўримсан деб. Хоҳлаган кўйимга соламан. Бу ерда қанчадан-қанча сенга ўхшаган бокиралар номусларини топшириб, ўзлари тўшакда менга маҳтал бўлишган. Улар ўз ихтиёрлари билан келишган ва менинг измимда кетишган. Ўзларича институтга осонгина кириб оламиз деб ўйлашган-да. Сени эса, яна такрор

айтаман, қиморда ютиб олдим. Сенинг таърифингни эшитиб қўлга киритишга аҳд қилгандим, мана, мақсадимга етдим. Аканг ўз қўли билан сени менга топширди. Хоҳласам, акангни ҳам қулимга айлантиришим мумкин, лекин у хомкалла сўтак эркинликда кўпроқ керак.

Шу тобда акамнинг қилган қабиҳлиги Акромникидан-да оғир ва кечириб бўлмас эканлиги мени дўзах азобидан баттарроқ қийноққа солиб қийнамоқда эди. Имкон топсам ҳар иккисидан ўч олишга онт ичдим.

Акром мен тасаввур қилгандан кўра ваҳшийроқ ва бетамиз эди. Унинг қиладиган иши — ароқ ёки коньяк ичиб олиб мени хўрлашдан иборат эдики, ҳозир эсласам титраб, даҳшатга тушаман. Кечқурун эса узун занжирга кишанбанд этиб, ит каби боғлаб қўярди. Унинг мақсади менинг иродамни бутунлай синдириб, хотини каби мулойим қилиб истакларини бажартириш эди. Лекин унинг ҳаракатлари менинг қаршилигимга дуч келаверди.

Шундай қора кунларимнинг бирида у менинг олдимга қаттиқ нон, икки челақ сув ва ҳожат учун бўш челақ қолдириб занжирбанд ҳолда ташлаб қаергадир кетди.

— Келгунимча ўйлаб, менга муносиб бўлиш ташвишини қил, — деди кетиш олдидан.

Мен унга нафрат-ла тикилиб, индамай кузатиб қолдим.

Бошимга турли хаёллар кела бошлади. Ўзимни ўлдирай десам бу ҳолатимда ҳеч нарса қилолмайман. Бақириб-чақиришим ҳам фойдасиз. Кучимни йиғлашу қисматимга лаънатлар ўқишга сарфлашдан бошқа чора кўринмасди. Тиззамни қучиб тонг оттирдим. Занжир ташқи эшикдан чиқишга йўл қўймайди. Бу разил Акром мени шу кўйга солишни аввалдан режалаштирганми ёки илгари ҳам бошқа қизларни шу тариқа азобла-

ганмикин? Агар шундай қилган бўлса ўша жабрдийдаларнинг қисмати нима кечганийкин-а, дея хаёлимни бўш қўйдим. Бу азобланишдан ва хўрлангандан кўра ўлганим яхшироқ дея қарорга келдим, ўзимни очлик ихтиёрига топширдим.

— Уйда ҳеч ким борми? — деган товуш ва эшик тақиллашидан кўзимни аранг очдим. Қарасам, тонг отиб, эшик тепасидаги дарчадан қуёш нури тушмоқда эди.

— Ёрдам беринг, ҳой, ким бор? — овозим борича бақирдим.

Ташқаридаги одам эшитди чоғи, эшикни нима биландир очишга киришди. Бир-икки уринишдан сўнг эшик очилди. Бўсағада Дадамат ота турарди. У мени занжирбанд кўриб қўлидаги болтани осилтирганича туриб қолди.

— Во дариг, бу қандай кўргулик, одам боласини ҳам шунчалик, итдан баттар хўрлайдими ҳеч замонда? Сени шундай азобга солиб кетдими у итдан тарқаган ваҳший. — Ҳозир, бир дақиқа.

Дадамат ота шу гапирганича занжирни узишга уннай бошлади. Ташқаридан сандонсифат темир топиб келди-да, унинг қиррасига занжирни қўйиб болта билан қаттиқ-қаттиқ урди. Зарбага бардош беролмаган занжир парчаланди.

— Қани, қизим, юрақол, кишанни уйда ечамиз, — дея Дадамат ота мени етаклади. — Ўша ваҳшийни кеча ёлғиз кетаётганини кўргандим. Негадир унинг индамай кетиши менда шубҳа уйғотди. Одатда бирор ёққа кетса мени огоҳлантирар, яхши қараб туришимни тайинлар эди. Бу нобакор атайин индамаган. Ўзини кетмагандай кўрсатиш учун шундай қилган. Вой, баттол-ей. Далаҳовлининг калити бор, бир очиб кўрай-чи, деб келгандим. Бу бадбахт олдинлари ҳам ёш-ёш қизлар билан келарди. Аввалига сени ўшалардан биримикинсан, деб нафратим кўзиганди. Лекин беғубор чехрангда енгилтаклик аломатлари-

ни кўрмагач, бу итдан тарқаганни яхши билганим учун сенга ачиндим. Лекин унинг чангалидан нима деб сени қутқаришга ожиз эдим. Чунки у қандайдир сўхтаси совуқ бир неча забардаст йигитларга сардорлик қилишини биламан. Қўлидан кўп қабихликлар келади. Лекин энди унинг бадкирдорликларига чек қўядиган вақт келди, деб ўйлайман. Мана, уйга ҳам етиб келдик. Ҳозир қўлингдagi анави “билакузук”ларни ечамиз.

Кўп ўтмай қўлимдаги кишандан халос бўлиб, Дадамат ота, унинг кампири Адолат хола учовимиз чой ичардик.

— Энди, қизим, шу кўргуликлар бошингда бор экан, — гап бошлади қария менинг кечмишимни обдон тинглагач. — Бу кунни бошингга солганлар унча-мунча нокаслар эмас, уларнинг қўлидан ҳар бало келади, уларга мелиса бас келмаса, бошқа бандаси ҳеч нарса қилолмайди. Шунинг учун сен шу ерда ҳеч ёққа чиқмай ўтир, ҳеч кимса кўрмасин. Мен Жиззахга бориб мелисага учрашиб келаман. Вилоятники ҳарҳолда қўли узунроқ бўлади. Жиянимнинг ўғли ҳам ўша ерда ишлайди. Ёрдамини аямайди.

Мен раҳмдил инсонларга дуч келганимдан кўнглим бузилиб, кўзларимдан дув-дув ёш тўкилди.

— Қўй, қизим, худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, — кўнглимга таскин берди Адолат хола.

Дадамат ота отланиб чиқиб кетди.

* * *

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг кабинетида Дадамат ота, унинг жияни майор Бердиқул ҳамда жинойт қидирув бўлимининг бошлиғи подполковник Ҳакимбой Халиловлар ўтиришарди.

Дадамат отанинг кўрсатмаларини диққат билан эшитган полковник Жаҳонгир Салмонов кафтига бир йўталиб қўйди-да, қарияга ўтирилди.

— Сиз Акром Сотволдиев ҳақида жуда қимматли маълумот бердингиз. Катта раҳмат. Лекин унинг аввалги кирдикорлари ҳақида олдинроқ хабар берганингизда янаям аълороқ иш бўларди. Балки уйингиздаги қиз бадном бўлмасмиди. Тўғри, бунда бизнинг катта айбимиз бор — уни аввалроқ қўлга олиш масъулиятига совуққонлик қилинди. Лекин энди бу ишни асло пайсалга солиб бўлмайди. Отахон, бизга кўрсатган ёрдамнингиз учун катта раҳмат. Ҳозир сизни уйингизга машинада жўнатамиз. Орқангиздан бошқа машина бориб қизни олиб келади. Албатта, бу ишлар сизнинг ҳам хавфсизлигингизни кўзда тутиб қилинади. Яна бирор янгилик эслаб қолсангиз, айтарсиз. Ҳозирча хайр. Бердиқул, тоғангизни ҳозир айтилгандек тарзда жўнатиш. Машиналар ИИБнинг расмий уловлари бўлмасин.

— Хўп бўлади, ўртоқ полковник.

Улар чиқиб кетишгач, бошлиқ Ҳакимбой Халиловга қаради:

— Мана сизга “доцент”нинг яна бир жинойти. Лекин тутқич бермас бу аблаҳнинг ўзи ҳозир қаердайкин? Дадмат отанинг кўрсатмалари асосида Доцентни қўлга олиш чора-тадбирлари белгилансин. Далаҳовли кузатув остига олинсин. Маълумот учун барча вилоят ИИБларига сўров жўнатилсин. Аввалги жинойтларига алоқадор шахслар, гувоҳлар ҳаммаси аниқлансин. Унинг хуфия одамлари орамизда ҳам бўлиши мумкин. Чунки аввалги операцияларимиз айнан улар туфайли барбод бўлиб, Доцент қўлимиздан қутулиб қолганлигини яхши биласиз. Шунинг учун бу операция махфийлиги таъминлансин. Доцентни қамоққа олиш учун прокурор санкциясига ҳозироқ одам юборинг. Айтмоқчи, жабрланувчини меҳмонхонага жойлаштиргач, ундан барча кўрсатмаларни олинг. Эртага уйига жўнатиш чорасини

кўринг. Унинг акаси ҳақида Тошкент вилоятидаги ҳам-касбларингизни огоҳ этинг.

— Хўп бўлади, ўртоқ полковник!

Жиноят-қидирув бўлими бошлиғи чиқиб кетгач, полковник ўйга толди. Доцент лақабли ўта маккор, хавфли жиноятчи нафақат туман, балки вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари билан мушук-сичқон ўйнаб келади. Унинг ортида икки қотиллик, ўнлаб номусга тажовуз қилиш, фирибгарлик жиноятлари бўлса-да, ҳар гал усталик билан чап бериб кетмоқда. Доцентнинг ҳақиқий исм-фамилиясини ҳеч ким билмаса керак. Унга “Акром Сотволдиев” деган иш очилган бўлса-да, унинг навбатдаги жиноятида бошқа-бошқа исм-шариф қайд этилади, жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатмасида эса Акром Сотволдиевга хос қиёфа, аломат ва белгилар қалқиб чиқаверади. Исм-фамилияси билан бир қаторда машинасининг русуми, давлат рақами ўзгаради. Унинг изига тушган ички ишлар ходимлари аввалги давлат рақамидаги автоуловни излаб юраверадилар. Доцентнинг турли вилоятларда квартиралари, далаҳовлилари бўлса-да, ҳаммаси бошқалар номига расмийлаштирилган. Шунинг учун унинг қаерда юришини ҳеч ким билмайди. Кўп вақт Тошкент шаҳри ва вилоятида бўлиши ҳақида маълумотлар бор. Демак, тошкентлик ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилишни вазият тақозо этади. Биз ҳам қўл қовуштириб ўтирмаслигимиз лозим. Доцент деган лақабига қараганда у қайсидир фаолияти билан олий ўқув юртларига тааллуқлилиқ томони бор. Лекин айнан қайси институтга? Ишлармикин ёки фирибгарлик билан шуғулланармикин? Э-э, тўхта-тўхта, боядан бери хаёлга келмагани қизиқ бўлди-ку! “Доцент” калавасининг учи анави Дадамат отанинг меҳмон қизи-ку! Шу қиз калаванинг учини топиб беради.

Полковник телефонни кўтарди:

— Навбатчи! Ходимлардан Зарипов ва Кимсанов бир қизни олиб келишлари билан дарҳол ҳузуримга киришсин.

* * *

Дадамат ота уйидан мени фуқаро кийимидаги йигитлар “Жигули”га ўтқазиб Жиззахга олиб кетдилар. Йигитлар камгап эканми, йўл бўйи менга ҳеч гап қотишмади, ўзаро суҳбатлашиб боришди. Ўзи шундоқ ҳам кўнглимга ҳеч бир саволу суҳбат сиғмаётганди.

Мени тўғри бошлиқнинг олдига олиб киришди. Унинг хонасида яна бир ички ишлар ходими ўтирарди.

— Келинг, қизим! — дея оқ сочли хушбичим киши — бошлиқ бўлса керак, қарши олди. — Яхши етиб келдингизми? Ўтиринг.

У “Тошкент” минерал сувидан қуйиб узатди. — Ичинг, чанқагандирсиз. Жиззах Тошкентданам иссиқ. Хўш, сиз билан бир оз суҳбатлашиб олсак, девдим. Албатта аҳволингиз яхши бўлса. Бу киши жиноят-қидирув бўлимининг бошлиғи Ҳакимбой Халилов бўлади. Сиз ҳозир Ақром Сотволдиев билан танишган фурсатингиздан шу кунгача бўлиб ўтган ҳамма гапни тушириб қолдирмасдан, уялиб яширмасдан ҳикоя қилиб берасиз. Бу уни тутишимиз учун жуда муҳим. Келишдикми?

Мен бошимни силкиб розилигимни билдирдим. Лекин бўлиб ўтган воқеалар кўз олдимда жонланиб, кўнглим яна вайрон бўлди. Бошлиқ ва шу ерда ўтирган киши кўнглимни бўшатиб олишим учун бир неча дақиқа қўйиб беришди. Мен кўз ёшларимни артиб олгач, сўралган воқеаларни батафсил гапириб бердим.

— Акангиз сизни ўша Ақром деганнинг олдига олиб бориб таништираётганда нима деди? — савол берди бошлиқ.

— “Сени шу киши имтиҳонларга тайёрлаб, институтга

киришингга ёрдам беради, Ақром аканг шу институтда доцент, маъруза ўқийдиган домла” деганди.

— Ўша одам акангиз ҳақида нималарни гапирди?

— “Мен сени акангдан қиморда ютиб олдим, сен менинг ютуғимсан. Акангни ҳам қулимга айлантиришим мумкин, лекин у менга эркинликда кўпроқ керак”, деди.

— Агар ўша одамни бошқачароқ қиёфада кўрсангиз, танийсизми?

— Шак-шубҳасиз.

— Уни қўлга туширишимизга ёрдам бероласизми?

— Қандай бўлмасин қасос олишга аҳд қилганман. Акамдан ҳам. Улар умримни, бахтимни, номусимни поймол қилишди.

— Сизни тушунамиз. Бизга ёрдам берибгина аҳдингизга эришасиз.

— Нима қилишим керак?

— Сизни қайта ўша далаҳовлига олиб бориб, яна кишанбанд қилиб қўямиз. Тахминимизга кўра, у қайтиб келиши мумкин.

— Ўша қабоҳат уясига ўт қўйсам, дейман!

— Ақром Сотволдиевни қўлга олганимиздан кейин сизга шундай имкон берамиз.

— Шу тарзда қўлга олишингиз мумкин бўлса, майли, ёрдам беришга тайёрман.

— Баракалла! Жуда иродали экансиз. Ҳозир дам олинг. Кечқурун жинойт-қидирув бўлими бошлиғи Ҳакимбой Халилов одамлари билан ўша ёққа кетасизлар. Улар сизга яқин жойда ёрдамга шай туришади. Сиз ҳеч хавотир олманг, ҳаммаси яхши бўлади.

Жинойт-қидирув бўлими ходимлари ҳамда бирга келган мутахассис усталар ташқи эшикнинг зарарланган жойларини билинмайдиган қилиб таъмирлашди, қулфга мос калит танланиб, бенуқсон ишлайдиган ҳолатга келтирилди. Занжир ва кишанлар ўзгартирилса-да, аввалгиси-

дан фарқ қилмасди. Яширин кузатиш камераси ва эшитиш мосламалари ўрнатилди. Лекин икки кун ўтса ҳам Доцентдан дарак йўқ эди. Челақлардаги сув ва қотган нон истеъмол қилингандек камайтириб борилди. Доцентнинг келишига умид пасайиб, подполковник Халилов пистирмадаги етти нафар ходимдан тўрт кишини бошқармага жўнатиб юборди.

— Боринглар, у ёқда ҳам кераксизлар. Мабодо Доцент келса, қўлга олишнинг бир иложини қилармиз.

Ниҳоят, тўртинчи куни эрта саҳар чоғида “ГАЗ—24” кўринди. Тахминга кўра бу Доцентга қарашли автоулов эди. Лекин дурбиндан кузатган Халилов машина кабинасида беш киши ўтирганини илғади. Рацияни бошқарма бошлиғига уламоқчи эди, бироқ тоғ оралиғида алоқа ўрнатишнинг иложи бўлмади.

— Дикқат, — ходимларга қарата деди подполковник Халилов. — Қалтис вазиятда қолганга ўхшаймиз. Доцент беш киши бўлиб келаяпти. Бизлар тўрт нафармиз. Ҳаммасини барабар қўлга олиш қийин. Шунинг учун ҳамма яширинган жойидан қимирламайди. Тўдадагилардан бирортаси ажралиб чиқадиган бўлса яқин жойдаги ходим уни овозсиз қўлга олиши лозим. Жуда қалтис вазиятдагина қурол ишлатишга рухсат этилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Доцент тириклайин қўлга олинмоғи лозим. Қолган топшириқлар вазиятга қараб берилади. Тайёр туринглар.

Машина далаҳовлининг дарвозаси олдига келиб тўхтади. Ундан бир барзанги тушиб атрофни диққат билан кузатгач, бориб дарвозани очди ва қайта машинага ўтирди-да, ичкарига ҳайдади.

— Э, худога шукур-ей, — улардан бирининг товуши келди овоз эшитиш мосламасидан. — Ўзимизнинг қадрдон маконимизга етиб келдиг-а. — Ие, босс, бу ерда ипга боғланган қушчангиз бор экан-ку! Лекин негадир қимирламаяпти, ўлиб қолмаганмикин ишқилиб?

— Ҳов тўнка, нима деб валдираяпсан, ўлик билан ух-
лаётганнинг фарқига борасанми ўзи? Мусичалар бу пайтда
ухлайдилар.

— Шундай ҳурилиқони занжирлаб увол қилибсиз-ку!
Ёқмаса қўйиб юбормайсизми ёки биздақа содиқ йигит-
ларингизга совға қилмайсизми?

— Тўнка десалар, ҳақиқий тўнкасан-да, эшакдан фар-
қинг йўқ тўқимтабиатсан. Шунданам эстетик завқ олиш-
ни билмайсан. Занжирбанд қушчанинг ноласи бошқача
завқ беради, билдингми? Бу қушчани қўлга киритиш
учун қанча пулим кетганлигини билсанг, эсинг оғиб қо-
лар-ов!

— Қанча сарфладингиз, босс? Сиз бекорга пул сарфламай-
сиз.

— Бир ўйиндаги тушумнинг ҳаммасини — бир ярим
миллион сўмдан зиёдроқ эди.

— Ҳимматлисиз, босс, ҳимматингизнинг чеки йўқ,
худди фирибларингиз каби.

Босснинг ғалати ҳиринглаши эшитилди:

— Сен каби овсар тўнка бўлсам, аллақачон қафасда
ўтирган бўлардим ёки гўримдан ёввойи ўт-ўланлар неча
бор ўсиб чиққан бўларди. Ҳиммат борасида, билсанглар,
чет элда бир завқ учун неча миллион долларга тош ҳай-
калчаларми-ей, расмларми ёки майда-чуйда антиквар
буюмларми-ей сотиб олишади. Зато мен тирик завқлан-
тирувчи товар эгасиман. Ҳой қушча, қани, бир сайраб
бер-чи!

Мен чўчиб уйғонган каби кескин бошимни кўтардим:

— Сен — малъунга бойўғлининг сайраши ҳам ҳайф.
Шошма, ҳали ўзинг ҳам қамоқда сайраб борасан.

— Хо-хо-хо, — хунук кулди Доцент, — ҳалиям ақлинг
кирмаган кўринади. Мени қўявер, ўзингни ўйласанг-чи,
бебахт қушча! Ақлинг ҳалиям кирмаган бўлса, манави
бургутлар билан навбатма-навбат ётганингдан кейин ки-

ради-да. Мен бу бургутлар чангалида қандай қийналиб, мурувват сўраб чийиллашингни завқ билан томоша қилиб тураман.

Дарҳақиқат, оч бўридай кириб келган тўрт давангирни кўриб капалагим учиб кетди. Ахир ҳимоячиларим тўрт киши, булар эса беш киши. Озгина муроса қилмоқ керакка ўхшайди.

— Йўқ-йўқ, ундай қилманг, акажон, майли, сизнинг айтганларингизни қиламан. Фақат озгина ўзимга келиб олмоққа имкон беринг.

— Оҳ-оҳ, бу шафқат сўрашинг нақадар завқ берди-я, мана бу бошқа гап, — Доцент ўзининг найранги таъсир этганидан ҳузурланиб, — ҳозир сени бўшатаман. Бизга таом тайёрлаб хизматимизни қиласан. Кечаги ўйиндан кейин бир оз дам олишимиз лозим. Шўртумшуқ аканг ҳам анчага тушди яна. Лекин барибир далаҳовлисини тикмади, аблаҳ. Шошмай турсин, кейинги ўйинда, албатта, уни ҳам қўлга киритаман. Қани, ишга кириш. Манави ахлатларингни дарров йўқот, эшик-деразаларни очиб шамоллатмасанг, ҳиди бурунни ёрай деяпти. Ҳамма ёқни артиб тозала.

Ярим соат ичида Доцентнинг айтганларини бажариб, дастурхон ҳам тузаб, уч-тўрт хил салат-газаклар, пиширилган яхна гўшт келтириб кўйдим.

— Яхши, чаққонгина экансан, — деди “Доцент” ишимдан қониқиш ҳосил қилиб. — Ҳарҳолда оқбилак ойимлардан эмас экансан. Энди овқатга уннайвер. Лекин қочишни хаёлингга келтирма. Узоққа боролмайсан.

Мен ошхона томон юрдим, “Доцент” ва унинг одамлари тамадди қилишга тушишди. Кечаси ухламай йўл юриш, чарчоқ ва ичкилик таъсирида ҳамма тезда ўтирган жойларида уйқуга кетишди. Уларни кишанбанд этиш жиноят-қидирув бўлими ходимларига қийинчилик туғдирмади.

Полковник Жаҳонгир Салмонов кўрсатган ёрдамим учун миннатдорчилик билдириб, ходимларига мени уйга олиб бориб қўйишларини буюрди.

* * *

Менинг Тошкентда икки ҳафтадан кўп қолиб кетишим ойимни ҳам, отамни ҳам хавотирга солиб, акамга хабар олишни тайинлаб ётишган экан. Акам эса турли баҳоналар билан уларни тинчлантираркан. Кечқурун уйда мени кўрган акам бақа бўлиб қолди.

— Сен қаёқдан келдинг? — ҳайрону ҳайратда сўради. — Ахир, сен Акромникидамасмидинг?

— Бундан чиқди, мени борса-келмасга кетди, деб юрган экансиз-да, — нафрат-ла боқдим акамга. Менинг кечмишимни эшитиб бўлган ойим ҳам, отам ҳам ғазабли нигоҳларини акамга тикишганди. — Айтинг, мени неча пулга сотдингиз? Мен сизга нима ёмонлик қилган эдимки, менга шунча ёмонликни раво кўрдингиз? Нима, мен сизнинг мулкингизманми қиморга тикасиз?

— Ўчир овозингни, қиморга тикди деб ким сенга айтди? — акам ранги ўчиб, гезарганича ўзини оқлашга уринди. — Мен орзуингга етгин деб институтга киришга кўмаклашадиган домлани топганим айбимми? Балки ўзинг кўзингни сузгандирсан?

— Уялинг-е, бундан кўра манави рўмолни ўраб олинг, — бошимдаги дуррани олиб акамга улоқтирдим, — қандай пасткаш, разил акасизки, ўз синглингизни қиморга тикасиз? Хотинини тикканларни эшитганман, аммо синглисини... бир қориндан туғишган синглисини-я! Яккаю ягона синглисини-я?

— Бас қил! — акам мени тўхтатмоққа уринди. — Қасрдан олдинг қиморга тикди деган гапни?

— Ўша Акром, ўша “доцент” деганингиз ўз оғзи билан айтмаса мен қасрдан биламан?

Акамнинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Яхшиям мелиса уни қўлга олди. Бўлмаса, келаси ўйинда тоғдаги далаҳовлингизни ютиб олмоқчи эди. Мен ҳам қутулиб келмаган бўлардим.

Ҳаммамизни ҳайрон қолдириб акам югуриб келиб оёқларим остига тиз чўкди:

— Латифа, мени кечир, жон синглим, кечира қолгин, қизишиб кетганимдан ўша ифлоснинг гапига қандай қилиб “хўп” деб юборганимни билмай қолибман. Асло ундай қилмоқчи эмасдим. Жон синглим, ҳозирги гапларингни зинҳор тилингга чиқармагин. Акс ҳолда, мени барбод қиласан...

Мен портлаб кетдим:

— Мени барбод қилиб ерга тикиб бўлдингиз-ку! Бунинг тўловини ким тўлайди энди? Менинг бахтимни хазон қилдингиз, кимни бахтиёр этиб, қандай бахтли бўламан энди? Сизнинг ўпқон нафсингиз, бетайин кўнгилочар эрмакларингиз учун яна нима қилиб берай, айтинг? Акромнинг ўрнига энди кимнинг орқасини ялаб, мени қиморга тикасиз — “Тараша”гами, “Бўрдоқи”гами, “Шинаванда”гами?

Бу номларни кеча “Доцент” ва унинг кўрикчиларининг ўзаро гапларидан эшитиб қолгандим. Лекин менинг оғзимдан эшитган акам аввал тахта бўлиб қолди, кейин эса оёқларимни қучоқлаб олди.

— Латифа, жон синглим, энди гапирмай кўяқол, бола-чақамга раҳм қил. Майли, нима десанг шуни қиламан, итим бўл десанг, ана, итни бўшатиб ўрнига занжир боғлаб ётай... Фақат...

Акамнинг “занжир боғлаб ётаман” дегани ўзимнинг беш кун занжирбанд ётганимни ёдимга солиб, жазавамни кўзитиб юборди.

— Мен бундан баттар хўрликларни кўриб келдим сенинг разиллигинг туфайли, эй пасткаш! — дея акамнинг

бошини ногора каби муштлай кетдим. — Сенинг жазо-ингни худойимнинг ўзи берсин! Ана, отам, онам нима десалар шу.

— Бундай бемехр, одамгарчиликдан бегона ўғилнинг менга кераги йўқ, — сўзимни тугатмасимдан ҳукмларини чиқардилар қатағон йиллари қамоғида асабларидан айрилиб келган отам. — Йўқол, бошқа қорангни кўрмай!

— Берган сутим кўр қилсин сени, баттол, бола эмас, бўри боққан эканман, — онам акамни қанчалик яхши кўрмасинлар, ўзларининг нафратларини шу гаплар билан изҳор эта олдилар. Акам бўшашиб, уйдан чиқиб кетишдан бошқа чораси йўқлигини тушунди.

Акамга берилган бу жазолар менинг қалбимни қанчалик ларзага солганини тасаввур эта олмайсиз. Бу, акамга раҳмим келганлигидан эмас, йўқ, унга нафратим шу билан ўчди, деб бўлмайди. Балки отам, ойимнинг ўз ҳукмларидан ўзлари кечаю кундуз азоб, надомат чекишларини билганимдан. Энди уларнинг бир дарди икки бўлди. Чунки акам уларнинг ёлғиз таянчлари, ўлсалар кўмадиган, чироқларини ёқадиган, ҳаётликларидан боқувчилари эди. Лекин ҳар иккиси ҳам нафақада бўлсалар-да, таянчларию кўмадиган ўғли, уни қарғаш нечоғли оғир азоб келтиришини ҳис этсалар ҳам буни номуносиб фарзанд келтирган исноддан кўра мақбул деб билдилар. Мен шунчалик эҳтиёткор бўлишимга қарамай юзим шувит, ота-онамнинг юзини ерга қаратганимдан, бунинг устига сиз билан қилган аҳду паймонларимизни бузганимдан азобда қолдим.

Лекин бу азобларим ҳолва экан. Кунлар қанчалик азобли ўтаётганига қарамай чидамоққа кўникай деганимда бошқа балога дуч келдим. Негадир бошим айланадиган, ўқчийдиган, шўртанг нарсаларга кўнглим суст кетадиган бўлиб қолди. Онам менинг аҳволимни суриштиргач, “Вой шўрим” деб бошларига муштлай бошладилар. “Ҳомиладор бўлиб қолибсан” дедилар шивирлаб.

— Нима? — Жонҳолатда бақириб юбордим. — Энди шу азоб ҳам борми, онажон? Энди нима қиламан?

— Аёл киши ўзи азобга туғилади, болам, — бошимни силардилар онам. — Шу азобларга бардош бергани учун Яратган унга жаннатни буюрган.

— Йўқ, ойи, менга энди жаннатиям керакмас, ҳомиладорлик ҳам керакмас, ундан қутулмоқ истайман.

— Қайдам, кеч бўлмадимикин? — иккиландилар ойим. — Ҳали кечкурун Эътибор холангдан илтимос қиламиз, текшириб, чорасини айтади.

— Йўқ-йўқ, асло бу ердагиларга айтманг. Шаҳарга бо-райлик.

— Майли-майли, фақат сиқилма.

Эртасига барвақт шаҳарга бориб гинеколог врачга учрашдик. У обдон текшириб, ҳомилани олиб ташлаш мумкинлигини айтди. Шу тариқа гуноҳга ҳам ботдим. Начора, бир ярамас, одамларга фақат ёмонлиги теккан иблиссимон махлуқнинг зурриёдини, умрим бўйи аччиқ хотирани эслатиб турадиган болани кўтариб юргандан кўра ундан кечиб, гуноҳга ботишни афзал кўрдим.

Мен Яратганнинг олдида қанчалик гуноҳкор бўлсам, сизнинг олдингизда ҳам шунчалик юзим шувит. Бун кечириш-кечирмаслик ихтиёрингиз, лекин энди ўзимни сизга бағишлай олмайман, муносиб эмасман. Хатни ўқиб бўлибоқ мени унутиш ҳақида ўйлашингизни ўтиниб сўрайман. Хотираңгиздан ўчириш осон бўлиши учун мен бор гапни қанчалик оғир бўлмасин, батафсил ёздим. Сиз ўзингизга муносиб бахтингизни албатта топасиз, сиздек йигитга мендан-да афзал қизлар жон-жон дейишлари аниқ. Аслида сиз билан бахтли бўлишни қанчалар истаган эдим, афсуски, севишган чин муҳаббат эгалари ҳеч қачон муродига етолмайдилар, деганлари рост экан. Акс ҳолда Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнун каби севишганлар муҳаббатига кўз тег-

маган бўларди. Мен ҳам худди шундан қўрққан эдим. Не ажабки, шу қўрққанам рўй берди. Энди сиз билан кечган ўша ғоят қисқа, бахтли онларимнинг хотираси билан яшайман. Мени кечиринг ва унутинг, деб ўтинувчи Латифа. Алвидо”.

— Й-ў-ў-ў-қ! — бор овозим-ла ҳайқириб юбордим. Шифтларни ларзага солган девларга монанд овоздан бўлинмамиз аскарлари оёққа турди.

— Ҳой, жинни бўлдингми, нега бўкирасан?

— Ёмон туш кўрдингми, нима бало?

— Бақиргинг келса, чўлга чиқмайсанми, аҳмоқ!

— Уйқуни ҳаром қилдинг-ку, мияси айниган!

Лекин уларнинг дашномлари қулоғимга кирмас, кираётган бўлса ҳам англаб оладиган ҳолатда эмасдим. Қўлларим-ла бошимни чангаллаб олганимча “Йўқ! Йўқ!” деб тинимсиз такрорламоқда эдим.

Аскарлардан бири челақда муздек сув олиб келиб устимдан қуйиб юборди. Шундагина хаёлим ўзимга келди.

— Нима, мен томоша қўйяпманми, нимага бошимга йиғилиб олдиларинг? Йўқолларинг!

— Ҳой, сен эркаликларингни уйда қиласан, бу ер армия, жинни бўлсанг — даволан, нимага шунча одамни безовта қиласан?

— Сизларни чақирганим йўқ.

— Чақиргандан баттар бўкириб уйғотдинг-ку!

— Сизларни уйғотиб менга зарил келгани йўқ, ўзининг дардим ўзимга етарли.

Менга гапириш бефойдалигини англаган сафдошларим бирин-кетин бош чайқаб тарқалишди. Фақатгина Нормуродгина кетмай турарди. Ҳамма жой-жойига чўзилишгач, у аста ёнимга чўкди.

— Дўстим, аҳволингни тушундим, фақат севиклисидан хунук хабар олганлар шундай аҳволга тушишади. Сенинг дардинг ҳам шунақага ўхшайди. Лекин нима бўлмасин,

ҳар қандай ҳолатда ҳам йигит киши иродали бўлмоғи лозим. Шунинг учун йигит деб аташади. Бу сўз замирида баҳодирлик, мардоналик, довюраклик, қийинчиликлардан чўчимаслик, иродалилик, сабр-бардошлилик ётади. Агар шу хислатлар бўлмаганда эди, йигитларнинг ҳам аёллардан фарқи қолмасди. Шунинг учун ҳам йигит киши ҳар қандай балою офатни, бахтсизликларни мардонавор қарши олади. Айтайлик, севикли қизинг хиёнат қилган бўлса бунга кўз ёши тўкишга хожат йўқ, барибир бўлар иш бўлган, орқага қайтармоқнинг иложи йўқ. Шунинг учун тақдирга тан бериб, кейинги ҳаёт йўлини танлаш керак, бу энг оқилона йўл.

Нормурод ҳақиқий дўстона гапни айтганига тан бериш керак. Ҳақиқий иродали йигит, ундан ибрат олса арзийди.

Нормуроднинг далдаси ва ҳарбий хизмат топшириқларига чалғиб аввалги йўлимга тушиб кетдим. Латифани хаёлимдан қувиб унча эсламай қўйдим.

Мана, хаш-паш дегунча хизмат муддати ҳам ўтиб кетди. Эрта-индин ҳаммамизга жавоб тегадиган. Шунинг учун мундирларимизга қойилмақом қилиб ишлов бера-япмиз. Сафдошларимиз билан манзилларимизни айирбошлашамиз. Улар билан икки йил ичида шунчалик яқин бўлиб кетдикки, гўё бир оила фарзандларидек.

— Бизникига боринглар, — дейди қашқадарёлик Эшонқул, — қўй сўйиб меҳмон қиламан.

— Сирдарёга ўтсанглар бизникига тушинглар, — таклиф қилади Зиёдулла, — Шундоққина дарё бўйидамиз, балиқхўрлик қилиб кетасизлар.

— Бухорога йўлингиз тушса, уйга меҳмонхонадек келаверинглар, ўзим “ош-софи” қилиб бераман, — дейди Ҳасанбой четда қолмай.

— Ҳақиқий қазили бешбармоқни бизнинг уйдагилар тайёрлайди-да, — мақтанади Қуттибой, — уни егач, кетгингиз келмай қолади.

Хуллас, ҳамма ўзларининг самимий таклифларини билдиришарди.

* * *

Ёз иссиғи бошланаётган кунларнинг бирида уйга кириб келдим.

Икки йиллик фурсат анча-мунча ўзгаришларга гувоҳ бўлибди. Ҳовлимиздаги дарахтлар янаям баландроққа бўй чўзибди. Катта акамиз уй ёнига уй қўшибди. Ундан хушрўйгина ёш аёл чиқиб, онам ва ака-укаларим қаторида келиб мен билан кўришди. Мен унинг ярим йилгина аввал хонадонимизга келин бўлиб тушган келинойим эканлигини фаҳмладим.

Уйимиз бирпасда қўни-қўшни ва қавм-қариндошлар билан тўлди. Бу ердаги қий-чув ва хурсандчилик кайфияти бир тўйни эслатарди.

Бир хонани ўртоқларим, акаларим, мендан сал катта, сал кичик йигитлар эгаллашган. Бири олиб, бири қўйиб ўзининг армиядаги ҳаётидан қизиқ бирор воқеани қўшиб-чатиб ҳикоя қилишади.

— Биз хизмат қилган Архангелскда совуқ эллик даражадан ошиб кетади, — ҳикоясини бошлайди қўшни Шокир ака.— Бурнингдан оққан сув сумалакка айланади. Бизлар қисмимизга яқин қишлоқдан амаллаб ароқ олиб келардик-да, қорга тиқиб қўярдик. Бирпасда шишадаги ароқ музлаб қолади. Шунда биз ароқнинг шишасини синдириб олиб ташлардик-да музини бўлаклаб оғзимизга солардик. Эҳ, унинг кайфи жуда бошқача бўларди-да.

Унинг гапини Собирнинг акаси Бобур илиб кетади:

— Бизни Туркманистоннинг Кушка шаҳри яқинига олиб бориб ташлашди. Билсанглар, Туркманистоннинг жазирамаси Саҳрои Кабирда ҳам бўлмаса керак. Кушкага яқин қумликларнинг иссиғига унча-мунча одам боласи чидамаса керак. Агар қумга тухум кўмиб қўй-

санг беш дақиқада пишади-я. Ўшандай жойдаям одамлар яшашади-я. Чакмону чўгирмасини кийиб бемалол юра-веришади.

— Ҳар ким ўзи туғилган жойни азиз билади, — гапга қўшилди адабиёт ўқитувчимиз бўлган Тўхта ака. — Улар ўзларининг қумликларини жаннатдек севадилар.

Гангур-гунгур суҳбат, ош-овқат билан тун ярим бўлганини ҳам билмабмиз. Ниҳоят, фотиҳа ўқилиб, меҳмонлар тарқалишди. Шундан кейингина онам ва ака-укаларим, опа-сингилларим — ўзимиз қолдик. Ҳаммаларига вақт ўз ҳукмини ўтказиб, улғайишибди. Бирин-кетин ҳол-аҳвол сўрашдик. Янги-эски гапларни, хотираларни эслашдик, кулишдик. Келинойим билан танишдик. Оиламизга анча тез ўрганиб, ҳамма билан чиқишиб кетибди.

— Юрадиган қизингиз бўлмаса, мана бизда таништирадиган. Бу ёғидан ташвиш қилманг, — ҳазиллашди келинойим.

Лекин уларнинг ҳазили кул остидаги чўғни очиб қўйгандек бўлди. Ёдимга Латифа тушиб бирдан хомуш тортиб қолдим.

— Баҳромга ҳозир қиз керакмас, у ўқийди, — дардимни ҳеч изоҳсиз илғаган онам гапга қўшилдилар. — Ўқиши битса қиз топилади.

— Ҳа, тўғри, ҳозир ўқишимни давом эттиришим лозим, — дедим шоша-пиша онамнинг гапини тасдиқлаб.

Бир-икки кун келди-кетди кўп бўлди. Ўша ўтган асрнинг олтмишинчи-етмишинчи йилларида қишлоғимизда меҳр-оқибат, қадр-қиммат жуда баланд бўларди. Тўй-маъракаларни қўйиб турайлик, оддий армияга кузатиш-у, келганда йўқлашнинг ўзи одамлар орасида меҳр-оқибат ниҳоятда юқори бўлганлигининг яққол тимсоли бўлиши мумкин. Ҳарбий хизматга кузатиш, келган аскарни йўқлаш салкам тўйга айланиб кетарди.

Қишлоқда бирортаси томини лўмбоз қилмоқчи ёки бошқа ҳашарми айтган ҳам, айтмаган ҳам бораверарди.

Ўша ерда албатта беш-ўнта қариялар ҳам ҳозир бўлишиб, гарчи кўлларида иш келмаса-да ҳашарчиларга далда бериб руҳий мададкор эдилар. Бу далда албатта ҳашарчилар ғайратига ғайрат, кучига куч қўшарди. Ҳашарчилар қанча кўп бўлмасин, уларнинг ризқу насибаси ҳам шунча мўл бўларди. Чунки ҳашар қилувчининг кўни-қўшнисию қавм-қариндошлари, таниш-билишларининг уйларида челақ-челақ, тоғора-тоғора қуюқ-суюқ овқатлар, нон-патирлар, қуруқ-хўл мевалар келиб, мўл-кўлчилик бўлиб кетарди.

Кўча ёки ариқларни тозалашлар ҳам худди шундай аҳил-иноқликда ўтарди. Негадир, замонлар ўтиб ўша давр одамлари ўртасида бўлган меҳр-оқибат туйғуларининг заифлашиб кетганлиги кўзга ташланади. Қадр-қиммат ҳақида ҳам шу хулоса.

Учинчи куни Мактуба мени кўргани чиқди. Уни дастурхон ясоғлиқ уйга таклиф қилдим.

— Яхши келдингизми? Хизматда қийналмадингизми?

— Раҳмат. Айниқса, ярим йилгача хизмат зўр бўлди. Сендан хат тўхтагач, зерикиб қолдим.

— Ўқишга киришга тайёргарлик бошлангач, хат ёзишга ҳам вақт бўлмай қоларкан.

— Ўзинг яхши юрибсанми? Ўқишларга кириб хурсанд бўлиб қолдингми?

— Раҳмат. Менам сизга ўхшаб кечки бўлимда ўқияпман.

— Э-э, зўр-ку! Кундузи-чи?

— Ишляпман, текстиль комбинатида .

— Жуда яхши-да. Латифа нима қиляпти?

— Бечора адои тамом бўлган. Лекин иродаси кучли экан, шунча азоблару гап-сўзларга бардош бериб, бу йил ўзи танлаган институтнинг иқтисод факультетида биринчи курсни тугатди. Сиртдан ўқияпти.

— Ишлайдими?

— Ҳа, алақайси корхонада котиба экан.

- Турмушга чиқмадими?
- Йўқ. Ўқишини тугатиб олмоқчи.
- Мен ҳақимда гапирадими сира?

— Ҳеч. Фақат бир марта ўзим сўраб қўймагач, “ўз муҳаббатимни асрай олмай Баҳром акамнинг муҳаббати уволига қолдим. Улар кечирган тақдирда ҳам мен ўзимни кечиролмайман. Мен ўзим истамаган ҳолда Баҳром акага хиёнат қилдим. Энди ҳаром луқмани у кишига асло раво кўрмайман. Мен бу ҳақида Баҳром аканинг ўзига батафсил ёзиб юборганман. Энди бу ҳақида бошқа гапиришни истамайман”, деди. Ўшандан кейин у ҳақиқатан сиз ҳақингизда ҳеч оғиз очмади. Ўзингиз қандай фикрдасиз?

— Ўзинг фаҳмлаб турибсан, менинг муҳаббатим ўчмаса-да, беҳуда ёнгандан фойда йўқлигини. Бутунлай қалбимдан ўчириб ташлашга қудратим етмаса-да, бир йилдан буён ўзимни тайёрлаб келаяпман. Илож қанча, тақдиримга у эмас, бошқа инсон битилган кўринади.

— Мен ҳам шуни айтмоқчи эдим. Хоҳласангиз, курсдошларимдан бирини таништириб қўяман. Латифадан ҳар томонлама қолишмайди. Ўзи Жиззахдан. Нима дейсиз?

— Ҳозир бирор нарса дея олмайман. Аввал ўқишимни тиклаб, беш-ўн кун дам олайин. Кейин ишга кирмоқчиман. Шу режаларимни амалга оширгач, ўйлаб кўраман. Ахир, “сутдан оғзи куйган, қатикни пуфлаб ичади” деган гап бор-ку.

— Лекин таклифимни тезроқ ўйлаб кўришингизни маслаҳат берардим. Чунки бундай қизларнинг ошиғи кўп бўлади.

- Худди шунақасидан кўрқиб керак экан.
- Нега?
- Кўз тегишидан.
- Кўнглини овласангиз кўзмунчоқ тақиб қўясиз.
- Баъзи кўзлар тошни ҳам тешиб, юрагингга битмас жароҳат етказаркан. Битта жароҳат етарли эмасми?

— “Тоққа чиқмасанг дўлона қайда, жон куйдирмасанг жонона қайда” деганларидек, битта жароҳатдан кўрқиб ўтирибсизми?

Ўйланиб қолдим. Мактуба ҳақ гапни айтди, “жон куйдирмасанг жонона қайда” деб. Дарвоқе, ўзим Латифа учун нима қилдим? Армиядаман деб уни қисмат ҳукмига ташлаб юравердим-ку. Унинг хўрланишига, топталишига йўл қўйиб бердим. Тагин-да Латифа мард экан, менга буларни таъна қилмай, ўзини айбдор ҳисоблаб юрибди.

— Макту, яхшиси, ўзингнинг ишларингдан гапир, — жавобдан қочиб мавзуни бурдим, — Улуғбек армиядан келгандан бери учраша олдингми? Ишқилиб, сен бевафолик қилиб қўймадингми?

— Гапингизни ел учирсин. Ҳаммаям бевафолик қилаверса дунёда диёнат, садоқат қоладими? Шукурки, диёнатимиз мустаҳкам. Улуғбек акам билан бир марта учрашдик, институтда. Аҳду паймонимиз ўзгармаган. Насиб этса келаси йили тўйимиз бўлади, дедилар. О-о-о, мендан-да бахтли қиз бормикин!

— Табриклайман! Бахтли бўлинглар!

— Раҳмат. Сизга эса сентябргача муҳлат — ишларингизни тўғрилаб олинг. Роҳатой билан учрашишга тайёрланиб юринг. Гапим тамом. Менга рухсат.

Шундай деб Мактуба ўрнидан турди. Уни кузатиб мен ҳам ташқарига чиқдим.

Иккинчи қисм “БЎРИ БОЛАСИ”

Университетда ўқишни давом эттиришга ижозат олиш, ишга жойлашиш ташвишлари билан югур-югурлар кўпайиб ёз ўтди. Аввал ишлаган қурилиш ташкилоти тугатилиб, бригадалар бошқа қурилиш бошқармаларига

тарқатиб юборилибди. Шунинг учун бошқа бошқармага жойлашишга тўғри келди. Бу жой ҳарҳолда университетга яқинроқ эди. Лекин ётоқхона Чилонзорда. Янги қурилган тўрт қаватли уй ётоқхона қилиб берилибди. Битта хонада тўртта каравоту совуқ сувдан бошқа ҳеч вақо йўқ. Чорночор ўрин-кўрпаю жилдлар олиб жойлашавардим.

Яна армиядан олдинги ҳаётим қайта бошланди. Эрталаб ишга, ишдан тўғри ўқишга, дарсдан кейин эса ётоқхонага. Кечки овқатга колбасани қовурибми ёки хомлигича кавшаб уйқуга шўнғийман. Ҳозирча ҳамкасблар ҳам, курсдошлар ҳам бегона — энди танишяпман. Ётоқхонада ҳам ҳали ёлғизман, ҳамхона йўқ. Бу ҳолат бир жиҳатдан яхши. Ёмон томони, ёлғизлик одамни кеми-раркан, эзиб юбораркан. Узоқ вақт ёлғиз қолган киши ит биланми, от биланми ёки бошқа махлуқ биланми, фарқи йўқ — мулоқот қилиб дардини тўкишини яхши биламан. “Ёлғизлик курсин”, деб нолиганларни кўп эшитганман. Баъзан ўзим ҳам бирорта ҳамдard бўлишини қўмсаб қоламан. Лекин бригадада ҳам, университетда ҳам ҳали ўзимга, тўғрироғи, кўнглимга яқинроқ одамни топа олганим йўқ. Яхши томони эса кўпинча ўзим ёлғизликни истаб қоламан. Жароҳатланган қалбимга даво излаб минг бир хаёл кўчасига кириб чиқаман. Шундай пайтда ҳеч ким хаёл ипини узиб қўйишини истамайман. Гарчи Мактубанинг таклифи хаёлимнинг бир чеккасида жавоб кутиб ётган бўлса-да, ҳали-ҳануз унга сари чуқурроқ кириб боришга ботинолганим йўқ. Гўёки, ўйлайдиган бўлсам, Латифага берган ваъдамга хиёнат қилгандек бўламан.

Тизгинсиз хаёлларни жиловлаб, то бир тўхтамга келгунимча сентябрнинг ўн беш-йигирма кuni ўтиб кетди. Бемаъни хаёллар асирлигидан қутулиш учун Мактубанинг таклифини қабул қилиб, ўша қиз билан танишишдан бошқа илож йўқлигини тушундим.

— Макту, яхши юрибсанми? — эшик олдини супураётган кўшни қиз олдиға яқинлашиб саломлашдим. — Ўқишларинг, ишларинг яхшими?

— Раҳмат! — жилмайди Мактуба. — Ўзингиз ҳам ўқишингизни бошлаб олдингизми? Нима бало, ўқиш-ишларингиз ҳам ҳарбийчами, бизни йўқлаб келмаяпсиз? Ёки ўзингиздагилардан ортмай қолдингизми?

Оббо, қизи тушмагур-ей! Гапига қараганда ишни пишириб, дугонасини чимилдиққа кирадиган келиндай қилиб тайёрлаб қўйганми, нима бало?

— Бир йўла қалин пулини ишлаб олай деб юргандим-да.

— Лекин дугонамга фақат қалин пули кифоя қилмайди. У зуваласи пишган, қўлини узатган жойдан ҳатто темирни ҳам узиб оладиган, ўтга кирса ёнмайдиган йигитларга мойилроқ.

— Иштаҳаси карнай-ку! Унинг имтиҳонидан ўтолмайман шекилли.

— Ўзиям шундай йигитларга лойиқ-да. Мен сизни унинг ўзи истаган даражадан ҳам баландроқ қилиб таърифладим. Шунга бўлса керак, сиз билан учрашишни рад этмади. Шу пайтгача ҳеч кимни яқин йўлатмай юрганди.

— Ундай бўлса мен келгуси ҳафта синовдан ўтмоққа бориш учун бугундан учрашув имтиҳонига тайёргарликни бошлайман.

— Яхши, чоршанба куни машғулотлар бўлмайди. Шу куни оқшом сизни кутамиз.

— Нима олиб борай? Яримта дегандай...

— Ҳеч қандай яримтасиз. Қолганига сизнинг ҳимматингиз.

* * *

Ваъдалашувга биноан чоршанба куни битта торт, иккита плитка шоколад олиб тўқимачилик комбинатининг

ётоқхонасига бордим. Комендант аёл рухсат берганига қарамай семиз рус кампир узоқ суриштирувдан сўнг ётоқхонага киргазди.

Мактубаларнинг хонаси учинчи қаватда экан, хоналарнинг рақамларини санай-санай йўлакнинг охирига бордим. Етиб боргунимча йўлакда юрган турли миллат ва ёшга мансуб қизларга дуч келарканман, улар менга суқланиб, ҳавас билан тикилишар, айримлари ярим ҳазил, ярим чин илмоқли гаплар билан хоналарига таклиф қилишарди.

Биламан, бир-биридан гўзал бу қизлар асосан яхши орзу-умидлар оғушида сармаст Тошкентга келишади, ҳар хил ўқув даргоҳларига ҳужжат топширишади, омади келмагач, ўз гўшаларига қайтишни ор билиб ёки истамай шу маконда қолишади. Улардан айримларигина келгуси йил ўз мақсадларига эришмоқ учун қайта ўқув юртларига қадам қўядилар. Бу турфа қизлардан ташқари тўқимачилик комбинати олий ўқув юртларининг кечки бўлимига ўқишга кирган йигит-қизларга ҳам бағрини очган. Бу иккала томонга ҳам фойдали — йигит-қизлар ишлаб маош оладилар, Тошкентдек шаҳри азимда яшаш учун бошпанага эга бўладилар, қолаверса, кўпчилиги ўз умр йўлдошларини шу ерда топадилар, улкан комбинат эса ўзининг ишчи кучларига бўлган доимий эҳтиёжини қондиради.

Керакли рақамли эшикка етиб келиб оҳиста тақиллатдим.

— Кираверинг, эшик очик, — қўнғироқдек овоз эшитилди ичкаридан.

Эшикни очиб хонага қадам қўярканман, рўпарамда эгнига халат кийган, билакдек келадиган қора соч ўрмини елкаси оша олдига ташлаган, қошлари бир-бирига пайваста, сеҳрлаб қўйишга қодир шаҳло кўзлари ҳайратла менга тикилган қиз ўрнидан туриб қарши олди.

— Вой, мен сизни кўшни хона қизлари деб ўйлабман. Кимнидир излаяпсизми?

— Кечирасиз, мен Мактубани излаб келгандим, — мабодо адашмадимми дегандек эшикдаги рақамга кўз ташлаб олдим. — Шу хонада турмайдими у?

— Адашмадингиз, кираверинг, — таклиф қилди қиз. — Мабодо сиз Улуғбек ака эмасмисиз?

— Йўқ, менинг исмим Баҳром...

— Э-э-э, бўлди-бўлди, Мактубанинг кўшнисиз. Қани, ўтиринг. Дугонам ҳозир келади, менга ошни дамлашни буюриб, ўзи бозорчага чиқиб кетувди.

— Кечирасиз, ..

— Исмим Роҳат. Мактуба билан дугонамиз — бирга ишлаймиз, бирга ўқиймиз, бирга яшаймиз.

— Умуман, бирга нафас оласизлар, бирга овқатланасизлар, бирга киноларга — худди ажралмас эгизаклардек.

— Ҳа,ҳа, топдингиз. Журналистикада ўқишингизни эшитгандим. Ҳозир эса учта жумлани битта сўз билан ифодалаб, исботлаб ҳам бердингиз. Ҳарҳолда гапга, сўзга чечан бўласизлар-да, а?

— Жудаям мақтаб юбордингиз-ку. Аслида яқинда армиядан келиб энди иккинчи курсдан ўқишни давом эттиряпман.

— Э-ҳа, ҳозирдан шунчалик сўз устаси бўлсангиз, келгусида қатор-қатор китобларингизни ўқирканмизда.

— Вақт — олий ҳакам. Агар насиб этган бўлса биринчи китобхоним ўзингиз бўларсиз.

Гапнинг тагидаги нимкосани илғаб олган Роҳатойнинг оппоқ чехрасига қизиллик югурди.

— Кечирасиз, гапга чалғиб чой дамлаш ҳам хаёлдан кўтарилибди. Сиз ўтириб туринг, мен чой дамлаб келаман.

Мен дарҳол ўтириб-тура бошладим. Роҳатой ҳайрон тикилди.

— Нима қилаяпсиз?

— Ўзингиз айтдингиз-ку, ўтириб-туринг деб.

Қиз шарақлаб кулиб юборди.

— Вой Баҳром ака-ей, Мактуба айтганчалик зукко қизиқчи ҳам экансиз-а. Дарров тилимдан илинтириб олдингиз-а.

— Қанийди энди дилингиз ҳам илина қолса! — таваккал сўз ўйинини давом эттирдим.

— О-о-о, жудаям хавфли сўз устаси чиқиб қолдингиз, — Роҳатой кулгидан тўхтаса-да, юзларида табассум сўнмай сўз қотди. — Ҳамма ошиқлару маъшуқаларда аввал дилида учқун пайдо бўлиб, кейин аланга оларди. Сиз танишиб улгурмасдан бирйўла алангали юрагингизни тақдим этмоқчимисиз? Шундай ҳиссиётлар савдоси билан шуғулланадиган улгуржи дўкон ёки бозор бораканми?

— Сиз мени бир оз нотўғри тушундингиз чоғи, — Роҳатойнинг менга қизиқиши баландлигини фаҳмлаб, сўзимни узоқроқдан бошладим. — Билишимча, сиз мен ҳақимда етарли маълумотга эгасиз. Билсангиз, эртакларда фалончи йигит ёки шаҳзода фалон юрт подшосининг қизини тушида кўриб ёки таърифини эшитиб севиб қолибди, ошиқ бўлиб қолибди, деган иборалар учрайди. Булар бежиз тўқиб чиқарилмаган. Айтайлик, мен Мактубадан сизнинг таърифингизни эшитиб дилимда ишқ учқуни пайдо бўлгани каби, сизда ҳам шундай туйғу учқуни вужудга келган бўлса ажаб эмас. Иккисини қўшса аланга чиқиши мумкинми, ахир? Мен шуни назарда тутган эдим.

— Зукколигингизга гап йўқ, мени лол этдингиз. Лекин танишганимизга ўн беш дақиқа бўлмай дил изҳори қилишни ҳам ўрнига қўйдингиз-а!

— Яна мени нотўғри тушундингиз, мен дил изҳори қилганим йўқ, балки учқун олган дилларни бирлаштиришни таклиф этдим. Таклиф амалга ошса аланга вужудга

келиши шубҳасиз. Чўзиб нима қилдим. Таклифимни яхшилаб ўйлаб кўрарсиз, қабул қилсангиз дугонангиздан айтиб юборарсиз.

— Туйғуларим ўзгаларнинг ихтиёрида топталиб юришини истамайман. Ўзимга айтаверинг.

— Бўлмаса, учрашадиган кунингизни билдириб кўярсиз...

Шу вақт эшик очилиб, тўрхалта кўтарган Мактуба кириб келди.

— Вой, Баҳром ака, ассалому алайкум, қачон келдингиз? Мен сизни кута-кута яқинда бозорчага чиқиб кетувдим, — деди у кўлидагиларни стол устига кўяркан, бир менга, бир Роҳатойга қаради. — Сизларни таништирайми ёки танишиб бўлдингларми?

— Танишиб олдик, — деган жумла иккимизнинг оғзимиздан бир вақтда чиқди.

— Иккингизнинг нафақат тилингиз, балки дилингиз ҳам бирми, дейман, — кулди Мактуба. — Гапни бир жойга қўйиб олганга ўхшайсизлар.

— Йўғ-е, — шоша-пиша жавоб қиларкан, Роҳатойнинг ой мисол чехрасига яна қизиллик югурди, — биз шунчаки гаплашиб ўтиргандик.

— Суҳбатларингиз ғоят мароқли бўлган кўринади, Роҳатой, чой ҳам дамламабсиз.

— Ҳа, Баҳром ака жуда қизиқчи эканлар, кулдираве-риб ичагимни узай дедилар.

— Ана шунақа, Баҳром аканинг этагини тутган қизнинг куни шод ўтиб, умри узоқ бўлади.

— Ундай бўлса бу киши қишлоғингиз қизлари ўртасидаёқ талаш бўлиб кетарди-ку! — таажжубланди Роҳатой.

— Ҳалиям шундай, Баҳром ака соясига кўрпача соламан деган қанчадан-қанча қизлар ўзаро жиққамушт бўлиб юрганларини яхши биламан. Аммо муҳаббат — кўнгил иши. Кўнгилга ҳаммаям кўрпача сола олмайди. Баҳром

ака ҳозирча ўқишни тугатиб олишни мақсад қилиб турибдилар. Келинлар, мунозарамизни шу жойда тўхтатиб, қориннинг ташвишини қилайлик, акс ҳолда ошланж бўлиб кетади. Роҳатой, сиз манави тўрхалтадаги помидор, бодринларни салат қилиб турунг, мен аввал чойни дамлаб келай, кейин ошни сузаман.

Роҳатой помидор-бодрингни ювиб келиб, тўғрай бошлади. Мен ҳам бекор ўтирмай деб пиёз арча кетдим. Курғур пиёз жуда аччиқ экан, бирпасда кўзларим ёшланди.

— Бободехқонга раҳмат-е, шундай доривор пиёз етиштиргани учун, — дедим гап бошлаш учун важ қидириб.

— Доривор пиёз аччиқ бўладими? — деган савол билан Роҳатой менинг жағимни очди.

— Ҳа, бундай пиёзларда фитонцит мўл бўлиб, табиий аптека десангиз ҳам бўлади. Шамоллаш, грипп, тумов, цинга ва бошқа кўплаб дардларни келтириб чиқарувчи вирус микробларга қирон келтиради.

— Ҳали табобатдан ҳам хабарим бор денг?

— Бир оз қизиқаман. Табобатга дахли бор китобларни тўплаб, ўқиб юраман, ўзимча оиламдагиларни даволайман, уларнинг иммунитетларини кўтаришга ҳаракат қиламан. Шундан бўлса керак, ёппасига грипп тарқалган пайтларда ҳам бу дард оиламизни четлаб ўтади. Шунинунутмангки, иммунитет юқори бўлса унча-мунча дард яқин йўламайди.

— Бошқа нуқсонли касалликларни ҳам даволай оласизми?

— Масалан, қайсини?

Роҳатой халатининг енгини тирсагига қадар шимарганди, билагининг юқори томонида ловиядек сўғал кўринди.

— Мана шу савилни деб енги калта кўйлак кия олмайман, — мен гўё унинг яқин кишисидек дардини айта кетди. — Айниқса, ёз келганда ҳамма аёллар енгсиз кўйлак

кийсалар, мен шўрлик кампирлар киядиган енги узун кўйлақми, кофтами — кийишга мажбурман. Докторга кўрсатиб кесиб ташлашни сўрасам “хавфли, улар томирларга уланган бўлади” дейди. Шунини йўқ қилишнинг иложи бормикин?

— Бор, — дедим ишонч билан, — уч марта муолажа ўтказсам йўқ бўлиб кетади.

— Ростданми? — Роҳатойнинг кўзлари ҳайрат-ла чарқлаб кетди. — Ундай бўлса бошлай қолинг.

— Қаерда?

— Хоҳлаган манзилни айтсангиз, бас, боравераман.

— Уйимиз узоқлик қилади, ётоқхонага чақириш ноқулай, истасангиз шу ерга келишим мумкин, — дедим у билан учрашиш имкони пайдо бўлаётганидан суюниб.

— Жуда соз бўларди, — Роҳатой ҳам қувончдан энтикиб, — “Касалнинг тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келар” деб шунини айтсалар керак-да.

Шу пайт лаганда ош кўтариб Мактуба кириб келганда Роҳатой салатларни ликопчаларга солаётганди.

— Кутиб қолмадингларми? — қўшни қиз муғомбирона кулиб лаганни стол ўртасига қўяркан. — Қани, олинглар, ош совимасин.

Умримда бундай лаззатли ош емагандим. Ҳатто чойхона палов бу таом олдида хижолатда қоларди.

— Эҳ, шундай ош бўлишини билганимда Улуғбекни ҳам етаклаб келардим-а, — дедим атайин гапим Мактубага қандай таъсир этишини билиш мақсадида.

— Улуғбек ака келадиган бўлса сизлар ош ея олмасдинглар, — жилмайди Мактуба. — Икковингиз алоҳида ўтиришга тил бириктириб қўйганга ўхшайсизлар, топдимми?

— Қисман тўғри топдингиз, — деди Роҳатой бир оз истиҳола билан, — чунки келаси чоршанба мен Баҳром акани чорламоқчиман.

— Ростданми, ҳазиллашмаяпсизми? — сўраркан Мак-туба менга “қойил” дегандек қараб қўйди. — Бундан чиқди, тўйдан олдин чарлар ошини ерканмиз-да.

— Тўйдан олдин ногора чалиб юбордингиз-ку, дугонажон. Тақдирга ёзилгани бўлади, буни вақт кўрсатади, — деб қўя қолди Роҳатой Мактубанинг ҳазилига хурсанд бўлганини ҳам, хафа бўлганини ҳам юзага чиқармай.

Ошдан кейин чойлар ичилиб, тортлар ейилгач, қизлар мени кўчагача кузатиб қўйишди.

* * *

Табиатга, унинг мўъжизакор синоатларига қизиқишим ёшлиқдан баланд эди, табобатга эса яқиндан, армиядан келганимдан сўнг янаям боғланиб қолдим. Бунга кўпроқ катта акамнинг тоғда асалари боқадиган қайнотаси Ашур ота сабабчи бўлди.

Бизнинг қишлоқда армиядан келган аскарларни қариндош-уруғлар навбатма-навбат чорлашиб, зиёфат беришади. Бунга тўқчилик эмас (оилалар унчалик тўқ яшмайди), балки меҳр-оқибат кучлилиги сабабдир. Бундай чорлашлар етти-саккиз кунлаб давом этади, чорланувчи беш-олти нафар яқинлари ва дўстлари билан худди тўйдагидек яйрашади.

Мени ҳам тоққа туташ қишлоқда яшайдиган қуда бува, қуда хола чорлаб қолишди. Айтилган куни оқшом катта акам бошчилигида тўрт-беш нафар ўртоқларим билан етиб бордик. Зиёфат жуда яхши бўлди. Ҳаммамиз роса яйрадик. Менга, айниқса, чой қошиқда олиб ялаганда томоқни куйдириб юбораёзадиган асал жуда манзур бўлди.

— Қуда бува, асални қаердан олгансизлар, жудаям ўткир-ку! — ўрнимиздан кўзғалаётганимизда сўрадим акамнинг қайнотасидан.

— Оббо Баҳромбой-ей, сизга асал ёқдими, дейман? —

кулди қуда бува.— Лекин асалини енгү тоғини суриштирманг. Керак десангиз қанча бўлсаям топиб бераман.

— Асални қуда бувангнинг ўзи етиштирадилар, — гапга қўшилди акам.— Тоғда ўттиз-қирқ яшик асаларилари бор.

— Ростданми? — қизиқиб қуда бувага юзимни бурдим.— Асалнинг ҳам, асаларининг ҳам фойдаси кўп дейишадди, қанақа фойдалари борлигини билмайсизми?

Саволим қуда буванинг жон-жағига қувват киргазиб юборишини қаердан билибман. Аммо акам қайноталарининг феълини яхши биларканлар шекилли, қайтадан туфлиларини ечиб кўрпачага чўкдилар ва қолган шерикларимизга ҳам ўтиришни имо қилдилар.

— Асаларининг ўзи ҳам, асалию муми ҳам, ҳатто сугию чанги ҳам юз бир дардга даво бўлади, — сўзлай кетди қуда бува.— Ҳар тонг оч қоринга бир ош қошиқ тоғ асалидан ялаб, беш дақиқадан кейин қайнатилган сув ичиб юрсангиз ошқозон, ўн икки бармоқ ичакдаги яралардан фориғ бўласиз. Шамоллашу томоқ оғриғи, йўтал, грипп яқин йўламайди. Радикулит, бел оғриғи, бўғим оғриғи, стенокардия, атеросклероз, юракнинг ишемик касалликлари, гипертония хасталикларига энг яхши даво ҳисобланади. Кўзни равшанлаштиради, мия тиниқлашади, хотира яхшиланади, асаблар тинчланади. Қўйинг-чи, унинг фойдаси беқиёс. Фақат уни ихлос билан, мунтазам истеъмол қилиб туриш керак. Агар доим соғлом юрай десангиз, яхшиси, беш-ўн кун олдимга келинг, асалга қайси гиёҳларни қўшиб ичса қандай дардларга шифо бўлишини ўргатаман. Шунда ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деганларидек, муолажа усуллари миянгизга қуйилиб қолади, уларга амал қилиб юрсангиз бир умр хасталиклар сизга яқин келмайди. Хўш, келасизми тоққа?

— Келаман, — дедим қатъий.

Келаси ҳафта ўзимнинг зарур кийим ва буюмларимни олиб қуда буванинг олдига йўл олдим. У киши мени кўриб хурсанд бўлиб кетди. Фаҳмлашимча, бу қария ёлғизликдан зерикиб, олдида бирор киши бўлишини кўмсайди. Чунки киши учун ёлғизликдан оғир кун кечириш бўлмаса керак.

— Келдингизми, болам? Жудаям аъло иш қилдингизда. Чунки тоғда ҳаёт кечиришнинг гашти ўзгача. Бу ерда бўлиш дегани, одам ўзининг эрта қаришининг олдини олиб, умрини узайтиришга, соғлом, бақувват, доимо хушчақчақ, хушқайфиятда бўлишига замин яратади, дегани. Чунки бу ерда ҳамма неъматлар аввало табиий соф ҳолатда. Демак, сизнинг танангиз фақат тоза неъматлар билангина озиқланади, мусаффо ҳаводан нафас олади, тўйинади. Соғломлашган организм эса танадаги турли иллатларни, хилтларни, носозликларни қувади. Шунга қўшимча қилиб сиз ҳар куни жисмоний машғулотларни бажариб, бир неча марта пастга тушиб-чиқиб турсангиз, тамаки чекмасангиз, ҳар куни кўпириб оқадиган тошқин сой сувида чўмилиб, қайноқ кумга кўмилиб тоблансангиз, тоғ манзаралари, дарё оқишидан завқ олсангиз, ортиқча овқатлардан тийилсангиз, гиёҳли шарбатлар, мева-сабзавот маҳсулотлари асосий таомингиз бўлса умрингиз узоқ ва соғлом кечиши кафолатланади. Айтмоқчи, чойпой қилиш ўрнига келишингиз билан гап бериб юборганимни қаранг, узр, Баҳромбой.

— Э-э, қуда бува, хижолат бўлманг. Чой-нондан кўра қимматлироқ гапларни гапирдингиз, — қарияга далда берган бўлдим.

— Тўғри-ку-я, бироқ ҳар бир нарсанинг ўз вақти-соати, ўрни, мавриди бўлади. Қани, ичкарига киринг, чой тайёр.

Тўрт кишига мўлжалланган чодирга кирдим. Ёзилган дастурхонда асалли, сариёғли пиёлалар турар, чақилган

ёнғоқ, бодом, писта каби тоғ мевалари ҳам хос идишларга солиб қўйилганди. Яна иккита суви қочган нон ҳам бор эди.

Мен сумкамдаги патир, тушенка, новвотларни олиб қўйдим. Қария қора қумғонини кўтариб кирди.

— Баҳромбой, шунча нарса кўтариб юришга ҳожат йўқ эди. Ахир, тоғнинг ўзи неъматлар макони-ку! Ҳай майли, ҳамонки олиб келибсизми, энди улар ейилишга маҳкум. Қани, чойдан ичинг.

Куда бува катта пиёлага чой қуйиб узатди. Чойдан аллақандай гиёҳларнинг ҳиди келди.

— Қандай гиёҳлар солгансиз чойга? Ҳиди жуда хушбўй-ку! — қизиқиб сўрадим.

— Тоғда қадокланган чой ишлатилмайди. Бутун ёз-куз, қишга қадар сариқчой ва кийик ўти гиёҳларидан фойдаланаман. Улар кишини тетиклаштириб, қон босимини меъёрида тутати, умрни узайтиради, уйқуни яхшилайдди. Қани, чойдан ичинг, булар ҳақида кейин ҳам гаплашаверамиз. Ахир, айтадилар-ку, “Аввал таом, бадъаз калом” деб. Анави халтада нима бор?

— Гўшт эди. Келинойим бериб юборди.

— Чакки қилибсизлар. Гўё ўрмонга ўтин кўтариб келган сайёҳга ўхшайсиз. Боя айтдим-ку, тоғ неъматлар макони деб. Буларнинг ўрнига ўзбек халқ дostonларидан олиб келганингиз маъқул эди. Дostonлар ҳар бир кишига ўзининг кимнинг авлоди эканлигини англатиб турувчи катта маънавий бойлик ҳисобланади. Уларни аввал ҳам эшитганман. Яна эшитсам дейман.

— Кейинги сафар албатта обкеламан, — дедим қариянинг кўнгли учун. — Куда бува, бу ерда гўштни қаердан оласиз?

— Сув ичиш учун пастга тушган тоғ эчкиларини тутишни биламан.

- Уларни тутиб бўларканми?
- Мияси унчалик ривожланмаган бўлса ҳам ахир аجدодларимиз тутишган-ку!
- Улар кўпчилик бўлиб ўраб олишган, сиз эса ёлғизсиз.
- Мен эчкилар юрадиган сўқмоқларга сиртмоқчалар қўяман.
- Майли, тутдингиз ҳам дейлик, иссиқда гўштини қандай сақлайсиз музлаткич бўлмаса?
- Бу муаммо эмас. Тузлаётганда тоғжамбиллар қўшиб, таъмини сингдираман, кейин ёйиб қўяман. Қурийди. Бундай сур гўштлар организмда ортиқча холестерин ҳосил қилмайди. Бу ҳам узоқ яшаш омилларидан бири. Бундан ташқари тоғда қирғовуллар, какликлар, ёввойи каптарларни тутиш мумкин. Тоғ дарёсида хонбалиқ, маринка балиқлари кўп. Уларни тошлар остидан топиб, ушласа бўлади. Буларнинг ҳаммаси тоғда яшовчиларнинг ризқи, фақат уларни қачон, қай вақт, қандай қилиб овлашни, насли йўқолиб кетмайдиган томонларини билиш керак. Шундагина табиат сенга саховат кўрсатади. Акс ҳолда, табиатга жароҳат етиб, бу ёмон оқибатларга олиб келади.
- Табиатга қандай қилиб жароҳат етказилади?
- Табиатдаги мавжудоту набототларни керагидан ортиқ қириб юбориш, шунингдек, урчийдиган, тухум қўядиган жонивору паррандаларнинг ўзларини ёки тухумларини номавсумда овлаб, нобуд қилиш, ўрмонзордаги дарахтларни шафқатсизларча кесиш, у ерларда гулханлар ёқиб ёнғинларни келтириб чиқариш, турли шишаларни синдириб ташлаш, консерва банкаларини, чиқинди қоғозларини қолдириб кетиш, доривор гиёҳларни, “Қизил китоб”га киритилган ўсимликларни пишмасдан, илдири билан, керагидан ортиқча юлиб олиш, оқар сувларга

турли кимёвий ўғит солинган далаларнинг оқоваларини, корхоналардан чиқадиган кимёвий чиқиндиларни, ҳаром ўлган турли ҳайвонларнинг мурдаларини, хусусий ҳаммомларнинг ювиндиларини ташлаш оқибатида жароҳат етказилади. Бу ҳам майли-я, шундай ноинсоф кимсалар ҳам борки, ўз ҳожатхоналарини оқар сувли ариқ ёки канал яқинига қуриб, ахлатини покиза сувга оқизадилар. Бу тубанликни эси паст ёки телба қилса, “ҳа, аҳволига яраша қияпти” дейсиз, лекин туппа-тузук, ўқимишли, зиёли одамларнинг шундай тубанликка қўл уришларига нима дейсиз? Бундай тубанликни одамларнинг маънавий дунёсидаги жароҳат десак, ўринли бўлса керак.

Мен юраги зардобга тўлган қуда буванинг аламли иддаоларини тингларканман, ўнғайсизланиб кетдим. Наҳотки, оддий, маълумоти йўқ, саксондан ошган бир қария табиат ҳақида шунчалик жонкуярлик қилиб қайғурсаю, республикадаги катта-кичик матбуот ходимлари халқ кўз ўнгидаги нуқсонларни хаспўшлаб, нинадек ишларда фирқанинг раҳнамолигини туядек қилиб кўрсатишдан нарита ўтмайдиган маддоҳ бўлиб қолаверса! Тўғри, шундай маддоҳликлар остида катта-катта ишлар ҳам қилинаяпти. Лекин ана шу ишларни бажариш ўз сметасига нисбатан икки-уч баробар қимматга тушаётганини ўйлаб кўрмаймиз. Масалан, битта тўрт қаватли уй қурилишини олиб кўрайлик. Қурилишда ишлатиладиган михдан тортиб гишт, цемент, тайёр блоклар, шифер, тунука, оҳак, эшик, ром, сантехника, электротехника жиҳозлари, қўйинг-чи, бунёдкорликда ишлатиладиган барча материаллар ўғирланади ёки ҳар бир буюмга ўз мулкидек муносабатда бўлинмайди. Ўғрилар, исрофгарлар четдан келади, деб ўйлайсизми? Асло, йўқ! Энг аввало, туя қиладиганлар прорабдан тортиб ундан юқори турувчи амалдорлар, қолаверса, давлат мулки исрофига бефарқ, виждонсиз од-

дий қурувчилардир. Битта тўрт қаватли уй қурилиши орқасидан бу кимсалар, уларнинг қариндош-уруғлари, таниш-билишлари муҳташам уйлар қуриб оладилар ёки кимсаларини тўлдирадилар. Қурилишдаги камомад эса “синди, қотиб қолди, тўкилиб-сочилиб кетди, ёнди-куйди” ва бошқа хилдаги далолатномалар билан ёпилиб, бошқатдан талабномалар ёзилаверади. Талон-тарож қилишда бир чеккадан тортқилайдиган мутасадди амалдор кўз юмиб далолатномага ҳам, талабномага ҳам қўл қўйиб бераверади.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг — инсофига, виждонига, маънавий дунёқарашига жароҳат етган одам табиатнинг жароҳати ҳақида тасаввурга эга бўладими? Ариқ, канал бўйига ҳожатхона, ҳаммом қуриб, ахлатини, ювиндиси унга оқизган кимса табиатни, экологияни булғаб, турли юкумли касалликларнинг келиб чиқиши айбдори бўлиб қолаётганлигини ўйлаб кўрармикин? Мавсум бўлса-бўлмаса балиқ урчийдиган ҳавзаларга кимёвий моддалар ташлаб, электр зарядларини қўллаб шикоят қилишга тили йўқ гунг жониворларнинг ўзию тухумига қирон келтираётган браконьерлар айрим ноёб турдаги балиқларнинг, уларнинг емиши ҳисобланувчи планктонларни йўқ бўлиб кетиши сабабчиси сифатида табиатга жароҳат етказаётганлигини билармикин? Бу кимсаларнинг онги, тушунчасида қуда бувадек кекса табиат жонкуяриники каби кўникмани уйғотиш компартия қарор ва кўрсатмаларини мадҳ этишдан кўра зарурроқ, долзарброқ эмасмикин? Табиат мувозанати бузилишининг олдини олишга ҳамма бирдек масъул бўлсагина кўзланган мақсадга эришилмайдими?!

— Баҳромжон, намунча ўйга ботиб кетдингиз? — деган қуда буванинг луқмаси мени хаёл исканжасидан чиқарди. — “Бекорга келибман, мияси айниган чол мениям ми-

ямни қоқиб кўлимга берадиган бўлди” деган фикрга бор-маяпсишти ишқилиб? Гапиришнинг бир мавриди келиб қолди-да. Тоғда ёлғиз юраверсангиз ичингиз гапга тўлиб кетаркан. Анча бўшатиб олдим. Энди сизга фойдали гаплардан гаплашамиз. Бугунча яхшилаб дам олинг, анави дарё ирмоғи бўйида қумлик бор. Кундузи роса қизийди. Чўмилиб, шу қумга кўмилиб ётсангиз бадандаги бутун ғуборларни, танадаги шамоллашу бодларни қувади. Тоғ суви қанчалик совуқ бўлмасин, зиёни йўқ, роҳатбахш этади, тўлқинлари гўё массаж қилгандек бўлади.

Дарҳақиқат, сескана-сескана яхдек сувга бир шўнғиб чиққанимни биламан, гўё бошқатдан туғилгандек бўлиб қолдим, назаримда оби-ҳаёт деб аталувчи бу неъмат вужудимдаги барча чарчоқлару хилтларни сездирмайгина суғуриб олиб, қайта ҳаёт бахш этгандек. Яна бир-икки марта сувга шўнғигач, ирмоқ бўйидаги қизиб турган қумга чўзилдим. Совқотган танам иссиққина қум тафтидан ҳузурлана ошлади. Беш-ўн дақиқалар ўтиб бутун танамни реза-реза тер босди. Қайноқ қум ҳаммом муолажаси вазифасини бажараётганди. Маълумки, ҳаммомда қаттиқ терлаганда вужуддаги ортиқча тузлар, ишқорлар, шлаклар эриб, ташқарига чиқади. Бунинг оқибатида кўпгина касалликларни келтириб чиқарувчи омилларнинг олди олинади. Мана сизга оддий табиий сиҳатгоҳ. Кўпгина одамлар шу бепул имкониятлардан фойдаланишга ҳафсаласизлик қиладилар, касалликни орттириб олгач, касалхонама-касалхона югуришни бошлайдилар, минг-минглаб сўм пулларни беҳуда совуриб юраверадилар. Бу сарф-харажатлар наф берса хўп-хўп, лекин аввалдан олди олинмаган хасталик чангалидан бутунлай қутулиб кетиш қийин. Келгусида университетни битириб, журналист бўлсам ва матбуот тармоқларида ишласам, албатта қуда бува айтган табиат жароҳатлари, одамлар онгидаги жароҳатлар ва табиий муолажалар ҳақида мақолалар ёза-

ман. Қум иссиғи баданимни куйдира бошлаб, хаёлим бўлинди. Шунда саунадагидек ўзимни совуқ сувга ташлаш фурсати етганлигини билдим.

Сув, қуёш, қум менга беқиёс тетиклик, яхши кайфият бахш этганди. Тепаликка илдам, ҳарсилламайгина кўтарилдим. Авваллари бундай баландликларга чиққунча тилим осилиб, пешонамдан дув-дув тер оқарди.

— Келдингизми, Баҳромбой? — Қарши олди куда бува.— Қани, ўтирақолинг, овқат сузаман.

Қизик, яқинда чой ичиб, қорин тўқлаб чўмилишга кетганимга қарамай иштаҳам карнай, овқатланишга иштиёқ баланд эди.

— Тоғда, айниқса, чўмилгандан кейин қорин тез очқайди, — ичимдагини ўқигандек гапира кетди куда бува. — Чунки бу ерда еган таомингиз баданга тез сингади, яъни ҳазм бўлади. Шу сабаб овқат одамга куч-қувват бўлиб сўрилса-да, семиртирмайди.

Қария кўп маҳтал қилмай катта косада тоғ эчкиси гўш-тидан қайнатма шўрва келтириб қўйди. Шўрвани ичарканман, ундаги тоғ гиёҳлари таъми келиб турган гўштни чайнаганда, мазаси оғизда қоладиган сувини хўплаганда беҳад лаззат туярдим.

— Раҳмат, куда бува, умрим бино бўлибдики, бундайин лаззатли шўрва ичмагандим, — чин дилдан миннатдорчилик билдирдим.

— Ош бўлсин, — деди қария мақтовимдан оғзининг таноби қочиб. — Айтдим-ку сизга, тоғ неъматларидан тайёрланган таомлар бошқача тотли бўлади, деб. Ҳали бунданда ажабтовурларини еймиз. Ҳозир чой устида ўша сизни қизиқтирган асал ҳақида гаплашамиз. Ишқилиб зерикиб қолмайсизми?

— Йўғ-е, агар зерикадиган бўлсам келмаган бўлардим.

— Бўлмаса, эшитинг. Асалари асални уч манбадан тайёрлайди, яъни гул шираси(нектари)дан, табиатдаги

ҳар хил ширалардан ва ҳар хил меваларнинг шарбатларидан фойдаланади. Нектардан олинган асал гул асали дейилади. Дарахтларнинг барг ва таналаридаги ширалар ажратадиган маҳсулотни асаларилар падъ (иккинчи нав) асалига айлантирадилар. Бу асалнинг сифати мевалар ширасидан олинадиган асал сифати билан тенг бўлиб, “асал” деб аталса-да, бироқ у нектардан ҳосил бўладиган гул асалидан фарқ қилади.

Гул асали ўзининг шифобахшлиги ва хуштаъмлик хусусияти билан юқори баҳоланади. У антибактериал хусусиятга эга бўлиб, кўпгина касаллик қўзғатувчи микробу вирус дейилгувчи жонзотларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва уларни ўлдиради. Йирингли яралар, чипқон ва юқумли касалликларни даволашда суртма сифатида қўллаш мумкин. Асал дармон қуришида, озиб кетганларга, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак ярасида, сариқ касаллигини даволашда ички дори сифатида қимматли. Асални моддалар алмашинуви яхши бўлмаган болалар ҳамда қарияларга бериш фойдалидир.

Қадимий аجدодларимиз асалдан қуйидагича тарзда фойдаланганлар:

Шолғом уруғини ховончада янчиб асал билан ейилса ични юмшатади.

Зулукни қуришиб асалга солиб яланса, буйракдаги тошларни майдалайди.

Ҳар кимнинг мижози совуқдан ташвиш келтираётган бўлса, долчин, асал ва анор шарбатларини қайнатиб, иссиқ ичса, ташвишдан қутулади.

Инсон жигари тўрт нарсани — хом карам, творог, қаттиқ нон ва асални хуш кўради.

Петрушка уруғи, нўхат ва асал истеъмол қилиб юрган кишининг қовуғи мустаҳкам бўлади.

Ёнғоқ мағзи билан асалдан мураббо тайёрлаб еб юрилса буйракни семиртиради.

Кунига уч дона аччиқ бодомни талқонлаб асалга қўшиб еб юрсангиз жигар касаллигидан шифо топасиз.

Сабзини сувда қайнатиб, сўнг асалга қўшиб ейилса қонни тозалайди ва жигарга ёрдам беради

Сирка ва асал қўшиб еб турилса, жигар хасталиклари-га шифо бўлади.

Ўн грамм сариқ бедани сувда қайнатиб, суви асал билан истеъмол қилинса, нафас танглиги(астма)га даводир. Яна икки грамм хантал(горчица) уруғини майдалаб, асал билан истеъмол қилсангиз ҳам нафас танглигидан халос бўласиз. Шунингдек, ҳар куни саккиз-тўққиз грамм райхон сувини асалга қўшиб ичган одам ҳам нафас танглигидан халос бўлади.

Нафас қисганда бир граммдан мўмиё, асал ва алоздан тайёрланган аралашмани наҳорга истеъмол қилиб туриш лозим. Юз граммдан исирик ва зиғирни ярим кило асалга аралаштириб, ундан бир чой қошиқда кунига уч маҳалдан истеъмол қилиб турган одам ҳам нафас қисишидан даво топади.

Оқбош карам шарбатига асал аралаштириб ичган одамнинг томоғи юмшаб, йўтали қолади.

Болаликдан асал истеъмол қилиб турилса турли хасталикларнинг олди олинади, асаб тизими кучли бўлади, баданнинг қуввати, чидамлилиги ошади.

Кекса ёшдаги кишилар ҳар оқшом эллик-етмиш граммдан асал истеъмол қилиб турсалар иштаҳаси, уйқуси, кайфияти, ошқозон ҳазмлаши яхшиланади. Бундай инсонларнинг танаси хасталикларни енгил енгади.

Агар тенг миқдордаги ёнғоқ мағзи ва асални аралаштириб, қўшимча озиқа сифатида қабул қилиб турилса гипертоник касалликларда, юракнинг ишемик касаллигида, миокард, анемия, дармонсизлик(астения)да,

шунингдек, юрак, жигар ва ошқозон касалликларида жуда катта фойдаси бор. Яна сил касалликларини даволашда, ҳомиладор ҳамда эмизувчи аёлларга, болаларга ғоят зарур озиқа бўлишини айтмайсизми?!

Аралашмани кунига 3-4 маҳал 1-2 чой қошиқдан истеъмол қилиб борилади.

— Сил касаллигини даволашда асалдан қандай фойдаланилади? — сўрадим бир танишимнинг шу дардга мубтало онасини эслаб.

— Бунинг учун бир стакан асалга бир стакан эчки ёғи, бир ош қошиқ оқ қайин сувини аралаштириб паст оловда қизитилади. Сўнгра олиб қўйиб, икки соат тиндирилади. Аралашмани кунига уч маҳал бир ош қошиқдан ичиб турилади. Агар ўпка сили бўлса, айиқ ёғига баробар миқдорда асал аралаштириб, кунига уч маҳал ичиб турилади.

— Жигар ва ошқозонни даволашда асални қўллаш усули қай тарзда амалга оширилади? — қизиқишимга тўлиқроқ маълумот олиш учун қуда бувани яна саволга тутдим.

— Бир стакан турп шарбати тенг миқдордаги асал билан яхшилаб аралаштирилади. Бундай аралашмани жигар, ўт ва ошқозон касалликларида кунига уч маҳал бир ош қошиқдан ичиб турилади. Ошқозони оғрийдиган беморлар учун яна бир шифо усули шуки, ярим кило асалга беш юз миллилитр баргизуб (зубтурум) сувини қўшиб, паст оловда йигирма дақиқа қайнатилади. Совитилгандан сўнг аралашмани истеъмол қилиш мумкин. Ошқозон оғриғида овқатланишдан йигирма-ўттиз дақиқа олдин бир кунда бир ош қошиқдан уч маҳал истеъмол қилинади. Бу илиқ қайнатмани бронхит, йўтал, балғам ташлашда ҳам юқорида айтилган тартибда қабул қилиш мумкин.

— Кўп учрайдиган шамоллаш касаллигида ҳам асалдан фойдаланса бўладими? — қариянинг қимматли маслаҳат-

ларини иложи бориचा кўпроқ суғуриб олиш учун у гапини тугатмасдан кейинги саволни бердим.

— Албатта, бўлади. Ҳамонки, асал қиздирувчи неъмат экан, шамоллаш, тумов, грипп, йўтал каби дардларга яхшигина шифодир. Бунинг учун уч ош қошиқ майдаланган мойчечак (ромашка) гулини ярим литр қайнаб турган сувга солиб, 15 дақиқа давомида қайнатишда давом эттирилади. Сўнгра уни совутиб, тиндириб икки ош қошиқ асал билан аралаштирилади. Бу қайнатманинг эътиборли томони шундаки, ундан томоқ оғриғида, сурункали тонзиллитни даволашда, тиш милклари шамоллаганда, шунингдек, яра ва шикастланган жароҳатларда, тўғри ичак ёрилиши, колитга қарши фойдаланиш мумкин.

Йўталда юз миллилитр турп сувига бир ош қошиқ асал кўшиб, асал эриб кетгунча аралаштирилгач, ҳар соатда истеъмол қилиб турилади.

Асалнинг бундан ташқари ҳам шифобахш хусусиятлари кўп. Зарурат бўлса кейин ёзиб олишингиз мумкин.

— Шунча маълумотларни қаердан олгансиз? — сўрадим қуда буванинг асал фойдалари ҳақида шунчалик теран билишидан ҳайратланиб. — Университетимиздаги домлалардан қолишмайсиз.

Қуда бува мийиғида кулиб кўйди-да, яна гапга тушиб кетди:

— Асалари боққандан кейин унинг фойдали хусусиятларини ҳам билиш керак-да! Мен сиз каби университетда домлалардан эмас, аждодларимизнинг, биздан илгари ўтган халқ табobati алломаларининг битикларини қидириб топиб ўқийман. Ўтмишда жуда кўп ҳозиқ табиблар ўтган. Уларнинг мерослари шунчалар қимматлики, агар шу дурдоналар батафсил тартиб қилиниб, халқ эътиборига етказиш чоралари кўрилганда эди, хасталанадиганлар миқдори анча кам бўларди.

Афсуски, ҳозирги давлатимиз ўтмишдошлари тузумни маданийлаштириш ақидасини кўр-кўрона татбиқ этиш чоғида кўпгина табобат алломаларининг арабча имлода ёзилган қимматли рисоаларию китобларини диний фаҳмлаб, йўқ қилиб юборишга буйруқ бераверганлар. Ўша даврда фаолият кўрсатиб юрган билимдон табиблар ҳам эскилик сарқити сифатида қатағон қилинди. Натижада, халқимизнинг нафақат маданий тараққиётига, балки тиббий соҳадаги ривожланишига ҳам зарба берилди. Бунинг асорати қаерда сезилишини яхши биласиз — кўпроқ оддий фуқаролар азият чекади. Яхшиямки, маданиятимиз ва табобатимизнинг асл фидойилари томонидан яширинча асраб қолинган ҳозиқ табибларнинг рисола ва китобларига эга бўляпмиз. Ана ўшаларни топиб ўқийман. Билганларимни сиз каби қизиқувчиларга айтаман. Баъзи беморларга билганча маслаҳатларимни бераман. Уларнинг аксарияти кейинчалик кўришиб қолганимизда дардларига баҳоли қудрат шифо топганликларини айтиб, миннатдорчилик билдирадилар. Одамларга нафим текканидан ўзим ҳам хурсанд бўламан. Энди, Баҳромжон, иккимиз бир оз дам олайлик. Суҳбатимизни кечқурун давом эттирармиз.

Қуда буванинг чодирда ўн кун қолиб кетибман. Тирик хазина бўлган у киши ҳар куни ҳаётимда эшитмаган ҳикматга тўла ривоятлару воқеаларни гапириб беради. Айниқса, табобат соҳасида жуда қизиқарли ҳикоялар эшитдим. Ҳар бир гиёҳнинг шифобахш хусусиятларини батафсил гапириб беришдан ташқари эртасига ўша гиёҳ ўсадиган жойларга олиб бориб, ўсимликни таништиради. Унинг қачон гуллашини, қачон мева тугишини, қайси қисми қандай касалликка даво бўлишини эринмай тунунтиради. Мен уларнинг айтганларини иложи борича қолдирмай ёзиб олишга ҳаракат қиламан, гиёҳларнинг кўринишларини хотирамга муҳрлайман.

Тоғда менинг диққатимни тортиб лол этган сеҳрли олам қуда буванинг пазандалиги эди. Чунки ҳар кун у киши мен аввал емаган ва хаёлимга ҳам келтирмаган мазага эга таомлар тайёрлар, бундан ўзи ҳам мароқланарди. У кишининг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузата-кузата мен ҳам шундай таомлар қилишни ўрганиб олган бўлсам-да, аммо мазасини сира ўхшатолмадим. Қуда бувадан бунинг сабабини сўрасам, у киши ҳар бир таомга қўшиладиган масаллиқни солиш, пишириш, қовуриш вақти борлигини ва унга риоя қилиш лозимлигини таъкидлайди. Бундан мен ҳайрон бўлардим. Чунки қуда бува бу ишларни бажариш чоғида сира соатга қарамасди. Менингча, қария қовуришда ёки пиширишда масаллиқнинг етилиш меъёрини вақт тушунчасида қабул қиларди. Хуллас, тоғдан бир дунё қувончу таассурот билан қайтдим.

* * *

Роҳатойга берган ваъдамга биноан чоршанба кунигача уйимизда олиб қўйган илон пўстини ховончада майдалаб туйгач, ётоқхонага келтириб хурмо ширасига аралаштирдим ва кичкина шиша идишга солиб қўйдим. Гарчанд бу малҳам сўтални йўқ қилишига ўзим унчалик ишонмаётган бўлсам-да, аммо Роҳатой билан учрашишга яхшигина важ эди.

Дарҳақиқат, бу имкондан фойдаланиб қизни икки ҳафтагача кўриб, дилдан суҳбатлашишга, унинг феъл-атворини анча батафсилроқ билиб олишга муваффақ бўлдим.

Мана бугун ишдан қайтгач, ювиниб-ясаниб сўнгги имкониятимдан фойдалангани тўқимачилик комбинатининг ётоқхонаси сари йўл олдим. Роҳатой билан анча яқин бўлиб қолдик. Менинг кўнглим тўридан жой эгаллай бошлагани учун хаёлимни ҳам кўпроқ банд эта-

диган бўлди. Сўталини кўздан кечириш, малҳам суртиш баҳонасида момикдай билагининг юқорисини силарканман, юрагим қинидан отилгудек бўлади, вужудимда титроқ туради, сўзларим пойинтир-сойинтир бўлиб кетади. Мендаги ўзгаришларни сезиб, ҳис қилиб турган Роҳатойнинг ҳам мендан кам ҳаяжонланмаётганлиги аниқ эди. У аввалги келганимда яқин кишисини кўргандай қувониб кетган, елиб-югуриб навозиш кўрсатган, ишим, оилам ҳақида кўпроқ нарсаларни билиб олишга қизиққанди.

Хаёлим бугунги учрашувимиз билан банд. Ахир бугун биринчи учрашган кунимиз унинг олдига шарт қилиб қўйган кўнгилларни бирлаштириш ҳақидаги таклифимга аниқ жавоб оламан. Албатта, унинг таклифимни қабул қилишидан кўнглим тўқ бўлса-да, негадир юрагим безовта эди. Бу безовталик сабаби нимадан эканлигини ҳарчанд уринмай билолмай келяпман.

Роҳатой мени ётоқхонага кираверишда кутиб олди. Бахтиёрлик қуши бошига қўнаётганидан қувончининг чеки йўқ, бир дақиқа бўлсин, барвақтроқ учрашишга шошган қиз бечора, кўзлари гирёна ҳолда қоровул ўрис кампир олдида турарди.

— Ассалому алайкум, Баҳром ака, яхши етиб келдингизми? — деб қўлини сўрашмоққа узатди. — Қоровулимиз йўлингизни тўсиб вақтингизни олмасин, дея кутиб турган эдим.

— Кўп кутиб қолмадингизми ишқилиб? — Одоб юзасидан сўрадим. Унинг кўзларида соғинчми, ишқ навниҳолдан сармастлиқ ифодасими зухурланганди.

— Йўғ-е, яқинда тушгандим. Кампирга сизнинг келишингиз ҳақида энди айтиб бўлгандим. Қани, юра қолинг.

Қоровул кампир оптимиздан ҳавас ҳамда ҳасад билан тикилиб қолганини ҳис қилдим.

— Ишда чарчамадингизми? Ўқишларингиз яхшими? Уйингиздагилар соғ-саломат юришибдими? — саволларини ёғдирди Роҳатой учинчи қаватга кўтарилаётганимизда. Мен “йўқ”, “ҳа”, “яхши, яхши” дейишгагина улгурардим, холос.

Хонага киргач, Роҳатой мени ўтиришга таклиф этиб, ўзи чойнак кўтариб чиқиб кетди. Кўп ўтмай у Мактуба билан бирга кириб келишди.

Саломлашувда Мактуба ҳам дугонасининг сўзларини такрорлагач, ўзаро сўрашишлар ҳам чамаси беш дақиқача давом этди. Роҳатой дастурхон устидаги докани олиб қўйди-да, чой қуйишни бошлади. Кичкина стол усти тансиқ ва қимматбаҳо ноз-неъматларга тўла эди.

— Бирортангизнинг туғилган кунингизми? — сўрадим дам Мактубага, дам Роҳатойга таажжубли боқиб. — Талаба бўлсангиз ҳам яшаш тарзингиз шоҳона-ку!

— Кеча маошимиз текканди, — кулиб деди Мактуба, — шундай пайтларда икки-уч кун шоҳона яшашга ҳаққимиз борми, йўқми? Уйимиздагилар ҳам ҳар доим “Ойликларингизга яхши-яхши еб юринглар, тагин толиқиб қолманглар”, деб тайинлашади.

— Ундай бўлса яхши, — дедиму, хаёлимда ўзимнинг камтарона ҳаётим кеча бошлади. Тўғри, мен ҳам ойлик маош оламан, лекин уни онамга олиб бориб бераман. Чунки онам ҳалиям оиланинг асосий боқувчиси бўлиб келмоқдалар. Онамга кўмак бўлсин, деб ўзимни ортиқча сарф-харажатлардан тияман.

— Баҳром ака, чойдан ичинг, намунча хаёл суриб қолдингиз? — кулди Мактуба. — Бирор нарса есангиз қарз бўлиб қолишдан кўрқяпсизми?

— Йўғ-е, аксинча, бу ноз-неъматлардан кўпроқ еб қўйсам, аввалгидек лаззатли паловдан кўп ололмай қоламанми, деб кўрқаяпман.

Қизлар кулишди.

— Ҳамма гапга жавобингиз тайёр-а! — деди Роҳатой бошини сарак-сарак қилиб. — Кроссвордларни ҳам бир-пасда ечиб ташласангиз керак?

— Одам кроссвордларни еча оларканку, аммо ўз ҳаётига тузиб қўйилган кроссворд-қисматни ечишга ожиз қоларкан. Лекин инсон ўз қисмати қандай кечишини билса, ҳаёти зерикарли бўлиб қолса кераг-ов.

— Ўртоқлар, — мурожаат қилди Мактуба, — келинлар, камтарона ўтиришимизни дабдабали фалсафа маърузасига айлантирмайлик-да, ҳаётий суҳбатлару ноз-неъматлардан баҳраманд бўлиб ўтирайлик.

— Баҳром ака энди мулоҳазаталаб гаплардан гапираётгандилар-а, ўртоқ, бекор гапларини бўлиб қўйдингиз, — норози оҳангда Роҳатой эътироз билдирди.

— Эътиборингиз учун, — Мактуба аввалгидек кўтаринки кайфиятда давом этди, — ҳозир ошни еб бўлгач, мен сизларни тарк этаман. Иккинги хохлаган мавзуингизда гаплашаверасизлар.

— Қаёққа кетмоқчисан? — дея Роҳатой иккимиз унга қарадик.

— Сизларга айтсам, бир соатдан сўнг мени Улуғбек ака кутадилар.

— Нега у кишиниям ошга таклиф қилмадингиз? — норози чимирилди Роҳатой.

— Бугун Улуғбек ака тугул мен ҳам бу ерда ортиқчалигимни биламан.

— Нега?

— Чунки иккинги кўзларингизда дил розингизни изҳор этмоқ ифодасини кўрмоқдаман.

Роҳатой иккимиз беихтиёр бир-биримизга ялт этиб қарадик. Қизнинг чехрасига нимранг қизиллик югурган, нигоҳларида кишини сеҳрлашга қодир жодули шуъла акс этар, киприклари эса пайкон янглиғ юра-

гимни нишонга олаётгандек эди. Мен эса қизлар билан энди танишаётган ўспирин йигит ҳолатига тушиб, тилим бир сўз айтмоққа лол, юрагим қафасдан чиқишга уринаётган қушдек потирлаб урарди.

Агар Мактуба “Биз ош сузиб келамиз, чой ичиб туринг”, демаса, шу ҳолатда қанча ўтирардим, билмайман. Қизлар қайтиб келишганда бир оз ўзимни кўлга олишга муваффақ бўлгандим.

Қўшни қизнинг илмоқли ҳазил-хузули билан ош еб бўлингач, у учрашувга чиқиб кетди. Биз яна бир неча муддат бир-биримизга сўз қотишга журъат этмай жим қолдик.

— Айтмоқ-чи, аввалги малҳамлар таъсир кўрсатай демими? — сўрадим куч топиб.

— Ҳа-я, дарвоқе, малҳамингиз таъсир кўрсатиб сўгал жуда кичрайиб кетди. Аслида ўшанга қувониб сизга барвақтроқ айтай десам, Макту ўзининг ҳазиллари билан бошимни айлантириб ташлади, гапимдан чалғитиб юборди. Лекин шундай қилмаса сизнинг қарашларингиз мени транс ҳолатига солиб қўйганича ўтираверармидим.

— Демак, Мактуба тўғри айтибди-да, “кўзларингизда дил розини айтмоқ ифодаси бор” деб. Кўзларингиздаги жодули нигоҳларда акс этган ифодани дил розингиз деб тушунсам бўладими?

Роҳатой қизариб ерга боқди.

— Қайдам, дил розилигининг ўзи бутун вужуд билан севиш учун етарли бўлмаса керак, — деди қиз бир муддат ўйлаб тургач. — Бунинг учун токи иккимиз бир-биримизнинг феъл-атворимизни, юриш-туришларимизни, нуқсон-камчиликларимизни билиб олишимиз учун қанчадир фурсат керак бўлар, дейман.

Роҳатойнинг ушбу мулоҳазалари негадир менга Латифани эслатиб юборди.

— Ҳақ гап. Лекин обдон синовдан ўтган ошиқ-маъшуқалар ҳам кўпинча ҳар хил сабаблар билан бир-бирининг висолига етолмай қоладилар. Шундай бағри доғларни биламан.

— Тўғрику-я, лекин бир-биримизни ҳар томонлама яхши билмасдан, етарли қониқиш ҳосил қилмасдан шоша-пиша турмуш қуриб, кейин умрбод афсусланиб юриш сизни хавотирга солмайдими?

Қизнинг жўяли мулоҳазалари мени бир неча лаҳза ўйга толдирди.

— Биласизми, — аста сўз бошладим, — мулоҳазаларингизда жон бор. Аммо мен бу борада бошқача фикрданман. Хабарингиз бор, беш-ўн йиллаб севишиб-синашиб турмуш қурганлар ўртасида ҳам келишмовчиликлар, ҳатто ажрашиб кетишлар бўлиб туришини эшитганман. Чунки ҳар қандай севишган йигит-қиз то турмуш қуришгунга қадар баъзи нуқсон-камчиликларини бир-бирларидан яшириб юрадилар. Тўй ўтиб, бахтиёр ҳаёт кечираётган кунларнинг бирида шу нуқсон-камчилик ўртага қалқиб чиқади. Ана ўшанда турмуш қозонига заҳар қўшилиб ҳаётнинг ҳасратли кечиши бошланади. Менинг ўзим севги-муҳаббатни илоҳий туйғу деб биламан, ҳамонки у кимларга насиб этаркан, шу туйғуни эъзозлаши, асраб-авайлаши лозим деб ўйлайман. Акс ҳолда, уни хазон қилиб топтаганлар севгининг уволига қолиб умрбод азоб чекишга маҳкумдирлар. Муҳаббатни яна шундай туйғу деб тушунаманки, гоҳ у нур каби оний лаҳзада қалбингизга кириб сизни асир этади, гоҳ ойлар, йиллар давомида вужудингизда мудраб ётаверадиган кунларнинг бирида шер каби ўкириб уйғонади. Сиз ҳар икки ҳолатда ҳам унга пешвоз чиқишингиз ва авайлаб, қалб қошонасига таклиф қилишингиз лозим. Акс ҳолда, у ўзига муносиб макон тополмай заволга юз

тутиши мумкин. Назаримда, сизнинг қалбингизда кўпдан буён мудраб ётган муҳаббат туйғуси уйғонгану, аммо уни дил розингизга қўшиб менга бағишламоққа чўчиб, иккиланмоқдасиз. Лекин билиб қўйингки, менинг аввал жароҳатланган юрагимда ниш уришни бошлаган туйғуларим сизга бўлган муҳаббатимни қадрлашга, ардоқлашга ва ҳимоя қилишга қодир.

Севги ҳақидаги мулоҳазаларимни сел бўлиб, мароқ билан тинглаётган Роҳатой “жароҳатланган юрагим” деган жумламни эшитганда сергакланди.

— Сиз аввал ҳам севганмидингиз? — сўради у жиддийлашган нигоҳларини менга қадаб. — Ким эди у? Нега у севгингиз барбод бўлди?

Мен унга бахтиқаролар нигоҳи билан қарадим.

— Эртами кеч бу ҳақида сўрашингиз тайин бўлгани учун мавриди келганда ўзим айтиб қўяқолай, дегандим. Ҳа, мен севгандим, севилгандим. Армияда бир йил хизмат қилгунча мен энг бахтиёр ошиқ эдим. Лекин инсоннинг қисмат китобида яхши-ёмон кўргуликлари битилган бўларкан. Мен ана шу қисматнинг жабрдийдаларидан бириман, — деб сўз бошладим ва Латифа билан ўртамизда ўтган кечмишни таассуротга берилиб шундай ҳикоя қилиб бердимки, ўзимнинг кўзларимдан ёш чиқиб кетди.

— Бас, Баҳром ака, бу ёғини гапирмай қўяқолинг, — менинг Латифадан айрилишим сабабларини эшитаркан, Роҳатой икки қўли билан юзларини беркитиб олди. — Мени кечиринг, дардингизни янгилаганим учун.

Шунга қарамай, мен Латифа ҳақидаги ҳикоямни охиригача гапирдим. Роҳатой бояги ҳолатини ўзгартирмай ўтираверди-ўтираверди. Унга сўз қотишга, юпатишга журъатим етишмасди. Ўн беш-йигирма дақиқа шу алфозда ўтирган қиз, ниҳоят бир қарорга келди шекилли, бошини кўтариб, нигоҳини менга қаратди.

— Баҳром ака, мени кечирасиз, боя айтганингиздек, севги уволига қолсам-да, минг афсусларки, сизнинг қалбингизга яна бир бор жароҳат етказишга мажбурман. Менга ҳам қанчалик оғир бўлмасин, сизнинг муҳаббатингизни рад этмоқчиман.

Биров бошимга гурзи билан ургандек зарбадан гангиб, юракларим симиллаб кетди. Наҳотки, Латифа билан барбод бўлган муҳаббатимиз уволи уни заволга учратган кимсаларни эмас, мени тутаётган бўлса!

Энди мен бошимни чангаллаб қолдим.

— Нима учун рад этмоқчисиз? Аввал бошқа бировни севганим учунми? Ростини айтиб қалбингизга озор етказганим учунми? — аламли иддаоларим оғзимдан таънали отилиб чиқарди.

— Йўқ, йўқ, йўқ! — Роҳатойнинг нозик бармоқлари билан тўсилган оғзидан шу сўзлар оғриқли эшитилди.

— Унда рад этишингиз сабабини айтинг!

— Мен сизга лойиқ эмасман.

— Нега бундай деб ўйлаяпсиз?

— Буни билишингиз шарт эмас.

— Йўқ, яхши қиз, ҳамонки, сиз юрагимни яралаб севгимни рад этаркансиз, бунинг сабабини ҳам айтасиз.

— Айтиш мен учун қанчалик оғирлигини билсангиз эди...

— Ундан оғирини айтиб бўлдингиз.

Роҳатой кўз ёшларини кафти билан артиб, бурнини тортиб қўйди. Чуқур хўрсиниб олгач, мени дилгир қилиб яна бир неча сония жим қолди.

— Сизнинг севгилингиз Латифани тузоққа илинтириб, Зоминга олиб кетган ва номусини топтаган кимса менинг отам бўлади.

Мен ҳайрат ва даҳшатдан қотиб қолгандим. Роҳатойнинг гаплари бошимга яна гурзи зарбасидек таъсир этди.

— Сизнинг отангиз?! Қанақасига?..

— Қандай ўйласангиз шунақасига, — деб қиз ҳиссиз жавоб қилди. — Энди тушундингизми рад жавобимнинг сабабини? Илтимос, энди кетинг.

— Йўқ, аввал сиз батафсил гапириб беринг, балки бошқа киши билан адаштираётгандирсиз. Тагин англашилмовчилик қурбони бўлиб қолмайлик.

Роҳатой индамай ташқарига чиқиб кетди. Чамаси, ўн беш дақиқалар кирмади. Ниҳоят юзини ювиб қайтди шекилли, сочиққа артинди.

— Отамнинг исми Акром, фамилияси Сотволдиев бўлиб, Жиззах вилоятида туғилиб ўсган. — Роҳатой рўпарамдаги стулда менга қия ўтирганича сўзлай бошлади. — Мен туғилиб ўн икки ёшга тўлганимда дадам онамнинг тўртинчи қиз туққанига аччиқ қилиб ташлаб кетган экан. Ойимнинг айтишига қараганда, дадам чуқур билимли, бир қатор фанларни мукаммал эгаллаган одам бўлиб, Жиззах педагогика институтида домлалик қилган, фан номзодилик диссертациясини ёқлаган. Ана шу имкониятлари унинг институтда обрўга эга бўлишига ва бундан фойдаланиб, атрофига ҳамтовоқлар йиғиб талабгорларни институтга киритиш билан шуғулланишга йўл очиб берган. Натижада, кўп бойлик оқиб кела бошлаган. Бу бойлик дадамнинг кўзини кўр қилиб, майшатга берилишига ва охир-оқибат бизни ташлаб кетишига олиб келган. Тўғри, бутунлай йўқ бўлиб кетмаган, ҳар замонда келиб бизга пул, совға-саломлар ташлаб кетарди. Лекин бизни ойим боқиб ўстирдилар, ювиб-тарадилар, ўқитиб-тарбияладилар.

Мен ақлимни таниб, оқ-қорани ажрата бошлаганимда, отам ҳақида кўпроқ гаплар эшита бошладим. Маълум бўлишича, отам бизни ташлаб кетгач, қиморбозлик, фаҳш, порахўрлик, қабил жиноий ишларга муккасидан кетган. Оқибатда институтда бир талаба қизни зўрлага-

ни фош бўлиб, бу ердан ҳайдалган. Қамалишдан кўрққан дадам Тошкентга қочиб кетади ва ўша ердаги қиморбоз ҳамтовоқларидан паноҳ топади. Ўзи эса казо-казоларнинг фарзандлари таҳсил оладиган халқ хўжалиги институти атрофида ўралашиб, фирибгарлик билан шуғулланади ва бундан яхшигина манфаат кўради. Бундан ташқари, дадамнинг ниҳоятда моҳир қиморбозлигини эшитганман. Менимча, қиморбозликдан жуда катта бойлик орттирган. Буни гарчанд дадам биз билан яшамаса-да, гоҳо-гоҳо уйимизга уни қидириб келадиган милиция ходимларининг гап-сўзларидан билиб олганман. Ўшанда онам қон-қон йиғлаб қолардилар. Шу боис гарчи дадам мени дунёга келтирган бўлса-да, бизни ташлаб кетган кундан буён уни ёмон кўриб қолганман, нафратланаман, “дада” дейишга ор қиламан. Шундай бўлса-да, сизга, севгилингиз Латифага қилган қабихлиги, разиллиги учун ўзимни айбдордек ҳис қиляпман ва била туриб севгингизни қабул қилишни хиёнатдан-да оғир гуноҳ деб биламан, шунинг учун севгингизга нолойиқман. Чунки ҳар қандай одам, шу жумладан, сиз ҳам ўзига разиллик қилган кимсанинг қизини ўзига муносиб деб билмайди ва у билан бахтли яшай олмаслиги аниқ. Мана, ҳақиқатни билиб олдингиз. Энди мени ўз ҳолимга қўйинг-да, бошқа бахтингизни қидиринг. Мен сиздан асло хафа эмасман, фақат қисмат сизни менга раво кўрмаганига хафаман. Алвидо, мени кечиринг.

Бир неча сония ўйланиб тургач, чўнтагимдаги малҳам солинган идишни стол устига қўйиб, эшикни ташқарисидан ёпиб чиқиб кетдим. Ичкаридан эса Роҳатойнинг қаттиқ йиғиси эшитилди.

* * *

Шанба куни уйда эканман, Мактуба синглимдан мени сўратди. Кўчага чиқсам, у кўзлари хавотирли, бесаранжом турарди.

— Нима гап, тинчликми? — сўради қўшним.

— Нима, тинчликми? — деб Мактубанинг саволига савол билан жавоб қилиб.

— Роҳатойга нима дедингизки, у туни билан йиғлаб чиқди ва эрталаб ҳеч нарса демай уйига кетиб қолди. Шу бўйи дараги йўқ. Шунга сиз бирор нарса деб, хафа қилиб қўйдингизми деб сўрамоқчийдим.

— Унинг ўзи таклифимни рад этиб, юрагимни парчалаб, хафа қилди-ку!

— Нега? Ўша куни розилигини айтмоқчи бўлиб турувди-ку!

Мен унга Роҳатой билан ўртамизда бўлиб ўтган гапларни батафсил гапириб бердим.

Мактуба танг қотиб қолди.

— Наҳотки, бу тасодиф ҳақиқат бўлса!.. — у фиғони ошиб ғудранди. — Менгина ўлгур сизларни бахтли қиламан деб, аксинча, бахтсиз қилиб қўйибман-ку! Ҳаҳ, менгина ўлгур-а!

— Сен ўзингни айблайверма, буни қисмат дейдилар.

— Сиз йигит кишисиз, ҳар қандай кўргуликларга бардош бера оласиз. Аммо Роҳатой-чи? У жуда таъсирчан қиз. Ёшлигидан отасининг разил ва қабиҳ ишларини эшитиб жуда эзилган, ғамгин бўлиб қолган экан. Шу туфайли у севиб қолишдан қўрқиб, йигитлар билан гаплашишдан ўзини тортиб юарди. Бу мен, сизни унга мақтайвериб, таърифингизни дoston қилавериб, учрашишга кўндиргандим. Бу ёқда сизнинг яраланган юрагингизни қайта пораланишига сабабчи бўлиб қолдим. Шунини айтар эканлар-да “Ўртада турма, ўтда ёнасан” деб. Мени кечиринг.

— Кўпам ўзингни айблайверма, дедим-ку! Ахир, сен воқеанинг бундай бўлиб чиқишини билмагансан.

— Лекин воқеа содир бўлиб бўлди. Бу Роҳатойга қан-

дай таъсир этишини тасаввур қиялпман. Ишқилиб, ўзини бир балога дучор этиб қўймасин-да!

— Бунчаликка бориб етмаса керак,

— Айтдим-ку, у жуда таъсирчан деб. У энди ҳам сиз учун, ҳам кўнгли сингани, бунга отаси сабабчи бўлгани учун ўзини айбдор ҳисоблаб, азобланиши аниқ.

— Бечора қиз. Ишқилиб ўша куни “Энди увол бўлган иккала муҳаббатингиз учун жавоб беришим лозим” дейётганди.

— Ростданми? Мени қўрқитманг. Агар шундай деган бўлса ундан хабар олиб келишим керак. Улуғбек акамга айтсангиз, келаси шанба мен билан Роҳатойларникига бориб келсалар.

— Албатта, айтаман.

Лекин Мактубанинг Улуғбек билан Жиззахга бориб-келиш режаси турли сабабларга кўра уч-тўрт ҳафтага сурилиб кетди. Ниҳоят бешинчи ҳафтада йўлга чиққан Улуғбек ва қовоқлари шишиб кетган Мактуба якшанба куни кечки пайт қишлоққа қайтишди. Мен уларнинг тушдан кейин келишларини тахминлаб, ўша фурсатдан бошлаб кўча бетидаги ўриндиқда вақтимни кутиш билан ўтказдим.

Мактуба мен билан кўришмоққа бурилдию, бироқ ўпкаси тўлиб, уйи томон югуриб кетди.

— Тинчликми? — сабрим чидамай Улуғбекдан сўрадим. У бош чайқаб, мени ўриндиққа бошлади.

— Гапира қолсанг-чи? — деб уни турткиладим.

— Хабаримизнинг яхшиси ҳам бор, ёмони ҳам. Биз борсак Роҳатойнинг ойиси кўк кийиб юрган экан. Мактуба “Дугонам ўлибди-да” деб, йиғлаб кириб борди. Мен орқасидан кирдим. Онаси ҳам “пешонамда шу кўргуликлар бормиди?” деб йиғлайверди. Ниҳоят, аёллар тинчиб уйга кирдик. Мен Қуръондан сура тиловат қилишни бошладим.

Охирида дуо қилиб “Роҳатойнинг руҳи покига бахшида этдим” деб фотиҳа тортсам, онаси секин “Роҳатой эмас, дадаси вафот этган” деса бўладими? Мулзам бўлиб “Унда Роҳатой қаерда?” деб сўрадик. “У руҳий касалликлар шифохонасида” деди. Кўнглимиз бир оз таскин топиб, Роҳатойнинг нега у ердалигини суриштирдик. Унинг онаси Роҳила хола кўк рўмоли билан оғзи-бурнини тўсган кўйи ярим йиғи аралаш юз берган воқеаларни сўзлай бошлади. Айтишича, Роҳатой келишидан бир кун олдин, эри Акром Сотволдиевнинг сил касаллигидан вафот этганлиги ҳақида, у ҳибсда ётган Магадан қамоқхонасидан хабарнома олишган экан. Эри Акром бетавфиқнинг бу ўлими уни унчалик қайғуга солмаган бўлса-да, барибир маъракасини қандай ўтказиш ҳақида марҳумнинг ва ўзининг яқинлари билан маслаҳатлашган экан, улар “Ҳарҳолда сен Акромнинг хасми ҳалоли эдинг, ундан фарзандларинг бор, яхшими-ёмонми анча муддат бирга яшадинглар. Бундай пайтда муслималар кечиримли бўлиб, жуфти ҳалолининг гуноҳидан ўтиши улуғ савоб. Ҳар қанча гуноҳ қилган марҳум ўз қилмишлари учун у дунёда жазоларини тортадурлар. Шундай экан, баҳоли қудрат марҳумнинг жисми бўлмаса-да, руҳини шод этишга доир расм-русумларини ўтказиш — маъқул иш. Агар кўлинг калта бўлса, мана биз қарашайлик”, дейишибди.

Эртаси эрталабдан улар йиғилишиб, хонадонда аза очишибди. Йиғи товушлари авж олиб турган пайтда ҳовлига кириб келган Роҳатой “вой жигарим”лаб йиғлаётган қариндош-уруғларини кўргач, “онам ўтибдилар” деган хаёлга борган. Шундоқ ҳам дунёси қоронғи бўлиб келаётган Роҳатойнинг миясига иккинчи қайғу қуйилиб ҳушидан кетган. Шу кўйи бир ҳафтагача ўзига келмаган. Ниҳоят, кўзини очиб, атрофига қараркан, атро-

фида турган яқинларини танимаган. Қўлларини чўзиб; “Онам қани, Баҳром акам қани? Менга уларни топиб беринглар. Эй худо, нега мени онамдан, Баҳром акамдан жудо қилдинг? Уларнинг ўрнига менинг жонимни олмайсанми?” деб илтижо қилаверибди. Шифокорлар унга “ақлдан озган” деган ташхис қўйиб, руҳий касалликлар шифохонасига ўтказишибди. Биз ўша касалхонага ҳам бордик. Роҳатойни бизга учраштиришганда у Мактубани ҳам танимади, қанча гапга солмайлик бир оғиз сўз айтмади. Шифокорлар Тошкентдан мутахассисларни чақиртирмоқчи бўлиб туришган экан.

— Қабиҳ одамнинг ўлими ҳам ташвиш келтирибдида, — дедим секин симиллаётган юрагимни гижимлаб. — Унинг касри яна қанча ёмонлик келтираркин-а?

— Сен ўзингни эҳтиёт қил, — далда берди Улуғбек. — Ҳадеб ўтган нохушликларни ўйлаб сиқилаверма, зиёни борки, фойдаси йўқ. Руҳингга дам бериб, миянгни бўлмағур ўйлардан бўшат. Иложи борица, севиш ҳақида ўйламай, қизлардан нари юр. Қисматингда бўлса, бирор насиб этган қизга уйланарсан. Айтадилар-ку, йигит бахти йўлда, деб. Хайр, мен бораёй.

Улуғбекнинг қораси кўринмай кетгунча кузатиб қолдим.

Учинчи қисм ДУОИБАД КУЧИ

Орадан бир ой ўтди. Кеча атрофни оппоқ қор қоплади. Бу оқлик каттаю кичикка қанча-қанча қувонч бахш этди. Айниқса, болаларнинг қувончи ичига, ўзлари уйга сифмай, кўчани тўлдиришган, бири чана тортса, яна бошқаси қор юмалоқлаб шерикларига отади. Бир гуруҳи эса кичкина тепаликда сирпанчиқ учмоқда.

Якшанба бўлгани учун уйдаман. Бўлиб ўтган нохуш воқеаларни ҳарчанд унутишга уринмайин, бунинг уддасидан чиқолмай азобланишдан бўшамайман. Кўз олдимда ҳадеб гоҳ Латифанинг қиёфаси, гоҳ Роҳатойнинг ғамли сиймоси пайдо бўлиб, дардимни янгилайверади.

Мана, ҳозир ҳам кўчадаги манзарани кузатяпману ундан завқланиш ўрнига қалбимни қамал қилиб турган ғам-ғуссам билан олишаман.

— Айб ўзингда, Латифадан айрилиш жафосини чекаётганинг аримасдан, ўзинг Роҳатойга қалбингни тақдим этиб юбординг, — дейди ғуссам. — Аввалги айрилигингда сенга ҳамроҳ бўлволиб, роса чарчагандим. Энди буниси етмай турувди...

— Кўнглимдаги қиз экан, зора Латифанинг муҳаббатини ўрнини босса, аввалги андуҳларимни унутиб, сендан қутуламанми, деб ўйлагандим-да, — дейман ғуссага ўқрайиб. — Сени ҳамроҳ қилишга кўзим учиб тургани йўқ эди.

— Тўғри, сендек қувноқ, хушчақчақ, ҳар қандай қизнинг ҳам кўнглини топа оладиган йигитга шерик бўлиб олиш қийин. Бир омадим келиб, сени ўз измимга солиб олдим-да. Сен китоб ўқийвериш шундай таъсирчан, романтик бўлиб кетгансанки, бирор қиз озгина кулиб, яхши гапирса бўлди — севиб қоласан. Шоша-пиша унга қалбингни очасан. Мана, оқибати — менинг асиримсан.

— Латифа билан аҳду паймонимиз мустаҳкам эди. Унақа қизни йўқотса, ҳар қандай одам сенга бошвоғини бериб қўяди-да. Анави разиллар бўлмаганда-ку, сендақалар кун кўролмасди-я.

— Оҳ-оҳ-оҳ, ўша разил деганларинг бизнинг энг яқин, энг ишончли ҳамкорларимиз-да. Улар бор экан — биз учун байрам! Ҳамкорларимиз ўз ишларини бажариб бўлгандан кейин мен ва эгизагим — ғам, ака-укаларим, қарин-

дошларим — қайғу, ҳасрат, надомат, изтироб, фиғон, афғонлар қурбонларимизни қайғуга ботирамыз, аза очтирамыз, инфарктга, инсультга ва бошқа балоларга йўлиқтирамыз.

— Сенлардан қутулишнинг иложи борми?

— Борликка бор, лекин айтсам, ўзимнинг илдизимга ўзим болта урган бўламан-ку.

— Яхшиликча айт, бўлмаса, ўзим барибир билиб оламан.

— Сенга айтсам бўлади. Чунки сенинг характеринг заиф бўлиб қолган, уни мустаҳкамламас экансан, биз бекор қолмаймиз. Бизни даф этадиган куч жуда оддий — шоду хуррамлик, тинчлик-осудалик, хонадонларда аҳиллик, иноқлик, доимо қувноқ, хушқайфият бизнинг душманимиз. Қолаверса, урушнинг олди олиниши, халқларнинг тинч-тотув яшаши, одамлар ўртасида меҳроқибат, инсонийликни кучайтириш, жинойтларнинг, келишмовчиликларнинг, ифво-ғийбатларнинг, фиску фасодларнинг олдини олиш керак бўлади.

— Ундай бўлса эртадан, йўқ, ҳозирдан илдизингни қуритаман, даф бўл.

— Майли. Ўзим ҳам бир ойдан бери сен билан олишавериб ё инфаркт-инсульт қилолмай ёки вужудингни тарк этолмай жуда чарчаб кетдим. Лекин бундан кейин эҳтиёт бўл.

Хаёлий шу суҳбатдан кейин негадир ўзимни енгил ҳис этдим. Бир кулиб кўйдим-да, кўчага отландим.

— Қаёққа кетаяпсан? Чой-пой ичиб ол, — дейдилар ойим яхши кайфият билан ташқарига чиққанимни кўриб.

— Нимангиз бор?

— Сен ўтиргин, мен қорнингни тўйғазиш иложини қилай.

Онам анчадан бери чиройим очилмай юрганидан ха-

вотирда эдилар, доим сабабини суриштирардилару “ўзим шундай” деган жавобимни олардилар. Бугунги кўринишим ойимни ҳайрону хурсанд қилгани билиниб турарди. Олдимга сариёғ, ёнғоқ, майиз, ҳолва олиб чиқдилар. Бу неъматлар ҳар доим энг қадрли меҳмонларга қўйиларди. Зум ўтмай тухум қовуриб келдилар. Ўзлари қаршимда менинг иштаҳа билан овқатланишимни мароқ билан кузатиб ўтирдилар. Менимча, оналар учун фарзандининг ҳар доим иштаҳа билан овқатланиши завқ ва қониқиш бағишласа керак.

— Мен Улуғбекнинг олдига кетяпман, бир айланиб келай.

— Майли, болам, бориб кела қол. Лекин кеч қолиб кетма, эртага барвақт туришинг керак.

— Хавотир олманг, — деб дарвозани ташқарисидан ёпдим.

Улуғбек уйида экан.

— Сени тарки дунё қилиб, кўкрагини захга бериб ётибди, дейишганди, чилланг тугадими? — деган қочирим билан кутиб олди.

— Ҳа, тарки дунё қилиб руҳимни янгиладим, — дўстимнинг қочиримига жавобан.

— Чилланг қирқ кунга етмади-ку!

— Чилтонлар билан келишдим, муддатини қисқарттирдим.

— Уларга нима ваъда қилдинг?

— Қизларга бошқа кўнгил бермасликка.

— Ростин биланми?

— Ҳа

— Ундай бўлса бугун кечкурун бир жойга олиб бораман.

— Қаерга?

— Хўжалик клубида қишлоқ бадий ҳаваскорларининг концерти бўларкан. Борсак, кўнглимиз ёзилиб қайтамиз.

— Жуда соз. Анчадан бери уларнинг концертини томоша қилмовдим.

Улуғбек билан шахмат ўйнаб кунни кеч қилдик.

Концерт кутганимиздан ҳам зиёда бўлди. Қишлоғимизда ашула ва рақсларни етук санъаткорлардек ижро этадиган қанчадан-қанча колхозчи ва ўқувчи ёшлар етишиб чиқибди. Айниқса, саккизинчи синф ўқувчиси Гуласал Оқилова деган қиз (умуман танимас эканман) республикага танилган хонанданинг мен севиб тинглайдиган “Сабо” қўшиғини куйлаганда сел бўлиб тингладим. Хуллас, концертдан бир олам завқ-шавқ олиб қайтдим, ғуссаларимдан асар ҳам қолмади.

* * *

Келаси ҳафта шанбагача ҳар хил хаёллар безовта қилмасин деб жон-жаҳдим билан ишладим.

— Агар ой охиригача шундай ишласанг, икки ҳисса мукофот пули ёзаман, — деди бригадир.

Мен шундай тарзда ишни давом эттиришга аҳд қилдим.

Кечқурун ўқишга борганимда курсдошларим билан тумтайиб эмас, аввалгидек хушчақчақ салом-алик, ҳазил-мутойиба қиламан. Қизларга эса, улар қанчалик гиргиттон бўлмасинлар, негадир бепарво муносабат кўрсатардим. Менинг ҳатти-ҳаракатларимдан курсдошларим ҳайрон.

— Тумтайиб юрувдингиз, нима бало, севган қизингиз ўпич бердими? — яқин курсдошим Ориф ҳазиллашди.

— Йўқ, аксинча, ўпич бермай қочиб кетди, — дедим унинг ҳазилини парвойимга келтирмай. — Акс, ҳолда байрам қилиб юборардик.

Байрам қиламиз деганимиз “ичамиз” деганимиз эди.

— Аттанг, чатоқ бўлибди. Унақа бўлса нега “Олтин

бузоқ” топгандай илжайиб юрибсиз? — Ориф суҳбатни пайровга айлантириб.

— Яхшиям қочиб кетгани, бўлмаса, байрам қилавериб “Ўн икки стул”да ётиб қолишимиз ҳеч гап эмасди.

Илья Ильфдан пайровимизни тушунган курсдошлар кулди, тушунмаганлар ҳайрон қолаверди.

Дарс бошланиб, суҳбатимиз узилди. Бу маърузани таниқли ёзувчи, республика газеталаридан бирининг бош муҳаррири Мўмин Мирзаев ўқирди. У салом-аликдан сўнг машғулот мавзусини эълон қилди:

— Ҳар бир матбуот ўз олдига ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, маърифий мавзуларни тарғиб этишни вазифа қилиб олади. Биз бугун матбуотнинг ижтимоий юки масаласини кўриб чиқамиз.

Домла мавзунинг вазифасини, мақсадини, эришила-диган натижани батафсил тушунтириб бўлгач, ҳаммага шу мавзуда эркин лавҳа ёзиб келиш бўйича топшириқ берди. Унга биров тушуниб, биров тушунмай танаффусга чиқдик.

Кейинги жуфт дарсимиз фалсафа фани қирраларини ўрганиш билан ўтди.

Ўқиш ва ишга чалғиганим сабаб ҳафта жуда тез ўтди. Ўтган якшанбада келишганимиздек оқшом дўстларим Усмон, Улуғбек, Ислом ва Собир ҳамда унинг акаси Бобур узун-қисқа бўлиб кириб келишди. Чой, таомдан сўнг дастурхон йиғиштирилиб, суҳбат бошланди. Ҳамма кўрган-эшитганларини, қишлоқ янгиликларини бири олиб, бири қўйиб гапириб чиқишди. Аскияга чечан Бобур ака пайровни бошлаб юбордию, кулгу-хурсандчилик авж олди. Ниҳоят, бежиз ташриф буюрмаган Бобур ака асл муддаога кўчди.

— Ўтган ҳафта қишлоқ ҳаваскорларининг концерти-ни, уларнинг профессионал санъаткорлардан қолиш-маслигини кўрдинглар. Айниқса, Гуласал ҳаммани

қойил қолдирганига нима дейсизлар? Лекин билсанглар, шундай талантлар, шундай истеъдодлар донғи қишлоқдан нарига чиқмай, хор бўляпти-да. Имоним комил, улар республика сахнасига чиқса ҳам зўр артистлардан қолишмайдилар. Менинг фикрим, шу ҳаваскорлардан бир-иккитасини республика радиоси, иложи бўлса, телевидение орқали чиқарилса ҳаваскорларимиз дастасининг номи танилиб, обрўси ошиб, жилақурса вилоят миқёсида концертларимизни қўйишга йўл очиларди. Хўжалигимиз раҳбарлари ҳам ўз обрў-эътиборларини ўйлаб, бизни моддий томондан таъминлаб туришга кўпроқ аҳамият берармиди?! Билсанглар, кўпгина ҳаваскорларимизнинг қўшни қишлоқларга бориш имкони тугул сахнага чиқишлари учун, ҳатто, тузукроқ либослари йўқ, мусиқа асбоблари етишмайди. Қўшни қишлоқларга чиқишимиз учун хўжалик раҳбарлари ҳар доим лоақал юк машинаси бўлса ҳам ажратавермайди. Агар дастамизнинг моддий имкониятлари яхшиланадиган бўлса, унинг сафи бошқа иқтидорли ёшлар билан кенгаярди, мухлисларни хушнуд этиш имкони яхшиланади. Концерт дастури бойиса, дам олишга келган хўжалик аъзоларининг руҳи кўтарилиб, ишлашга рағбати ошади. Шуларни ўйлаб, Баҳром ука, бир маслаҳат билан олдингга келувдим. Эшитишимча, бир қариндошинг радио эшиттиришларида ишларкан. Ўша одамга мурожаат қилинса, ёрдам бермасмикин?

— Жудаям хайрли иш қиляпсиз, Бобур ака, — дедим у кишининг жўяли фикрларини қувватлаб, — майли, мен ҳам кўлимдан келганича ҳаракат қиламан.

— Кўп савоб иш қилган бўлардинг, укам, ишқилиб омадингни берсин.

— Кимларни юбормоқчи бўляпсиз, ака? — қизиқиб сўради Собир.

— Гуласал келажаги бор қиз, овози ҳам тиниқ. Ўшани ўзим олиб бормоқчиман.

— Синовда ўзингиз ҳам қатнашаверинг, — таклиф қилди Усмон Бобур аканинг байрам ва йиғинларда ашула куйлаб туришини назарда тутиб.

— Кўрамиз. Тўғри келсам қатнашавераман, — деди Бобур ака умидвор.

Қариндошимиз Сарвар ака қўшиқчиларимизни радиода чиқаришга ваъда бериб, кейинги ҳафта олиб келишимни тайинлади. Маълум бўлишича, бу даргоҳда эфирга чиқариладиганлар бадий кенгашнинг танловидан ўтгачгина овози ёзиларкан. Бадий кенгаш танловида Гуласалнинг овозини ёзишга рухсат берилди. Овоз бойламлари шамоллаган Бобур ака эса танловдан ўтолмади.

Овоз ёзишга келганда, турли сабабларга кўра бир неча кун сарсон бўлдик. Ниҳоят, мақсадимизга эришиб, Гуласалнинг овозини ёздириб, эфирга қўйиладиган кунни билиб олгач, елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди.

— Раҳмат, ука, — деди Бобур ака хайрлашмоққа қўл чўзиб. — Бизни деб анча ишингдан ҳам қолиб кетдинг.

Дарҳақиқат, бригадирга сидқидилдан ишлаб беришга ваъда берган бўлсам-да, ҳар ҳафта бир кундан ишга келолмагандим. — Ҳечқиси йўқ, арзимас хизматимга айтган раҳматингиз ишдан қолган кунларимнинг ўрнини қоплаб юборади.

* * *

Эртасига ишдан чиқиб дарсга шошилдим. Бунга сабаб, ўтган ҳафта домламит Мўмин Мирзаев топширилган эркин мавзудаги лавҳаларимизни ўқиб чиқиб бугун хулосаларини билдирадилар. Мен қуда бува билан тоғда қурган суҳбатимиздаги у кишининг фикр-мулоҳазаларини лавҳага мослаб топширгандим. Унинг натижаси

мени қизиқтирмоқда эди. Бу нарсани ким қандай қабул қиларкин? Назаримда кулгига қолиб кетадигандекман.

Домла бир қучоқ дафтарларимизни кўтариб кирди. Ҳаммамиз нафасимизни ичимизга ютганимизча домла Мўмин Мирзаевнинг ҳаракатларини кузата бошладик.

Салом-аликдан сўнг домла фикрини жамлаш учун кўзойнагини арта-арта аудиторияни кўндалангига бир марта қадамлаб чиқди.

— Азиз талабалар! Тўғриси, сизлардан матбуотда ижтимоий юк мавзусига бу қадар теран, онгли ва янгиликка интилган ҳолда ёндашишларингизни кутмагандим. Вазифани кутганимдан зиёда бажариб келганингиз учун сизларга раҳмат.

Ҳаммамиз хурсандчиликдан қарсак чалиб юбордик.

— Энди, — домла сўзида давом этди, — ушбу муваффақиятларингизга ким кўпроқ ҳисса қўшганлигини айтиб ўтмасак адолатдан бўлмайди. Шу ўринда мен курсдошингиз Баҳром Рўзиевга алоҳида раҳмат айтмоқчиман. Чунки унинг лавҳаси менинг матбуотдаги ва университетдаги фаолиятим давомида учрамаган йўналишдаги суҳбат тарзида ёзилиб, ижтимоий юк масаласи ўзига хос услубда акс эттирилган, уни табриклайман.

Қарсаклар аудитория шифтини кўтарай деди.

— Ижозатингиз билан, — домла дафтарлар тахламининг энг устидагисини очаркан, — уни ўқиб бермоқчиман.

Менинг пешонамдан тер чиқиб кетганди. Ҳаяжондан ўзимни кўярга жой тополмайман денг.

Бутун аудиторияга пашша учса эшитилгудек жимлик чўкди. Домла лавҳамни маромига солиб ўқир экан, ўзининг ҳам ҳузур қилаётгани билиниб турар, талабалар эса ҳайрат билан қулоғини динг қилиб тинглардилар. Домла Мирзаев ўқишни тугатганларида аввалгисидан-да қаттиқроқ қарсаклар янгради.

— Лавҳани эътибор билан тинглаб, курсдошингизга хайрихоҳлик кўрсатганингиз учун сизларга катта раҳмат, — Мўмин Мирзаев талабаларга ташаккур билдираркан, менга ўгирилди: — Эътиборингиз учун бу лавҳангиз газетамизда босилади. Ўзингизни эса таҳририятимизда ўрин бўшаши билан ишга таклиф этамиз.

Шаънимга, мен учун имкониятлар эшиги очилаётганига яна қарсақлар янгради.

Домла бошқа талабаларнинг ҳам лавҳаларининг холисона таърифини келтириб ўтди.

— Бир пивога эрийдиган бўлдингиз-да, — гап отди Ориф дарслар тугаб йўлга тушганимизда. — Иккинчи курсда бундай бахт қуши ҳамманиям бошига қўнавермайди.

— Сизга айтилган мақтов ҳам кам бўлгани йўқ, — дедим унга жавобан. — Демак, сиз менга эрийсиз.

Лекин Орифнинг луқмаси бошқа курсдошларнинг жағини очиб юборди.

— Анчадан бери уйдан пул келмаётганди, энди уч-тўрт кун боқиб турасиз-да, — гапга аралашди Шухрат.

— Бизга музқаймоқ ҳам бўлаверади, — деди Фазилат, — ўзи гуруҳда еттигагина қизмиз.

— Аттанг, ҳадемай катта газетага ўтиб, бизни назар-писанд қилмай кўяркансиз-да, — анчадан бери мен билан гаплашишга муштоқ Зебо ҳам дардини писанда қилиб қўйди.

— Майли, ўртоқлар, газетада иш бошлашим билан албатта кўчамизда байрам бўлади, — деб ваъда бердим.

— Оббо шоввоз-ей, бу ёғи насия экан-да, — минғирлади Ориф пивога кўнгли кетиб, сув очган оғзидаги сўлагини қулт этиб ютаркан.

Ўша гаплар бўлиб ўтганига икки ойдан ошгандики, маърузасини тугатган домла Мўмин Мирзаев менга юзланиб: “Ҳозир хонамга кириш, гап бор” деди.

“Нима гап экан?” деб домланинг кафедрасига йўл олдим.

— Келинг, Баҳромжон, ўтиринг, — жой кўрсатди домла эшикдан мўралаганимни кўриб.

Қимтинибгина стул чеккасига ўтирдим. Ҳарҳолда таниқли ёзувчи, республиканинг етакчи газеталаридан бирининг бош муҳарриридек одамнинг олдида ёлғиз қолсанг салобати босаркан.

— Баҳромжон, ҳозирча газетамизда вакант жой бўлмаяпти. Лекин вилоят газетасида мухбирлик ўрни бўшаяпти. Муҳарририга сизни тавсия қилгандим, хурсанд бўлиб, розилик билдирди. Биласизми, сизнинг ўша лавҳангиз босилиб чиққач, барча муҳаррирларнинг эътиборига тушиб қолгансиз. Ҳозирча ўша ерда ишлаб турсангиз қаламингиз ҳам чархланиб боради. Келишдикми? Ишқилиб, ўзингизнинг хоҳишингиз борми ёки қурилишда ишлаб юраверасизми?

Бир неча сония довдираб тургач, ўзимни ўнглаб олдим.

— Раҳмат, домла, шунчалик ҳиммат кўрсатиб, ғамхўрлик қилганингиз учун. Бу яхшилигингизни унутмайман. Ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан.

Мўмин Мирзаев жилмайиб бошини силкиб қўйди.

Довдирашимга сабаб, вилоят газетасига мендек иккинчи курс талабаси тугул ўқишни битирганлар ёки туман газеталарида кўп йил ишлаган журналистлар синовлар билан аранг қабул қилинишини эшитгандим.

* * *

Вилоят газетасининг ижтимоий турмуш бўлимида ишлаётганимга бир ойдан ошди. Бу пайтда университетда сессия тугаб, ёзги таътил бошланганди.

Мени қабул қилган газета бош муҳаррири Шомурод

Шомансуров илиқ салом-аликдан сўнг, аввал оилавий аҳволимни, кейин шу кунгача нима ишлар билан машғул бўлганимни суриштирди, жавобимни диққат билан тинглади, жавобларимдан қониқиш ҳосил қилди шекилли, ички телефондан кимнидир чақирди.

— Келинг, Суръат Маткаримович, — бош муҳаррир эшикдан кириб келган чўпдай озғин қирқ беш-эллик ёшлардаги кишига юзланиб. — Мана бу йигитча билан танишиб қўйинг, исми Баҳром, фамилияси Рўзиев. — Кейин менга қаради. — Суръат Маткаримович сизнинг бўлим бошлиғингиз бўлади. — Қилтириқ киши истамайгина косовга ўхшаш қўлини чўзди-да, менсимайгина “Хурсандман” деб қўйди. Бош муҳаррир яна унга қаради. — Баҳром укамиз бугундан сизнинг бўлимингизда ишлайди. — “Сизнинг бўлимингиз” деган жумлага алоҳида урғу бераркан, чамаси, қилтириққа шундай мурожаат ёқишини биларди. — Бу укамиз ёш, университетнинг учинчи курсига ўтди. Лекин ғайратли, иқтидори бор. Унга ўзингизми, ўринбосарингизми устозлик қилиб, газетачиликни, ижтимоий турмуш бўлимининг вазифаларини яхшилаб ўргатасизлар.

— Бу бола ҳали жуда ёш-ку, эплаб кетармикин ишимизни, — Суръат Маткаримович энсаси қотгандек бурнини жийириб бош муҳаррирга гап қотди.

— Устоз Мўмин Мирзаев ҳаммани ҳам тавсия қилавермайди, — овозига жиддий тус берди Шомурод Шомансуров. — Бу йигитчада ниманидир кўрганки, унга ишоняпти. Сиз билан биз ҳам бу даргоҳга ўша кишининг тавсияси билан келмаганмидик?!

Бўлим бошлиғининг тунд башараси ёришгандек бўлди.

— Майли, ўринбосарим Пўлатга бириктириб қўяқоламиз.

— Ўзингиз биласиз. Лекин барибир сиз ҳам ўз билим

ва тажрибаларингизни ўргатишингиз керак бўлади, — бош муҳаррир бошқа эътирозга ўрин қолмайдиган оҳангда топшириқ бериб гапини тугатди. — Боринг, бўлим ходимлари ва хизмат вазифалари билан таништинг.

— Қани, юринг! — тўнғиллади бўлим мудир ва бош муҳаррирга бир оғиз сўз қотмай эшикка йўналаркан, “энди боғча болаларига энагалик қилишимиз қолувди”, деб сасиди минғирлаб.

Бош муҳаррир унинг сўзини эшитмадими ёки эшитса ҳам феъл-атворини яхши билгани учун гапириш бефойда деб ўйладими, индамай қолаверди.

Суръат Маткаримовични шу ондан жиним суймай қолди. У билан келажакда қандай ишларкинман, деб ўйлаб борарканман, юрагим сиқилди. Қилтириқ бошлигим йўлак охиrhoғидаги бир эшикни очиб кирди. Мен унга эргашдим. Ўртача катталикидаги хонага олти стол қўйилган бўлиб, бештасида уч йигит ва икки аёл ишлаб ўтиришарди.

— Танишинглар, сизларга болалар боғчасидан, — бўлим мудир ваҳзил қилмоқчи бўлди-ю ҳеч ким лоақал тишини оқини кўрсатмагани учун гапини тўғрилашга мажбур бўлди, — йўғ-е, университетнинг кечки бўлимидан ҳамкасб олиб келдим. Исми — Баҳром.

Мен столлар оралаб ходимлар билан сўраша бошладим.

— Пўлат, — ўзини таништирди бурчакдаги стулда ўтирган ўттиз беш ёшлардаги тўладан келган йигит.

— Садир, — сариқ сочли, новча, ўттиз ёшларга борган йигит.

— Саодат, — чиройли, лекин суяги бузуқ аёл кўл чўзди.

— Нуриддин, — хушчақчақлиги юз-кўзидан билиниб турган, ўрта бўйли, қорачадан келган, йигирма беш-йигирма етти ёшларни қоралаган йигит кўшқўллаб кўришди.

— Исмим Зилола, — йигирма олти-йигирма саккиз ёшлардаги сочи калта қирқилган, озғинроқ жувон бош силкиш билан кифояланди.

— Пўлат, — деди бўлим мудир бурчакдаги йигитга мурожаат қилиб, — бу болани сенга бириктиришга қарор қилдик. Бугун қиладиган ишларини яхшилаб таништир. Эртадан топшириқ бераверасан.

Чамаси бу қилтириқ менинг ёш, ҳали талабалигимни ҳазм қила олмай назарга илмаётганди. Кейинчалик билсам, домла Мўмин Мирзаевнинг газетасида босилган лавҳамни бу бўлим мудир ҳам ўқиган, ўзи умрида бирорта жиддий нарса ёзмаганлиги учун менга нисбатан ғайирлиги келиб, кўнглида адоват уйғонган экан. Айниқса, айнан унинг бўлимига ишга қабул қилинишимни эшитганда типирчилаб қолибди. Ҳатто, бош муҳаррир билан сан-манга бориб қолишибди. Фақат ҳар иккиси эски қадрдон бўлганликлари туфайли Шомурод Шомансуров уни кечирибди, қилтириқ мени бўлимга олишга рози бўлибди.

Бўлим ходимлари билан тезда яқин бўлиб кетдик. Хушчақчақлигим, ҳозиржавоблигим, катталарни ҳурмат қилиб, бетгачопарлик қилмаслигим ва самимийлигим туфайли уларнинг эътиборини қозонгандим. Шу туфайли Пўлат ака ҳам, ходимлар ҳам менга мухбирлик сир-синоатларини сидқидилдан, оғринмай ўргатишарди. Бир ой деганда келган хатларни, мақолаларни бемалол таҳрир қилишни, кичикроқ мақолаларни бемалол ёзадиган бўлиб қолдим.

Лекин Суръат Маткаримович ҳадеганда қилган таҳрирларимни қабул қилмас, мақолаларимни газетага бошишга қўймасди.

— Мана бу таҳриринг ярамайди, чўзилиб кетган жумлаларни ихчамлаштириш лозим. “Мўл ҳосил ишқида” деган мақолангда жўшқинлик етишмайди, танлаган сўз

ва жумлалар ғайратли деҳқонни эмас, ўлганининг кундан кетмон чопаётган мардикорни ифодалайди. Бор, қайта ишла, — деб у менга ўргатишни хоҳламаган бўлса-да, беихтиёр долзарб мақолалар ёзиш бўйича йўналиш берганини ўзи сезмай қоларди. Мен эса бундан хатоларимни илғаб олишда фойдаланаман. Бир мақола бўйича беш-олти марта танбеҳ эшитсам-да, бундан хурсанд бўлиб, бўлим мудирига раҳмат айтиб хонасини тарк этаман. Бир ойлар вақт ўтиб сайқал топган мақолаларим газета бетини кўра бошлади. Бош муҳарриримиз летучкада менинг мақола ёзишда эски мухбирлар даражасига етиб қолганимни, бунда бўлим бошлиғи Суръат Маткаримовичнинг хизмати катта бўлганлигини мамнуният билан эътироф этиб, унга ташаккурнома эълон қилди. Суръат Маткаримовичнинг тунд башарасига табассум ёйилди.

Мен Шомурод Шомансуровнинг одамлар руҳиятига қай йўсинда таъсир ўтказиб, уларни ўз измига солиш борасидаги иш юритиш маҳоратига тан бердим.

* * *

Амалиёт муддатим тугаб, росмана мухбир даражасига етганим боис мен ҳам жойларга чиқиб мақолалар тайёрлай бошлаганимга уч ойдан ошганда, бўлим мудиридан топшириқ олдим. Топшириққа кўра катта фирибгарлар тўдасини фош этган вилоят ички ишлар бошқармасининг жиноят-қидирув бўлими ходимларининг фаолияти ҳақида мақола тайёрлашим лозим эди.

Эрта билан бошқарма биноси олдига келиб ичкарига киришга рухсат олгач, тегишли бўлимни суриштириб боравердим. Ниҳоят бир эшикни кўрсатишди. Энди очиб кираман дегандим, ичкаридан кимдир чиқиб бир зум менга тикилди, кейин “Баҳром, бу сизми?” дея қучиб олди. Қарасам Нормурод. Қайта қучоқлашиб кўришдик.

— Бу ерда нима қилиб юрибсиз? — десам, “Ўзингиз нима қилиб юрибсиз?” — дейди.

— Мен топшириқ олиб, мақола ёзиш учун келгандим, бошлиқ олдига кирмоқчиман, — мақсадимни айтдим.

— Мен эса энди топшириқ олиб кетаётгандим, — деди кулиб дўстим.

— Қандай қилиб органга ишга ўтиб қолдингиз? Унутмаган бўлмасам, сиз жисмоний тарбия институтининг сиртқи бўлимида ўқирдингиз, шекилли.

— Фалакнинг гардиши билан келиб қолдик, гапирса гап кўп. Келинг, яхшиси сиз ҳозир бошлиқ олдига кириб ишингизни битиринг, мен ҳам топшириғимни бажариб, тушгача келаман. Анави боғ ичидаги ошхонада учрашамиз, бўптими?

— Хўп, жуда зўр бўлади!

Иккимиз икки томонга айрилдик. Соат чоракам бирда биз ошхонанинг чеккароқ столида бақамти ўтирардик.

— Оббо Мажнун дўстим-ей, — кулди Нормурод одатдагидек салом-алик қилиб сўрашишлардан сўнг, — ниятингизга етиб мухбир бўлибсиз-да. Ишқилиб, кейин ишқий дардга йўлиқмадингизми? Сиздақа одам ошиқ бўлмасин экан. Фирт Мажнун бўлиб қоларкансиз. Лекин Латифа бебаҳо қиз экан. Аттанг, насиб қилмаган экан-да. Анави малъун Акром ҳақида бошқа ҳеч нарса эшитмадингизми?

— Ўлибди, — дедим маъюсланиб, у тўнғиз кўпгурнинг ўлими яна қанча одамнинг, жумладан, менинг ҳам дилимни вайрон қилди.

— Йўғ-е, қандай қилиб?

Мен унга Роҳатой билан бўлиб ўтган ишқ савдосини гапириб бердим.

— Ҳа-а-а, — чўзиб деди Нормурод, — ҳақиқатан у

тўнғизнинг тириги ҳам, ўлиги ҳам сизга кўп ташвиш келтирибди-да. Қанийди, бундайин каззобларни халқ тўпланган майдонда суд қилиб, ўша ернинг ўзида жазоласанг, бошқа разилларга ибрат бўлармиди?! Сизга қойилман лекин, ўзингиз таъсирчан бўлганингиз билан иродангиз мустаҳкам экан, ўзингизни қўлга олиб йўлингизни топиб олибсиз. Бошқа одам бўлганда аллақачон жиннихонадан жой қилиб оларди.

— Ҳадеб менинг дардимни дoston қилавермайлик, ўзингиз ҳақингизда ҳам гапиринг. Ҳали ички ишлар идорасига қандай келиб қолганингизни айтмадингиз.

— Боя ўзингиз жисмоний тарбия институтида сиртдан ўқиганимни гапирдингиз. Хизматдан кейин аввал ишлаган заводимда созловчи бўлиб ишлаб юрган кезларимда, тўсатдан, қўлида тўппончаси бор бир кимса цехга ёриб кириб келди-да, атрофга аланглай бошлади ва бир темир эшик ортига яширинди. Кўп ўтмай уни бир фуқаро кийимидаги, иккинчиси милиция формасидаги кишилар излаб киришди. Жиноятчи биз томондан кўриниб турарди. У ўзига қараб турган одамларга қуролини лабига қўйганича “тсс” дея ишора қилди. Ишчилар кўрқиб индамай тек қотдилар. Мен жиноятчига кўринмасдим, шундан фойдаланиб темир эшикнинг нариги томонига ўтиб олдим. Аста унга яқинлашиб олгач, таваккал қилиб темир эшикни кучим борица шундай тепдимки, унинг панасида турган кимса гурсиллаб ағдарилгани эшитилди. Эшикни шахд очгандим, жиноятчи беҳуш ҳолда чалқанча ётарди. Формали ходим тез етиб келиб унинг қўлига кишан солди ва шериги билан олиб кетди.

Орадан икки кун ўтгач, фуқаро либосидаги одам мени излаб келди.

— Капитан Қодиров, вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бўлимиданман. Сизни бошқармиз сўраяптилар.

— Эртага эрталаб борсам бўладими? Ҳозир ишдаман,
— дедим ҳайрон бўлиб.

— Раҳбариятингизни огоҳлантирдим. Ҳозир боравери-
шингиз мумкин.

— Ундай бўлса, майли, мен ҳозир кийиниб чиқаман.

Мен ўзини “капитан Қодиров” деб таништирган хо-
дим билан бошқармага келиб бир хонага кирдик.

— Жиноят-қидирув бўлимининг бошлиғи подполков-
ник Одилжон Қорабоевман, — ўзини таништирди бизни
қарши олган барваста гавдали одам. — Қани, марҳамат,
ўтиринг. Танишиб қўяйлик.

— Нормурод Умаров.

— Нормуроджон, ўтган куни ўта хавфли рецидивист-
нинг қўлга олинишида ихтиёрий ёрдам бериб, жасорат
кўрсатибсиз. Шунинг учун сизга ўз миннатдорчилиги-
мизни билдирамиз ва бошқарманинг қимматбаҳо совға-
си билан тақдирлаймиз.

Подполковник стол устидаги қутичани олиб узатди. У
қўпчилик йигитлар етишишни орзу қиладиган Швеца-
рия соати эди.

— Раҳмат, ўртоқ бошлиқ. Лекин мукофотга арзийдиган
иш қилмовдим. Шунчаки, жиноятчини қўлга олишга қу-
лай жойда турган эдим.

— Арзийсиз, Нормуроджон, арзийсиз. Агар сиз бўл-
маганингизда отишма, жабрланувчилар бўлиши мумкин
эди. Биз учун инсон ҳаётидан азизроқ нарса йўқ. Энди
марҳамат қилиб ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз.

— Ажойиб номзод-а, — деди менинг ўзим ҳақимдаги
ҳикоямни эшитган дароз подполковник капитан Қоди-
ровга қараб. — Дзюдо устаси, сиртдан ўқийдиган талаба,
оиласида судланганлар йўқ. Ҳарбий хизматни ўтаган.
Жасурдиқ кўрсатишга ҳам улгурди.

— Ҳа, бунақаси кам учрайди, — жавоб берди капитан.

— Нормуроджон, — салмоқланиб гап бошларкан подполковник Қорабоев бир неча сония сукут сақлаб, фикрини жамлади, — сизга бир таклифимиз бор. Агар истак-хоҳишингиз бўлса, бизга — жинойт қидирув бўлимига ишга ўтсангиз. Тўғри, хизматимиз оғир, хавфли, вақт билан ҳисоблашмайдиган, лекин шарафли касб. Чунки эл осойишталиги учун хизмат қиламиз, керак бўлса жонимизни тикамиз.

— Бундай таклифни сира кутмагандим, ўйлаб кўрсам бўладими? — дедим мен.

— Сизга икки кун муҳлат. Яхшилаб ўйланг, онангиз, яқинларингиз билан маслаҳатлашинг, лекин энг аввало қалбингизга қулоқ тутинг, ўз фикрингизга таянинг.

— Яхши.

— Агар биз билан ишлашга қарор қилган бўлсангиз, эртадан кейин эрталаб соат ўнда учрашамиз. Хоҳишингиз бўлмаса, келишингизга ҳожат йўқ. Омон бўлинг.

Мана, кўриб турганингиздек, насиб этган экан, бундан бир йил муқаддам шу даргоҳда хизматдаман. Аввал хизматга старшина унвони билан қабул қилишган бўлса, кейин лейтенантликни беришди. Аввалдан милиция ходимиликка ҳавасим баланд эди. Орзуимга етгач, сидқидилдан, виждонан, касбимга меҳр қўйиб хизматни бажариб келмоқдаман. Анча-мунча безорилик, фирибгару қиморбозларнинг пайини қирқишга муяссар бўлдим. Бундан ярим йил муқаддам ашаддий жинойтчилар тўдасини қўлга олишдаги хизматларим муносиб тақдирланиб, муддатидан аввал катта лейтенантлик унвонига сазовор бўлдим. Ҳозир ҳам катта тўда пайига тушганмиз, маълумотлар йиғаяпмиз. Ие, тўхтанг-тўхтанг, айтмоқчи сиз Маҳмудни яхши биласиз. Латифанинг акаси-чи? Латифанинг хатини менга ўқишга бергандингиз-ку!

— Ҳа, эсимда. — Ўша Маҳмуд ҳақида маълумотлар керак.

— Мен қандай ёрдам беришим мумкин?

— Биздаги маълумотларга кўра, Маҳмуднинг тоғда далаҳовлиси бор ва у ерда фоҳишалару қиморбозлар йиғилиб туришади. Бундан уч йил муқаддам бўлимнинг бир ходими тансоқчи сифатида тўда ичига кириб борган, бироқ фош бўлиб ўлдириб юборилган шекилли, дом-дараксиз кетибди. Маҳмуд ҳамқишлоғингиз, сизни яхши таниши аниқ. Менда бир фикр туғилди. Агар сиз унинг олдига мухбир сифатида бориб, ишларини мақтаб ёзмоқчилигингизни айтсангиз, ҳеч шубҳага бормай рози бўлади, чунки у мақтовни, дабдабани яхши кўради, раҳбарларга ўзини ҳалолдек кўрсатишни истайди. Керак бўлса Маҳмуднинг ишончини қозониш учун мақола тайёрлаб газетангизда чиқаринг. Лекин режамиз ҳақида ҳеч ким билмаслиги керак. Агар Маҳмуднинг ишончини қозонсангиз, марра сизники — у сизни ўша далаҳовлисига таклиф этади ёки чарчаганингизни, бирор хушҳаво жойда дам олмоқ ниятингиз борлигини билдирасиз. Агар бу режа амалга ошмаса яна бирор ҳийлани ўйлаб топиб қўямиз. Муҳими, Маҳмуднинг ишончини қозонсангиз бўлди.

— Ҳа, менинг ҳам анчадан бери у билан юзма-юз келиш ниятим бор, — дедим Маҳмуднинг кирдикорларини хаёлимдан ўтказиб.

— Лекин сиз ҳиссиёту аламларингизни жиловлашингиз керак бўлади, — таъкидлади Нормурод хаёлимдаги фикримни ўқигандек.

* * *

Кечаси алламаҳалгача вилоят ички ишлар бошқармасининг жиноят-қидирув бўлими ходимлари фош этган фирибгарлар тўдаси ҳақидаги суд материали асосида ёзган мақоламни кўтариб эрталаб таҳририятга жўнадим. Мақоламдан кўнглим хавотирда эди, чунки ҳуқуқий

мавзуда биринчи марта ёзишим. Бўлим мудирининг даш-
номига руҳан ўзимни тайёрлаб унинг олдига кирдим.

— Бирор кўргуликни бошламадингми? — Суръат Мат-
каримович саломим ўрнига кўзойнаги устидан менга
ўқрайди. — Бош муҳаррир икки марта сени сўради. Охи-
ри “келса зудлик билан олдимга кирсин” деб тайинлади.
Мақолангни қолдир-да, ўзинг кириб чиқ.

Мен бўлим мудирининг саволига “йўқ” деган кўйи
бош чайқаб ўзимнинг ҳайронлигимга жавоб тополмай
Шомурод Шомансуровнинг кабинетига кириб бордим.
Бош муҳаррир мени кўриб жилмайди. “Хайрият, тинч-
лик экан” деган ўй кўнглимга таскин берди.

— Келинг, Баҳромжон, ўтиринг. Нима бало, одамлар-
нинг қалбини эритувчи бирор жодуингиз борми, дей-
ман, дарров сизга эътибор қаратувчилар топилиб қола-
ди-я.

— Қайдам. Ким экан?

— Сиз вилоят ички ишлар бошқармасига керак бўлиб
қолибсиз, номаълум муддатга сафарбар қилишимиз-
ни сўрашибди. Улар сизни таҳририятимиз томонидан
қўшни туманингиз матлубот жамияти ва унинг раиси
ҳақида мақола тайёрлаб келиш учун сафарбар этилажа-
гингиз ҳақида буйруқ чиқариб беришимизни илтимос
қилишган. Лекин қаерга кетаётганингиз эмас, балки
ички ишлар бошқармасининг тадбирини бажараётга-
нингиз ўта махфийлигини ҳеч ким, ҳатто бўлим бош-
лигингиз билмаслиги шарт. Ҳозир кассада йўл пулин-
гизни олгач, таксида бошқармага борасиз. Соат ўнда
сизни бошлиқ кутади. Мана, хизмат сафари гувоҳнома-
си ва буйруқдан кўчирма. Қолганини бошқармада би-
либ оласиз. Яхши бориб келинг, сизга омад тилайман.

Хонадошларим билан хайрлашиб, бошлиғимга хизмат
сафарига юборилаётганимни айтиб, уни ҳайрон қолдир-

ганимча кўчага чиқдим. Мен Нормурод ва бошқарма раҳбариятининг нечоғли тезкор фаолият олиб борганликларига қойил қолдим.

Бошқарманинг навбатчилик қисми ходимларидан бири бошлиқнинг кабинетига бошлаб киргач, басавлат столда ўтирган полковникка ҳисобот берди ва ўзи чиқиб кетди.

— Келинг, Баҳромжон, яхши келдингизми? — дея мен билан саломлашгач, рўпарасидаги стулга ўтиришни таклиф қилди. — Хизмат бўйича ёрдамнингиз зарур бўлиб қолди, шунга муҳаррирингиздан сизни юборишни илтимос қилдик.

Бошлиқ телефонлардан бирининг тугмасини босган эди — у ёқдан овоз келди. “Хонамга келинглар” деди полковник қисқа қилиб.

Икки дақиқа ўтмай хонага кеча мен суҳбатлашган подполковник Одилжон Қорабоев, капитан Қодиров, Нормурод ва яна фуқаро кийимидаги икки ходим бирин-кетин кириб келишди.

— Ўртоқлар! — сокин овозда сўз бошларкан, полковник нигоҳини мен томонга қаратди. — Хизмат юзасидан вилоят газетасининг мухбири Баҳромжон Рўзиевни ҳам таклиф этдик. Албатта, олдимизда турган вазифани ёзиб мақола қилиш учун эмас, балки бевосита операцияда иштирок этиши зарурати туғилганидан. Ўзингизга маълум, бир неча ойдан буён Маҳмуд Боймуродов тўдасини жиноят устида қўлга олиш операциясини амалга ошириш режаси устида ишламоқдамиз. Кеча Нормурод Умаровнинг билдирган жўяли таклифи ўша муаммо жавобига ўхшаяпти. Ана шу таклиф асосида операцияни амалга ошириш тадбири ишлаб чиқилди. Унга кўра, эртага Баҳром Рўзиев ҳақиқий вилоят газетаси мухбири сифатида Маҳмуд Боймуродовга учрашиб мақсадини

айтади. Албатта, вилоят органи бўлган газета мухбирини туман матлубот жамияти раиси ҳар қанақасига қабул қилишга мажбур — рад этолмайди. Аксинча, шуҳратпарастлик касали уни вилоят раҳбарларининг эътиборига кўпроқ тушиш дардини келтириб чиқаради. Қолгани Баҳромжоннинг Маҳмуд билан муносабатига, муомаласига, суҳбатига, унинг эътиборини қозонишига боғлиқ. Умид қиламанки, Баҳромжон буни қойил қилиб уддалайди. Лекин унинг асосий вазифаси, қандай бўлмасин, Маҳмуднинг эътиборини, ҳурматини, ишончини қозониб, далаҳовлисига таклиф этилиши. Бу томонларини унга Нормурод тушунтирган. Баҳромжоннинг мухбир сифатида суҳбат чоғида диктофондан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги янаям яхши. Биз унга энг замонавий диктофон билан бирга микродиктофон ҳам берамиз. У ручка кўринишида, шубҳа туғдирмайди, билдирмасдан овоз ёзишга жуда қулай. Бундан ташқари ёқасига микродатчик ҳамда бошқа микродиктофон ўрнатилган, эътиборни тортмайдиган кўйлак киясиз. Далаҳовлига борсангиз бу датчиклар сизнинг қаердалигингизни билдириб туради. Датчикнинг хабар бериш имконияти ўн километргача. Демак, билингки, ўша масофада, ҳатто ундан яқинроқ жойда ходимларимиз ёрдамга шай бўлиб туришади. Фақат ручканинг тугмасини босиб қўйиш эсингиздан чиқмасин. Лекин, афсуски, далаҳовлида Маҳмуд бирор нарсадан шубҳаланиб сизга жиддий чора кўргудек бўлса, биз ёрдамга кечикишимиз мумкин. Аммо тўрт қотиллик, фирибгарлик, товламачилик, босқинчилик, қиморбозлик, зўрлаш каби жиноятларни амалга ошириб, ўнлаб фуқароларнинг шўрини қуритган Маҳмуд тўдасини қўлга олишимизда сизнинг ёрдамингиз жуда-жуда зарур. Шунинг учун ҳам операциямиз номини шартли равишда “Мухбир” деб

атадик. Нормуроднинг айтишича, сиз Маҳмуд билан бир жойдан экансиз, ҳатто унга нисбатан шахсий ҳисоб-китобингиз бор экан, тўғрими?

* * *

Котиба қиз менинг ташрифимни етказиш учун “Туман матлубот жамияти раиси Маҳмуд Боймуродов” деб зарҳал ҳарфлар билан ёзилган тахтачали баҳайбат эшикка кириб кетгач, бир дақиқалардан сўнг қайтиб чиқди:

— Кирар экансиз, — таклиф қилди у эшикни очиб бераркан.

— Раҳмат, — жилмайиш билан миннатдорчилик билдирдим.

Бош муҳарриримизнинг кабинетига нисбатан икки баробар катта хона тўридаги салобатли стол ортида Маҳмуднинг калласигина кўринаётгандек эди.

— Ассалому алайкум, Маҳмуд ака, — салом бериб вазминлик билан ичкариладим.

— Ие, Баҳроммисан? — Ажабланган раис беихтиёр ўрнидан туриб менга пешвоз чиқди. — Вилоят газетасидан мухбир келибди, деса ким экан деб, ҳайрон бўлиб тургандим.

У яқин кишисидек мен билан кучоқлашиб кўришгач, ўтиришга таклиф этиб, ўзи қаршимга чўкди.

— Оббо Баҳромжон-ей, вилоят мухбири бўлиб кетдим, дегин, — тилёғламалик қилиб деди Маҳмуд ака. — Дуруст, яқинда журналистикага кирибди, деб эшитгандим, ҳали битирмагансан шекилли.

— Ҳа, кечки бўлимнинг учинчи курсида ўқияпман. — Маҳмуд ака шубҳага бормаслиги учун батафсилроқ тushунча бердим. — Бултур омадим келиб газетага жойлашгандим.

— Жуда яхши-да, ҳар кимга ҳам бундай омад келавер-

майди. Энди бу ишингда йўлини қилиб ишлайдиган бўлсанг, битиб кетишинг ҳеч гапмас, — туллак раис кўзини қисиб қўйди ўзини яқин олгандек. — Ахир, қайси корхонаю хўжалик раҳбари ўзининг газетада чиқшини хоҳламайди, дейсан. Истасанг, беш-олтита танишларимга юбораман, ҳаммаси саховатли инсонлар — жон-жон дейишади. Уч-тўрт сўмингни беришади. Кам бўлмайсан.

Қаранг, ҳамма дунёқарашини ўз қаричи билан ўлчаркан-да. Бошқа пайт бўлганда-ку, Маҳмуд ака бу “устозлиги” учун яхшигина нордон сўзларимни эшитиб оларди. Аммо ҳозир тишимни тишимга қўйишга мажбурман.

— Тўғри айтасиз, ҳозирги замонда “От кимники — отни минганники” бўлаётган экан, отни замон зайлига қараб қамчилаган маъқулга ўхшайди, — дедим ўзимни унга хайрихоҳдек тутиб. — Албатта, бизнинг хизмат ҳам “сиздан угина, биздан бутина” тарзида бажарилади, қаҳрамонимиз ўзини таниёлмай қолиши кафолатланади.

— Баракалла, билмас эканман, ўзинг ёш бўлсанг ҳам жуда зукко, коса тагидаги нимкосани ҳам кўра оладиган фаросатли йигит экансан. Худо хоҳласа, кам бўлмайсан, — илжайди Маҳмуд ака жавобимдан қониқиш ҳосил қилиб. — Бизга қандай хизмат бор?

— Ташкилотингиз ярим йиллик товар айланмаси режасини ортиғи билан бажариб, кўчма қизил байроқни қўлга киритибди. Шу муносабат билан ютуқларингизни кўрсатиш, тажрибаларингизни оммалаштириш бўйича мақола тайёрлаш ҳақида топшириқ олганман, — деб мен бош муҳарриримиз берган буйруқни Маҳмуд аканинг олдига қўйдим.

Уни кўздан кечираркан, раиснинг юзи янаям ёришиб, оғзи йиғиштириб ололмайдиган даражада ёйилиб кетди.

— Бизнинг меҳнатимиз ҳам юзга чиқадиغان, кўзга кў-

ринадиган кун келаркан-а! Доим калтакнинг учи бизнинг бошимизда синарди. Хайрият, бизнинг ҳам кўчада байрам бўларкан. Баҳром укажон, сендан илтимос, бор маҳоратингни кўрсатадиган пайтинг келди. Ҳамқишлогингни бир қўллаб юбор. Агар ишингни қойиллатиб, бошимни баланд кўтарадиган қилиб ёзсанг, биласанми, умрингда кўрмаганни кўрасан.

— Бу ёғидан хотиржам бўлинг, ака. Ҳаммаси кўнглингиздагидек бўлади. Фақат озгина вақтингизни ажратсангиз, сиз билан суҳбатлашиб олсам.

Маҳмуд ака соатига қараб қўйгач:

— Баҳром ука, эрталаб нонушта қилмагандим, шунга бир пиёла чой ичмоқчи бўлиб турганимда сен келиб қолдинг. Қара, бу ҳам насиба-да, бирга нонушта қиламиз. Акс ҳолда, менинг қорним чулдираб, гапиролмай қоламан.

— Яхши, ўзингиз нонушта қилиб келаверинг, мен кутиб тураман.

— Э, йўқ, бирга қиламиз. Балки, суҳбатимиз дастурхон устида бошланар. Қани, юр.

Мен ноилож эшик томон йўналган Маҳмуд акага эргашдим.

Шундоқ қўшни эшик раиснинг ҳордиқ чиқарадиган, баъзи нозик меҳмонларни кутадиган, гоҳо нонушта, тушлик қиладиган хос хонаси экан. Столга таклиф қилган Маҳмуд ака унинг устидаги оппоқ сурпни кўтарганди, турли қимматбаҳо шоколаду конфетлар, майиз-туршак, асал, сариёғ, қаймоқ солинган идишлар, иккита патир нон кўзга ташланди. Ўртадаги патнисда эса буғи чиқиб турган сомса иштаҳа очувчи ҳид таратиб турарди.

Котиба қиз орқамиздан чой кўтариб кирди. У тезда чойни қайтариб, оўнг пахта гулли пиёлаларга қуйиб узатди. Димоғимга хушбўй цейлон чойининг ҳиди

урилди. Бунақа чойни шу пайтгача икки мартагина ичганман, холос. Сомсага кабоб уланди, чой билан бостирик қилинди.

— Мана энди, қулоғим сенда, — оғзини виқор билан артган Маҳмуд ака менга “Қойилмисан, чувринди мухбирча” дегандек мийиғида кулиб қаради.

— Шу ерда суҳбатлашаверамизми, кабинетингизга чиқмаймизми? — сўрадим ундан.

— Бу ер суҳбатлашувга қулайроқ, — жавоб бераркан у хонанинг иккинчи тарафидаги столга ишора қилди. — Азиз меҳмонлар билан суҳбатимиз шу ерда ўтади. Қабулхона расмий ишлар учун.

— Бўлмаса, бошлай қолайлик.

— Қулоғим сенда. Сени нималар қизиқтиради?

— Кўчма қизил байроқни қўлга киритгунча босиб ўтган йўлингиз, товар айланмасига тегишли рақамлар, ютуққа ҳисса қўшган корхона ва илғорларингиз ҳақида гапирасиз, — деб Маҳмуд аканинг олдига қўйилган диктофоннинг тутмасини босдим.

Ўзиям бир соатча гапирди-ёв. Ҳатто жамият идорасининг ҳовлисига эктирган ҳар хил гуллар ҳам четда қолиб кетмади. Чамаси, у газетада чиқишга жуда-жуда орзуманд эди. Ахир, газетада чиқса, аввало, катта раҳбарларнинг эътиборига тушади, хуфёна қилиб юрган ишлари хаспўшланади.

— Жудаям ибратли ишлар қилибсиз, Маҳмуд ака, — унга қойил қолгандек мақтаб қўйдим. — Энди уч-тўртта расм олсам.

Бу гапим унинг бурнини янаям шишириб юборди.

— Қаерда олмоқчисан? — сўради у ўзининг уст-бошига кўз югуртириб. — Мумкин бўлса бошқа кастюм-шимимни кийиб олсам. Улар шу ерда.

— Майли, кийиниб олдинг. Мен ташқарида фотоаппаратимни созлаб тураман.

Хуллас, бир неча кўринишдаги расмлар ҳам олинди. Энди топшириғимнинг асосий қисми бажарилиши керак.

— Баҳромжон, бу ёзган-олганларинг қачон чиқади? — сўраб қолди Маҳмуд ака аппаратларимни йиғиб сумкамга солаётганимда. — Эрта-индин ўқиймизми?

Ичимда суюниб кетдим.

— Энди, ака, бу ёғи сизнинг ҳимматингизга боғлиқ. Йўлини қилсак эртадан кейинги сонига чиқади. Бўлмаса, режа бўйича икки ҳафтадан кейинги сонига қўйилмоқчи.

— Э-э-э, Баҳромжон ука, икки ҳафтага чўзиб юрасанми? Ўша “йўлини” қилавер, ўша “йўлингни” ўзим қойиллатиб бераман. Бу ёғига мен кафил. Шундай хурсанд бўласанки, умринг бўйи Маҳмуд акангни эслаб юрасан.

— Майли, сиз учун ҳаракат қиламан-да.

— Бўлмаса, ҳозир бирга тушлик қиламиз-да, кейин сен Тошкентга кетаверасан. Лекин лавҳами, очеркми — ёзганинг чиқиши билан ўша газетадан кўтарганингча олиб келасан, ҳисоб-китобини кейин қиламиз, келишдикми?

— Яхши, келишдик.

Тошкентга етиб келганимда, қош қорая бошлаганди. Шунинг учун тўғри ижара хонамга жўнадим. Қорним тўқ бўлгани учун юз-қўлимни муздек сувга ювиб келдим-да, мақолани ёзишга киришдим. Бир қоғозни қоралаб бўлувдимки, эшикни кимдир тақиллатди. Безовта қилинганимдан норози бўлиб, тўнғиллаганимча эшикни очсам, Нормурад турибди.

— Безовта қилмадимми, ўртоқ мухбир, — деди у кулиб, — биринчи муваффақият билан табриклаб кетай, дедим-да. — Ўз ролингизни маҳорат билан ижро этдингиз.

— Эшитдингизми?

— Албатта. Лекин суҳбатни жуда аъло олиб бордингиз.

— Роль эгасига топширилгач, ижро ҳам шунга ярашада.

— Гап йўқ. Энди эртадан кейин асосий вазифани ҳам бажаришингизга шубҳа йўқ. Ўша вазифа юзасидан яна қўшимча — бояги суҳбатда тилга олинган Маҳмуднинг беш-олтита ҳамтовоғининг кимлар эканлигини яхшилаб билиб олинг, мавридини топиб таништириб қўйишни сўранг. Мен бошқа қўйлак олиб келдим, ранги-туси бошқаю вазифаси аввалгидек.

Маҳмуднинг гапига қараганда, сизни далаҳовлисига олиб бормоқчи ёки катта миқдорда пул бермоқчи. Сиз силлиққина қилиб пулни рад этинг-да, аввал айтганимиздек далаҳовлига олиб боришининг йўлини қилинг, хўпми?

— Ҳаракат қиламан.

— Сизга ишонамиз, — деб Нормурод қўлимни сиқдида, кетишга отланди. — Омад тилайман. Лекин ўзингиз у тулладан эҳтиёт бўлинг.

— Ўзимни хафа қилдириб қўймайман. Унча-мунчага бўш келиш йўқ.

Нормурод кетгач, мақоламни давом эттирдим. Албатта, ундаги воқеалар ривожига ҳақиқатга нечоғли зид бўлмасин, бутун иродамни ва маҳоратимни ишга солиб шахсий фикримга қарама-қарши чиройли жумлалар тузмоқда эдим. Бундай жумлалар, шак-шубҳасиз ҳар қандай шуҳратпараст, мақтовни яхши кўрадиган кимсаларга мойдай ёқмасдан қолмасди.

Мақоламни тугатгач, ўрнимга ётиб Маҳмуд билан кейинги учрашувимизда кутиладиган саволу вазиятларга ҳаёлан жавоб излай-излай уйқуга кетдим.

Эрталаб таҳририятга борсам, бош муҳаррирдан бошқа ҳеч ким йўқ. Биладан, Шомурод Шомансуров газета учун яратилган одам. Газетанинг нафақат маз-

мун-моҳиятига, балки ҳар бир нуқта-вергулнинг тўғри ишлатилишига ҳам жиддий эътибор беради. Гарчи, тайёрлаган мақолам газета обрўсига зид бўлса-да, бироқ фавқулодда зарурат туфайли уни чоп этишга рози бўлган ва номерга бериш учун жой қолдириб, мени сабрсизлик билан кутаётганди.

Мени кўриб Шомурод Шомансуровнинг ташвишли чехрасига табассум кўчди.

— Баракалла, Баҳромжон! — у ўрнидан туриб қўлимни сиқди. — Асл журналистлардек оператив ишлабсиз. Агар бир оз кечикканингизда газета чоп этилиш графигидан қолиб, чиқиши кечикарди. Кечикиш эса бизга қимматга тушади. Қани, мақолангизни беринг-чи.

Бош муҳаррир мақолани диққат билан ўқий бошлади. У ўқигани сайин юзидаги хавотирли ифода мамнунлик билан алмашди. Ниҳоят, тугатди шекилли, нигоҳини менга қадади.

— Офарин, Баҳромжон, мен кутгандан ҳам зиёдроқ қилиб ёзибсиз. Бошқаларга ибрат бўлиши учун летучкада энг яхши мақола деб эълон қилардимиз, афсуски, у бошқа мақсадга мўлжалланган. Ҳечқиси йўқ, эзгуликнинг кечи бўлмайди. Сафардан келганингизда бунга улгурасиз. Ҳозир эса бориб дамингизни олинг. Эртага тонгда мақола босилган газетадан элик донани навбатчи мухбир уйингизга олиб бориб беради.

* * *

Кун бўйи шаҳар айланиб, сўнг кино кўриб кечга яқин ижара хонамга келсам, Нормурод мени кутиб ўтирган экан. Афтидан, у менга муҳим бир гап айтмоқчи-ю, бироқ дабдурустан сўз бошламай:

— Дўстим, сизни топгандан буён тез соғинадиган бўлиб қолдим-да, — ҳазиллашди кулиб. — Бир мен эмас,

бошлиғимиз Одил ака ҳам соғинибди шекилли, сизни кўргиси келиб қолибди.

— Йўқловчиларим кўпайганидан хурсандман, — ҳазилга ҳазил билан жавоб қилдим. — Ўзим ҳам куни билан зериккандим.

— Ундай бўлса Одилжон аканинг олдига кетдик, у кутиб ўтирибди.

— Яхши, — дедим подполковник Қорабоевнинг бевақт йўқловидан хавотирланиб.

Биз таксига ўтириб, бошқармага қарама-қарши томонга йўл олдик. Мен таажжубланиб Нормуродга қарагандим, у “хавотирланманг” дегандек қўлимни сиқиб қўйди.

Ўрдада таксидан тушиб қолдик.

— Анҳор бўйида ўтириб тамадди қилгимиз келиб қолди, ўзиям кун бўйи туз тотмабмиз-а, — деди Нормурод ошхона томон бошларкан. — Сизнинг ҳам кечки овқатланишингизнинг белига тепдик.

— Яхши бўлди, кечкига нима қилсамикин деб ўтиргандим.

— Пулингиз ҳам ёнга қоладиган бўлди, — кулиб деди Нормурод. — Талабаликда бир сўм ҳам катта пул, тўғрими?

Анҳор бўйига қўйилган энг чекка столда Одил ака сигарет тутатиб ўтирарди. Олдидаги кулдонга анчагина сигарета қолдиқлари ташланганди. Мен столга яқинлашарканман, дароз подполковник қўлини узатди.

— Сизни кўрадиган кун бор экан-ку! — у эски қадрдонлардек сўрашиб, мени ўтиришга таклиф этди. — Яхши инсонлар ҳар доим дастурхон атрофида учрашадилар.

Нормурод тезда чой, нон, уч коса мампар ва ўнтадан зиёд кабоб келтириб столни тўлдирди. Унгача Одил ака мендан сафарим қандай ўтганлигини, мақолани ёзиб топширган-топширмаганимни сўраб-суриштириб олди. Жавобимдан кўнгли тўлиб “яхши” деб қўйди.

— Қани, овқатга ҳужумни бошлайлик, қоринлар ўзи-ям пиёз пўсти бўлиб кетди.

У шундай дея зўр иштаҳа билан мампарни тушира кетди. Ундан биз ҳам ўрнак олиб ўзимизни урдик. Ҳашпаш дегунча косаларнинг ҳам, кабобларнинг ҳам таги кўринди. Энди даврамизда Нормурод узатган пиёлалар айлана бошлади.

— Баҳромжон, ука, — гап бошлади подполковник гавдасига мос бўлмаган майин овозда, — сизни бевақт йўқлаганимизга жуда ҳайрон бўлаётганлигингиз табиий. Ҳа, ишимиз шундай ҳайрон қоларли тасодифларга тўла. Бу сафарги тасодиф бевосита ҳаётингизга боғлиқ бўлганлиги боис сизни йўқлашга мажбур бўлдик.

— Менга боғлиқ қандай тасодиф рўй бериши мумкин?
— Сабрим чидамай сўрадим Одил аканинг гапини бўлиб.

— Сизга берган мўъжаз микрофонни бир илож қилиб Маҳмуднинг кабинетига қўйишни сўрагандик. Уни қаерга қўйганингизни билмаймизу, бироқ бугун ўша матоҳ тилга кириб, муҳим бир хабарни қўлга киритдик. Афтидан, Маҳмуд ўз тўдаси билан ўша жойда суҳбат ўтказган. Бизнинг ходимлар уни магнитофонга батафсил ёзиб олишибди. Маълумотда Маҳмуднинг одамларидан бири сизни илгари кўрганлигини, унинг синглиси Латифа билан Навоий театри майдонида учрашганингизни, сўнг яқинроқ жойдаги кафедра тушгача гаплашиб ўтирганингизни, кейин бирга уйга қайтганларингизни гапирган.

— Буни нега ўша пайтда айтмагандинг? — дўқ урди Маҳмуд.

— Топширигингизга кўра синглингизни кузатиб, бирикки ҳафтада сизга маълумот беришим лозим эди. Ўшандан кейин бошқа учрашув бўлмади. Кейинроқ бу бола армияга кетиб қолди ва у ҳақда сизга гапиришга ҳожат қолмади. Лекин уни бугун қабулингизда кўриб, ҳайрон бўлдим.

— Бу бола мухбир, уни топшириқ билан бизга юборилгани ҳақидаги буйруқни ҳам кўрдим. Бунинг устига у ҳамқишлоғим, менга фақат яхшилиги тегади. Мана кўрасан, эртага у мен ҳақимдаги мақола чиққан газетасини олиб келади, — овози эшитилди Маҳмуднинг.

— Бу томони яхши-ку-я... Лекин синглингиз билан муносабатлари жиддий бўлган бўлса, сизга бирор ёмонлиги тегиб қолмасмикин, дейман-да. Ҳойнаҳой қишлоқда ота-онангиз ва синглингиз билан ораларингизда бўлиб ўтган воқеалардан бугун бўлмаса эртага, албатта хабар топади.

— Менга қандай хусумати бўлиши мумкин?

— Ҳалиги...ўч олиш дегандай...

— У ҳам мени айбдор санайди деб ўйлайсанми?

— Уни жуда зукко, ер тагида илон қимирашини олдиндан билиб олади, деб эшитдим. Тағин ҳаммасидан хабардор бўлса, бирор ишқал чиқармасин, дейман-да.

— Сенлар нима қилиб юрибсанлар бир нимжонгина мухбир чиқариши мумкин бўлган ишқалнинг олдини ололмасаларинг?

— Шунга сиздан сўраяпмиз-да секин тинчитиб қўя қолайликми, деб.

— Бўлмаса, Миркомил, яхшилаб эшитиб ол. Яхшими-ёмонми Баҳром менинг меҳмоним, қолаверса, давлатнинг, газетанинг одами, бизнинг олдимизга юборилган. Агар унинг бошидан бир дона сочи тўкилса биз жавоб беришимизга тўғри келади. Шунинг учун сабр қилайлик, эртага келганда унга ваъда қилган пулни берайин, хизмат сафари гувоҳномасини расмийлаштириб, кетган кунини белгилаб берай. Шундан кейин бошқа кунга, масалан, уч кундан сўнг бўладиган ўйин кунига далаҳовлига таклиф қиламан. Агар келса ўша ёқда аввал яхшилаб меҳмон қилгандан кейингина сен айтган тинчитиш режасини амалга ошириш мумкин. Лекин аввал подвалда у билан яккама-якка суҳбатлашим лозим.

— Мана шу гаплардан хабардор бўлдик, — сўзини тугатаркан, подполковник “нима дейсан?” дегандек менга қаради. — Сизнинг олдингизда икки йўл бор шундан бирини танлашингиз керак. Биринчиси, топшириқни рад этиб омон қолишингиз мумкин. Сизни топшириқни бажаришга мажбур этолмаймиз. Лекин операциямиз барбод бўлса, Маҳмуд яна қанча вақтгача қўлга тушмай ўзининг қабих ишларини қилаверади. Йигитлари эса барибир изингизга тушиб тинч қўймайди. Иккинчи йўл, хавф-хатарга қарамай Маҳмуднинг таклифини қабул қилиш ва у билан далаҳовлига бориш. Биз изма-из бориб далаҳовлини аниқлаймиз ва сизни бўрининг чангалидан қутқарамиз. Бунинг хавфли томони, биз етиб боргунча улар сизни йўқ қилишлари мумкинлиги. Кўриб турибсизки, иккала вариантда ҳам хатар бор. Шундай экан, танлаш имконидан фойдаланиб, қай бирини маъқул кўрасиз — ўзингизга ҳавола.

— Мен қандай бўлмасин, Маҳмуддан ўч олишга аҳд қилганман. Шундай экан, ҳар қандай топширигингизни бажаришга тайёрман, — жавоб бердим ўйлаб ўтирмай.

— Офарин, — деди Одил ака, — ҳойнаҳой, шундай жавоб берасиз, деб кутгандим. Энди сиз билан келишиб оладиган вазифа — далаҳовлига боргандан сўнг қулай имконият топиб, бизга далаҳовлининг ички томони ҳақида маълумот берасиз. Ишқилиб, ўшангача кўйлагингизни ечиб олишмаса бўлди. Агар уддалай билсангиз, қочинг. Фақат қаҳрамонлик кўрсатишга ҳаракат қилманг. Сизни бу ерга чақиришимдан мақсад — бошқармага кириб-чиқишингиз хавфли, сизни кузатиб юрган бўлишлари мумкин. Энди хайрлашамиз, сизга омад тилайман.

Яна Нормурод билан таксида қайтарканмиз, у йўлда тушиб қолди.

Эрталаб туманга йўл олдим. Кечқурун навбатчи келтириб берган газеталарни яхшилаб ўраб, сумкамга солвол-

ганман. Вужудимни қамраб олган хавотирликни енгиш учун Латифага қилинган қабихликларни хаёлдан кечирарканман, юрагимдаги қасос алами кўрқув ҳиссини тўзғитиб юборди. Ўзимни руҳан Маҳмуд билан юзма-юз бўлишга тайёрлай бошладим.

Маҳмуд ака мени ясама хурсандчилик билан кутиб олди. Газетадаги мақолани батафсил ўқиб чиқди. Ўқиётганда мамнунлик билан бир неча бор бошини чайқаб қўйди.

— Боплабсан, Баҳром, — деди у ниҳоят газетадан бошини кўтариб, илжаяркан, — шунчалик зўр ёзишингга, тўғрироғи, ишонмагандим. Бундай мақтовлар билан юқоридаги хўжайинларга ҳам мойдек ёқишинг турган гап. Энди аввал ваъда берганимдек, хизматингга яраша тақдирламоқчиман.

У ўтирган столнинг ғаладонидан бир почка эллик сўмлик ва икки почка ўн сўмлик пулни стол устига қўйди.

— Мана шу пул ваъда қилинган она сутидек ҳалол сенинг меҳнат ҳақинг. Истасанг, битта “05” “ВАЗ” миниб ол, хоҳласанг онангга бер, тўйингга олиб қўяди. Шу билан Маҳмуд акангнинг химмати тугагани йўқ — уч кун ўтиб, шанба кун эрталаб соат тўққизда шу ерга келсанг, сен билан далаҳовлимга борамиз. Икки кун дам олиб қайтсанг, умрбод эслаб юрасан. Бутун чарчоқларингни унутиб юборасан. Бир ой Сочида дам олгандек бўласан. Жононлар ҳам бўлади. Хўш, маъқулми?

— Маъқул ҳам гапми, айти муддао-ку! Шунча тақдирлов кўплик қилади. Манависининг ўзи етади, — деб Маҳмуд аканинг олдига эллик сўмлик боғламни қайтариб қўйдим.

— Ҳой, ука, нима қиляпсан? Маҳмуд акангни пасткашга чиқариб қўйяпсан-ку! Мени ранжимасин десанг, айтганимдек қил. Келишдикми?

- Раҳмат, келишдик.
- Бўлмаса, сени уч кундан сўнг кутаман.

* * *

Маҳмуд ака айтган кун и келишилган жойга борсам “УАЗ—469” автоулови турган экан. Машинада ўтирган шофёр мени кўриб тушиб келди.

— Сизни Маҳмуд ака ичкарида кутаяптилар, — деди у менга оч бўридек тикилиб. — Ҳозир келганингизни айтаман.

Бир неча дақиқадан сўнг у Маҳмуд аканинг ўзи билан чиқиб келди.

— Келдингми, ука, — деди у кўришмоққа қўл узатаркан, — зарур ишим чиқсаям берган ваъдамни бажарайин, деб кутиб тургандим. Қани, бўлмаса жўнадик.

“УАЗ—469” ҳайдовчиси илдам бориб ён эшикларни очди. У ўрта бўйли, кўзлари негадир кулиб турганга ўхшаб кўринса-да, боқишлари совуқ эди. Баданлари темирдек пишиб кетганлигини таранг турган футболкаси сиртидан ҳам пайқаш қийинмасди. Боя кўришганимизда кучимни чамалагандек бошимдан оёғимгача қараб чиққан, мени «офтоб кўрмаган мухбирчалардан» деб хаёл қилиб ўзича бармоқларини қарсиллатиб кўйганди. Менимча, «чақиб ташлайман» деб ўйлаган бўлса керак.

Тоғ йўлига бурилганимизда йўл чеккасида паҳлавон келбат бир йигит думбали икки кўчқорни ушлаб турарди. Машина унинг олдида тўхтади.

— Мана шу кўчқорларнинг гўшти тугамагунча қайтмаймиз, — Маҳмуд ака менга уларни кўрсатиб кулди.

— Уларни икки ҳафтада ҳам тугата олмасак керак, — ҳар бири қирқ-эллик кило келадиган жониворларни чамалаб дедим мен.

— Нима деяпсан, манави Говнинг олдида пишириб

қўйсанг бир ўзи икки кунда еб битиради бу очофат. Лекин кабобу димламалар пиширишни боплайди. Далаҳовлига сендан бошқа меҳмонларни ҳам таклиф қилганман. Улар орасида анави куни сенга айтган танишлар ҳам бор. Дам олиш баҳонасида улар билан ҳам танишиб оласан. Келгусида мақолаларингга қаҳрамон бўлишади. Ҳаммалари ҳимматли йигитлар, қуруқ қўйишмайди. Улардан ташқари, айтганимдек, қизлар ҳам бор, — Маҳмуд ака мен томонга ўгирилиб, кўзини қисиб қўйди. — Хоҳласанг массаж билан гижинглаган тойдек, хоҳласанг кўнглингни олиб мулла минган эшакдек қилиб қўйишади, во-хо-хо-хо.

Унинг қаҳқаҳасига қолганлар жўр бўлишди, мен ҳам қўшилдим. Ахир, шайтоннинг аравасига мингандан кейин ашуласини ҳам айтиш керак-да.

Мен кўз қирим билан Говни кўздан кечира бошладим. Буқадек Говда, куч бор, лекин чаққонлик йўқ, деган фикрга келдим. Ҳарҳолда рўй беражак тўқнашув учун рақибинг ҳақида озгина тасаввур бўлса зиён қилмайди.

— Хўжайин, — деди бир пайт паҳлавон келбат Маҳмуд акага қараб, — жуда саховатлисиз-да, дуч келган меҳмонга қўй сўясиз-а...

Маҳмуд ака томоғини маъноли қириб қўйди. «Ўзинг девдай бўлсанг ҳам тариқча фаросатинг йўғ-а» деган маънони тушуниш мумкин эди ундан. Паҳлавон тушунди шекилли, писиб қолди.

— Баҳромжонга бир эмас, ўнта қўй сўйсанг ҳам кам, — деди Маҳмуд ака қовун туширган Говнинг хатосини тўғирлаш учун. — Унинг хизматини юзта сендақа Гов бажаролмайди, билдинг.

Гап Говнинг ҳамиятига тегди шекилли, бир бўзардида «Ҳа, энди ҳар ким ўз ишининг устаси-да, мен қилган ишимни ҳам бу укалардан юзтаси қила олмайди», деб тўнғиллади.

— Нима иш қиласиз, ака? — сўрадим Говнинг ўзи фахрланиб гапираётган юмуши асли нима эканлигини билишга қизиқиб.

Негадир Говнинг дами ичига тушиб кетди. Бир неча сония совуқ жимлик чўкди.

— Гов курашда сендақа йигитчалардан юзтаси менга тенг келолмайди, демоқчи, — ўртадаги совуқликни кўтармоқчи бўлди Маҳмуд ака. — Кимнинг зўрлиги гавдага боғлиқ эмаслигини бу Гов тушунмайди.

У баҳайбат югурдагининг яна қовун тушириб қўйишини истамади шекилли, йўл бўйи ўзи ҳар хил ҳангомалару латифалардан гапириб кетди. Машина икки соатдан зиёдроқ юргач, шағалли йўлдан ўнгга — автоулов филди-раклари камроқ топтаган томонга бурилди ва яна ўн километрча тоғ оралиғига кириб борди. Ниҳоят, ташқи томони тартибсиз ўсиб ётган ҳар хил тоғ дарахтлари ортида аранг кўзга ташланадиган тош девор олдида тўхтадик.

Машина сигнал берганди, ичкаридан кимдир дарвозани очди. “УАЗ — 469” ичкарилаши билан дарвоза қайта ёпилди.

Машинадан тушарканман, оғзим ҳайратдан очилиб қолди. Маҳмуд ака қурдирган бу далаҳовли ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли эди. Ҳовли, ҳовуз, бир неча хоналардан иборат бу гўша мен ҳали кўрмаган европача услубда санъаткорона бунёд этилгандики, таҳсин айтмай илож йўқ.

Мен китоблардагина ўқиган бу мўъжаз кошонани ҳайратланиб томоша қилаётганимдан ҳузурланиб, кузатиб турган Маҳмуд ака қойил қолганимни эшитгиси келиб гап қотди:

— Қалай, бизнинг кулбаи оромгоҳимиз маъкул бўлди-ми?

— Маъкул бўлдиям гапми, қойил қолдим, тан бердим дидингизга, — дедим унинг мақтовга маҳтал кўнгли те-гирмонига сув қуйиб. — Бекорга мақтамаган экансиз.

— Маҳмуд аканг шунақа, бекорга мақтанмайди.

— Ҳақиқатда зўр дам олиш жойи экан, — ҳовуздаги турли рангда товланаётган балиқларни томоша қиларканмиз, атайин Маҳмуд аканинг ҳузурланиш қитиқ патига тегиб кўпроқ мақтанишига йўл очдим.

— Бу кўрганларинг ҳали ҳолва, икки кун ичида шундай қойил қоладиган нарсаларнинг гувоҳи бўласанки, “дод” деб юборасан ўзинг.

Маҳмуд ака шу сўзларни айтаётганда беихтиёр Одилжон аканинг анҳор бўйида айтиб берган менга нисбатан қора кучларнинг суиқасди ёдимга тушиб унинг кўзларига қарадим. Уларда қандайдир ёвузлик муҳрлангандек эди.

— Ҳозирча сен боғни томоша қилиб чиқ. Мен хизматчиларга икки кунлик дам олишимиз бўйича керакли топшириқларни берай. Лекин боғда ярим соатдан ортиқ қолиб кетма, овқат пишиб қолади.

Хоналар ўртасидаги йўлакдан мени орқа тарафга кузатиб чиққан Маҳмуд ака шу ердаги ошхонада куймаланаётган ўзига тенгқур одам олдиға қараб кетди. Мен эса рўпарамдаги олмазор томон одимладим. Ошхонадагилар ортимда кўринмай кетгач, қип-қизил бўлиб пишган, кўзни куйдиргудек нақшин олмалар ҳавасимни келтираётганиға қарамай қадамларимни тезлатдим. Мақсадим, иложи бориға холироқ жойға чиқиб, келган жойим ҳақида ёқамдаги микрофон орқали хабар бериш эди. Мўлжалдаги масофаға етгач, “Диққат, “Бургут”, мен объектдаман, сой бўйлаб келган йўлда кечувға етганда сувдан ўтмай ўнға бурилади. Ўн километрча юрилгач, жунглиға ўхшаган дарахтзор кўринади. Дарахтзорға кираверишда, баландлиги тўрт метрча тошдевор билан ўралган далаҳовлиға дарвоза орқали кирилади. Қолган маълумотлар кейин берилади. Вазиятға қараб иш тутаман”, дедим. Гапим манзилға етиб бордими-йўқми, билмадим, бироқ орқа томонда

эшитилган шитирлашдан чўчиб ўтирилсам, ўн саккиз-йигирма ёшлардаги, тор-танқис қора юбка ва зангори кофта кийган қиз мен томон оёқ остидаги ўсиқ хас-чўп аралаш бедадан ўзини эҳтиётлаган кўйи келмоқдайди. Тиззасидан юбкасининг этагигача бир ярим қаричча очик кўриниб турган оёқлари йўғон, баланд кўкраклари кофтасининг ёқасидан анчагина тошиб чиққан оппоқ, ўзи хушрўй, дуркун эди. У мендан уч қадамча нарида тўхтаб:

— Ассалому алайкум! — деди майин овозда. — Сиз Баҳром аками?

— Ҳа, — жавоб қиларканман шаҳвоний кўринишда турган қизга тикилиб қарашга ийманиб нигоҳимни қуйи туширдим. — Ўзингиз ким бўласиз?

— Менинг исмим Амина.

— Нимага мени пойлаб юрибсиз?

— Пойлаганим йўқ. Маҳмуд ака сизга хизмат кўрсатишимни тайинлаб, орқангиздан юбордилар.

— Мени кўп қидирдингизми ёки дарров топдингизми?

— Аста бедапоядаги изингиздан келаётувдим, овозингиз эшитилиб қолди. Қарасам, ўзингизга ўзингиз гапираётган экансиз.

Шунда Яратганга шукроналар келтирдим. Тўғри-да, мабодо Маҳмуд ака бу қиз ўрнига каллакесарларидан бирини юборганда нима бўларди? Мендақа ношуд жосусни осонгина қўлга туширарди.

— Томи кетган экан деб ўйламадингизми мабодо?

— Йўғ-е, ўзига ўзи гапириб юрадиганларни кўп кўриб тураман-ку!

Кўнглим жойига тушди. Демак, мени ўша тоифа одамлардан ҳисоблаяпти.

— Хўш, Аминахон, менга қандай хизмат кўрсатмоқчисиз?

Қиз ерга боқди:

— Ҳар қандай истагингизни бажариб, кўнглингизни олишим керак экан.

— Сиз бундай хизматларни кўп бажарасизми?

— Йўғ-е, бу ерга биринчи келишим.

— Аввал-чи?

— ...

Қизнинг беғубор кўзлари ҳам уни бу нопоклик кўчасига ноилож кириб қолганлигидан далолат бериб турарди. Унга жуда раҳмим келди.

— Ўзингиз нима иш қиласиз? — деб сўрадим мен.

— Маҳмуд акага қарашли дўконларнинг бирида сотувчиман.

— Қандай қилиб бу кишининг чангалига тушиб қолдингиз?

— Ўтган йили дўконда ревизия ўтказилиб, катта камомад аниқланди. Қамалиб кетишим аниқ бўлиб турганда Маҳмуд ака камомадни тўлаб, қутқариб қолган.

— Бекорга бу ишни қилмаган экан-да.

— Ҳа. Қамалмаслик учун уларнинг ҳамма шартларига рози бўлганман.

— Тушунарли. Ўзингиз нима деб ўйлайсиз, дўконингиздан камомад чиқиши хатоингиз туфайлими ёки уюштирилганми?

— Билмадим, лекин у киши ревизия воқеасидан олдин бир-икки марта менга бирга дам олишни таклиф қилганда, кўнмагандим.

— Ота-онангиз борми?

— Ҳа, отам ногирон, ишламайдилар, онам фаррошлик қиладилар. Икки опам бор — турмушга чиқиб кетишган.

— Бу ерга қачон келдингиз?

— Бугун эрталаб биз — уч қизни Маҳмуд аканинг одамларидан бири олиб келди.

— Икки шеригингиз қани?

— Улар Маҳмуд аканинг олдида эди.

— Энди гап бундай, Аминахон, ўртамизда ҳозирги суҳбат бўлмади. Агар қаерда шунча вақт қолиб кетдинг, деб сўрашса, мен билан бирпас кўнгилхушлик қилганингизни айтасиз, келишдикми?

— Раҳмат сизга!

— Нимага “раҳмат?”

— Баъзиларга ўхшаб оч бўридай ташланмаганингиз учун.

— Ҳамма одамлар оч бўридек бўлганларида дунёда ёвуз одамлар кўпайиб кетарди. Қани, энди борайлик-чи.

Биз қўл ушлашиб боғдан чиқарканмиз, Маҳмуд ака икки одами билан шу ёққа ташвишли қараб турганини кўрдик.

— Вақтида келдинглар, энди чақиришга одам жўнатмоқчийдим, — деди Маҳмуд ака. Унинг овоз оҳангида самимийликдан кўра хавотирлик борлигини илғадим. Мени қочиб кетмадимикин, деган хаёлга борган бўлиши мумкин. — Тез ювиниб чиқа қол ҳаммомда, овқат тайёр бўлибди.

Аввал сергўшт димлама келтирилди. Косагуллик қилаётган Маҳмуд аканинг ҳайдовчиси пиёлаларга тўлдириб “Столичний” ароғидан куйди.

Маҳмуд ака қўлига пиёлани олиб қадаҳ сўзи айтди:

— Мана шу қадаҳни бизнинг азиз меҳмонимиз, укамиз Баҳромбой учун олишингизни таклиф қиламан. Чунки биз учун у катта хизмат қилди. У бизнинг донғимизни вилоятга тарқатди. Катта хўжайинларга яқиндан танитди. Шундай экан, биз ҳам бу укамизнинг келгуси ишларига омад, ўсиб-унишига Яратганнинг ўзи оқ йўл беришини тилаб қоламан. Қани, олинглар.

— Раҳмат! — миннатдорчилик билдирдим ўрнимдан туриб.

Маҳмуд аканинг нима деганига эмас, оташин нутқиға югурдакларининг қарсағи янгради.

Қадаҳлар бўшагач, далаҳовли соҳиби овқатга ундаб, ўзи бошлаб берди.

Менинг организмим тўрт-беш пиёла ичкиликни асоратсиз ичишимга тўсқинлик қилмайди, кейин рад этишни бошлайди. Шу сабаб маст бўлиб, ақлимни йўқотиш даражасига етмайман. Бугун кучли газаклар, салатлар, кетма-кет келаётган овқатлар ароқ кучини кесиб ташлаётгани учун сархушликни ҳис қилмадим. Шундай бўлса-да, ўзимни кайфи ошгандек тута бошладим. Чунки рўпарамда ўтирган разил кимсалар ўзларининг қабих ниятларини эҳтиёткорона ёки аксинча тарзда амалга оширишлари менинг ҳолатимга боғлиқлиги шубҳасиз. Агар маст ҳолатни кўпроқ намоёйиш этсам улар ортиқча эҳтиёткорлик қилмайдилар ва мен рақибларимнинг хатосидан фойдаланишим осонроқ бўлади.

Мен кайфи ошгандек ёнимда ўтирган Аминани бўйнидан қучиб, ўзимга тортиб бир-икки ўпдим, “эҳтиётсизлик қилиб” ароқ қуйилган пиёлани ағдариб юбордим, қўлимдаги қошиқ “тушиб кетди”, ниҳоят билагимни столга ёстиқ қилиб, бошимни қўйдим.

— Ие, ошнализнинг кайфи ошиб қолганга ўхшайди,
— Маҳмуд ака овқату ароққа зўр бераётган дастёрларига буйруқ бера бошлади.

— Ҳой Гов, уни хонасига оббориб ётқиз, кечгача ўзига келиб олсин, сен қизларингни жойларига кузатиб қўй, ҳеч қайси бири ташқарига чиқмасин. Миркомил, Говга ёрдамлаш.

— Оббо, — деди Гов барвақтроқ маишатдан маҳрум бўлаётгани учун норози бўлиб тўнғиллади, — ҳеч нарсадан хабари йўқ бу оқбилак мухбирчани хурмачасидан

ортиқча ичиб олганига ўлайми. Обрўсини сақлаб, эҳтиёт бўлишни ҳам билмайди.

У қўлтиғимдан ушлаб мени “оёққа турғазди”, Миркомил дегани ўша зуваласи пишиқ ҳайдовчи эса иккинчи қўлтиғимдан олди. Улар мени судрагудек сургашиб, энг чекка хонага олиб келишгач, Миркомил жавонни итарганди, у сурилиб орқасида йўлак кўринди. Йўлак эса пастга тушадиган зинага туташганди.

— М-м-мени қ-қ-қаёққа о-олиб к-к-кетяпсизлар? — сўрадим ўзимнинг мастлик ролимни бажаришда давом этиб.

— Катта холангникига, — жеркиди Гов. — Ҳозир подвалда уни кўрасан.

— М-мани катта х-холам йўқ, п-п-подвалда н-нима қ-қиламан?

— Холанг бўлмаса, онангни кўрсатамиз, мухбирвачча, — дея Гов биқинимга бир мушт туширди. Нафасим ичимга тушиб кетгандек бўлди.

— Н-н-нега мени уряпсиз, сизларга нима ёмонлик қилдим? — дедим оғриқдан ихраб.

— Нима ёмонлик қилганингни ҳали Маҳмуд акангнинг олдида сайраб берасан. Унгача биз оёқ-қўлимизнинг чигилини ёзиб турамиз.

Шундай деб Гов биқинимга яна бир мушт туширди. Вой-войлаб ўзимни ерга ташлагандек ҳаракат қилдим шу аснода уларнинг қўлларига таянганимча бир айланиб орқа томонга оёғим билан тушдим. Айланиш баробарида қўлларимни ҳам чиқариб олгандим. Чунки Дов ва чайир ҳайдовчи бундай ҳаракатимни кутишмаганди. Оёғим ерга тегар-тегмас кафтим қирраси билан бўйниларига яшин тезлигида зарба бердим. Миркомилга қаттиқ тегди шекилли, бир неча сония карахтланган кўйи туриб қолди. Бундан фойдаланиб, орқага бурилиб чап то-

мондан йўлланган заифроқ зарбани писанд қилмай бостириб келаётган Говнинг икки оёғи ўртасига кучим бори ча тепдим. У оғриқдан букчайиб қолди. Кейинги зарба чаккасига тушган тепки бўлди. Гов ёнбошига ағдарилди. Ўзига келиб улгурган Миркомил устимга бостириб кела бошлади. Ундан сақланишнинг чораси чекиниш ёки зарбаларига чап бериш. Бунинг уддасидан чиқа олармикинман? Чунки олти-етти метр узунликда, уч ярим-тўрт метр эни бўлган ертўла бундай ҳаракатланишга торлик қилади. Ишқилиб Гов ўрнидан туриб қолмаса бўлди.

Миркомил билан оралиғимиз икки метр ҳам чиқмайдди. У боксчи бўлган шекилли, ҳаракатлари ўхшаяпти, демак, ундан-да чаққон бўлишим лозим. Унинг биринчи мушти беҳуда кетди, иккинчисига чап бердим, учинчи-тўртинчи зарбаларини ўзини-ўзи ҳимоя қилиш усуллари кўллаб қайтардим. Бешинчи зарбани беришга чўзилган Миркомилнинг муштли кўлини ушлаб кескин тортгандим, у тезлаб бориб деворга урилди ва чалқанча ағдарилди. Фурсатни кўлдан бермай бир тепгандим, чўзилиб қолди. Лекин у билан олишувга берилиб, Говнинг туриб келганини сезмай қолибман. У орқамдан келиб бўйнимдан билагини ўтказди-да, бор кучи билан сиқа бошлади. Бўйин суякларим қирсиллади, нафас етишмай типирчилай бошладим, кўп ўтмай кўз олдим қоронғилашиб, ҳеч нарсани ҳис этмай қўйдим.

Қанча вақт ҳушсиз ётганимни билмайман, бошимдан қуйилган муздек сувдан ўзимга келдим.

— Ҳе, аҳмоқлар, меҳмонни шунақа иззатлайсизларми? — деган Маҳмуд аканинг овози келди.

Кўзимни аранг очгандим, ўзимни темир стулга боғлоқлиқ ҳолда кўрдим, рўпарамда эса Маҳмуд ака юз-кўзлари шишган Гов билан Миркомилнинг ўртасида истехзоли кулиб турарди.

— Бу меҳмон деганингиз ичволиб, тўполон бошловди, боғлаб қўйишга тўғри келди, — тумшайиб жавоб берди Гов.

— Бу, ука дейман, ичкиликни кўтаролмайдиган оқ-билак ойимча бўлиб кетган экансан-да, — деди Маҳмуд ака. — Лекин шу гавдангга уришишни қотираркансан-да, қара, икковини не аҳволга солиб қўйибсан. Мен бугун сени анави айтган улфатларимга таништираман десам, сен бўлсанг ғавғо кўтариб юрибсан. Энди хафа бўлмайсан, бугун ўша улфатларим келиши керак, сени шундай боғлоқлиқ қолдиришга тўғри келади, акс ҳолда улфатларим билан яна ичишасан-да, бирор томошани бошлайсан. Сен билан, худо хоҳласа, эртага суҳбатлашаман. Ҳозирча дамингни олиб тур. Манави йигитлар ош-овқатингдан хабар олишиб, зериктирмай туришади.

— Хўжайин, хўжайин, — ертўлага тушадиган зина юқорисидан бир йигитнинг овози келди, — меҳмонларингиз келишди.

— Ҳой, Самад, дарвозани очиб меҳмонларни кирга-завер, — буйруқ берди Маҳмуд унга қарата, — мен ҳозир чиқаман. Ўйин бошлангунча икки хил овқатингни тайёрлайвер.

— Хўп, хўжайин.

Юқоридан гапирган йигитнинг қораси ҳам, овози ҳам ўчди.

— Сенлар эса ҳадеб нафсларингни ўйлайвермай хушёр туринглар, тагин бегоналар бу ёққа бурун суқиб юрмасин, — Маҳмуд энди Гов билан Миркомилга кўрсатма берди. — Манави меҳмонга ҳам овқат-повқат бериб туринглар.

Мендан бошқа ҳамма ертўлани тарк этишди. Қизиқ, эртагача шу аҳволда ўтирармикинман? Ҳалитдан арқон қўлимни қийишни бошлади-ку!

— Ҳой, ким бор? — деб бақирдим. Ҳеч зоғ овоз бер-

мади. Бақиримдан фойда йўқлигини фаҳмлаб, қўларимни ҳаракатлантира бошладим. Оғриқ кучайса кучайдики, арқон исканжаси бўшашмади. Шунга қарамай уринишимни тўхтатмадим. Ахир, жим ўтираверсам қўларимнинг томирларида қон тўхтаб қолиши ҳеч гапмас.

Нормуродларнинг гуруҳи қачон келаркин? Чамаси, улар ўзлари учун мақбул фурсат кутишарди.

Икки соатлар вақт ўтганда боя ертўланинг зинасида туриб гапирган йигит кириб келди.

— Ҳа, меҳмон, яхши ўтирибсанми? Сенга овқат олиб келдим, — деди у масхараомуз ва қўлидаги товоқни олдимдаги темир столга қўйди-да, ортига бурилиб кета бошлади.

— Ҳой ака, қўлимни бўшатмайсизми? Овқатингизни қандай ейман?

— Мен Говга ўхшаган аҳмоқ эмасман қўлингни бўшатиб. Ана, бўйнингни чўзиб энгашгин-да, оғзинг билан ичавер шўрвани. Шунини олиб келганимга ҳам раҳмат де.

— Ечмасангиз лоақал Маҳмуд акани чақириб юборинг. Ахир қўлларим увишиб қолди-ку!

— Энди Маҳмуд акангни эрталабгача кўрмайсан. Ҳозир у меҳмонлар билан ўйинга киришиб дов талашмоқда. Бзовта қилганнинг боши кетади. Сен, яхшиси, қорнингни тўйғаз, барибир қўлингни ечишга ҳеч ким келмайди. Эрталабгача ўлмасанг, барибир куним битди деявер.

— Нега ундай деяпсиз? Мен сизларга нима ёмонлик қилдим, ахир?

— Буни эртага биласан.

— Бўлмаса, қўлимни ечиб қўйинг.

— Ҳали жонимдан тўйганим йўқ.

У шундай деб зина тепасида кўздан ғойиб бўлди. Зум ўтмай чироқни ўчирди шекилли, ертўлани зим-зиё қо-

ронғилик қоплади. Мен эса жонсизланиб бораётган қўларимни ҳаракатлантиришга урина бошладим. Фойдасиз уринишларимни давом эттирарканман, бир соатлар чамаси вақт ўтди, шекилли, чироқ яна ёнди ва кимдир зинадан енгилгина тушиб келаётгани қулоғимга чалинди. Не кўз билан кўрайки, ертўланинг хира чироғи Аминанинг дуркун гавдасини ёритди.

— Сиз?! Нима қилиб юрибсиз?

— Тсс...— дея қиз қўлим боғланган арқонни титраганча ечмоққа тутинди. — Қочмасангиз бўлмайди, эртага сизни ўлдиришмоқчи эканликларини эшитиб қолдим.

— Сиз-чи? Ахир, мени бўшатганингиз учун сизни ҳам ўлдиришади-ку! Мен билан кетасиз.

— Майли, лекин менинг юришим қийин, қўлга тушамиз. Хаҳ, намунча маҳкам боғлашмаса-я! Қўллaringиз қийилиб, қонаб кетибди-ку! Хайрият, бу ёғи ечилди.

Ечилган ўнг қўлим билан чап қўлимни бўшатиш учун Аминага ёрдамлаша бошладим. Қани энди увишган қўлим қовиша қолса. Ҳарҳолда бунисини ҳам бўшатиб олдик. Оёқларимни бўшатиш қийин бўлмади.

— Ташқарида ким бор? — сўрадим Аминадан зинадан кўтарилаётганимизда.

— Ҳеч ким йўқ эди. Ичкарида қимор ўйини авжида шекилли. Хизматдагилар эса қўшни хонада ичиб ўтиришибди.

— Соат неча бўлди? — орқамга ўтирилиб шивирладим.

— Ўн иккидан ошди. Шошмасак бўлмайди, ҳадемай мени ҳам қидиришга тушишади.

— Дарвоза қулфлоглиқ бўлса керак, боғ орқали чиқиб кетамиз.

— Майли.

Биз оёқ учида юриб боққа ўтадиган ўрта йўлакка етиб, энди ташқарига чиқай деганимизда Самад ошпазга

бақамти келиб қолсак бўладими. У ҳангу манг бўлганича тураркан, ўйлаб ўтирмай кўз очиб-юмадиган фурсатда бўйнига уриб ҳушидан кетказдим-да, Аминанинг қўлидан тутганча боғ ичкарисига югурдим. Ишқилиб ошпаз ҳушига келгунча боғдан чиқиб кетишга улгурсак бўлди. Ўлим хавф солиб турганда тўла гавдасига қарамай, кундузи хас-чўплардан ўзини эҳтиёт қилиб юрган Амина мен билан баробар югурмоқда эди. Эрталаб сайр қилганимда деворга яқин ўсган дарахтни кўзлаб қўйгандим, ўшани мўлжаллаб борардим. Лекин Аминани девордан қандай ошириш ўйи мени ташвишга солмоқдайди.

— Дарахтга чиқоласизми? — сўрадим ундан девор тагига етиб келганимизда.

— Қайдам. Лекин ёшлигимда дарахтларга кўп чиқардим.

— Ундай бўлса туфлингизни ечиб менга беринг-да орқамдан эҳтиёт бўлиб кўтарилинг.

— Хўп.

Мен унинг туфлисини камаримга қистирганимча дарахтга кўтарилиш асносида қизнинг қўлидан тутиб, қулайроқ шохларга чиқиб олишига кўмаклаша бошладим. Ҳадемай девор устига чиқиб олдим ва Аминани ҳам ёнимга ўтказдим. Энди тушишни ўйлаш керак. Мен-ку осилиб тушишни уддалайман, лекин Амина-чи? Белимдаги камар хаёлимга келди. Камарга қистирилган туфлини Аминага узатдим-да, камарни ечиб тўқали учини қизнинг бир қўлига боғладим.

— Оёғингизни деворга тираган ҳолда аста-секин пастга сирғалиб тушаверасиз, — деб шивирладим Аминага.

— Хўп, — қўрқа-писа розилик билдирди қиз.

У аввал бўйнимдан, қўлимдан, сўнг деворни ушлаганча пастлай бошлади. Лекин камарга оғирлиги тушганда бир хавотирим икки бўлди. Чунки бундай вазнли

қизни девор устида кўтара олиш-олмаслигим бир сари, камарим бардош бериш-бермаслиги ташвиши мени жуда хавотирлантирмоқда эди. Лекин қизни тўрт метр пастга тушириш мўлжали бўйича хавотирланишим эрта тугади — Аминанинг оёғи ерга тегиб, камар бўшашди. Фаҳмлашимча, девор қирликка туташгани боис бу томондаги баландлик уч метрдан ошмасди. Мен ҳам тезликда девор раҳига осилиб пастга тушиб олдим.

— Манави қирлик ёнбағри бўйлаб кетамиз, — дедим Аминага. — Ишқилиб юра оласизми?

— Ҳаракат қиламану аммо билмадим, узоққа юролмайман деб қўрқаман, — умидсиз жавоб қилди қиз бо-яқиш.

— Ҳечқиси йўқ, муҳими, ажал маконидан қутулиб чиқиб олдик, — дедим Аминага далда бериб. — Мана энди сизга ўзимнинг миннатдорчилигимни билдириб, раҳматларимни айтмоқчиман. Агар қутқариб қолмаганингизда эртага ўлишим аниқ эди.

— Сизга ҳам раҳмат, мени ҳам ўлимдан, ҳам бадномлик ботқоғига бутунлай ботиб кетишимдан сақлаб қолганингиз учун.

— Бундай бадномлик кўчасидан ўзингизни ўзингиз қутқардингиз.

— Аммо сиз ўз самимийлигингиз билан кўзимни очмасангиз, билмадим, бу фикр хаёлимга келармиди-йўқми.

— Ҳамонки, тўғри йўлга қайтишга қарор қилибсизми, демак, ҳаёни йўқотмабсиз. Энди бу йўлдан адашманг. Ҳозир эса дилингиздаги қўрқувни енгиб, хавотирдан қутулган бўлсангиз йўлга тушамиз.

Қирлик ёнбағри бўйлаб ярим километр юриб, далаҳовлини ортда қолдиргач, дам олишга тўхтадик.

— Сиз мана шу ерда дам олиб ўтириб туринг, мен ҳозир ташқарига чиқиб келаман, — дедим Аминага ўзимни

заҳар танг қилаётгандек кўрсатиб. Йигирма қадамлар нарида қорайиб турган пастроқ дарахт ортига ўтдим. “Бургут”, мен “Лочин”. Ҳозир айна вақти. Ҳамма ўйин гирдобиди. Биз қочиб кетяпмиз. Ҳозирча гапим тамом”.

Гапимни тугатиб Аминанинг олдига қайтдим. Иккимиз яна йўлга тушиб, ярим соатлар чамаси юрдик. Дам олмоқ учун қулайроқ жой қараётгандим, далаҳовли томонда ўнлаб кучли фонарлар ёруғи кўринди.

— Баҳром ака, у ёқда нима бўляпти, билмайсизми? — сўраб қолди Амина ҳам хавотирли овозда. — Бизни қидиришмаяптими мабодо?

— Йўқ, аксинча, билишимча газандалар макони ишғол қилинмоқда. Энди ҳеч қандай хавотирга ўрин қолмади.

— Биз нима қиламиз?

— Аста-секин далаҳовли йўлига чиқамиз. Газандаларни қўлга олганларнинг машинасида кетамиз.

Амина иккимиз бир-биримизнинг қўлимиздан тутганча пастга тушиб йўлга чиқдик. Кўп юрмай кечувга етиб келдик. Атрофга кўз югуртириб ҳеч қандай кўпригу яккачўпни кўрмадим.

— Бундан қандай ўтамиз энди? — Илтижоли боқди Амина. — Кўприк кўринмаяпти-ку!

— Начора, кечиб ўтишга тўғри келади, — қизга далда берадиган оҳангда дедим-да, туфлимни ечиб, шимимнинг почасини қайира бошладим.

Амина саросималанди:

— Мен бундай кечувларда юролмай йиқилиб тушаман. Энди нима қиламан?

— Хавотирга ўрин йўқ, сизни ўзим опичиб ўтаман.

Ўз ҳаётини хатарга қўйиб мени қутқарган қиз учун жонимни ҳам фидо қилишга тайёр эдим.

— Сизга опичишга уяламан, — хижолат тортиб деди Амина. — Ахир, олтмиш килоли юкни чуқурлиги номаълум кечувдан олиб ўтишнинг ўзи бўладими?

— Бўлмаса, шошмай туринг, мен чуқурлигини билиб келаман, — дея кечувга кирдим. Тоғ суви яхдек, нақ ўткир тигда тилгандек, тикон санчилгандек туюлади. Ўртароққа етганда чуқурлик сонимга етди. Шимим эса оёғимга урилган сув ҳисобига янаям баландроққача шалоббо бўлганди. Бунинг устига лагандек ясси тошлар сирпанчиқ, эҳтиёт бўлинмаса йиқилиб тушиш ҳеч гапмас. Йигирма метрли кечув азоби йигирма километрли йўл азобидан ҳам оғир бўлишини ҳис қилдим. Қайтиб Аминанинг олдига келганимда оёқларим кесакдек ҳеч нарсани сезмайдиган даражага етганди. Шундай бўлса ҳам аҳволимни билдиргим келмади.

— Келинг, опичинг, — деб қизга елкамни тутдим. У иймана-иймана опичиб, билакларини бўйнимдан ўтказиб олди. Ундан келаётган ифор, баданининг тафтидан бошим айланиб кетди. Файриоддий куч ёғилиб келгандек бўлди менга. Гарчи Амина ўзи айтгандек оғир бўлса-да, аммо ҳозир мен учун бу оғирлик аҳамиятсиздек туюлди. Яратгандан мадад тилаб кечувга кирдим. Ярмига етгунча сирғанчиқ тош икки бор мункитай деди. Ниҳоят, қирғоққа қадам қўйдим. Аминани оҳиста ерга туширдим-да, ўзим ҳам қуруқроқ жойга ўтириб оёқларимни ишқалай бошладим. Лекин ҳадеганда уларга жон кирай демасди. Амина ҳам иккинчи оёғимни ишқалашга киришди.

Олисдан уч-тўртта машинанинг чироқлари кўринди. Билишимча, улар вилоят ички ишлар бошқармасининг операцияда иштирок этган тезкор ходимлари олдига — далаҳовлига кетмоқдайди.

Машиналарнинг ҳайдовчилари бизни адашиб қолган сайёҳлардан деб ўйладими ёки бегона йўловчиларни олиш тақиқланганми, ҳарҳолда тўхтамай ўнгга бурилиб кетишди. Энди улар камида ярим соатсиз қайтишмайди.

Мен яна ерга ўтириб оёқларимни ишқалашга кириш-

дим. Гулхан ёқишга гугурт йўқ, аждодларимиз каби алланарсалардан учқун чиқариб олов ёқишни билмасам. Энди совуқ заҳри баданимга ҳам тарқалиб, тишларим такиллай бошлади.

— Совуқ ўтиб кетди-я, азобга қолдингиз, — Амина ачиниб ўрнидан турди-да, орқамга ўтиб қучоқлаб олди. — Сал бўлсаям исининг.

Дарҳақиқат, қизнинг қайноқ тафти иссиқлик бахш этиш билан бирга ҳиссиётларимни жунбушга келтириб, етмиш икки томиримда қон айланишини тезлаштириб, баданимни қиздира бошлади. Боя опичлаганимдаги каби хушбўй ифор ва ўзидан таралаётган бўйдан сармаст бўлаёздим.

— Шамоллабсиз шекилли, баданингиз куйдирадигандек иссиқ, — оҳиста шивирлади Амина бир муддатдан сўнг. — Нима қилсам экан-а?!

— Машиналар қайтгунча гаплашиб ўтиришдан бошқа чора йўқ, қолаверса, шу ҳолатимизда кечроқ келса ҳам майли...

Қиз кулди ва юзимга енгилгина шапатиллади:

— Ўзингиз не аҳволдасизу кўнглингиз истагини қаранг. Агар шу ҳолатим сизга ёрдам берса, майли, эрталабгача мен тайёрман.

— Бундай лутфингизу бадан ҳароратингиз ила ҳар қандай шифокордан аълороқ даволашингизга шубҳа йўқ.

— Сўзларингиз шоирона, муомалангиз зиёличаю бўрилар ичида юрганингиз ажабланарли. Кимсиз ўзи, қаерда яшайсиз?

— Мен ҳам одамман, одамлар каби уйда яшайман, айиқ уясида эмас.

Амина ўзининг қаердалигини унутиб шарақлаб кулиб юборди:

— Уйингиз қаерда?

— Бошқўрғонда.

— Ие, Бошқўрғонданмисиз? Мен сизни шаҳарлик деб ўйлагандим.

— Ҳозирча шаҳарлик десам ҳам бўлаверади, чунки университетда ўқийман, кундузи газетада ишлайман.

— Шундай ўқимишли, зиёли экансизу Маҳмуд акага ўхшаган разил, ваҳший одамлар орасида нима қилиб юрибсиз?

— Ўч оламан деб.

Амина ялт этиб менга қаради. Хирагина ойдинда унинг ҳайратланган кўзлари ялтираб кўринди.

— Ўч оламан деб, ўзингиз ўлиб кетишингизга озгина қолди-ку!

— Тўғри, сиз бўлмаганингизда ўлиб кетишим аниқ эди. Барибир ўч олиб ўлардим.

— Ниятингизга етдингизми?

— Ҳа. Далаҳовлидаги барча разиллар тўрға илинганини боя кўрдингиз.

— Демак, сиз...

— Ҳа. Лекин бу билганларингизни кўрмадингиз, эшитмадингиз деб ҳисоблаймиз, келишдикми?

— Келишдик, — деб Амина жавоб бердию бир неча сония жим қолди. Чуқур хўрсинди. Хаёлидан қандайдир ўйларни ўтказди, шекилли.

— Сизни лоақал бир йил илгари учратмаганимдан афсусдаман, энг бахтли қиз бўлармидим, — деди ҳазин оҳангда.

— Икки йил аввал тақдир бизни учраштирганда эди, бу ерларга келмаган бўлардик, сиз ҳам бўрилар чангалига тушмасдингиз. Сиз бундан бу ёғига тўғри йўлни танлаб олганингиз қатъий бўлса, ҳали бахтли бўлиш имконлари бор.

— Айтганингиз келсин. Сиздек софдил йигит кўзларимни очдики, энди адашиш йўқ, ишонаверинг.

Қизнинг сўзлари самимий эди, уни энг маъсум қиз сифатида билиб, ҳурматим ошиб борардию, бироқ либослари ҳануз кўнглимни ғаш қилиб турарди.

— Шундай либосда юришни яхши кўрасизми?— деб савол беришдан ўзимни тия олмадим.

— Шу саволни беришингиздан қўрқиб тургандим. Билсангиз, Маҳмуд аканинг талаби ва пули эвазига шу либосларни танлагандим. Ҳаётимда бунақасини киймаган бўлсам-да, кеча кийишга мажбур бўлдим. Ўзимга ҳам бир ноқулай бўлаяптики...

Шу пайт Маҳмуд аканинг далаҳовлисидан қайтаётган машиналар чироғининг шуъласи кўринди.

— Аминахон, сизга яна бир бор раҳмат айтмоқчиман, — дедим ўрнимдан туриб қизнинг ҳам кўтарилишига ёрдамлашарканман. — Ўз тафтингиз билан иситиб дардимни қувишга кўмаклашдингиз. Акс ҳолда бу касаллик янаям хуруж қилиб юборармиди...

— Сиздек йигитга жонимни ҳам берсам арзийди, — қизнинг овози қулоғим остида эшитилди. — Шу бир кун ичида сиз мен учун шунчалик яқин, қадрли, меҳрибон инсонга айланиб қолдингизки, тутинган акам бўлиб қолишингизни истардим. Токи қалбимни ёритишни бошлаган меҳр-мурувватингиз ҳамиша умрим йўлини ҳам ёритиб турсин. Албатта, агар ўзингизга раво кўрсангиз, бундан буён синглим дея уйимизга келиб туришингизни истардим.

— Таклифингизни бажонидил қабул қиламан. Сизга тилагим, келажакда энг бахтли қиз бўлиб қолинг.

— Раҳмат, Баҳром ака, илойим айтганингиз келсин, сиз ғамбода кўнглимга умид, қувонч, ҳаётга қизиқиш олиб кирдингиз.

Бу пайт машиналар яқинлашиб қолганди. Юришга ҳолим келмаётган бўлса-да, Амина иккимиз уларнинг йў-

лига чиқишга шошилдик. Автомобиллар чироғи тушадиган жойда турмасак, бизни кўрмай ўтиб кетишлари мумкин.

Иккинчи “УАЗ–469” йўл чеккасига чиқиб тўхтади.

— Баҳром, келинглар, — деган овоз эшитилди. Машинадан подполковник Одилжон ака билан Нормурод тушиб келишди.

— Сизни тирик кўрганимдан беҳад шодман, — Одилжон ака дароз бўйини эгиб мени кучоқларкан. Сиздан айрилиб қоламизми деб жуда кўрққандим. Айниқса, ёқангиздаги микрофондан ҳеч нарса эшитилмай қолганда. Яхшики, ўз вақтида хабар бердингиз, акс ҳолда қандай қарор қабул қилишга ҳайрон бўлиб тургандик. Ие, сизга нима бўлди, жуда иссиғингиз баланд-ку, алангаи оташ. Э-ҳа, тоза бежашибди-ку ваҳшийлар. Ҳали бунинг учун жавоб берадилар. Сизга ҳозироқ докторни чақирмасам бўлмайди.

У мени кучоғидан бўшатиб, кўлидаги рацияни ишга солди:

— Диққат, учинчи, мен иккинчиман, қаҳрамонимиз қаттиқ шамоллабди, тўхтаб, дарҳол биринчи ёрдам кўрсатинглар.

Подполковник рацияда гаплашгунча Нормурод билан кучоқлашиб кўришишга, уч-тўрт оғиз сўзлашишга улгурдик.

— Яна кўришиб турганимдан хурсандлигимнинг чеки йўқ, — қувончини сиғдиролмаётган Нормурод кучоғидан бўшатгиси келмаётганди. — Сизга ёрдам берган Аминахонга ҳам ҳали ташаккуримиз бўлади. Лекин сизнинг хизматингиз ҳар қанча мақтовларга лойиқ. Бу, дейман, шамоллашингиз ҳам газандалар билан пинҳона урушингиз асоратидан кам эмасга ўхшаяпти. Ана, шифокоримиз ҳам келиб қолди.

Шифокор шамоллашимнинг қисқача тафсилотини билиб олгач, аллақандай укол қилиб, иккита-учта таблетка ичирди.

— Эртага албатта касалхонага чиқиб кўринишингиз шарт, — тайинлади у. — Бу шамоллашингиз олди олинмаса плеврит ёки зотилжамга айланиб кетиши мумкин.

Машиналар яна йўлга тушишди.

— Операция яхши ўтдимми? Ҳеч ким жароҳатланмадими? — Олд ўриндикда ўтирган Одилжон акадан сўрадим. — Газандаларнинг ҳаммаси ушландими?

— Ҳа, “бўрилар” уяси тозаланди. Энг қизиғи, қимор ўйини авжига чиққанда улар шундай берилиб кетарканларки, ҳатто кириб борганимизда ҳам қимирламай, қартага тикилиб ўтиришарди. Қўриқчилар эса тоза ичишган шекилли, ҳеч нарсани парволарига келтирмай қотиб ётишган экан. Қарабсанки, ҳаммалари ҳеч қийинчиликсиз қўлга олинди. Лекин сизни роса бежашибдими, дейман у ваҳшийлар. Бахтимизга тирик қолибсиз, шунисига шукур.

Подполковник менга бошқача меҳр билан қараб қўйди. Шу пайт олдинда кетаётган усти ёпиқ юк машинаси тўсатдан тўхтаб қолди. Қий-чув кўтарилди. Кимдир “Тўхта, отаман” деб қичқирди, кейин осмонга автоматдан бир неча ўқ отилди. Биз кетаётган “УАЗ” ҳам тўхтар-тўхтамас Одилжон ака билан Нормуродлар отилиб тушиб олдинга югуришди. Йўл-йўлакай тўппончаларини яланғочлашди. Уларнинг ортидан ҳайдовчи югурганди, унга мен ҳам эргашдим.

Ҳамма машинадаги қўриқчилар ва ушланганлардан ташқари ички ишлар ходимлари йўл чеккасида туришиб, пастликка — жарга фонарларини ёқиб қарамоқда эдилар. Анча пастликда ҳам бир неча фонарнинг ёруғи кўринарди.

Ҳайдовчи ходим дарров нима гаплигини билиб келди.

Маълум бўлишича, Маҳмуд ака ёнидаги қўриқчининг нимагадир чалғиганидан фойдаланиб уни тирсаги билан урганича ўзини машинадан ташлаб, жарликка сакрабди. Бир неча ходим ва Одилжон ака билан Нормурод қидирувга кетишибди. Ярим соатлардан зиёдроқ вақт ўтгач жарга тушиб кетганлар чиқиб келишди. Ходимлардан тўрт нафари тоғтерак ходаларидан қилинган замбилда боши боғланган кимнидир кўтариб чиқишди. Уни биринчи тўхтаган юк машинасига олишди.

Одилжон аканинг ишораси билан машиналар колоннаси йўлга тушди.

— Ким жароҳатланди, Маҳмуд акани топдингизларми? — сўрадим Одил акадан.

— Жароҳатланган кимса айнан Маҳмуд акангиз бўлади, — истехзоли жавоб қилди подполковник. — “Кимки жафо қилса, жафо топқусидир” деган ҳазрат Алишер Навоий ҳақ экан, занғар Маҳмуд қилмишлари учун биринчи жазосини олди.

— Қандай қилиб?

— Маҳмуд бу ерларни яхши биларкан шекилли, танлаган жойи қочишга жуда қулай. У фақат жар остига кулаб тушганда бошини тошга уриб олишини ҳисобга олмаган. Пастда беҳуш ётган экан, занғар. Жароҳати анча жиддийга ўхшайди.

* * *

Эрталабгача (ўзим тонгга яқин уйга кириб келгандим) ҳароратим пасаймади. Онам қайноқ сут олиб кириб қайноқ-қайноқ ҳўплашни буюрдилар. Сут қултумлари аранг томоғимдан ўтиб олгач, баданимни яйрата бошлади. Онам “Тез ёрдам”ни чақиртирган эканлар, шифокор келиб иссиғимни ўлчади, томоғимни текширди, сўнг бошини чайқаб касалхонага олиб кетишини билдирди.

Касалхонада обдон турли текширувлардан ўтказиш-гач, даволовчи врач кўрсатмасига кўра бирваракай уч-тўрттадан укол ва таблеткалар билан менга, тўғрироғи, дардимга қарши ҳужумга ўтишди. Шундай ҳужум оқи-батада икки кундан кейин аҳволим яхшилана бошлади, овқат бемалол томоғимдан ўта бошлади. Энди оиламиз аъзолари ҳамда қариндош-уруғлар ва ёр-дўстларнинг ҳу-жумига йўлиқдим. Эрталабдан то ётар пайтига қадар ка-мида етти-саккиз маҳал йўқловчиларнинг турли тансиқ таомларига қарши курашишга мажбур эдим. Бу мудофаа курашида ҳар доим уч нафар палатадошларим қошиқ-дош сифатида ёнимда бўлишарди.

Ниҳоят, тўртинчи кун и дaрд мeни тарк этишга мажбур бўлиб, ўзим ташқарига айланиб келишимга етарли куч-қувватга эга бўлдим. Бир-бир босиб касалхона ҳовли-сига чиққандим, тоза ҳаво баданимга ҳузур, тетиклик, енгиллик бахш этди. Юриб-юриб касалхона ҳудудини ўраб турувчи кўрага етдим. Кўранинг ички томони ка-салхона боғи, ташқи тарафи эса йўловчилар яккам-дук-кам қатнайдиған маҳалла йўли.

Кўрага суянган кўйи йўлни, боғни, осмонни томоша қила бошладим. Чунки деярли бир ҳафталик палатадаги тутқунликдан сўнг улар кўзимга ғоят ажойиб, жозибали кўринаётганди. Бир соатдан зиёдроқ шу неъматдан баҳра-манд бўлиб, энди кетишга чоғлангандим, бир қиз кўри-ниб, менда унинг кимлигини билиш истаги пайдо бўлди. У яқинлашгач, гарчи танимасам-да, кўз узолмай қолдим. Чунки қизнинг чехраси шундай кўркам, жозибали эдики, уни яратган зот гўё табиатдаги барча гўзалликлардан ан-доза олгандек. Менга Латифадаги баъзи кўринишлар шу қизга кўчирилгандек туюлди. Ана у, ҳозир тўғримга етиб келади ва ўтиб кетади, сен унинг кимлигини билмай қолаверасан, дейман ўзимга-ўзим. Унга гап отиш, эъ-

тиборини тортишга менда шилқимлик одати етишмайди. Ҳозир ҳам иймана-иймана тикиляпман унга.

Қиз тўғримга келганда каминани ҳайрон қолдириб мен томонга кескин бурилди. Бундан, тўғриси, довдираб қолдим. Бояги қизиқиш ҳисси ўрнини хавотирлик эгаллади. Мабодо у олдимга келиб, “Нима, қиз кўрмаган-мисиз” деб танбеҳ берса, ким деган одам бўламан? Шу танбеҳни эшитмаслик учун жўнаб қолишга шайланиб, ортимга ўтрилгандимки, қизнинг “Ассалому алайкум, Баҳром ака!” деган каломи унга қарашга мажбур этди. Не ажабки, бир неча йил муқаддам ашуласи радиода янграган ўша саккизинчи синф ўқувчиси Гуласал менга жилмайиб турарди. Наҳотки, у шу давр ичида шундай малоҳатли қизга айланган бўлса?!

— Нима қилиб касалхонада юрибсиз? — деди мен унинг саломига жавоб қайтариш учун ҳушимни йигиб олмасимдан.

— Ваалайкум... Ие, Гуласал, бу сенмидинг? Тўғриси, танимабман. Бир оз тобим бўлмай, даволанаётгандим.

— Ҳа, тўрт йил ўтиб кетди, хотирангиздан ўчган бўлишим мумкин.

— Сен унутмаганмидинг? Қандай танидинг?

— Унча-мунчага ёддан чиқмайдиган иш қилган сиздек одамни унутиб бўларканми? Эфирда чиққан ўша ашуламни эшитсам ёки хиргойи қилсам лоп этиб эсимга тушаверасиз.

— Эсдан чиқармаганинг учун раҳмат. Қаерга кетаётгандинг? Йўлдан қолдирмадимми?

— Дўконга кетаётгандим. Йўлдан қолдирмадингизку-я, лекин кўпроқ турсам гап-сўзга қолишимиз турган гап.

— Майли, борақол бўлмаса, — дедим гарчанд Гуласалнинг дарров кетишини истамасам-да, унинг мулоҳазаси олдида ноилож эдим.

- Яхши бўлиб кетинг. Қачон чиқасиз касалхонадан?
- Яна икки-уч кун ётишинг керак, дейишди.
- Даволанишни охирига етказиш лозим. Яхши қолинг.

Хайр.

Гуласал шу сўзларни йўл-йўлакай айтиб мендан узоқлашди.

Бошқа пайт университетда, кутубхоналарда, автобусларда, турли кечаларда ўнлаб, юзлаб ҳар тоифа қизларга дуч келган ёки суҳбатлашган бўлсам-да, жиз этмаган юрагим, неажабки, икки дақиқалик мулоқотдаёқ безовталаниб, анчадан буён бўм-бўш кўнглимда мудраб ётган ҳислар уйғонгандек эди. Ваҳоланки, Латифага, ундан кейин Роҳатойга бўлган муҳаббатим завол топгач, кўнглим бундайин туйғулардан бутунлай безиб қолганди.

Гуласалнинг гўзал чехрасидаги Латифа жамолига ўхшашлик мени асир этдими ёки икки дақиқа ичида ўзининг мафтункорлигини намойиш этиб кўнглимга чўғ солишга улгурдимми ёхуд унинг соддагина самимий сўзлари кемтик қалбимга малҳам бўлдимми, билмайман, юрагим кўрғонини ажиб ҳислар ишғол эта бошлади.

Кун бўйи хаёлим Гуласал билан банд бўлди.

Тушликдан сўнг ҳамма беморлар икки соат ухлашлари лозим. Мен ҳам ухламоққа чўзилдим. Лекин қанча ётмайин, қанча уринмайин, уйқу тутқич бермади. Қайтага диққатим ошиб, бошим оғриб кетди. Бундай вақтда ташқарига чиқиш тақиқланганига қарамай секин кўчага йўл олдим. Қандайдир илинж мени боя Гуласални кўрган жойимга судрарди. Бу кашф этган жойимнинг яхши томони — касалхона ходимлари кўришмайди, дарахтлар пана қилиб туради. Иккинчидан, шу ерда ўтириб қанча хоҳласанг, шунча хаёл суриш мумкин — кўнгилга ёмон урадиган касалхона ҳиди йўқ, учинчидан,

сал нарироқда кўранинг очик жойи бор — баъзи беморлар шу ердан ўтиб кечқурун уйларига бориб келишаркан.

Юрагим бу ёққа бекорга талпинмаган экан — панжарага яқинлашарканман, кўлида тугун тутган Гуласал бевозта кўринишда турарди.

— Хайрият, ўзингиз чиқиб қолдингиз, қандай чақиртирсаммикин, деб ташвиш қилиб тургандим, — деди у менга яқинлашиб, — кўнглингиз сездими, дейман келганимни.

— Қачон келувдинг, кўп кутиб қолдингми? — сўрадим ҳаяжоним жўш уриб. — Овора бўлибсан-да.

— Сиз мен учун қанча овора бўлганингиз эсимда турибди, энди бир марта йўқласам нима бўлибди? Яхшиси, манг, ош дамлаб келгандим, олиб кириб иссиғида еб олинг.

— Сен нима қиласан?

— Айланиб келаман.

— Кўчада сарсон кезмай анави очик жойдан ўтиб кел, дарахт соясида ўтириб турасан.

Гуласал бир муддат иккиланиб тургач, айтганимни қилиб панжаранинг очик жойидан ўтиб келди. Кўрадан сал ичкарироқдаги олманинг ости ўтиришга жуда қулай кўринди.

— Кел, шу ерда бирпас ўтирайлик. Кейин тугунингни бўшатиб берарман. Мен ҳам жуда зерикиб чиқиб келгандим.

Гуласал ёнимга ўтирди. Ундан хушбўй ифор таралди. Шунда қизга ўғринча қараб эрталабки одми кўйлак ўрнига шаҳарлик қизларга хос кийинганлигини, юз-кўзларига оро берилганлигини пайқадим. Юрагим уришлари тезлашиб кетди. Бундан чиқди, у ҳам менга нисбатан беварқ эмас. Ёки яна бирор жойга бормоқчимикин? Демак, бу борада унинг фикрини аниқ билиб олишим лозим.

— Сени йўқлаб келишингни сира кутмагандим ёки бирор жойга кетаётувдингни? — Биринчи “хўрак” саволимни бердим. — Ахир, боягина одамлар ғийбатидан чўчиб тургандинг.

— Ҳа, шу кунгача бошқалар каби шундай андишада яшаб келдим. Лекин гап-сўздан қўрқиб, ўзинг учун ҳеч бир таъмасиз фидойилик қилган, айнаи чоғда касалхонада қадрталаб кўнглига таскин истаб кўчага термулган сиздек йигитнинг илинжини адо этмаслик мен учун адолатсизликдек туюлди. Билсангиз, мен ўзим ҳозир шаҳар касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлайман, беморларга айрича эътибор, самимий юпанч, очиқ чехра ҳар қандай дори-дармону операциядан афзал муолажа эканлигини яхши биламан. Лекин сиз менинг бу йўқловимни “юпанч бўлгани келибди” деб ўйлашингизни истамасдим. Билсангиз, бу учрашувни, бундай имкониятни узоқ кутдим. Мақсадим, саккизинчи синфдаёқ мусаффо қалбимда туғилган мурғак туйғумни йиллар давомида асраб-авайлаб, мавриди келганда сизга, гарчи ўринсиз бўлса ҳам, ҳатто қалбингизни ўзгага бағишлаган бўлсангиз ҳам, изҳор этиш эди. Бу хатти-ҳаракатларим балки сизга кулгили, ноўрин туюлар, ахир қизлар ҳеч қачон ўз туйғуларини биринчи бўлиб изҳор этмайдилар. Лекин начора, бу туйғуларимни ортиқ юрагимда асраб юра олмайман, уни пинҳон асрашга энди бардошим етмайди.

Қиз ерга боққан кўйи гапираркан, чуқур хўрсиниб қўйди-да, гапида давом этди:

— Баҳром ака, аввало сизга кўнглимдагиларни очиқ айтиб олишим шарт. Кейин қандай хулоса чиқарасиз — сизга ҳавола. Билсангиз, сиз менинг хаёлимга кириб келган дамлардан бошлаб дили пок, самимий ва

олижаноб инсон сифатида муҳрланиб қолдингиз. Ҳозир ҳамшира бўлиб ишларканман, Аллоҳдан сизни учраштиришни сўрардим, чинга айланмасину, баъзан сиз беморим бўлиб қолишингизни, мен эса эрталабгача бошингиз узра парвона бўлишни хаёл сулардим. Лекин сизни шу кунгача тушимда ҳам кўрмадим. Ишончим комилки, сиз мени хаёлингиздан ҳам ўтказмагансиз, қаёқдан ҳам ўтказардингиз, сиздек вилоят газетасининг мухбири қаердаю минглаб ҳамшираларнинг бири бўлган мен қаерда? Мен эса вилоят газетаси саҳифасидан фамилиянгизни излаб топсам, кўнглим аллақандай ғурур ва сурурга тўлиб юриш бахтидан бошқасига эга эмасдим. Худонинг раҳмдиллигини қарангки, бугун ўзингизни рўпара қилди. Лекин эрталаб сизни кўрганымда учрашувга, ҳозиргидек кўнглимдагиларни тўкиб солишга тайёр эмасдим, журъат йўқ эди. Шу боис гап-сўз бўлишни баҳона қилиб, тезда кетиб қолдим. Аслида, мен сиздек қадрли кишига ҳамдард бўлиш учун бекорчи одамларнинг гийбату гап-сўзларидан кўрқмайман, оғзига кучи етмаганлар гапираверишади. Мен эса дилимга туккан орзуимга, мақсадимга етмоқни, қалбимни банд этган инсоннинг эътиборига, ишончига сазовор бўлишни истайман. Нима, гап-сўз бўлишдан кўрқиб бахтимни бой беришим керакми? Асло! Керак бўлса ундайин андишанинг кўзларини ўйиб оламан. Агар андиша қилганимда ҳозир ёнингизда ўтирмаган бўлардим. Менинг кўнглимдаги гаплар — шулар. Жавобингизни эртага шу пайтда оламан. Ҳозирча хайр.

Гуласал шу сўзларни айтдию, шартта туриб кетди. Мен эса бундай дангал, очиқ дил изҳоридан довдираб, бир сўз айтмоқ тугул ўрнимдан турмоқ, хайр-хўш қилмоққа ожиз эдим.

* * *

Палатадошларимнинг бири пишиллаб, бошқаси хурак тортиб уйқуни уришмоқда, мени эса бу ҳаловат тарк этган, у ёнбошдан бу ёнбошга, қорин томондан чалқанчага ағдарилиб ором изласам-да, у тутқич берай демайди. Гуласалнинг айтган гапларини ўйларканман, улар кўзимга уйқуни йўлатмай, хаёлимга турли қарама-қарши фикрларни тиқиштиради.

“— Уни кўргандаёқ юракларинг гурсиллаб уриши тезлашиб, ошиқу беқарорлик домига тушдинг-ку!” дея айблашни бошлайди ичимдаги бир овоз.

“— Бекор айтибсан, бир кўришда севиб бўларканми? Ҳар қандай одам ҳам гўзалликка мафтун бўлади, ундан завқ олади, лекин гўзалликлар кўпинча алдамчи ҳиссиётларни келтириб чиқариши мумкин”, — уни рад этади бошқа овоз.

“— Қўйсанг-чи, ўзинг у қизнинг чиройига маҳлиё бўлиб, ичингда унинг сенга нисбатан туйғулари ҳақидаги чўпчагидан бошинг айланиб, таклифига жон деб турибсан-ку!”

“ — Томинг кетганми, нима бало? Ҳеч замонда ориятли, ифбатли, андишали қиз ўзи биринчи бўлиб севгисини изҳор этадими? Ҳатто эрсиз қолиб кетган тақдирда ҳам биринчи қадамни қўймайди”.

“— Лекин Гуласалнинг гапларига нима дейсан? Ахир, унинг айтганлари ҳаммаси тўғри ва асосли-ку!”

“— Балки, у ёшлик ҳою ҳавасларига берилиб, романтик хаёллар қанотида парвоз қилаётганидан маст, севгисини изҳор этишга шошгандир. Эҳтимол, ҳали Латифаю Роҳатой каби ҳаёт синовларига рўбарў келмаган, оғзи куймагандир. Мабодо Гуласал улар ҳолатига дуч келиб, сенинг муҳаббатингни чил-парчин этса, унга бардош бермоққа қатъиятинг етадими?”

“— Начора, ҳар томонлама тўкис бир қиз сенга қалбини бахш этишга журъат топган бўлсаю, мен уни рад этишим номардликдир. Ахир, менинг кўнглим ҳам шунини истаб турибди-ку. Уёғини пешонамдан кўрдим”.

“Ҳа, севгининг кўзи кўр бўлади, шу сабаб узоқни кўролмай, йўлда кўп машаққату, кутилмаган кўнгилсизликларга дуч келасан. Шулардан омон-эсон ўтиб олсанг бахтли бўласан. Иккинчи туйғу менинг биринчи қароримга ноилож ён бергач, кўзимга уйқу ўз тўрини ёйди.

* * *

Таклифини қабул қилганимдан Гуласалнинг қувончи чексиз эди, биз энди тез-тез учрашиб турардик. У бахтиёрлигини таъкидлаб, мени ҳам шод этмоққа интилар, қўшиқлар куйлаб берарди.

Қиз севиш-севилишни, тез-тез учрашиб туриш, киноларга бориш, хиёбону боғларни айланиш, саёҳатларга бориш ва ниҳоят қучишишу ўпишишлардан иборат деб тушунарди чоғи. Мен гарчи кўнглим истагию интилиши туфайли Гуласалнинг севгисини қабул қилиб, унга завқ бағишлаб, бундан кўнглимни чоғ этиб юрган бўлсам-да, негадир ич-ичимдан бу бахтимнинг омонатлигини туйиб турардим. Гуласал билан ўртамиздаги муносабатни “севишган жуфтлик шундай бўлади” деб ўзимни ишонтиришга қанчалик уринмайин, бироқ шуурим “бу мавсумий гул, у ўз гўзаллигини вақтинча намоиш этиб бўлгач, қуриб қолади”, дея шивирлаётгандек туюлаверади. Дарҳақиқат, Гуласал билан ўтказган энг қувончли дамлар ҳам Латифа ила учрашувлардаги ҳаяжон завқини беролмас эди. Кўнгли беғубор, ўз муҳаббатига етишганидан бахтиёр Гуласал қишлоқда аллақачон биз ҳақимизда турли миш-мишу гийбатлар учирма бўлганига қарамай, мени қошига чорлайверар, бирор сабаб билан келолмасам эртасигаёқ ишдан жавоб олиб, Тошкентга етиб борарди.

— Баҳром ака! — бўлимнинг ички телефонида унинг овози эшитилади навбатдаги ташрифларининг бирида. — Олдингизга келгандим.

— Ҳозир тушаман.

Бир неча дақиқадан сўнг Гуласал билан таҳририятимизга яқин хиёбонда гаплашиб ўтирган бўламиз.

— Кечаги шанба бормаганингизга...соғиндим.

— Узоқ туманга хизмат сафари билан кетгандим. Уйга боришга вақт қолмади. Бекор овора бўлибсан, шанба куни ўзим борардим.

— Унгача сабрим чидамаса нима қилай?

Қизнинг кўзларидан ёш думалади. Унга раҳмим келди. Ахир, гўзаллигига таъриф ожиз бир қиз мени севгани учун излаб келиб кўз ёш тўксаю, ачинмай бўладими?

— Нега кўз ёш тўкяпсан? Ахир, ёнингда ўтирибман-ку!

— Бу соғинч ёшлари бўлса керак. Одам ўта севинса ҳам кўзлари ёшланади-ку!

— Демак, аёлларнинг эркакларга нисбатан узоқ умр кўриши ҳам кўп кўзёш тўкиши туфайли эканлигини яхши билар экансан-да. Мендан узоқроқ яшаш ниятинг борга ўхшайди.

Гуласал кулиб юборди.

— Шунақами, билмас эканман. Агар кўзёш тўкиш туфайли узоқ умр кўрилса, энди сира йиғламайман. Сиздан кўп умр кўришни истамайман.

Гапимиз чувалашгандан чувалашиб, вақт тушликка яқинлашиб қолибди. Бирга овқатлангач, Гуласални кузатиб қўйдим.

* * *

Кунлар елиб ойларни қувиб ўтарди. Мен учун қишлоқда ҳам, Тошкентдаги ўқиш ва ишимда ҳам ҳаёт бир зайлда кечаётгандек эди. Фақат Гуласал билан учрашувларимиз

бирмунча сийраклашиб қолди. Ўзимча буни бир учрашувимизда Гуласалга қишлоқда миш-мишлару ғийбатлар кўпайганини эшитганимни, шунинг учун камроқ кўришиш лозимлигини айтганимдан деб билдим. “Билсанг, — дегандим ўшанда Гуласалга, — бизнинг номларимизни кимлардир бригаданинг дала шийпониғача ёзиб кетишибди. Собир ўртоғим зўрға ўчириб чиқибди ҳаммасини. Бундан бошқа фисқу фасод гаплар ҳам бор. Тўғри, биз бундай гапларга тупурамиз. Лекин уйдагилар, қариндошуруғлар, дўстлар бундан мулзам тортишлари мумкин. Шунинг учун иложи борича камроқ учрашиб, эҳтиёт бўлишимиз лозим”, дегандим ўшанда.

Ўшандан бери Гуласал билан Тошкентда ёки у ишлайдиган шаҳар касалхонаси атрофида кўришамиз. Бу пайтга келиб кийинишида, ўзини тутишида ўзгаришни сездим. Унинг табиий гўзаллиги энди турли крему ёғ упа ортида қолиб кетган, француз духиси димоқни ёргудек гупилларди.

— Танимай қолдингиз-а, — навбатдаги учрашувимизда ўзининг алламбалолар бежалган чеҳрасига анқайиб қолганимдан мароқланиб куларкан Гуласал. — Сизга айтсам, касалхонамизга янги бош врач келган. Ёш бўлсаям жудаям қаттиққўл, талабчан экан. “Ўзингизга қараб юринглар, билсангиз, пардоз қилиш эстетика билан бир қаторда профилактика ҳамдир. Пардозланган юзда касаллик тарқатувчи микроорганизмлар ҳаёт кечиролмайди. Кимки ўзига қарамаса касалхонамизда унга ўрин йўқ”, дейди.

Кейинги учрашувимизга Гуласал эндигина урф бўлган, халқ орасида “Олтин балиқча” деб ном қозонган қимматбаҳо матодан тикилган кўйлақда маликалардек ясаниб келди.

— Қайси мамлакатнинг маликаси деб эсанкираб турсам, сен экансан-ку! — дедим Гуласални ярим ажабла-

ниш, ярим ҳазил билан қарши оларканман.— Мен ўз либосим билан ёнингда бир ғарибдек бўлиб юрсам хижолат бўлмайсанми?

Гуласал ўзининг кибор хонимлардек кийингани менга унчалик ёқмаганини илғаб, қизарди.

— Хотин-қизлар байрамига бағишланган кечамизда айтган бир жуфт ашулам бош врачимизга манзур бўлибди, шекилли, шу матони совға қилувди. Сизга ёқадими, деб кўйлак тиктирувдим, — деб ўзини оқлаган бўлди.

— Бошқаларгаям бердими?

— Ҳа, ҳар хил матолардан совғалар тарқатди, — дангалини айтишга ўрганган Гуласал тўғрисига кўчиб қўя қолди.

Кўнглимга қандайдир ғашлик оралади. Бош врачнинг бу совғаси тимсолида қандайдир режалаштирилган шумлик яширинганини туйдим.

— Эҳтиёт бўл, тағин ўзинг олтин балиқчага айланиб қолмагин, — дедим Гуласалга бармоғим билан ҳазиломуз таҳдид қилган кўйи. — Ҳамма ялтироқ кўринган нарсалар олтин бўлавермайди. Тағин бу совғалар “Шудгордаги қўйруқ” бўлиб чиқмасин.

— Вой, Баҳром ака, нима деяпсиз? Қўшиқ айтганим учун бош врачимиз ҳам мухлис, ҳам раҳбар сифатида шу матони совға қилган бўлса нима қилибди? Бу менинг фикримни ўзгартириб, сизга хиёнат қилдим, дегани эмас-ку!

— Сени хиёнатда айблаётганим йўқ, балки хиёнатга йўл қўймаслик учун огоҳлантиряпман, холос.

— Хотирингиз жам бўлсин, менинг сизга аҳду паймонимни на бош врач, на бошқа валлават буза олади.

Лекин бирон шумлик бошланганда унга турли қабилликлар, ёлғонлар, найранглар иттифоқчи бўлишини ҳали бурнига сув кирмаган Гуласал каби шаддод, аммо тўғри кўнгил, дили пок қизлар қаердан билсин?

* * *

Чоршанба куни иш вақти тугашига ярим соатлар қолганда бўлимимиз телефони жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарган Пўлат ака мени имлади.

Гўшакдан Нормуроднинг овози келди:

— Алло, Баҳром! Журналистларга салом! Қандайсиз? Ижодни гуркиратиб юрибсизми? Овозингиз ўқдай чиқаётганига қараганда соғлиғингиз ҳам жойида. Шунинг учун, гапнинг қисқаси, Ўрдадаги ошхонага таклиф этмоқчиман. Бир отамлашайлик. Анчадан буён кўришмай одамни соғинтириб қўйдингиз. Соат олтида кутаман.

У менинг розилигимни кутиб ўтирмай гўшакни қўйиб қўйди.

Айтилган вақтда Нормурод иккимиз Анҳор бўйига қўйилган столда ўтириб, ўзимиз ёқтирадиган мампарни иштаҳа билан туширмоқда эдик.

— Оббо дўстим-ей, ўзим кўнғироқ қилмасам қорангизни кўрсатай демайсиз-а, — Нормурод коса тагида қолган овқатни кўтариб ичиб юбораркан, одатдагидек гапни гиналашдан бошлади — Бугун кўришиб бир яйрашни кўнгил истаб қолди. Ахир ишдан бошқа кўнгил очадиган нарсалар ҳам йўқ эмас-ку!

— Тўғри айтасиз, бу борада жуда савобга қоладиган бўлдингиз. Неча кундан бери менда ҳам кўнгилдаги ғуборларни қувишга иштиёқ тинчлик бермаётганди. Лекин сиз сабабсиз йўқламайсиз.

Нормурод кулиб юборди:

— Жуда зийраксиз-да, ер тагида илон қимирласа, унинг қимирлашини бир ҳафта олдин билиб оласиз. Аслида, бирга ишлашимиз керак эди-да.

— Бирга ишлашимиз шарт эмас. Бу гал менга қандай хизмат бор?

— Сизга бу сафар хизмат йўқ, аксинча, тўйга таклиф қилмоқчийдим.

- Ие, уйланияпсизми? Муборак бўлсин!
- Меникимас. Оҳангаронлик бир касбдошим уйланияпти. Шунга менга ҳамроҳ бўлсангиз, девдим. Шанба кунига.
- Яхши. У кун зарур ишим йўқ. Фақат...
- Нима “фақат?”
- Гуласал деган қиз билан учрашиб тураман шу кун.
- Гуласал дедингизми? Қизиқ?
- Нима “қизиқ?”
- Уйланаётган касбдошим “Тўйга янги чиққан Гуласал кўшиқчи келади, зўр қизитади”, деяётганди. Бундай исмли қизлар кўп экан, шекилли.

— Қайдам,— дедиму лекин ичимдан қандайдир оғриқ ўтгандек бўлди, кўнглимга шубҳа оралади. Кейин “Бизнинг қишлоқ қаердаю Оҳангарон қаёқда” деб ўзимга таскин бердим. — Тўйга борсак ўша мақтаган Гуласални ҳам кўриб келарканмиз-да. Айтмоқчи, Маҳмуд аканинг иши нима бўлди?

Менинг гапни бурганим Нормуродга ҳам маъқул келиб, бошини сарак-сарак қилганича “мен ҳозир” дея ўрнидан туриб, кабобпаз томонга кетди.

— Эл қарғиши ҳеч қачон бесамар кетмайди, деганлари тўғри бўлса керак, — деди дўстим кабоблар қўйилган ликопчани ўртамизга жойлаштираркан, ўзи ҳам ўтирди-да, гапида давом этди.— Ўшанда Маҳмуд акангиз қочиб жарга тушиб кетганда думалаб бориб боши тошга урилиб, ёрилганидан хабарингиз бор. У касалхонага ётқизилди. Текшириб кўрилганда кўриш томирлари жиддий шикастланиб, кўзи кўр бўлиб қолибди. Барча муолажалар бекор кетди. Бирор жабрдийда “кўр бўлсин” деб қарған-да.

— Онаси қарғаган, — шоша-пиша дедим, — қизига қилинган разилликларга сабабчи бўлган Маҳмудни “сутим кўр қилсин” деб дуоибад қилган экан. Нима, энди суд қилинмайдими?

— Суд қилинади. Ҳозир унинг тўдаси ва жиной шериқлари қилган разилликлар бўйича материаллар жамланмоқда. Юзлаб жабрдийдалар, гувоҳлар аниқланиб, кўрсатмалари олинмоқда. Тергов жараёни тугагач, иш судга оширилади. Яқин кунлар ичида сиз ҳам гувоҳликка чақириласиз. Сизнинг кўрсатмаларингиз ҳам жуда муҳим.

— У разилларни эл олдида суд қилиб, кўз олдида жазолаш лозим, — дедим бутун нафратим тилимга кўчиб. — Токи бошқаларга ибрат бўлсин.

— Шундай қилинса яхши бўларди-я, — фикримга қўшилди дўстим, — бироқ бизнинг тузумда бундай жазолаш тизими кўзда тутилмаган.

— Қамоқ жазосига ҳукм қилинган жинойтчи уч-тўрт, беш-ўн йилда муддатини ўтаб, ахлоқини тузатиш ўрнига янада тажрибалироқ бўрига айланмайдими?

— Лекин ҳамма маҳкумлар бўрига айланавермайди. Уларнинг кўпчилиги тўғри йўлини топиб олади. Биз орамиздаги фош этилмаган бўрилардан кўрқишимиз, эҳтиёт бўлишимиз лозим. Улар жамиятга симтикан ортида бўлиб келганларга нисбатан хавфли ва кўпроқ зарар келтирадилар. Чунки уларнинг кўпчилиги давлат лавозимлари ниқобида ўз манфаатлари учун иш кўрадилар, порахўрлик, таниш-билишчиликни авж олдирадилар. Жабр кўрган фуқаролар бунинг учун давлат тузумини айблайдилар.

Нормурод билан суҳбатимиз у мавзудан бу мавзуга, кейин бошқасига кўча-кўча, бадандаги ароқ таъсири камайганда ниҳоясига етди. Биз шанба куни учрашишга келишиб хайрлашдик.

* * *

Тўйхонада бизни кучоқ очиб кутиб олган куёвтўра Нормурод иккимизни даврандан сал чеккароқдаги нақш-

бандли ёғоч сўридан жой олган энг қадрли меҳмонлар қаторига ўтқазди. Дарахт ости бўлган бу жой қоронғироқ бўлса ҳам, давра жуда яхши кўриниб турарди.

Ҳали келин келмаган, тўй бошланмаган бўлса ҳам каравотдагилар аллақачон еб-ичишни бошлаб юборишган экан. Танишувдан кейин бизни ҳам сахийлик билан сийлашни қуюқлаштирдилар. Келин келганда биздан аввал ўтирганларнинг аксарияти “етилиб” қолгандилар.

Қишлоқ оқсоқоли тўйни очиб берди. Базм бошланди. Аввал карнай-сурнайга навбат берилиб, уларнинг машқидан сўнг бир манқароқ отарчи машҳур ҳофизнинг кўшиғини хиргойи қила бошлади:

Агар ошиқларинг ўн мингта бўлса,

Билгилки, аларнинг сардори менман.

Бечора “ошиқлар сардори” ўз “севгилиси”га етишиш учун керакли “якан”ни йиғаман деб даврани икки бор айланиб чиқди. У хонишини тугатгунча давра совиб, меҳмонларнинг ичкиликка зўр беришию ўзаро баҳс шовқини авж олди. Ниҳоят ўртакаш даврадагиларнинг “етилганини” фаҳмлаб, наридан-бери икки табрикловчини гапиртириб олгач, эълон қилди:

— Ушбу фараҳбахш оқшом келин-куёв учун унутилмас кеча бўлиб қолади. Чунки уларни қутлаш учун вилоятимиздан чиққан ва республика радио эфирларида дилрабо кўшиқлари янграган хушовоз хонанда Гуласал хоним ташриф буюрган. Кутиб олинг, даврада Гуласал хоним!

Аввал қарсақлар янграб, сўнг бутун борлиқни мажлис залидаги каби сукунат эгаллади. Ҳамма меҳмонлар қатори мен ҳам нафасимни ичимга ютган ҳолда хонанда чиқадиган томонга кўзимни тикдим.

Менга таниш ва қадрли бўлиб кетган кўшиқ муסיқаси янграб, этаклари товонини беркитса ҳам тепаси елкасию кўкрагининг ярмига етмаган заррин кўйлак кийиб, бетини ёғупаю крем билан обдон бўяган таниш

қоматли қиз ўртага чиқиб келди. У мусиқа остида келин-куёвга ўз тилакларини билдиргач, хонишни бошлаб юборди.

Бутун вужудим ларзага келиб, юрагимга санчиқ турди. Чунки рўпарамда мен учун суюкли ва қалбим соҳибасига айланган Гуласал хониш бошлаганди.

Наҳотки, дейман ўзимга ўзим, бу ўша — мен билган, севгисини бахшида этган, бирга бўлмоққа аҳду паймон қилган, содда, кўнгли беғубор, ўз муҳаббатини қатъият билан ҳимоялашга ваъда берган қиз бўлса? Кейинги пайтларда юриш-туришида ўзгаришлар кўзга ташланиб қолганига қарамай мени барқарор муҳаббатига ишонтириб келаётган Гуласалми шу?

Гуласалнинг сокин, юракдан айтаётган, мен ҳар доим эҳтирос билан тинглайдиган эл ардоғидаги қўшиқлари аста-секин тўйларда маст оломоннинг қонини қиздириб, жазавасини кўзгайдиган енгил-елпи, суюқ, бачкана ашулаю лапарга айлана бошлади. Энди кайфи ошиб қолган даврадагилар жонланиб, ҳар жой-ҳар жойдан “ҳа дўст, овозингдан аканг”, “жонингга жоним садақа”, “вой-дод, акагинанг ўзим бўлай” деган мастона ҳайқириқли хитоблар эшитилар, ўз эҳтиромларини ўртадаги ўйинчига бир ёки уч сўм пул узатишлар билан изҳор этардилар. Ичкилигу кўнгилга хуш ёқаётган қўшиқлардан ичи қизиб кетган ашаддий “мухлислар” эса ўртага чиқиб ўйинчию Гуласалга муқом қила бошлашди. Хонадон эгалари ва уйланаётган йигитнинг қариндош-уруғлари ҳамда яқинлари саф-саф чиқиб Гуласалга ва хиром этаётган раққосага беш сўм, ўн сўм тутқазишар, айрим шилқимлари эса шаҳвона очкўз нигоҳларини берилиб куйлаётган қўғирчоқдек қўшиқчи ва ўзининг беўхшов қилпанглашлари билан одамларнинг қонини қиздираётган ўйинчига нинадек қадаб, уларнинг ярим очик кўкрагига пулини тиқишгач, “бопладимми” дегандек гердайиб ортига қайтишарди. Бундан Гуласал

ҳам, ўйинчи ҳам асло хижолат тортишмас, аксинча, ўз ижроларини янаям шўхроқ авж олдиришмоқдайди.

Бу ҳолатдан эсим оғиб қолаёзди. Не ажабки, мен оқила, ахлоқ-одобли, ҳаёли, севишга ҳар томонлама муносиб сиймо деб билган қизда акс сифатларни кўриб турардим. Наҳотки, Гуласал қисқа фурсатда бутунлай қарама-қарши томонга ўзгарган бўлса? Ёки аввалдан шундай қиз бўлгану мен сезмадимми? Йўқ, аввал бундай эмасди, деб тўла ишонч билан айта оламан. Ундаги ўзгаришларни пайқадим, кўнглимга шубҳа оралади, гумонларимни Гуласал ўзининг қатъий сўзлари билан инкор этганди-ку! Наҳотки, тубанликка бориб алдаган бўлса?! Ёки менинг ўта соддалигимдан фойдаланиб ишончимни қозондимикин?! Наҳотки, мен адашдим?!

Нормуроднинг икки елкамдан ушлаб силкилашидан ўзимга келдим.

- Баҳром, дўстим, сизга нима бўлди?
- Менга нима бўлибди?
- Боядан бери гапираман — жавоб бермайсиз, ҳатто бир-икки туртсам ҳам индамайсиз.
- Нима демоқчи эдингиз?
- Касбдошим ҳурмати — биз ҳам ўртага чиқиб пул қистирайлик.
- Ўзингиз чиқиб келаверинг.
- Сиз-чи?
- Мен чиқсам... Тўй бузилишини истамайман.
- Нега бундай деяпсиз?
- Сизга айтган Гуласал — шу. Чиқсам унга шапалоқ тортиб юборишдан ўзимни тўхтатиб қололмайман, деб қўрқаман.
- Ростдан айтган қизингиз шуми?
- Афсуски, ҳа!
- Эҳ, дўстим, қизлар масаласида пешонангиз тоза шўр эканми?

— Асти қўяверинг. Қўйинг, уларни ҳозир гапирманг. Яхшиси, ароқдан қўйинг ёки кетайлик.

Шу кунгача бу қадар кўп ароқ ичмагандим. Юрагимдаги эски жароҳатларга оғриқ кирдими ёки Гуласалнинг ёлғону хиёнатларидан вужудга келган ғазабданми ароқ сира таъсир кўрсатай демас, Нормуродни ҳадеб ароқ қўйишга зўрлардим.

— Бўлди, етар, ичишни бас қилинг, — амирона буюрди Нормурод. — Бегона жойдамиз, етарлича ичдик, иззатимизни билайлик.

— Йўқ, дўстим, мен ичишни истайман. Ёмонларнинг зулмидан, олчоқларнинг ёлғонларидан нафратга тўлган юрагим тафтини босмоқни истайман, — дедим ғўлдираб.

Бу пайтда Гуласал иккинчи бор даврага тушиб куйлашни бошлаганди.

— Юринг, яхшиси, кетамиз, — деди менинг хархашаларимдан безор бўлган Нормурод турмоққа чоғланди.

Шу чоғ менинг калламда шум ният бош кўтариб қолса денг.

— Д-д-дўстим, сиз б-б-бирпас ў-ў-ўтириб туринг, мен ташқарига чиқиб келай, — Нормуродни сабр қилиб турмоққа кўндириб, ўзим ҳовлига тушдим ва давра томон кетдим.

Чўнтагимдан қўлимга илинган жами пулимни чангаллаганча Гуласалнинг олдида пайдо бўларканман, қўшиғини авжига чиқарган қизнинг кўзи менга тушдию сўзи оғзида — “Сиз?!” дея қотиб қолди.

— Сенга пул керакми? Бугун отардан топганингга манавини ҳам қўшиб олгину, лекин кўнглим кўчасидан қорангни ўчир! Сендақа икки юзлама яллачиларга хайф севиш-севилиш деган табаррук неъмат! — деб унинг кафтини тортиб пулни қистирдим.

Шуниси ажабланарлики, даврага кириб Гуласалга яқинлашганимда миямдаги сархушликдан заррача қол-

маган, шу боис кўнглимга туккан шум ният — унинг юзига шапалоқ тортиб юбориш фикридан қайтгандим. Лекин Гуласал икки кўли билан юзини беркитганича югуриб чиқиб кетди-ю тўй бузилмади — эски қирриқ манқа отарчи дарров ўртага тушиб, отарбоп ашуласини бошлаб юборди.

Менинг ўртага чиқиб борганимдан хавотирланган Нормурод ҳам каравотдан тушиб келган экан, бироқ вазият жиддийлашмаганидан кўнгли хотиржам тортиб, бамайлихотир кўлтиғимдан олди.

Тўйдан қайтиб Тошкентга етиб келганимизда аҳволим ночорлигини кўриб, ташлаб кетишга кўзи қиймаган дўстим ижара хонамда қолиб кетди.

Одатимдек, эрталаб соат еттида кўзимни очсам Нормурод чой дамлаб энди мени уйғотмоқчи бўлиб турган экан.

— Ия, ҳаваскор ичувчи дўстимиз кўзларини очибдилар-ку! — кулиб деди у. — Туринг, жаноби олийлари, чой ичамиз. Ўзингизга қолса ҳали кечгача емай-ичмай бош оғриғи бўлиб ётаверасиз.

Мен кўзғалай десам бошим оғришидан афтим буришиб кетди.

— Йўқ-йўқ, афтингиз буришсаям туриб манави аччиққина хўрдани ичишингиз керак, — дея дўстим турмаганимга кўймади. — Яхши бўлиб қолай десангиз, ичасиз.

Нормуроднинг қистови билан ярим коса ичмаёқ аҳволим яхшилана бошлади, идишни бўшатгандим, анча енгил тортдим.

— Мана, ичингиздаги шайтон майининг захрини қувиб енгил тортдингиз, — гап бошлади дардкаш дўстим. — Шунга қарамай, сизга оғирлигини биладан. Лекин сизнинг қанчалик ҳиссиётли бўлишингизга қарамай, шунчалик матонатли эканлигингизни ҳам биладан. Чунки бундан-да оғир қисматларни енгиб чиққансиз.

— Енгишга енгаман-а, аммо қачонгача кимлардир менинг туйғуларимни, тақдиримни ўйин қилади?! Содда, ҳиссиётли бўлганим учун шу кўргиликларни тортишим керакми? Йўқ, энди шундайича қўйиб қўймайман! Айбдор жазосини олиши керак. Барча чеккан изтиробларим учун ўч оламан! Шунда юрагимда кўмилиб ётган ғам-аламларим озгина бўлсин нари кетиб, таскин топаман.

— Нима қилмоқчисиз?

— Аввал Гуласал қилмишига жавоб берсин-чи, ким уни йўлдан оздирди экан — бош врачми ёки бошқа ким-са?!

— Қанақа бош врач? — ҳайрон бўлиб сўради дўстим.

Мен унга шубҳам туғилишига сабабчи бўлган бош врач ҳақида гапириб бердим.

— Баҳром, дўстим, юрагингиз нафрату аламларга тўлалигини билиб турибман. Лекин ўч оламан деб қонун чегарасидан чиқиб кетманг. Гуласал хиёнат қилган бўлса — қилиб бўлди, энди бу ишни ортга қайтаришнинг иложи йўқ, бироқ бунинг учун жинойт кўчасига киришга ҳам ҳожат бормикин? Агар уни алдаб ёки куч ишлатиб йўлдан уришган бўлса, бунинг учун айбдор жинойтчиларни жазолашга ёрдам беришим мумкин.

— Дўстона самимий илтифотингиз учун раҳмат. Агар ёрдамингиз керак бўлиб қолса, айтаман. Ҳозирча Гуласалдан ҳақиқатни аниқ билиб олай-чи.

Якшанба бўлгани учун Нормурод тушдан кейин ишхонасига кетди. Мен ёлғиз қолгач, режа туза бошладим.

* * *

Шанба куни тушлик пайтига яқин Гуласал ишлайдиган касалхона олдига келиб, аввал шу ерга яқин қаҳвахонада тушлик қилиб олмоқчи бўлдим. Бир чеккадаги бўш столга жойлашиб, официантни кутиш асносида атрофни кўздан кечириб бошладим. Қаҳвахонада одам унчалик кўп

эмас. Негадир, мендан кейинги столга жойлашиб, баланд овозда бемалол суҳбатлашиб ўтирган уч киши эътиборимни тортди. Столлари анча-мунча газагу овқатларга тўлдирилган, ўртада яримлаган ароқ шишаси. Хўрандаларнинг қизариб, қаттиқ-қаттиқ гапиришаётганига қараганда ароқ шишаси биринчиси эмас.

— Жиян, ишқилиб бизнинг тўй эсингдан чиқиб қолмадими? — деди бирови.

— Ие, тоға, сиз тўй қиласизу бизнинг эсдан чиқармиди? Тўёнамиздан ташқари қандай хизматингиз бўлса, айтаверинг, биз балогардон. Тўй қачон ўзи?

— Худо хоҳласа, келаси ойнинг биринчи шанбасига-да.

— Э-ҳа, ҳали анча бор экан-ку. Ваҳимангизга қараб эрта-индинга эканми деб ўйлабман, ва-ҳа-ҳа!

— Сен кулма, жиян, вақт шамолдек ўтиб кетади. Менинг ҳозирдан ҳаракатим сабаби ўша Гуласални тўйимга олиб бориш. Бошқа тўйларга банд қилиб қўймасинлар деб, вақтлроқ келдим-да олдинга.

“Гуласал” номини эшитиб, ҳушёр тортдим ва ҳар доим ёнимда олиб юрадиган диктофонимни ёқдим-да, олдимга қўйиб устига салфетка ташлаб қўйдим.

— Э-э-э, тоға, валламатини банд қилса ҳам сизнинг тўйингизга албатта Гуласални олиб бораман. Бундан хотиржам бўлаверинг.

— Бу, жиян дейман, Гуласал деганинг қурғур булбулнинг ўзи-я, нақ сел қилиб юборади-я. Келиб-келиб сен унга хўжайин бўлиб қолганинг зап иш бўлибди-да.

— Фақат ишдагина хўжайин деб ўйламанг, — тоғасининг мақтовидан баттар талтайиб кетган, тушунишимча бош врач эди, баттар мақтана кетди. — Елкасини силаб-сийпалаб қўйсам, оёғимни ҳам ювади.

Бу гапларни эшитиб вужудимдан тер чиқиб кетди. Наҳотки анави тўнкасифат иблисининг гапираётганлари

ҳақиқат бўлса, наҳотки, мен билган, мен севган Гуласал шунчалик тубанликка бориб етган бўлса?!!

— Хўжайин, бу дейман, булбулхонингиз бирор нарсадан хафа бўлганми дейман, бир ҳафтадан буён қовоғи очилмайди, олдига борганни жеркиб солади, — суҳбатга учинчи одам қўшилди.

— Э-э-э, ўтган шанба тўйда бир оз дилозорлик бўлди-да. Унда қандайдир пиёниста мастликда Гуласалга бир нарсаларни гапириб ранжитдими, дейман.

— Лекин бу Гуласал деганингиз ҳақиқатда булбулхон деса булбулхон-да, тўйга жон киргазиб юборади-я, қандай қўлга киритганингизни тоғага гапириб беринг, — ҳиринглади учинчи овоз.

— Ҳар қандай мушкулликларнинг калити — пул ва амал курсиси. Улар бўлса — қўлинг узун, Гуласалдек английский кулфни ҳам оча оласан.

— Гапингиз тўғри, хўжайин, — уни тасдиқлади учинчи одам, — сиз бош врач бўлиб келгунга қадар Гуласал чақилмаган ёнғоқ эди, ҳеч кимни яқинига йўлатмасди. Ҳайронман, ярим йилга етмай қўлингизга кўндириб олдингиз-а.

— Ҳа, энди, аёл киши қулоғи билан севади, деганлари бежиз эмас, — яна мақтана кетди хўжайин, — ишга янги келганда артистлик қиласан, яъни ўзингни ниҳоятда жаҳлдор, принципиал, талабчан қилиб кўрсатасан, кабинетга чақириб арзимаган камчиликни туядек қилиб кўрсатиб бешафқат дўқ урасан. Ҳар хил жазоларни рўқач қилиб кўрқитасан, уч-тўрт марта шундай қилгач, сендан безиллайдиган бўлиб қолади, даkki эшитмаслик учун талаб этилган вазифаларни бекаму кўст адо этиш пайида бўлиб қолади. Ана шунда уни яна кабинетга чақириб, мақташни бошлайсан, ҳар хил тадбирларга жалб этиб, бажаргани учун “мукофот” деб кўнглига ёқадиган совға-

ларни тез-тез бериб турсанг, аста-секин кўнгил эшиги очилиб боради ва кунларнинг бирида қалъани ишғол этасан.

— Қойил, хўжайин, маҳоратингизга гап йўқ, ҳой-наҳой, аввалги жойингиздаги каби бу гулни ҳам ҳидлаб кўргандирсиз.

— Энг сара сўзлару тоза совғалар албатта мақсадга етказди-да, дўстим. Мен эса нафақат мақсадимга етман, балки ундан шундай фойдаланаманки, харажатларимнинг ўрни қопланиб кетади.

Уч кимсанинг суҳбати асабларимни қақшатиб, жонимни ҳалқумимга келтирдик, сал бўлмаса уларга ташланай дедим. Официант олиб келган таом ҳам томоғимдан ўтмай қолди. Аранг ўзимни босиб, ташқарига чиқдим.

Демак, “хўжайин” деганлари бош врач, Гуласални йўлдан уриб бадном қилган, энди эса шу ифлосликларини фазилатдек мақтаниб ўтирибди. Шошмай тур, шундай адабингни берайки, умрбод эслаб юрасан, қилган ма-разликларинг ўзингни булғасин.

Ғазабимни жиловлаб, ўзимни хотиржам қилиб олишим учун бир соатча кўчаларни кезиб юрдим.

Гуласални шифохонадан қайтадиган йўлкага яқин панароқ жойда, чамаси, ўн беш-йигирма дақиқа кутарканман, у кўринди. Қизиқ, мени кўрганда қандай аҳволга тушаркин — йиғлаб юборармикин ёки ҳайратда қотиб қолармикин?

Лекин Гуласал менинг тўсатдан пайдо бўлишимдан сира ажабланмади ҳам, йиғлаб ҳам юбормади, фақат юзи бир оз оқарди.

— Ассалому алайкум! — салом берди у аламли кулимсираб. — Сизни аввалроқ келсангиз керак, деб ўйлагандим.

Тўғриси, унинг гапи мени ҳайрон қолдирди.

— Нега энди аввалроқ келишим керак экан?

— Мени тўйда кўриб ажабланишингиз ва бунинг сабабини зудлик билан билишга қизиқишингиз табиий...

— Мен ажабланганим йўқ, балки шубҳаларимга жавоб топгандим. Бошқа ошиқадиган нарсам эса қолмади. Сен эса ҳаммаси шундай бўлиши табиийдек гапиряпсан.

— Афсуски, дунёнинг ишлари сунъийлик асосига қурилган табиийликдан иборатга ўхшайди.

— Балки, бу билан нима демоқчи эканлигингни тушунтириб берарсан.

— Албатта, бунинг учун бирор жойда хотиржам гаплашиб олишимиз лозим.

— Мен ҳам айнан масалага ойдинлик киритиб олишга келгандим.

— Анави шаҳар хиёбонига кира қолайлик.

Гуласални билмадиму, мен авваллари юракда ҳаяжон билан иккимиз кирадиган хиёбон ичидаги ёзги қаҳвахонанинг бир чеккасида ичимни кемираётган аламни ўзимга ҳамроҳ қилиб ўтирдим.

Ўртамизга бир неча дақиқа жимжитлик чўкди. Мен Гуласалдан саволимга жавоб кутардим, у эса гапини нимадан бошлашни ўйлаб, фикрларини жамлаётганди.

— Мен ёшлигимдан китоб ўқишни яхши кўраман.— Гуласал бир нуқтага тикилган кўйи гап бошлади. — Уларнинг аксарияти севги-муҳаббат ҳақида бўларди. Бора-бора китоб қаҳрамонлари ўрнида ўзимни кўра бошладим — ўз шахзодамнинг севгисига муносиб жавоб бериш йўл-йўриқларини ўргандим. Еттинчи синфда ўқиётганимдаёқ мен китобларда тасвирлангандек ўпишиш, қучишиш таассуротлари гирдобига эдим. Фақат қизлик ибоси ва онамнинг насиҳатларигина мени ўз измида ушлаб турарди. Саккизинчи синфда ўқиб юрганимда ҳаётимга ва ҳаёлотимга сиз қай тариқа кириб келганингизни ўтган йили ўзингизга гапириб бергандим. Ўша кундан чин маънода юрагимда яшай бошладингиз. Мен ўзим тасаввур қилган—

дек бахтли эдим, бахтиёр эдим. Сизни қўмсаб, сизни истаб тунларни тонгларга улаб, тўлғониб чиққанларимни билмайсиз, жисмимни ҳам сизга топширмоққа тайёр эдим ўшанда. Лекин менинг бу ҳиссиётларимга сиз эътиборсиз эдингиз, туйғуларингизга эрк бермасдингиз. Бундан мен руҳан эзила бошладим. Ана шундай руҳсиз кунларимда ҳозирги бош врач ишга келди. У менинг заиф томонларимни усталик билан илғаб олди. Байрамлар, ҳар хил тадбирлар, ҳатто туғилган кунимдаги турли совға-саломлари қатъиятим деворларини бирин-кетин йиқита бошлади.

Бир куни у мени ўзининг туғилган кунда ресторанга таклиф этди. Менга катта эътибор ва тез-тез совғалар бериб турган раҳбар одамнинг таклифини рад этолмадим. Ресторанга беш киши жуфти билан келди. Фақат мен ва бош врач ёлғиз эдик. Тантана жуда шоҳона ўтди. Унда мен бош врачнинг рафиқаси вазифасини бажариб туришга мажбур бўлдим. Кечада бош врач меҳмонларига менинг ажойиб овозим борлигини мақтаниб, бир жуфт қўшиқ айтиб беришимни эълон қилиб, ресторан машшоқларини бошлаб келди. Албатта, қўшиқларим меҳмонларни лолу сел қилди — роса қарсак чалишди. Меҳмонлар кетишгач, бош врач ўн дақиқа бирга қолишни илтимос қилди.

— Меҳмонларни кутиш билан овора бўлиб кўнгилдагидек ўтиролмадик, келинг, ўн дақиқагина ўзимиз холи ўтирайлик, — деди у.

— Кечирасиз, мен ҳам кетишим керак, — рад этмоқчи бўлдим.

— Сиздан ҳар доим илтимос қилавермайман, лекин бу сафар астойдил сўрайман, сизга айтадиган муҳим гапим бор.

— Қандай гап экан?

— Бу гапни кабинетга чақириб айтсам ҳам бўларди-ку, лекин сизга ҳозир сюрприз тарзида билдиришни истаб қолдим.

— Мана, ўтирдим, айта қолинг гапингизни, Дилмурод Азизович! — эркаланганнамо сўрадим.

— Аввал озгина-озгина манави тоза винодан ичиб олайлик, кейин гаплашаверамиз, — дея бош врач қадаҳларга ичимликни қўйди.

Илгари оилавий тадбирларда, синфдошларнинг туғилган кунларида винодан ичиб юрганим учун иккиланмай биргалашиб қадаҳни кўтардим. Вино ўткир эканми, томоғимни қуйдириб ўтди. Кейинчалик билсам, бош врач ўзининг фараз ниятини амалга оширмақ учун вино шишасига спирт қўшиб қўйган экан.

— Энди айтарсиз муҳим гапингизни, — сўрадим ҳамон қизиқишим сўнмай.

— Ҳа, айтаман, билсангиз яқинда сизни бош ҳамшираликка тайинламоқчиман.

Тўғриси айтсам, энтикиб кетдим. Ахир, ойлиги оддий ҳамшираникига нисбатан анча кўп, бунинг устига юз эллик нафар ўрта ва кичик тиббий ходимларга ҳукм-фармо бўлиш кимга ёқмайди, дейсиз.

— Дилмурод Азизович! — ҳаяжон-ла қарсак чалиб хитоб қилдим. — Наҳотки, сиз шунга қарор қилган бўлсангиз?!

Вазиятдан фойдаланган бош врач чаққонлик билан қадаҳларни тўлдириб бирини менга тутқазди:

— Бўлажак бош ҳамшира сифатида бош врач билан келгусида яқин ҳамкор бўлиб қолишингиз учун қадаҳ уриштирингизни таклиф қиламан.

Дилмурод Азизовичнинг қадаҳ сўзига ҳеч монелик қилмай винони ичиб юбордим.

Бутун вужудим ва икки ёноғим қизиб бораётганини сезиб турардим. Ҳолатимни бош врач ҳам яхшигина билиб турар ва қадаҳларни тез-тез тўлдириб турли рад этиб

бўлмас важлар учун ичишга ундар, ҳар бир қадаҳдан кейин менга тобора яқин сурилиб келарди.

Энди мен ўзимни аранг назорат қилиб ўтирсам-да, бош врачнинг белимдан қучиб, юзларимдан ўпишларига ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмай кўйгандим.

Кулоғимга Дилмурод Азизовичнинг аллақандай эр-калашлари эшитилаётганда қандайдир уйда — юмшоқ ўринда ётганимни элас-элас эслайман, ундан кейин эса вужудимдаги оғриқни...

Эрталаб эса ўзимни яланғоч, расво ҳолда икки кишилик юмшоқ каравотда ётганимни кўрдим ва бокиралик мени тарк этганлигини, сизга хиёнат қилганимни шунда пайқадим. Мен ўзимнинг бу аҳволимдан даҳшатга тушиб, жанжал кўтардим, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига, прокуратурага, шаҳар партия комитетига арзга боришга шайландим. Шунда Дилмурод Азизович мени ёқтириб қолгани учун шу ишга қўл урганлигини айтиб ялиниб-ёлворди. Хотин, бола-чақаси Оҳангаронда яшармиш, унга кўнгли йўқ эмиш. Мени севишини, иккинчи, эрка хотини бўлишимни таклиф этганди. Бир оз сабр қилсам, никоҳлаб олишини, кейин эса бош ҳамшираликка тайинлаб бирга яшашларини билдирганди. Хуллас, авраб-алдаб мени шикоятга бормасликка кўндирди. Лекин, орадан ҳафталар, бир-икки ой ўтяпти ҳамки, ваъда ваъдалигича қолиб кетяпти, ҳануз никоҳлатиб олишни пайсалга соляпти, бош ҳамшираликка бир оз малака оширишим керакмиш. Ваъдаларини эсига солсам:

— Эркак киши айтаверади, қайтаверади. Энди шикоятингни ҳеч ким инобатга олмайди, мен сўзимдан тониб турсам ҳеч нарсани исботлай олмайсан, қайтага тухмат қилганинг учун жавобгарликка тортиласан. Бунинг ўрнига мен айтган жойларга тўйларга бориб, қиздириб берсанг, уч-тўрт сўмлик бўласан, менинг кўнглимни чоғ этиб турсанг берган ваъдаларимни бажаришга сўз бераман, — деди.

Шунда мен алданганимни, сизнинг олдингизда буткул юзим шувит, хиёнаткор бўлиб, аро йўлда қолиб кетганимни англадим. Ўша машъум кундан буён ўзим билан ўзим курашиб келдим. Аввалги Гуласал “Ҳамма гапни Баҳром акангга рўй-рост айт, уни алдаб юришни бас қил, тўғриси айтсанг виждонинг олдида тўғри бўласан”, дейди, ҳозирги Гуласал эса “Бу замон алдамчи замон, қўлингдан келадими — алда. Ана, Дилмурод Азизовичдек шаҳар касалхонасининг раҳбарики сени алдади-ку, сенинг алдашинг нима бўларди, сен ҳам Баҳром акангни алдаб юравер, у содда одам — сенга ишонади, барибир у сенинг кўнглингдагидек эр бўлолмаса, истаганингни бажаролмаса, келажакда қандай ҳаёт кечирасан”, деб ҳар куни миямга қуяди. Бугун мавриди экан — кўнглингиздаги барча шубҳаларингизга жавоб беришга ҳаракат қилдим. Мени кечиринг, барибир сизнинг кўнглингиздагидек ёр бўлолмас эканман. Мен энди қисматим ҳукмига қараб яшашдан бошқа иложим йўқ. Сизга фақат бахт тилайман.

Шундай дея Гуласал стакандаги охирги ҳўплам лимонадни ичди-да, ўрнидан туриб бир оғиз “хайр” деди-ю узоқлашди.

Мен ўрнимга михлангандек, тилим танглайимга ёпишгандек, на бир оғиз гапиролдим, на қимирлай олдим. Шу лаҳзаларда сўнгги пайтларда рўй берган воқеалар-у, Гуласалдан эшитганларимни мушоҳада этишга-да журъатим етишмаётганди.

Тўртинчи қисм “ҲОНИМ АФАНДИМ”

Энди бирор қизга, хоҳ у фаришта бўлса ҳам кўнгил бермасликка аҳд қилиб, сўфиёна ҳаёт кечираётганимга икки йилдан ошиб кетди. Домла Мўмин Мирзаев бош

муҳаррирлик қилаётган республика газетаси таҳририятида ишловчилар бирваракай ишдан кетмасликка, ҳомиладор бўлмасликка, нафақага чиқмасликка аҳд қилишган шекилли — ҳануз у ерда лоақал фаррошлар ҳам ўринларини бўшатганлари йўқ. Шунинг учун шу кунгача бўлим бошлиғи Суръат Маткаримовичнинг қилтириқ бўйнию косовдек қўлларига, Зилола опанинг стол остидан кўришиб турадиган ёқимсиз лорсиллаган сонлари томонга қарамасликка уриниб юрибман.

Қишлоққа боришга юрагим безиллайди. Чунки уйда онаму акаларим, ўртоқларим дарров уйланишдан оғиз очадилар. Ёши қирқдан ошган бўлса-да, уйланмай юрган бўйдоқлар кенгаши раиси Икром ака бир куни мени кўриб қолиб:

— Сендан яхши ўринбосар чиқадиган кўринади, худо хоҳласа, келаси йилга йигирма саккизга тўлсанг, шу лавозимни Мирза акангдан олиб бераман, деди. У киши шўро давлатининг йигит-қизларни йигирма саккиз ёшгача бошқарувчи комсомол деб аталмиш ёшлар ташкилотининг ваколати мен учун ҳам тугашини кўзда тутган шекилли.

Авваллари ўртоқларим — Собир, Улуғбек, Усмон, Илом уйланишга даъват этиб, хаёлан маҳаллама-маҳалла, кўчама-кўча кезишиб менга қиз излашган бўлса, энди уларнинг қаторига рафиқалари ҳам қўшилишган. Лекин ҳаммалари кимни кўрсатмасинлар, номзодлар худди жонимни оладиган Азроилдек жонҳолатда рад этаман. Кўрсатилаётган қизлар хаёлимда гўё бирор эркакка кўз ташламаган, ҳаёли, фаришта кўринса ҳам Гуласал каби совға-салому лавозим учун нафақат муҳаббатидан, балки иффату диёнатидан кечворадиган енгилтак бўлиб кўринарди.

Ҳамма дарднинг давоси вақт, менинг қалбимга Гу-

ласал етказган жароҳат ҳам фурсат ўтиб бита бошлаган бўлса-да, бироқ оғриғи ҳануз азоб берарди. Ана шу оғриқ туфайли яқинларимнинг қанчадан-қанча қизларни таништиришга уринишлари бесамар кетди, дил изҳори этишимни илҳақ кутган, пайт пойлаган не-не паривашлар умрларининг бекорга ўтказганларига пушаймон бўлиб қолдилар. Бошимни икки қилиш пайида бўлган яқинларимнинг ҳам, изимни пойлаган мухлисаларимнинг ҳам ҳафсалалари пир бўлди. Ҳатто онаму акаларим бу масалани ихтиёримга ташлашди.

Дўстларим бирин-кетин уйланишгач, аввалгидек бир-биримизникида ётиб қолишлар, бир кун бировимиз кўринмай қолсак, бошқаларимиз йиғилишиб боришлар сийраклашиб кетди. Энди бир-биримиз билан аҳён-аҳёнда, байрамлару туғилган кунлардагина йиғилишардик, холос.

Яхшиямки, Нормурод шаҳарда, у менинг бутун ўтмишимни яхши билади, кўпроқ фикрдош, маслаҳатгўй бўлади, қолаверса, ҳар бир муаммоларимни ҳал этишда жўяли ёрдам бериб келади. Унинг ёрдами билан бундан икки йилча муқаддам Дилмурод Азизович, яъни Гуласал иккимиз ўртамиздаги муносабатни барбод этган ўша малъун бош врачдан шафқатсиз ўч олдим. Ўшанда уни изма-из таъқиб этиб, уч ой деганда, ниҳоят, ўзини холи учратишга муяссар бўлдим.

Менинг бахтимга Дилмурод Азизович деган махлуқнинг “ВАЗ–2106” русумли автоулови капоти кўтарилган ҳолда Тошкентдан Оҳангаронга чиқиб кетадиган катта йўл чеккасида тўхтаб турар, эшиклари очиқ турарди. “Ниҳоят, фурсат келди, — дедим ўзимга-ўзим. — Ҳар бир қабиҳ ишнинг тўлови бўлиши керак”.

— Э-э-э, тақсир, ҳорманг! — дедим моторга термулиб ҳайрон турган бош врач олдида мотоциклимни тўхтатиб. — Бирор ёрдам керакми?

Хомсемиз, ўттиз ёшлардаги Дилмурод Азизович менга ҳайрон ва умидвор қаради:

— Сиз мени танийсизми?

— Танимай бўладими, сиз шундай унутилмас ишлар қилгансизки, умрбод унутмасам керак.

— Учта туман, битта шаҳарда ишлаб, одамларга қанча яхшилик қилганимни ўзимам билмайман.

— Ҳа, ўзингиз билмайсиз, лекин бизнинг ёддан чиқмайди. Хўш, нима бўлди?

— Моторнинг блоки ёрилдими, дейман. Яқинда уста кўрганида унинг ярамай қолганини айтувди. Янгисини оламан деб, буни тузаттириб олишга сабрим етмаганди. Мана оқибати. Яқин атрофда устахона бормикин?

— Бор. Ўтиринг, олиб бораман.

Бош врач мотоциклга хавотирли боқди:

— Пат-патингиз иккимизни кўтаролармикин?

— Керак жойгача етказди.

Ҳозир иложсизлигини тушунган Дилмурод Азизович кўрқибгина орқамга мингашди. “Ява” елдек учиб кетди. Тезлик ошиб, шамол қулоғимиз остида ҳуштак чалишни кучайтирган сайин бош врач белимга маҳкамроқ ёпишар, дақиқа сайин “Секинроқ ҳайданг, секинроқ” дерди қалтираб. Тезликни баъзи ўпкаси йўқ мотоциклчилар ҳайдайдиган даражага чиқардим. Бош врач эса:

— Ҳой, тўхтатинг, вой онажон, ҳой, ёрдам берингла-а-а-ар! — дея қичқиришга тушди. У жон-жаҳди билан фарёд кўтаргани сайин менинг ғазабим баттарроқ жунбушга келарди. Ниҳоят, кўзланган жой — икки томони лолақизғалдоқлар қийғос очилган қирликлар бошланди. Мен тезликни озгина камайтирдим-да, қирни кесган қилич изидек сўқмоққа мотоциклни бурдим. Кўп ҳам юрмовдикки, белимдан тутган бош врачнинг қўли бўшашиб қолди. Сездимки, у ҳушидан кетган. Тезда мотоцикл-

ни тўхтатдим. Дилмурод Азизович ёнбошга йиқилди. Айни чоғда ундан димоғни ёргудек бадбўй ҳид анқиди.

Мотоциклнинг мўъжаз юкхонасидан фляжкани олиб, ундаги сувни бош врач бошидан қуя бошладим. Ниҳоят, у ўзига келди.

— Ҳой ҳайвон, сен мени ҳазил-мазах қилмоқчи бўлдингми? Бу қилмишинг учун жавоб берасан ҳали, — дўқ қила бошлади ўтирган кўйи.

Биқинига икки марта тепдим:

— Биринчидан, мен эмас, сен — ҳайвон, иккинчидан, сен менинг асиримсан, мени “сен” дея кўрма. Учинчидан, аввалги қилмишларинг учун жавоб берасан бугун.

— Қанақа қилмишларимни гапиряпсиз? — деди у ихраб.

— Сенинг барча айбларинг менга маълум, — тикилдим кўзларини лўқ қилиб қараб турган Дилмурод Азизовичга. — Агар барча қилмишларингни керакли жойга маълум қилсам, аввал ишдан кетиб, кейин қамаласан.

— Менга шантаж қилиб, нимадир ундирмоқчи бўляпсиз. Овора бўласиз, сиз менинг кимлигимни билмас экансиз.

— Сен ҳаётда райижроқум раисининг ўринбосари Келдиёровнинг яккаю ягона ўғлисан, лекин амалда шайтонни лаъиндан тарбия олган иблиссан.

— Илтимос, ҳақорат қилманг, — деди асирим ранги оқариб.

Келдиёровнинг эркатоий айбини бўйнига олмай иззатталаблик қилаётгани нафратимни ошириб юборди “Иблис” яна тепкимдан бир нечта насибасини олди.

— Айбингни тан олганингда, балки жазо енгилроқ бўлармиди. Ҳамонки, қилмишларингни тан олмоқчи эмас экансан, энди ўзингдан кўр, икки баробар хун тўлайсан. Бўлмаса эшит! — Нормурод йиғиб берган у ҳақидаги айбномаларни бир-бир санай кетдим.

— Отангнинг даврида тиббиёт институтидек табаррук даргоҳни булғаб-топтадинг, юзаки ўқиб чала дўхтир бўлдинг. Шунга қарамай отангнинг узун қўли туманнинг марказий касалхонасига бўлим мудир қилиб ўтқазиб қўйди. Лекин қовоқ каллангда билим бўлмагач, айбинг билан икки одамнинг кўричаги ёрилиб, бири ўлди, иккинчисининг ҳаёти аранг сақлаб қолинди. Отанг жонингга оро кириб, айбларингни хаспўшлаб, аранг қўшни тумандаги колхозлараро касалхонага бош врач қилиб юборишга муваффақ бўлди. Сен аввалги қилмишларингдан хулоса чиқариб олиш ўрнига порахўрликни, ёш ҳамширалар иффатига тажовуз қилишни, касалхона мулкини талон-тарож қилиш ҳисобига бойлик орттиришни авж олдирдинг. Сенинг бир ҳамшира қизни алдаб номусига тегишинг оқибатида у шармандаликни кўтаролмай ўз жонига қасд қилиб сирка ичди ва ўн олти кундан сўнг вафот этди. Ниҳоят, прокуратура текширувида асл қиёфанг намоён бўлди. Камида ўн йилга қамалишинг нақд бўлиб турганда, яна отанг жонингга оро кириб қутқариб қолди, ҳамма кирдикорларингни “бости-бости” қилишга эришди. Отангнинг узун дасти сени янада баландроқ курсига ўтқозиш иложини топди ва ҳозирги жойингга — шаҳар касалхонасига бош врач бўлиб бординг.

Умрида ҳаётнинг совуғини кўрмаган, ўзингнинг балои нафсингдан бошқасини билмаган, инсон қадр-қиммати-га пўчокдек қараган сендек манфур махлуқни одамларнинг дарди, соғлиғи, қандай кун кечириши ҳеч қизиқтирганми? Сенинг ўрнингга “асло йўқ” десам хато бўлмас. Бу амалларни бажариш ўрнига сен келган кунингдан бошлаб эски хунарингни бошладинг. Пора эвазига лавозимларни улашдинг, нафсинг ўпқонини тўлдириб туриш учун тўрт-бешта сохта ходимларни рўйхатга қўшиб ойлигини чўнтагингга урдинг, турли ноёб совғаларни тузоқ қилиб чиройли хотин-қизларни йўлдан урдинг, шаъни-

ни булғадинг. Нима, булар учун ўзингни ҳеч кимга жавоб бермайдиган валламат ҳисобладингми? Йўқ, чучварани хом санабсан. Мана бугун ҳаммаси учун жавоб берадиган фурсатинг келди. Дилмурод Азизовичнинг ранги баттар оқариб кетди. Ўртача гавдаси ўзининг жуссасидан бир ярим-икки баробар кичик йигитнинг қасоскорлик даъво қилаётгани бош врачга ёқмаслиги табиий эди:

— Сиз ким бўлибсизки, жавоб берсам...

У шундай дея ўрнидан туришга чоғланаётган аснода жағидан мушт еб, узала қулади.

— Мен сендан жабр кўрган барча жабрдийдалар хуни бўйича ҳукми бажариш ваколатини олганман.

Нафрат билан туширган муштимдан карахтланиб қолган Келдиёровнинг эркатои бир муддат каловланиб тургач, тилга кирди:

— Қандай ҳукм?

— Ўлгунигча калтак еяверасан.

— Бунга ҳаққингиз йўқ.

— Нима-нима? Биргина отангу сенинг ҳамма нарсасига ҳаққинг борми? Сен ўлимга маҳкумсан, калимангни келтиравер.

Кўрқувдан бўшашиб, бир қанор қопдек бўлиб қолган Дилмурод Азизовичнинг кўлини ва оёғини орқасига қайириб боғлаш қийин бўлмади.

Энди у ҳўнграб йиғлай бошлади.

— Раҳм қилинг, мени шайтон йўлдан оздирган экан, энди кўзим очилди, айбимга иқрорман, гуноҳимни кечиринг, энди минбаъд бу ножўя йўлларга оёқ босмайман...

— Йўқ, сенинг гуноҳларинг беҳад кўп. Сен туфайли ҳаётдан кўз юмганлар арвоҳи жонга жон талаб қилишмоқда, номуси топталганлар эса шу кўйга солингани учун сени бичиб ахта қилишни сўрашган. Аввал уларнинг қасосини оламан.

Шундай деб мотоцикл юкхонасидан жарроҳлар ёш болаларни суннат қиладиган тигли асбобни олдим. У нима қилмоқчилигимни тушуниб бақриб ёрдамга чақира бошлаганди, оғзига латта тикиб қўйдим. Сўнг бир юлқишда тугмасини узиб шимини пастга туширдим. Энди Дилмуроднинг дув-дув ёш оқаётган кўзлари косадек очилиб, юзлари бўғриқиб кетганди. У бир неча лаҳза шундай ҳолатда бўғиқ овоз чиқариб бўкира-бўкира ҳушидан кетди. Юзига шапатиллаб, сув сепиб уни ўзига келтирдим.

— Сен ҳушдан кетиб жазодан осонгина қутулмоқчи бўлаяпсанми? Йўқ, бунга йўл қўймайман. Сен — мараз одамларнинг, айниқса, қизларнинг жисмига, руҳига қанчалик озор етказганлигинини ўзинг ҳис этишинг лозим.

Унинг оғзидан латтани олиб гапиришига имкон бердим.

— Сиздан илтимос қиламан, ёлвораман, қулингиз бўлай, менга имкон беринг, айбларимни ювишга ҳаркат қиламан. Кимга озор етказган бўлсам, рози қиламан, — зорланди Келдиёровнинг эркатоёи.

— Сен ҳозир иложсиз аҳволдалигинг учун шу ваъдаларни беряпсан, қўйиб юборсам яна аввалги маразга айланасан. Яхшиси, сени бир йўла қатл этиб қўяқоламан, — деб унинг оғзига латтани қайта тикиб қўйдим-да, асбоб-ускуналар қутисидан Шаҳрихон пичоғини олиб, қайроқтошда ўткирлай бошладим. Бу ҳаракатларим албатта, Дилмурод Азизовичга берилаётган руҳий жазо таъсирини кучайтиришга қаратилганди. Ҳукмим қатъийлигини билдириш учун аввалдан тайёрлаб қўйган қора қопчани унинг бошига кийгаза бошладим. Шу пайтда асиримнинг кўзларида ўлим кўркуви яққол намоён бўлиб, ўзи талвасага туша бошладики, ниҳоят, кўнглимда унга ачиниш ҳис этдим.

Дарҳақиқат, бошига қопча кийгазилиб, бўйнига пи-

чоқ тиғи қўйилганлигини пайқаган Дилмурод Азизович учинчи бор ҳушидан кетди...

Мен унинг оёқ-қўлларини ечиб, бошидаги қопчани олгач, бир вароқ қоғозга қуйидаги жумлаларни ёздим:

“Дилмурод!

Сенинг айбинг ҳали кечирилмади, балки гуноҳинг-ни ювиш учун имконият бериляпти. Биринчи навбатда Гуласални тўйма-тўй юборишни бас қилиб, ўзини ваъда қилганингдек, никоҳлаб оласан, яшаётган уйинг-ни унинг номига ўтказасан. Ўзинг алдаб бадном қилган бошқа қизлардан ҳам кечирим сўраб, тилакларини бажо келтирасан. Айтганларим бажарилмаса, барча айбно-малар газетада эълон қилинади. Отанг ҳам, ўзинг ҳам тўғри симтикан ортига бориб тушасанлар. Агар сенлар-ни давлат жазоламаса, ўзим бугунги жазони охирига етказаман. Қутулиб кетишни ўйламай қўя қол, фойда-си йўқ”.

Дилмурод Азизович расво ҳолда қандай уйига етиб олганини билмадиму аммо кўп вақт ўтмай унинг ла-возимидан бўшатирилганлигини, ўзи оддий врач бўлиб ишлаётганлигини, Гуласални никоҳига олиб, у билан яшаётганлигини эшитдим. Айтишларича, отаси ҳам қа-моққа олиниб, барча мол-мулки мусодара қилингач, ўғ-лининг остига сув кетибди.

Менинг наздимда Дилмурод Азизович ва унинг отаси Азиз Келдиёровлар ўзларининг қабиҳ қилмишлари учун муносиб жазоларини олгандилар. Гарчи, кўпчилик жабр-дийдаларнинг, жумладан, менинг қалбимга етказилган жароҳат битиб кетмаган бўлса-да, адолат тантана қилга-нидан кўнглимиз бир қадар таскин топган эди.

* * *

Айни йигирма етти ёшга тўлган кунимда диплом ишимни муваффақиятли ҳимоя қилиб, эндигина ишга

қайтган дамларда таҳририят топшириғига кўра вилоятнинг энг чекка туманидан лавҳа тайёрлаб қайтмоқда эдим. Йўл олис бўлгани боис туман марказида овқатланиб, энди автобус шоҳбекатининг гавжум кассасига навбатга тургандимки, “навбатдагиларнинг охиргиси сизми?” деган майин овоз эшитилди. “Ҳа” дедиму мафтункор овоз эгасини кўриш иштиёқида орқамга бурилиб таниш чехрага кўзим тушди. Қиз ҳам менга қарадию дарров “Ассалому алайкум, Баҳром ака!” деди таниб, мен алик олиш асносида уни эсладим. У ҳамқишлоғим, Муниса исмли қиз эди. Мен мактабнинг юқори синфларида ўқиб юрган пайтларимда у ҳали сочини жамалак қилиб, тепасига оқ лента тақиб юрадиган бошланғич синф ўқувчиси эди. Уларнинг уйи мен мактабга қатнайдиган, умуман, кўп юрадиган йўлим бўйида бўлгани боис бу қизни кўп кўрардим. То унинг мактабни битиргунга қадар чехраси ҳозирги кўринишига ўхшамасди. Тошкент ҳаёти уни бутунлай ўзгартириб юборибди. Мунисани педагогика институтига кирганлигини эшитгандиму лекин ҳали учратмагандим. Янглишмасам, у ҳозир ё тўртинчи, ёки бешинчи курсда ўқийди.

— Муниса, қайси шамоллар учирди бу ёқларга? — Биринчи саволим шу бўлди. — Учрашган жойимизни қара-я.

— Битирув амалиётини беш-олти нафар курсдошларим билан шу туманнинг Зардон қишлоғидаги мактабда ўтаётгандик. Эртага бўш бўлганим учун бугун уйга кетяпман. — Муниса ўзининг бегона жойларда юрганига шоша-пиша изоҳ бераркан. — Ўзингиз нима қилиб юрибсиз?

— Хизмат сафари билан келгандим, лавҳа тайёрлаб қайтяпман. Сени кўриб шу томонларга келин бўлиб тушибсанми, деб ўйловдим.

Муниса шарақлаб кулди:

— Тўғри-ку-я, лекин мен ҳақимда бундай хулоса чиқариш ноўрин. Негаки бу ёқларга турмушга чиқиш-

ни ўзим истаганимда ҳам адам бунга йўл қўймайдилар, рози бўлмайдилар. Адамларнинг розилигисиз турмушга чиқишни истамайман.

Мунисанинг ўз шаънига гард юқтирмайдиган, гапнинг лўндасини айтиб қўя қоладиган, алдам-қалдамликни билмайдиган, ўтли-шудли қизлигини фаҳмладим. Билишимча, унинг ота-оналарию оиласидагилар софдил, меҳнаткаш, рўзгорини бутун қилиб юришга тиришадиган пишиқ-пухта одамлар.

Бегона жойларда ҳамқишлоқ одамларни учратиб қолсанг, хоҳ у қишлоқда бегона бўлса ҳам, кўзингга оловдек, яқин қадрдондек бўлиб кўринади. Дарҳақиқат, айни чоғда Муниса иккимиз эски танишлардек чақ-чақлашмоқда эдик. Шунга бўлса керак, тезда навбатим келиб, иккита чипта олиб чиқдим. Юмшоқ ўриндиқли автобусга ёнма-ён жойлашиб олдик. Автобус тўлиши билан йўлга тушди.

— Шундай қилиб, институтни тугаллаяпман, дегин?
— Суҳбатимизни қовуштириш учун луқма ташладим. — Қара-я, назаримда яқин пайтлар эди — мактабга қатнаб юрганимда эшигинг олдида гоҳ ўйнаб, гоҳ супуриб юрардинг.

— Ҳа-я, беғубор ёшлик деган фасл жуда бевафо бўларкан, инсон умрини анча эрта тарк этаркан. — Муниса шоирона ўхшатиш билан жавоб қилди. — Ёшликнинг асосий қисми ўқиш ташвиши билан ўтиб кетаркан. Ҳашпаш дегунча мустақил ҳаётга қадам қўядиган балоғат ёшига ҳам етиб қолибмиз.

— Хўш, ўша мустақил ҳаётга тайёرمىсан? Боя “Адамнинг розилигисиз турмушга чиқмайман” деяётгандинг, агар аданглар рози бўлмаса мустақил ҳаётнинг бир бўлаги бўлган турмуш қуриш масаласи ҳал бўлмай қолаверадими?

— Ҳа. Лекин қайси ота фарзандини уйлантириш

ёки узатишдек бурчини бажармайди, дейсиз? Мен олисларга турмушга чиқишни назарда тутгандим.

— Демак, қишлоқ йигитлари адангларнинг қароридан мустасно, тўғрими?

— Ҳа, уларнинг совчилари учун эшигимиз очиқ.

— Хайрият. Мен ҳам шу имкониятдан фойдалансам бўладими?

Муниса кулиб юборди:

— Бўлишга бўлади-я, лекин қандай қилиб?! Ахир, сиз билан энди кўришиб турибмиз-ку!

— Бошқаларнинг совчилари каби-да! Ахир, бошқа йигитлар совчи юборишяптими?

— Ҳа, беш-олтита хонадондан келишибди.

— Ана, ўша йигитлар билан кўришдингми?

— Йўқ. Уларнинг бирортаси билан гаплашиб кўрмаганман. Кўнглимга тўғри келмайди.

— Кўнгил иши қурғур оғир масала. Унга ишониб алданиб қолиш ҳам мумкин.

— Ҳа, тўғри. Эшитишимча, сиз Гуласалга кўнгил бериб алданиб қолган экансиз. Сиздек инсон руҳининг муҳандиси деб ном олган журналистнинг алданишига ишонгим келмайди. Қандай қилиб алданиб ўтирибсиз?

— Ўзи беихтиёр хиёнат қилгани учун мени ҳам алдамоқчи бўлган-да. Лекин тасодифан фош бўлиб қолди.

— Ахмоқ қиз ўз бахтини бой берган экан. Шунча билган-синашган қиздан оғзингиз куйиб, энди билмай-синамай менга совчи қўймоқчи бўлаяпсизми?

— Бу ёғини пешонамдан кўрмоқчиман. Барибир ҳар бир одамнинг минг бир қирраси бўларкан — мингтасини ўрганганинг билан минг биринчиси гурбат келтираркан. Шунинг учун таваккал қилмоқчиман.

— Вояга етганимиздан бери илк бор кўришиб қолганимизда дабдурустдан турмуш қуриш ҳақида гап очишингиз қизиқ бўлди-ку! Ёки ҳазил қилиб устимдан кулмоқчимисиз?

— Ҳазиллашадиган ҳолатда эмасман. Гуласал билан хайрлашгач, бир кўргандаёқ юрак “жиз” этадиган қизни учратмагунча уйланмайман деб аҳд қилгандим. Икки йилдан ўтиб кетдики, бахт кулиб боққани йўқ. Мана бугун ўша бахтимни учратган кўринаман. Яқин кунлар ичида совчи юбораман.

Муниса жиддийлашди.

— Балки, совчилар биратўла тўй кунини ҳам белгилаб келишар, — деди у кинояли оҳангда. — Гўё молбозорда сигир танлагандек гапиришингизни қаранг. Нима, сизнинг кўнглингиз кўнгилу менинг кўнглим мозорнинг ҳалимими — хоҳласангиз еб, хоҳласангиз товоққа солиб кетадиган. Гўё мен розилик бергандек “совчи юбораман” дейишингизни-чи!

— Сенга айтсам, ҳозир гапирганларим ҳаммаси жиддий. Билсанг, сенинг самимийлигингни, қалбинг беғуборлигини боя бир-икки оғиз гаплашганимдаёқ билиб олдим. Сендайин инсонлар борган жойини жаннатга, умр йўлдошини бахтли одамга айлантира олади. Кўнглингни обод, ўзингни бахтли қилиш эса менинг қўлимдан келади. Мана шуларни ўйлаб, таваккал, гапнинг пўсткалласини айтиб қўяқолдим, чунки гапни чўзиб юрсам, яна бахтимни бой бериб қўйишим мумкин экан. Ана, Тошкентга ҳам келиб қолдик, менинг таклифимни яхшилаб ўйлаб кўр, келаси ҳафта якшанба кuni уйдан қайтар пайтинг шу ерда кўришамиз.

Мунисанинг қизиллик югурган чехрасида маъсумлик акс этарди.

— Ишонтиролмайману, лекин айтган вақтингизга келишга ҳаракат қиламан.

Биз хайрлашиб икки томонга кетдик. Мен ижара хонам томон одимларканман, Мунисани ўйлаб борардим. Ниҳоятда самимий, қатъиятли, мулоҳазали, сўзлашида сунъийлик, ноз-изтиғно йўқлиги, жозибаси билан

кишини ўзига тортишини фаҳмладим. Бундай қизлар бекорга валдирайвермайди, ҳар бир сўзини ўйлаб гапирди, ҳаётда тутумли, бошлаган ишини бажармагунча кўнгли тинчимайди.

Афсуски, шанба кунини уйга эмас, бошқа вилоятга семинарга кетишга тўғри келди. Мунисага ёлғончи, тутуруқсиз бўлиб қолдим. У билан учрашолмаганим етмагандек, бундан буён кўришиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлгандим. Агар бир тасодиф рўй бермаганда, уни бутунлай йўқотган бўлармидим.

Таътилга чиққанимда ёз ҳам оёқлаб қолай деганди. Қақшаган асабларимга, чарчаган вужудимга дам берай деб тоққа, қуда буванинг олдига кетдим. Бу ерда аввалгидек, роса ўн кун мириқиб дам олдим. Ҳар хил хаёлларга берилишимга қуда бува имкон бермай ўз “дорилфунун”идаги таҳсилини канда қилмади. Хуллас, дам олишим аввалгисидан-да ажойиб ўтди. Ўн биринчи кунини қуда бува билан хайрлашиб йўлга тушдим.

Бу жойларга одамлар “ботинка автобус” деб атайдиган “КАВЗ” автоулови ҳар уч соатда чиқиб, тоғ-тошдан тушадиганларни туман марказига олиб боради, бир соатдан кейин орқасига қайтади. Бир кунда уч бора қатнайди.

Мен автобусни иккинчи жадвалда келадиган пайтини мўлжаллагандим. Бекат деб аталувчи катта ёнғоқ олдига келсам ҳар хил ёшдаги беш-олти одам бору лекин автоуловдан дарак йўқ эди. Бир чеккада туриб атрофни кузата бошладим. Рўпарамдаги баланд тоғ гўёки икки тарафида бир-бирига бақамти аскарлар каби тизилиб турган чўққилар сардоридек кўкка мағрур бўй чўзган. Иккала тоғ сафини бир неча ўн километрли жарликни тўлдирган зилол сувли денгиз ажратиб турибди. Бу манзарани суқланиб томоша қиларканман, юз қадамлар нарида янаям юқорилаб кетадиган тоғ йўли чеккасидаги дўлана салқинида кимнидир кутибми ёки

денгизга тикилибми турган қизил атласли аёлга кўзим тушди. Оралиқ масофа олисроқ бўлганидан унинг ёши-ни тахминлаш қийин эди. Аёлнинг кийиниши шу ерликларникига ўхшамасди. Унинг нимасидир менга танишдек кўринди. Аёлга қанчалик тикилиб қарамайин, у гўёки денгизнинг бетакрор манзарасига маҳлиё бўлиб қолгандек, ҳолатини ўзгартирмасди. Лекин соатига тез-тез қараб қўяётганига қараганда у жуда бетоқатланиб, асабийлашаётганди. Ниҳоят аёл бир қарорга келди шекилли, аста биз томон одимлай бошлади. У оралиқдаги масофанинг ярмини босиб ўтганида юракларим қаттиқ ура бошлади. У — Муниса эди. Менга унинг атлас кўйлакдаги ҳолати таниш кўринганлигини фаҳмладим. Чунки аввал ҳам шу либосда кўргандим-да. Атайин терс бурилиб олдим.

— Билмайсизми, автобус қачон келаркан? — ёнимга етиб келган Муниса мендан сўради.

— Сен?! — Ўгирилиб, ажаблангандек унга тикилдим.

— Сиз?! — Ҳайратланиб қаради менга.

— Нима қилиб юрибсан бу ерларда? Нуқул кутилмаган жойларда учратар эканман-да сени!

— Мени шу ердаги мактабга ишга юборишди маориф бўлиmidан. Ўзингиз бу ерларда нима қилиб юрибсиз?

— Аслида журналистларга бундай савол берилмайди, чунки улар ҳамма жойда учраши табиий. Ўзимнинг бу ерларда юришимнинг аниқ жавоби — ҳув анави кўри-ниб турган тоғ ёнбағрида акамнинг қайнотаси асалари боқади. Мен ҳар замонда шу ерда дам олишга келиб тураман. Ажойиб жой. Роса чарчаган эканман — ўн кун дам олиб қайтпман.

— Бировларни учрашувга чақириб кўйиб ўзингиз шу-нақа тоғу тошда дам олиб юраверинг, — деди Муниса эркаланиш оҳангида гина қилиб. — Мен бечора, сизнинг дардингизга дард қўшмай деб, айтган жойингизга келиб

кутиб ўтирибман-а, қиз бошим билан. “Ўл-а, аҳмоқ” дейдиган одам топилмади ўшанда. Роса жаҳлим чиқиб, сиздан кўнглим қолганди. Ҳозир яна бегона жойда, жудаям диққатим ошиб турганда учраб, бутун гиналаримни йўққа чиқардингиз-а.

— Билсанг, ўша айтган куним Фарғона шаҳрида ўтказилган республика семинарига кетгандим. Сени огоҳлантиришнинг иложини тополмадим. Шу бўйича мен ҳам сенинг изингни йўқотиб, дардим ичимда, юргандим. Мана бошим, ҳув ана кунда, ўшанга кўйиб қатл этсанг ҳам розиман, фақат узримни қабул қилсанг бўлди.

— Агар менинг ташвишларимни енгиллаштиришга ёрдам берсангиз, майли, узрингизни қабул қиламан.

— Нима ташвишингиз бор, маликам, буюринг, анави тоғлар йўлингизни тўсдими — уни кемираман ёки мана бу денгиздан ўтолмадингизми — уни симираман, лекин сизга йўл очаман, — ҳазилга бурдим Мунисанинг кўнглини кўтариш учун.

— Тоғу денгизни тинч кўя туRING, — жилмайди қиз ҳорғин, — боя эрталаб биринчи автобусда келгандим. Зорманда ҳар уч соатда бир юраркан ўзиям. Биттагина автобус, мабодо бузилиб қолса келмаям кўявераркан. Мана, тўрт соатки ё юборилган манзилга етолмайман, ёки ортимга қайтиб кетолмаяпман.

— Қайси мактабга юборишди? Қаерда экан у? — қизиқиб сўрадим.

— Айтишларича, йигирма беш-ўттиз хонадонли тоғ қишлоғи экан. Шу қишлоқда кичкинагина мактаб бор экан. Мактабга бошланғич синф ўқитувчиси керак деб, маориф бўлими менга шу ёққа йўлланма берса, денг.

— Сен кимёни битирган бўлсанг, нега бошланғич синф ўқитувчиси қилиб юборишади?

— Билмасам. Туман бўйича менинг фаним учун вакант ўрин йўқ эмиш. Бормасанг, дипломингни ололмайсан, деб дўқ қилишди.

— Ким экан ўша дўқ қиладиган валлакат?

— Зайнаб Қобуловна деган инспектор экан. Эшитишимча, тумандаги ҳамма мактаб аъзолари зир титрармиш.

— Шундай қилиб, ҳали мактабга ҳам етолмадингми? Бунақада уйга қандай кетмоқчисан?

— Қайдам. Бир одамдан ўша қишлоқни сўрасам, агар бирор “ГАЗ—66” ёки “УАЗ” келиб қолмаса бугун пиёда манзилга етиб бўлмаслигини айтди. Лекин тўрт соатки, на у ёққа, на бу ёққа ҳеч вақо ўтмади. Чарчаб, қоринларим очиб кетди. Бу ҳам майли-я, автобусдан дарак бўлмаётганига ҳеч ёққа кетолмай қоламанми деб, кўрқиб тургандим. Сизни кўриб, шундай севиниб кетдимки, боя айтганимдек, ҳатто гуноҳингиздан кечиб, аламташвишларимни унутиб юбордим. Сизни нажоткорим десам ҳам бўлади.

Муниса охирги сўзларини ўзини менга яқин олиб, қадрли кишисидек эркаланиб айтди.

Дилимга ёқимли ҳислар таралди. Демак, менга, таклифимга бефарқ эмас экан.

— Сенга ҳали ҳеч қандай нажот кўрсатмадим-ку!

— Сиз менга йўл кўрсатасиз. Сизга айтсам, бу гадо топмас гўшалардан омон-эсон уйга етиб олишимга ёрдам беришингиз керак. Иккинчидан, бу ерларга қайтиб келмаслигим учун нима қилишим зарурлигини айтасиз. Учунчидан, қорним оч, назаримда тоғ ҳавоси ошқозонимни ялаб юборгандек.

Мен Мунисага яқинлаштирадиган имкониятлар кўлами кўпайганидан мамнун эдим.

— Боя сенга тиккан жонимни омон қолдириб, гуноҳимдан ўтганинг учун ҳар қандай ёрдамга тайёрман. Муаммоларингни ҳал этишни учинчи қисмидан бошлаймиз. Бунинг учун анави жилға бўйига тушсак, бас.

Мунисанинг истарали чехрасига табассум ёйилди:

— Сизни қувноқ, зукко, ҳозиржавоб, ҳар қандай му-

аммони уддалайдиган йигит деб қизлар бир-бири билан талашишганини эшитгандим. Бекорга эмас экан-да. Қани, бошланг-чи, бу овоза қанчалик тўғри-нотўғрилигини билиб олиш имконияти қийин эмасга ўхшайди.

Бекатда турганларга мабодо автобус келиб қолса, бизни жилға бўйидан чақиришларини илтимос қилиб, мен олдинда, Муниса изимдан сой томон тушиб бордик. Юк халтамдан қуда бува солиб берган сур гўшт, иккита тушенка, қотирилган патир нон тугилган тугунни ечиб ўртага қўйдим. Йиғма стаканда жилға суви олиб Мунисага узатдим.

— Қани, тушликка марҳамат! — деб ўзим тамадди қилишни бошлаб бердим. Ҳамроҳим ҳам мени ўзига яқин билибми ёки очлик зўрлик қилибми, ортиқча манзиратга ўрин қолдирмай ўртага қўлини чўзди. Патир нонни сувга бўктириб-бўктириб олгандим, бирпасда юмшоқ бўлиб қолди. Иккимиз индамай чорак соатча тамадди қилдик.

— Бундай овлоқ жойларга ёлғиз келишга кўрқмадингми? — Мунисадан сўрадим у ейишдан бир оз тийилгач. — Ахир, бу ерларда ҳар хил ниятли одамлар учраши мумкин-ку!

— Қайдам. Ўша Зайнаб Қобуловна “Бор, директорга қўл қўйдириб кел” деб йўлланмани берса, ноиложликдан келаверибман-да. Адам қари, “юринг” дейиш ноқулай, укам армияда. Ўзим йўлга чиқиб, сўраб-сўраб шу ергача етиб келганим. Агар машина учраб қолганда, билмадим, ўша қишлоқдан қачон қайтарканман.

— Балки, бутунлай ўша қишлоқда қолиб кетишинг ҳам мумкин эди. Бирортаси ўзига хотин қилиб олиши ҳеч гапмас-да.

— Қўйинг, одамни кўрқитманг. Ўзим сизни кўргунча кўркувимдан қутулолмай тургандим. Сизни кўрганда вужудимдаги кўркув титроғи севинч титроғига айланди.

— Мендан-чи, мендан кўрқмаяпсанми? Айниқса ҳозир, ёлғиз қолганимизда, — синовчан Мунисага тикилдим.

— Сиз бугун нафақат ҳамқишлоғим, балки халоскорим, энг яқин кишимдек азиз бўлиб қолдингиз.

Юрагим яна қаттиқ-қаттиқ ура бошлади.

— Фақат ҳозир шундай туюлаётган бўлса, қишлоққа борганимизда яна бегонага айланарканмиз-да.

— Буни сиздан кутиш мумкин, чунки бировларни учрашувга чақирасиз-у, ўзингиз келмайсиз.

Вужудимга аввалги ҳис-ҳаяжонларим қайтиб келгандек энтикиб кетдим.

— Ие, бу ҳақда боя гапириб, гуноҳимдан ўтгандинг, шекилли.

— Ўтишга ўтдим, аммо ўша кунги ҳис-ҳаяжонларим ҳануз тарк этгани йўқ. Чунки ўшанда сиз билан хайрлашган фурсатдан бошлаб хаёлимни эгаллаб олгандексиз. Балки, менга тикилиб қараганингизда кўзингизда ўтли нигоҳингизни кўриб гипноз таъсирингизга тушгандирман. Бир пайтлар сизнинг гипноз қилишга ўхшаган қобилиятингиз ҳақида ҳам эшитгандим-у, ўшанда ишонмай кулиб қўя қолгандим. Эҳтимол, якшанба куни учрашувга чақириб, нима демоқчи бўлганингиз қизиқтирган-у, билиш иштиёқи мени бориб кутишга ундагандир. Шунинг учун мени куттирганингиздан жаҳлим чиққан бўлса-да, келмай қолишингиз бежиз бўлмаганлигини фаҳмладим. Чунки сиз алдоқчи эмассиз. Ўшандан кейин сизни қайта кўрмаган бўлсам-да, сиз ҳақингизда пинҳона сўраб-суриштирдим. Эшитишимча, сиз илгари Латифа опамни, кейинроқ Гуласални яхши кўрган экансиз. Лекин улар бевафолик қилишганини билдим. Бевафоликлардан безор бўлиб бошқа бирорта қизга кўнгил қўймай юрганингизни ҳам эшитдим. Дунёнинг ишлари қизиқ экан, бир вақтлар қанча-қанча қизлар сизни пинҳона севиб, бир-бирлари билан талашганларини эшитганман, сиз эса ўз севганингизга етолмай бевафолик, хиёнат кўриб, энди

кўнгил бозорида ўз гулини топишдан безор, сарсари кезиб юрсангиз.

— Начора, куйган кўнгил яна ёнишга безиллаб қоларкан, — дедим яқин ўтмишим эсга тушганидан маъюсланиб.

— Шу сабаб, аввал кўришганимизда таваккал қилмоқчиман, деб айтгандим-да.

— Ташвиш чекманг, сизга буюрган гулрухсор сочини тараб йўлингизни пойлаб ўтиргандир.

— Йўлимни пойлагандан кўра рўпарамда сур гўшт, қоқ нон еб ўтирса яхшийди.

— Бундай фараҳбахш дамларни қайси қиз истамайди, дейсиз, — Муниса ерга боқиб қизаринди. — Сиз эса хаёлга берилавермай бояги муаммоларимнинг қолганларини ҳал этинг, балки шунда сизнинг истагингиз ҳам рўёбга ошишига нафи тегар.

— Истагим рўёбга ошишига нафи тегадиган бўлса сени шу тоғларимиз тугул Жамолунгма чўққисидан, Антарктиданинг ўртасидан, Камчатканинг нариги томонидан бўлса ҳам соғ-омон уйингга олиб бориб қўяман. Зайнаб Қобуловна ўрнида Азройил ўтирган бўлса ҳам, ишингни ҳал қилиб беришга тайёрман.

— Сиз сўзингизнинг устидан чиқишингизга ишонман, — дея Муниса кулди. — Лекин истагингиз йўлида яна бир синов учрайди. Уни бажаришингиз, билмадим, мушкул-ов.

— Қандай синов экан?

— Адам.

— Бундан чиқди, ўзинг розисан, шундайми?

— ...

— Ундай бўлса мен биринчи шартингни бажаришни бошлайман, — дегандим, юқоридан автобус сигнали эшитилди. Ваҳоланки, мен Мунисага “Қани, юқорига кетдик” демоқчийдим. Муниса яна ҳайрат-ла тикил-

ди. Кейин кулишдик. Биз нарсаларимизни апил-тапил йиғиб, жилға сувидан тўйиб-тўйиб ичдик-да, юқорига йўл олдик.

Автобус йўлда бузилиб қолгани учун кечиккан экан. Қайтишимиз анча енгил бўлди. Кечки соат ўнларда қишлоққа етиб келдик. Мунисаларнинг дарвозаси тепасидаги чироқ ёруғида адасининг қораси кўрингани учун у билан хайрлашмоққа қўл чўздим. Кафтимга олган қизнинг қўли бамисоли чўғ эди. Бу иссиқлик юрагимда ловуллаётган алангани янаям кучайтирди.

* * *

Келишувимизга биноан, Муниса билан туман маориф бўлими биносининг ёнида учрашдик. У ташқарида кутиб турадиган, мен Зайнаб Қобуловнанинг олдига кириб чиқадиган бўлдим.

— Ассалому алайкум! — деб инспектор номи ёзилган эшикни очиб киргандим, ниманидир қоралаётган Зайнаб Қобуловна отарчи раққосаларникидек бўёқ-упа чапланган башарасини менга қаратди-ю, яна индамай ишида давом этди. Орадан беш, ўн дақиқа ўтса ҳамки, ҳамон жимлик. Сабрим тугаб, томоғимни қирдим.

Инспектор менинг борлигим эсига тушиб қолгандек, кўзойнак ортида катта кўринаётган кўзини менга қадади.

— Келинг, хизмат?

— Мен Муниса Насимова хусусида келгандим.

— Унинг масаласи ҳал бўлган. Бешарча қишлоғидаги мактабга бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб кетди.

— Айнан шу масалаларни аниқлаштириб олсак!

Инспекторнинг пешонаси тиришиб, менга норози боқди:

— Сизга айтдим-ку, масала ижобий ҳал этилган, Насимова касби бўйича иш билан таъминланган. Сизни яна нима қониқтирмаяпти?

— Аввало, айтинг-чи, сиз ўзингиз ўша қишлоқда, ўша мактабда бўлганмисиз?

Зайнаб Қобуловна, чамаси, биринчи марта ўнғайсизланиб, ўтирган жойида тебраниб қўйди.

— Йўқ. У томонга чиқишга маориф бўлимининг махсус автоулови йўқ. Мактаб фаолиятини директор ҳисоботи бўйича назорат қилиб турамиз. Ўзи тўрт-беш киши ишлайдиган мактаб бўлса, бориб кўришга ҳожат ҳам йўқ.

— Айтинг-чи, саксон километрли масофанинг ярмидан кўпи тоғлик йўлни ҳар уч соатда қатнайдиган биттагина автобусда, қолгани тоққа тортадиган автоуловларда босиб ўтиладиган қишлоққа ёш қизни қайси виждон билан юбордингиз? Ўзингиз ўша ерга бориб ишларминдингиз? Йўлнинг ярмида машина бўлмай қолиб, қизни бўриларми, айиқми ғажиб кетса, унга ким жавоб беради? Қолаверса, фарзандларимизнинг заминий билимини берувчи бошланғич таълим ўқитувчиси ўрнини кимё фани ўқитувчиси боса олармикин?! Бу жиноят эмасми, кўра-била туриб масалани бу тарзда ҳал этиш?

Инспекторнинг ранги оқариб, ўрнидан турди-да, дераза олдидаги графиндан сув қуйиб ичди. Сал ўзига келди шекилли, мендек оддий ёш шикоятчига ён беришни истамай, норози тўнғиллади:

— Ўзингиз кимсизки, Насимованинг ўрнига шикоятга келиб ўтирибсиз?

— Биз унаштирилганмиз, яқинда тўйимиз бўлиши керак.

Инспектор қувониб кетди. Афтидан ўзи фарқ бўлаётган вазият гирдобидан қутулиш йўлини топгандек эди.

— Айни муддао! Сиз тўйингизни ўтказиб, Насимова билан тоғда яшайверасизлар.

— Мен тоғда нима иш қилишим мумкин? Ахир, оила-ни боқишим учун бирор жойда ишлашим керак-ку!

— Сизга иш топиш менинг ваколатимга кирмайди.

— У ҳолда мен ҳам ҳозирги ишдан кетишимга зарурат йўқ деб ўйлайман. Шундай экан, эр қаерда бўлса хотин ҳам ўша ерда бўлиши лозимлигини ўзингиз ҳам яхши билсангиз керак?

— Қаерда ишлайсиз?

Мен жавоб ўрнига инспектор олдиға таҳририят хужжатини ташладим. Хужжатимни ўқиркан, Зайнаб Қобуловнанинг ранги қайта оқариб, қўллари титрар, тили калимага келмасди.

— К-к-к-кечирасиз, Баҳром Азимович, танимасни сийламас, деганлари рост экан, — дея олди у базўр. — Биздан нима хизмат?

— Сиз хизмат қилавериб чарчабсиз, дам олсангиз бўларкан. Акс ҳолда соҳангиздаги барча мутахассисларни чалкаштириб, болаларни ҳозирданоқ эсар қилиб қўясиз. Агар жуда ишлагингиз келаётган бўлса Насимованинг ўрниға ўзингиз боринг ёки бошланғич таълим бўйича мутахассис йигитни юборинг, қиз болани эмас, зеро шафқатсизлик қилишға ҳаққингиз йўқ.

— Мактаб контингенти кўп эмас, шунга фан ўқитувчиси ҳам бемалол эплайди, деб ўйлагандим, — дея минғирлади инспектор.

— Ўқувчилар кам бўлса, уларни интернатта жойлаштириб, мактабни ёпинг.

— Майли, бу ҳақда сиз бош қотирмай қўяверинг, бу масалани бир иложини топармиз. Насимовани қаерға жойлаштиришни истайсиз?

— Уни ўз мутахассислиги бўйича яқинроқ мактабда ишлашини ҳал этиб берсангиз.

— Бошқа мактабни нима қиласиз, ўзингиздаги мактабнинг кимё ўқитувчиси икки ярим ставкани ҳеч кимга бермай келаётганди. Шунинг бир ставкасини олиб берамиз.

— Икки баробар аъло иш қилган бўлардингиз, Зайнаб Қобуловна. Чунки икки ярим ставка дарс берадиган ўқитувчи ҳеч маҳал тўлақонли билим беришга қодир эмас, қайтага қаттиқ чарчаб, имкониятлари баттарроқ чегараланади, бундан ўқувчилар ҳам жабр кўради.

— Баҳром Азимович, маориф соҳасини жуда яхши тушунар экансиз, ишқилиб бояги нуқсонларимизни фош қилмайсизми?

— Эгилган бошни қилич кесмас. Фақат сиз ўша нуқсонлардан тўғри хулоса чиқариб, камчиликларни йўқотиб борсангиз, бас.

— Раҳмат, кўзимизни очдингиз. Айтганингиздек бўлади, — деб Зайнаб Қобуловна мени эшиккача кузатиб чиқди ва хайр-хўшлашиб кириб кетди.

Зайнаб Қобуловнанинг шахсан ўзи кузатиб, илиқ хайрлашганини олисдан кўриб турган Муниса инспектор кириб кетгач, қувончдан кўзлари порлаб истиқболимга пешвоз юриб келарди.

* * *

Муниса билан тўйимиз айни қиш фаслининг ўртасида ўтса ҳам ўша куни қуёш чиқиб борлиқни иситиб турди. Яқин пайтларда тўй бўлмаганлиги сабаб қариндош-уруғлару ёр-биродарлар, ошна-оғайнилар роса мириқиб, ўйнаб-кулишди.

Мен тўйимиз ўтиб, чимилдиқ кечасини Муниса билан ўтказганимдан кейингина унга етишганимга ишонч ҳосил қилдим ва Оллоҳга шукроналар келтирдим.

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм. Омадсиз ошиқ	3
Иккинчи қисм. “Бўри боласи”	142
Учинчи қисм. Дуоибад кучи	178
Тўртинчи қисм. “Хоним Афандим”	263

Адабий-бадиий нашр

Иброҳим АЗИМ

ОМАДСИЗ ОШИҚ

Роман

Масъул муҳаррир:	<i>А. Қоржовов</i>
Муҳаррир:	<i>О. Қанаев</i>
Дизайнер:	<i>Р. Ташматов</i>
Мусахҳиҳ:	<i>М. Холиқова</i>
Саҳифаловчи:	<i>Г. Курбанбаева</i>

Нашриёт лицензияси: АЎ №270

Босишга 9.11.2017 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16

“Virtex Times UZ” гарнитурасида офсет усулда босилди.

Нашр босма табоғи 18,0 Адади 4000 Буюртма №??

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.


100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51

Факс: (371) 273-19-50

Email: book@ijodpress.uz

www.IjodPress.uz



ISBN 978-9943-994-69-0



9 789943 994690

